


ЖОН БИВЕР



ЖУРЪАТСИЗЛИКНИ ЕНГИБЪ

Қандай қилиб кўркүвни енгиш ва ўз ҳаётида
Худонинг инъомларини озод қилиш мумкин.

Қадрли дўстим,

Мен ишонаманки, сиз қўлингизда тутиб турган мазкур китобдаги битик ҳозирги кундаги жамоатнинг улкан эҳтиёжига жавоб бериш учун пайғамбарлик мойланишига эгадир. Мазкур китоб чоп этилганидан буён кўп одамлар бу китоб уларга озодлик, имон ва сабр -бардошни қўлга киритишларига ёрдам бергани ҳақида гувоҳлик бердилар. Раббий менга бу ҳақиқатни очганида, менинг ўзим руҳимда уйғонишни ҳис қилдим. Мазкур китобнинг сўзлари Худо билан чуқурроқ муносабатда бўлиш учун У томонидан мойлангандир.

Раббий мазкур номани сизлар ҳамда бутун дунёдаги етакчилар билан бўлишиш истагини менинг юрагимга солди. Марҳамат, мазкур китобни менинг муҳаббатим ва қўллабқувватлашим белгиси сифатида менинг шахсий тухфам деб қабул қилинг. Мен ишонаманки, у сизга ҳамда сизга ишониб топширилган одамларга мақсад, ҳокимият ва илоҳий даъват ҳақи куч беради. Мен шунингдек, мазкур китобнинг электрон форматини бепул юклаб олиш учун бизнинг www.CloudLibrary.org сайтимизда жойлаштирдим. Сиз бу китобни эркин юклаб олишингиз ва ўз жамоатингизда тарқатишингиз мумкин.

Қадрли дўстим. Мазкур нома менинг ҳаётимни ва Худога хизматимни тамомила ўзгартирди. Мен ибодат қиламанки, сиз ҳам мазкур варақлардаги Худонинг номасини ўқиётганингизда чуқур ўзгаришни бошдан кечиринг. Мазкур нома сизга ва сизнинг хизматингиздаги одамларга қандай таъсир қилгани ҳақида эшитишдан хурсанд бўлар эдим.

Сизнинг Масихдаги биродарингиз,

Жон Бивер.



Жон Бивер

JohnBevere@gmail.com



teach reach rescue
**Messenger
International**
MessengerInternational.org

Жон Бивер

УРЪАТСИЗЛИКНИ
ЕНГИБ

Breaking Intimidation by John Bevere, Uzbek

© 2014 Messenger International

www.Messengerinternational.org

Originally published in English as Breaking Intimidation

Additional resources in Uzbek by John & Lisa Bevere Are available for free download at: www.CloudLibrary.org

To contact the author: JohnBevere@ymail.com

“Журъатсизликенгиб”, Жон Бивер, узбекча

© 2014 Messenger International

www.MessengerInternational.org

Дастлаб инглиз тилида “Breaking Intimidation” номи остида нашр этилган

Куйидаги манзил бўйича Жон ва Лиза Биверларнинг узбек тилидаги бошқа ресурсларини юклаб олишингиз мумкин: www.CloudLibrary.org

Ушбу манзил оркали муаллиф билан уланишингиз мумкин:

JohnBevere@ymail.com

Муаллифнинг мурожаати
Сўз боши
Кириш

1 -қисм.

Рухий ўринни мустаҳкамлаш

1 -боб. Ҳокимиятда юриш.....	11
2 -боб. Рухий ўрин ва ҳокимият.....	21
3 -боб. Иккита чегарадан чиқиш ҳолатлари.....	31
4 -боб. Худо томонидан берилган инъомлар.....	41

2 -қисм.

Журъатсизликни фош қилиб

5 -боб. Ҳаракатсиз турган инъомлар.....	55
6 -боб. Журъатсизлик туфайли фалаж бўлганлар.....	69
7 -боб. Журъатсизлик руҳи.....	81

3 -қисм.

Журъатсизликни енгиб

8 -боб. Инъомларни алангалатиш	95
9 -боб. Журъатсизликнинг илдизи.....	109
10 -боб. Истакнинг ўзи етарли эмас.....	123
11 -боб. Худодан кўрқиш одамдан кўрқишга қарши.....	141
12 -боб. Ҳаракатқилмоқёкитаъсиргажавобқайтармоқ....	159
13 -боб. Соғлом ақл руҳи.....	171
14 -боб. Олдинга интилиб.....	187

Эпилог

МУАЛЛИФНИНГ МУРОЖААТИ _____

Бу китобни ёзар эканман, Худо менга башорат қилиб деди: «Ўғлим, охириги кунларнинг имонлилари буюк кўшинига даъват этилганлардан кўпчилиги журъатсизлик билан боғланганлар. Уларнинг юраклари Худога ва одамларга нисбатан пок, бироқ, худди Гедеон сингари улар одамдан кўрқув билан боғланганлар (Суд 6:8). Мен уларга берган инъомларим ҳаракатсиз ётибди. Мен кўпчиликни озод қилиш учун бу китобни мойлайман. Улар олдинга қадам ташлашади ва кўрқмасдан Менга итоат қилишади. Улар шавкатли жангчиларга айланадилар ва Худонинг кучи билан буюк ғалабаларга эришадилар».

Мен Жон Бивер билан кўп йиллар хизмат соҳасида ҳамкасб ва қадрдон дўст сифатида танишман ва бу мен учун катта имтиёз деб ҳисоблайман. Худо уни бизнинг авлодимизга ғалаба, имон ва умид мактубини етказиш учун кўтарганига бутун юрагим билан ишонаман.

Жон Бивернинг «Журъатсизлик енгиб» китоби бутун Масих танаси ўта муҳтож бўлган, айна вақтида ёзилган мактубдир. Бу дунёга етиб бориш учун, Худо бизга берган инъомларни ишга солишимиз зарур. Шу билан бирга, Масихдаги ҳокимиятимизга нисбатан айёр ёки унча айёр бўлмаган ҳужумлар туфайли, орамиздан кўпчилик бу мақсаддан воз кечишяпти.

Шайтон сиздаги Худонинг инъомлари ҳаракатини тўхтатиш учун қўлидан келгунича керакли вазиятларни туғдиради ва одамларни ишга солади. Худонинг Сўзида, журъатсизимонлилар ғалабага эришганларининг кўп мисоллари бор. Иешуа бирНун, Геден, Неemiaх ва Довуд – улардан баъзилари холос. Муқаддас Ёзувда шундай дейилган: «Сенга қарши қилинган бирорта қурол, муваффақиятли бўлмайди» (Иш 54:17).

Бу китоб ва Муқаддас Рухнинг кучи туфайли, ҳар бир имонли журъатсизлик ва уятчанликни енгиб, ғалабага эриша олади. Шундай экан, Худо бу авлодда ҳеч қачон ортга чекинмайдиган жангчилар кўшинини кўтарсин.

Жон Мейсон

«Ўртачалик исмли душман» ва «Ваъда сўзлари» китобларининг муаллифи.

КИРИШ

Сон-саноксиз масиҳийлар журъатсизлик билан курашмоқдалар. Лекин унинг томири билан курашиш ўрнига, янада кўпроқ унинг окибатлари билан курашмоқдалар. Қимматбаҳо жиҳозлар билан жиҳозланган чиройли, аммо бир хонасининг устида томи бўлмаган уйни тасаввур қилинг. Кучли ёмғир ёғиб бутун уйни тўлдиради ва ичидаги деярли ҳамма нарса яроқсиз ҳолатга келади. Ифлос бўлган ва бузилган жиҳозларни, деворлар ва полларни тозалаш учун кўп вақт керак бўлади. Бузилган барча нарсаларни тўғирлаш учун уйнинг эгаси кўп ишлаши керак бўлади.

Иш деярли якунига етай деганида, бошқа ёмғир бошланиб, барча таъмирланган нарсаларни вайрон қилади. Кайфияти бузилиб, уйнинг эгаси яна машаққатли ва зерикарли таъмирлаш ишларини бошлайди. Аммо бирмунча вақт ўтиб ёмғир яна уйнинг ҳамма ички жиҳозларини вайрон қилади. Ҳар дафъа ёмғирнинг вайрон қилувчи кучи кўпроқ бўлади. Умидсиз бўлган уй эгаси бир кун бу ишни ташлайди ва бу омадсизлик унинг ҳаётга бўлган муносабатига бутун умр таъсир кўрсатади.

Албатта, бу беъманилик. Сиз ҳойнаҳой: «У аввал томни тузатиб, кейин бузилган нарсаларни таъмирласа бўлмасмикин? Эҳ, нодон!» деб ўйларсиз.

Нима бўлганда ҳам, бу мисол қандай қилиб кўпчилик журъатсизлик билан курашишга ҳаракат қилаётганини кўрсатаёпти. Журъатсизликнинг кучини яқсон қилиш ўрнига, улар унинг натижаларини: ғамгинлик, саросимага тушганлик, умидсизлик, тушкунлик ва шу кабиларни бартараф этишга ҳаракат қилишяпти.

Баъзилар руҳшуносларга мурожаат қилиб, қандай қилиб ўз кўркувлари билан яшашни ўрганиш орқали, журъатсизлик билан курашяптилар. Бошқалар ҳаётларини журъатсизлик куллигига тобе қилиб, ҳатто озодликка умид қилишга ҳам

журъат қилмаяптилар. Улари ҳам, булари ҳам, худди томи тешик уйда ва ипигача жикқа хўл бўлган жихозлар орасида яшамоқдалар. Яна бошқалари ўзларини ҳаммадан олиб қочмоқдалар. Умидсизликда улар ўзларининг жикқа хўл бўлган уйларини тарк этмоқдалар.

Агар сиз шу аҳволга кўникмоқчи бўлсангиз, бу китоб сизга ёрдам бермайди. Лекин бу китоб - ҳар қандай қўрқув ва қўрқоқликдан озод бўлишнинг илоҳий йўлини кўрсатади, токи сиз ҳаётингиздаги Худонинг даъватини амалга ошира олинг.

Мен бу китобнинг устида ишлаш жараёнида кўп соатларни компьютер олдида ўтказдим ва Раббийдан ёзаётган китобимда Унинг бошқарувини сўрадим. Бир куни эрталаб ишлаётган эдим ва Раббийнинг ҳузур хонани тўлдирганини ҳис қилдим. Мен компьютер олдидан турдим ва юриб ибодат қила бошладим. Ибодат вақтида Раббийнинг Руҳи башорат қилиб менга қуйилди ва шундай сўзлар туғилди:

«Ўғлим, охиргикунларнинг имонлилари буюк кўшинига даъват этилганлардан кўпчилиги журъатсизлик билан боғланганлар. Уларнинг юраклари Худога ва одамларга нисбатан пок, бироқ, худди Гедеон сингари улар одамдан қўрқув билан боғланганлар (Суд 6:8). Мен уларга берган инъомларим ҳаракатсиз ётибди. Мен кўпчиликни озод қилиш учун бу китобни мойлайман. Улар олдинга қадам ташлашади ва қўрқмасдан Менга итоат қилишади. Улар шавкатли жангчиларга айланадилар ва Худонинг кучи билан буюк ғалабаларга эришадилар».

Бу шунчаки назарий таълимот эмас. Кўп йиллар давомида мен ўзим журъатсизлик билан боғланган эдим. Менинг курашувимдаги энг жиддий тўскинлик шундан иборат эдики, мен муаммоларимнинг манбаи қаердалигини тушунмаган эдим. Лекин Худо бу ёвуз душманни фош қилди. Ўша вақтдан буён, бутун дунё бўйлаб масиҳийларни озод қилиш учун, У мана шу номани ишлатапти.

Бир етакчи ҳатто хайқириб: «Бу таълимот Америкадаги ҳар бир чўпоннинг қўлида бўлиши керак!», - деди. Бу нома нафақат чўпонлар учун, шунингдек, жамоатнинг ҳар қандай аъзоси

учун ҳамдир. Бу китоб сизнинг қўлингизга тасодифан тушиб қолганига ишонмайман. Ўзингиз озод бўлганингизда, илтимос, бу номани унга муҳтож бўлганлар билан бўлишинг. Бу сизга ўзингиз унда мустаҳкамланишингизга ёрдам беради.

Бу йўлнинг бошланишида, ибодатда менга қўшилишингизга чорлайман. Илтимос, юрагингизни очиб Худонинг хузурида куйидаги сўзларни айтинг:

Ота, Раббим Исо Масиҳ номи билан сўрайман, бу китобни ўқишим жараёнида, Муқаддас Руҳ менга Сенинг Сўзингни очсин. Илтимос, ҳаётимдаги ҳар қандай ҳимоясизликни фош қилгин ва йўқ қилгин, токи журъатсизлик ва кўрқоқлик таг- томири билан йўқ бўлсин. Мен Сенга янада яқинроқ бўлайин ва дадиллик билан Раббим Исо Масиҳ ҳақида гувоҳлик берайин.

РУҲИЙ ҲОЛАТНИ МУСТАҲКАМЛАШ

ҲОКИМИЯТДА ЮРИШ

Худо сизга берган ҳокимиятда юринг, акс холда, кимдир уни олиб сизга қарши ишлатади.

Раббийга хизмат қилар эканман, мен кўпроқ ва кўпроқ шуни тушунапманки, У ҳаётимизга бўлган Ўзининг даъватини амалга ошириш учун вазиятлар ва одамларни ишга солади.

1983 йили мен жуда катта бир жамоатга тўлиқ вақт хизматга кириш учун инженерлик касбимни қолдирдим. Мен чўпонга, унинг хотинига ва барча келиб кетувчи меҳмон хизматчиларга хизмат қилар эдим. Мен уларнинг кун мобайнидаги мухтожликлари ҳақида ғамхўрлик қилар эдим, токи Худо уларни даъват қилган ишга уларнинг кўпроқ вақтлари бўлсин. Тўрт йилдан сўнг Худо менга бошқа катта жамоатда ёшларнинг чўпони бўлишга имкон берди.

Ўша ҳафта мен у ердан кетишим керак бўлган вақтда, худди шундай жамоатда ишлайдиган бир киши, менга нисбатан Худо унга сўз берганини хотинимга айтди. Ўша пайтдан буён бу сўз менинг қулоғимда огоҳлантириш каби жаранглаб, менга ҳимоя, донолик ва куч бераяпти. Худодан келадиган ҳақиқий сўз билан бўладигани каби, у менинг юрагим учун йўл кўрсатувчи юлдузга ва мени иккиланишдан сақловчи асосга айланди.

Ўша одам хотинимни шундай деб огоҳлантирди: «Агар Жон Худо унга берган ҳокимиятда юрмаса, кимдир уни олиб қўяди ва унга қарши ишлатади». Бу сўз зудлик билан таъсир

кўрсатди. Мен уни Худонинг донолиги сифатида қабул қилдим, аммо ўшанда қандай қилиб уни амалда қўллаш ҳақида тўлик тушунчага эга эмас эдим. Бу билим бир неча йилдан сўнг пайдо бўлади.

ҲАЁТНИ ЎЗГАРТИРУВЧИ ТАЖРИБА

90 йилларнинг бошида Раббий, менинг ҳаётимга нисбатан Унинг даъвати, бу- мен жамоатлар аро юриб одамларга хизмат қилишим эканини тасдиқлади. Шундай қилиб, мен бир қанча вақт саёҳат қилдим ва ҳаётни ўзгартирувчи тажрибани қўлга киритдим, унинг ёрдамида Худо менга бир неча йил аввал айтган сўзларни ахийри тушундим.

Бир жамоатда биз чоршанба куни кечки вақт хизмат қилишни бошладик ва якшанба кунига шундай давом эттиришимиз керак эди. Худонинг Руҳи қудратли равишда ҳаракат қилди, кучли озодликлар юз берди, одамлар шифоланиб нажот топдилар. Йиғилишларда Худонинг ҳузури ҳар кеч кучайиб борди.

Биринчи ҳафтадаёқ «янги аср» (нью эйдж) ҳаракатига қўшилган аёл шарафли тарзда озод бўлди. Кўринишидан, бу барча кейинги хизматларнинг муваффақияти учун туртки бўлди. Ҳафта давомида одамлар 90 миля (ўртача 140 км) радиусида кишлоқлардан келишди.

«Биз бу хизматларни тўхтата олмаймиз. Худо бизлар учун нимадир катгароғига эга», деди чўпон. Мен рози бўлдим ва биз яна 21 хизматни ўтказдик. Худонинг Сўзи жарангдор жилға каби қуйилди ва Руҳнинг инъомлари ҳар бир хизматда намоён бўлди.

Бир куни кечқурун, хизматнинг иккинчи ҳафтаси давомида, воизлик вақтида мен ўгирилиб созанда ва куйчилар билан юзма юз кўришдим (саҳнада улар 25 тага яқин киши эди). Сўнг мен эълон қилдим: «Бу саҳнада гуноҳ бор. Агар сиз тавба қилмасангиз, Худо уни фош қилади».

Бу сўзларни ўзим айтаётганимни эшитиб: «Ана холос! Бу қаердан келди?» деб ўйладим. Бироқ мен етарли даражада кўп

вақтдан буён воизлик қилар ва билар эдимки, баъзан шундай воқеалар содир бўлади: Худонинг мойланиши шунчалик кучли намоён бўлганидан, сиз қандайдир сўзларни айтасиз, лекин сизнинг жисмоний кулоқларингиз бу сўзларни сиз уларни айтиб бўлганингиздан кейин эшитади. Биз Худонинг руҳлантириши остида гапирганимизда бу - «пайғамбарчилик воизлиги» дейилади.

Менинг онгимда: «Мен ўзи нима дедим?» деган саволлар пайдо бўлди. Бироқ мен тезда б у фикрларни рад қилдим, чунки айтилган сўзлар Худодан эканлигини билар эдим. Мен бу ҳақда олдиндан ўйламаган эдим, шунчаки воизлик қилиш учун мойланиш менинг устимга кучли қуйилган эди.

Ҳар бир хизматда тўда -тўда одамлар кўпайиб борди. Учинчи ҳафта, яна воизлик вақтида мен ўгирилиб саҳнадаги одамларга бармоғим билан кўрсатдим ва Муқаддас Рухнинг бошқарувида дадил эълон қилдим: « Бу саҳнада гуноҳ бор. Агар сиз тавба қилмасангиз, Худо уни фош қилади ва сиз четлатиласиз!» Менинг ишончим комиллиги ва ҳокимиятим ўсиб бораётганини ҳис қилдим. Эндиги сафар мен бу сўздан иккиланмадим, чунки билган эдим: Худо Ўзининг уйини гуноҳдан тозалаяпти.

ҲУКМ ҚИЛМОҚ ЁКИ ҲУКМ ҚИЛИНМОҚ

Агар гуноҳ бизнинг ҳаётимизга ўрмалаб кирса, Муқаддас Рух бизни фош қилиб тўғрилайди. Бироқ агар биз кулоқ солмасак, совушни бошлаймиз ва бефарқ бўлиб борамиз. Бу эса токи биз юрагимизда Раббийга бутунлай ҳиссиз бўлиб қолганимизча давом этади.

Ўшанда бизга ёки атрофимиздагиларга етиш ва ҳимоя қилиш учун, Худо кимнидир гуноҳни фош қилиш учун жўнатади. У буни, бизни қийин ҳолатга қўйиш учун эмас, аксинча, огоҳлантириш ва ҳимоя қилиш учун қилади. Агар шундаям биз кулоқ солишдан бош тортсак, унда ҳукм келади.

« Агар биз ўз-ўзимизни ҳукм қилганимизда эди, маҳкум бўлмас эдик. ³²Биз бу дунё билан бирга

маҳкум бўлмаслигимиз учун ҳозирги вақтда ҳукм қилиниб, Раббий томонидан жазоланмоқдамиз».

Кор 1. 11:31-32

Худо бизга тавба қилиш имконини бериш ва бизни жазодан халос қилиш учун, қанчадир вақт гуноҳга тоқат қилади. Бирок хатто бизни жазолай туриб, У бизни дунё билан бирга ҳукм бўлмаслигимизни истайди. Мол -мулкини сарфлаб ташлаган ўғил, чўчқахонада бўлиб қолганида ўзига келди. Гуноҳ қилишни давом эттириб, бир куни Хўжайиндан: «Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар!»-дейишни эшитгандан кўра, яхшиси чўчқахонада ўзига келган афзалрок (Матто 7:23).

Агар биз тавба қилмасак, Худо буни истамаса ҳам, азоб чекамиз. Бу хусусда ҳаворий Повул шундай деган: «Шу сабабдан, сизларнинг кўпларингиз заиф ва касалсизлар, хатто ўлганлар ҳам оз эмас»(1Кор.11:30). Гуноҳ рухий ва жисмоний ўлимни олиб келади. Ўша жамоатда Раббий саҳнадагилардан кимдир тавбага олиб келиш учун жазолаётганини ҳис қилдим. Аммо У кимни гуноҳда фош қилаётганини билмас эдим.

ҚЎРҚИТУВНИНГ АЙЁР ҲУЖУМИ

Кейинги кун кечкурун, чўпон ва мен хонада ўтириб хизматга тайёрланаётган пайт, бир оқсоқол келиб созандалар ва ҳамду-саночилар қовоғи солинган кўринаётгани, авзолари бузукқа ўхшашини айтди. Чўпон улар шунчаки кетма -кет хизматлардан чарчаган деб ўйлаб: «Шунчаки уларга айт, ҳиссиётларини бир четга қўйиб, чиқиб Худони шарафласинлар», деди. Мен оқсоқолга нигоҳ ташлаб: «Бир дақиқа шошманг. Бирор гап бўлдим?» дедим.

Мен буни ўша вақтда англамаган бўлсамда, бу кескин лаҳза эди. Худо менга химоя қилиш ва хизмат қилиш учун берган ҳокимиятга кимдир қарши чиққан эди. Йиғилишларда бўлаётган ҳодисалар душманга ёкмаётган эди ва у бунга чек

қўймоқчи бўлди.

Ўша пайтда мен бунга англамаган бўлсамда, менда танлов бор эди. Мен бу қўрқитувга итоат қилиб созандаларга айтган сўзимдан воз кечишим ва шу тариқа ўзимнинг ҳокимият ҳолатимдан ортга чекинишим мумкин эди. Ёки бўлмаса, мен ҳокимиятни сақлаб қолиб, Худонинг айтган сўзига асосланган ҳолда қўрқитувлик ва журъатсизлик кучини синдиришим мумкин эди.

Дарҳол мен ўйладим: «Жон, шу одамларни қучокласанг бўлмайдами? Ортга ўгирилмасдан ва бармоғинг билан кўрсатмасдан шунчаки воизлигингни айтсанг бўлмайдами? Ҳозир жамоатда одамлар, сахнадагилардан қайси бири гуноҳда эканлигини ўйлаб топиш билан банд. Ҳеч ким бўлмаса-чи? Ёки агар ҳатто гуноҳ бўлса ҳам, у ҳеч қачон фош бўлмаса-чи? Одамлар бир- биридан гумон қилиб, айбсиз бўлган азоб чекади. Бу жамоатга зарар етказди. Амалга оширилган шунча эзгуликни барбод қилиб қўйсанг-чи? Агар шундай бўлса, обрўйингга путур етади, сен эса эндигина жамоатлар бўйлаб сафар қилишни бошладинг.»

Бу фикрлар қайта -қайта менинг онгимга ҳужум қилди. Менинг қўрқувларим бир фикр атрофида жамлана бошлади: менга нима бўлади? Шу йўсинда, журъатсизлик сизнинг қабул қилиш идрокинғизни ўзгартириши мумкин. Сабаби шундаки, қўрқув – журъатсизликнинг томиридир ва у одамларнинг эътиборини уларнинг ўзларига қаратишга мажбурлайди.

Мукамал севги қўрқувни қувади, чунки севги ўзининг эътибори марказида Худони ва одамларни тутуди ва ўз -ўзидан воз кечади (Юҳ 1. 4:18).

Чўпон ҳеч нима демади. Биз уччаламиз қўл ушлашиб, бу хизматда Худонинг иродаси амалга ошиши учун ибодат қилдик. Сахнада биз ўзимизни бу уч ҳафта давомидаги ҳар қандай бошқа кечки хизматдагидек тутдик. Шарафлаш ва ҳамд-у сано вақтида, юрагимга Раббийдан сўз келмаганини пайқадим. Мен ҳеч қандай бошқарувни ҳис қилмадим, аммо: «Худо содиқ,

минбарга чиққанимда, ўша вақт нима дейишим лозимлигини билиб оламан», деб ўйладим.

Ҳамд-у сано тугади, чўпон эълонларни айтиб бўлди, аммо мен хануз юрагимда ҳеч нима эшитмадим. Мен: «Ўрнимдан тураман ва оёғимда турган вақт, Худо йўналиш беради», деб ўйладим. Мен воизлик ёзиб, тайёр воизлик билан чиқадиغانлардан эмасман. Мен Сўзни ўрганиб чиқаман, ибодат қиламан, сўнгра рухланиш бўйича юрагимда нима бўлса шуни гапираман. Бироқ ўшанда менинг таҳликам ўсиб борар эди, чунки вақт кетаяпти, агар Худо менга Ўзининг йўналишини бермаса, гапиришга ҳеч вақоим бўлмаслигини билар эдим.

Сўнг чўпон мени саҳнага таклиф қилди. Мен минбарга яқинлашдим ва хануз йўналишим бўлмагани туфайли, «келинглар ибодат қиламиз», дедим. Аммо ибодат вақтида ҳам мен барибир Худодан ҳеч нима олмадим. Мен бир неча дақиқа ибодат қилдим, бироқ янада ёмони шундан иборат эдики, менинг ибодатларим жонсиз эди. Сўзлар гўёки фақат оёғим остига тушиш учун оғзимдан чиқаётгандек эди. «Энди нима қилсам экан?» деб ўйладим. Мен илгари бир вақтлар воизлик қилган, Санолар китобидан бўлган воизлигимни сўзлаб беришга қарор қилдим.

Воизлик вақти, сўзларимда ҳеч қандай ҳаёт, ҳеч қандай мойланишни ҳис қилмадим. Мен фикримни бир жойга тўплаш учун курашар эдим. Гўёки Худо умуман йўқ эди. Мен: «Нима учун буни айтдим?» ёки «Мен буни қаердан олдим? Мени Муқаддас Рух эмас, хижолат бошқараяпти шекилли», деб ўйлай бошладим. Худо келиб, мен тушиб қолган бу алғов- далғовликдан мени қутқаради деб ўзимни юпатишни давом эттирдим. Бироқ ҳаммаси фақат ёмон томонга ўзгариб борди. Ниҳоят воизликни яқунладим. Бутун хизмат чамаси 35 дақиқа давом этди.

Ўзимни бутунлай йўқотган ҳолда, жойимга қайтиб келдим. «Худо, нима учун Сен охиригача ҳам келмадинг?» деб сўрадим. «Ҳамма хизматлар ажойиб ва кудратли ўтди, фақат бунисида ҳеч қандай ҳаёт йўқ эди. Бу одамларнинг ўрнида бўлсам, бошқа қайтиб келмас эдим. Ҳар ҳолда, мен аниқ у ерга қайтиб

боришни истамайман». Ўша куни кечкурун мен бир қоп қум ютиб юборганлик ҳисси билан уйқуга ётдим.

Кейинги куни уйғониб, бир қоп қум тоққа айланганини ҳис қилдим. Шунчалик қийин эдики, ҳатто тўшакдан чиқишни истамас эдим. Қувонч мени тарк этди. Ибодат қилишга чиқиб: «Нимага Сен келмадинг?» деб, Худодан яна сўрадим. Жавоб бўлмади. «Гуноҳ қилдимми? Сени хафа қилдимми?» Аввалгидек жимжитлик. Мен бир соат ибодат қилдим ва ҳар бир дақиқаси курашув бўлди. Ҳамд-у сано ёзилган кассетани ёқиб бирга куйлай бошладим. Худо эзилиш руҳи ўрнига мадх кийимини беришини билар эдим, мен эса худди шундан, эзилиш руҳидан қутулишим керак эди. Бироқ мен ярим соат ҳаётсиз куйлаганимдан сўнг, янада кўпроқ ўзимни йўқотиб қўйдим. «Мен нима қилдим экан? Нима учун Сен менга жавоб бермаяпсан?»

Тушлиқдан сўнг мен ёнимиздаги далага чиқдим ва шайтонни боғлашга қарор қилдим. Ҳамма гап шунда! Бироқ борди-ю ким ўзини боғланган ҳис қилган бўлса, бу фақат мен эдим. Мен ибодат қилиб шайтонга уч соат бақирдим, аммо фақат овозимни йўқотиб қўйдим. Ортга қайтиб хизматга тайёрланиш зарур эди. Мен ўзимни овутиб: «Бундай қаршилиқда Худо бутун кечкурун Ўзини кучли намоён қилади. Шунчаки имон билан бор, Жон», - дедим.

Биз шарафлаш, ҳамд-у сано, эълон ва қурбонликни ўтказдик, менинг эса ҳиссиётим хануз кечагидек эди. Мен яна саҳнага чиққан захотим Худо келади, деб ўйлай бошладим. Мени саҳнага таклиф қилишди, яна ҳеч нима содир бўлмади. Мен йўналиш ҳақида ибодат қилдим, аммо ҳеч нима эшитмадим.

Авваллари бўлишган яна бир воизлигимни гапиришни бошладим ва яна саросима мени тўлдира бошлади. На ҳаёт, на йўналиш, на мойланиш бор эди. Бу алғов-далғовликда беш дақиқадан сўнг: «Биродарлар, ибодат қилишимиз керак. Қандайдир муаммо бор», - дедим. Бутун йиғин ўрнидан турди ва ҳаммамиз қайноқ ибодат қилишни бошладик.

ЖУРЪАТСИЗЛИК ФОШ ҚИЛИНДИ

Тўсатдан Худо менга 24 соатдан ортиқ вақт мобайнида биринчи марта гапирганини эшитдим. У менга: «Жон, сен саҳнадаги одамлар томонидан кўрқитилгансан. Сени ҳокимият ўрнидан ирқитиб ташлашди ва сендаги Худонинг инъомини ўчиришди», - деди.

Бу майин фош қилиш билан биргаликда ёруғлик оқими менинг руҳимни тўлдирди. Барча қолганлар яна 5 дақиқа давомида ибодат қилар эканлар, Худонинг Руҳи мени бутун Муқаддас Ёзув орқали ўтказиб, эркаклар ва аёллар эсанкираб қолганлари ва бу улардаги Худонинг инъомини ўчирганининг кўп ҳолатларини кўрсатди. Мен, улар ҳокимиятни қўлдан чиқариб, Руҳдаги самарадорликни йўқотганликларини кўрдим. Сўнг У мени охириги бир неча йиллик ҳаётим орқали ўтказиб, мен ҳам худди шундай қилганлигимни кўрсатди.

Зудлик билан ибодатда журъатсизлик кучини синдира бошладим. (Китобнинг хотимасида шундай ибодатнинг мисоли бор). Худо менга кўрсатган оятлардан кейинги 1соат 15 дақиқа давомида бутунлай оловли равишда воизлик қилдим. Тугатганимдан сўнг, йиғилишнинг учдан икки қисми журъатсизликдан озодлик олиш учун олдинга чиқдилар. Бу бутун уйғониш давомидаги энг буюк йиғилиш эди.

Бир ҳафта ўтмасдан, Худо саҳнадаги гуноҳни фош қила бошлади. Маълум бўлдики, бас гитарачи хизматлардан кейин ичкиликбозлик қилар экан. Бунинг устига ҳамду- саночилардан бири, йиғилишларга келадиган бир қиз билан ётиб юрар экан. Уларнинг иккови ҳам хизматдан четлаштирилдилар. Бас-гитарачи жамоатдан кетди, лекин ҳамду- саночи тавба қилди ва Раббий билан ҳаёти тикланди.

Тез орада ҳамд-у сано етакчиси ва бир гуруҳ одамлар жамоатда бўлинишни кўзғатдилар. Жамоатнинг тўртдан бир қисми улар билан бирга кетишди. Бу воқеа юз берган вақт, ҳамду-сано етакчиси зинога кириб қолган экан, бир йилдан сўнг у эри билан ажрашди ва натижада бошқа эркак билан яшай

бошлади. Жамоатда бўлинишни кўзғатган ўша оилалардан, бугун фақатгина битта оиланинг никоҳи сақланиб қолган.

Бу одамлар, мен уларга нисбатан ҳаддан ташқари шафқатсиз бўлганлигим ҳақида шикоят қилдилар. Худо уларни оғохлантирди. Агар улар бу оғохлантиришни юракларига қабул қилганларида эди, қанчалик яхши бўлар эди.

Мен бу жамоатга яна икки марта бордим ва аввалгига нисбатан кўпроқ бирлик ва кучни кўрдим. Чўпон менга: «Аслида Худо жамоатимизни тозалади ва биз кучлироқ бўлдик. Бизнинг ҳамду - саномиз ва саждамиз ҳеч қачон бу қадар эркин бўлмаган!» –деб тушунтирди. Шу билан бирга, у авваллари ҳал қилишига тўғри келган низо ва жанжаллар энди йўқлигини айтди. Худога мадҳлар бўлсин!

Худо ўша беш дақиқалик ибодат вақтида қилгани, ҳозир сиз ўқиётган китобга айланди. У менга бу ҳақда бутун дунё бўйлаб воизлик қилишим учун имкон берди. Натижада журъатсизлик куллигидан озод бўлган саноксиз эркаклар ва аёлларни кўрдим.

ҲАММА УЧУН МАКТУБ

Мен бу ваҳийни хизматдаги тўқнашувлар аро Раббийдан олган бўлсам-да, бу сабоқ фақатгина минбар ортидагилар учун деб ўйламанг. Жуда кўп масихийлар журъатсизлик билан курашяптилар. Кўп ҳолатларда, кўрқиб қолганлар нима билан курашаётганликларини англамаяптилар. Шайтоннинг кўп макрлари сингари, журъатсизлик ҳам никобланган ва яширилгандир. Биз унинг натижаларини: тушкунлик, саросимага тушиш, имон етишмаслигини ҳис қиламиз, аммо унинг томири қаердалигини билмаймиз. Агар мен кўрқитилганимни тушунганимда эди, ўша жамоатда бундай курашган бўлмас эдим. Бироқ Худо менга берган сабоғи учун, Ундан миннатдорман. Журъатсизликка қарши илдизидан курашиш ўрнига, кўпчилигимиз саросимага тушиб унинг натижалари, ҳосиллари билан курашяпмиз. Шу сабабдан, баъзан биз вақтинча енгилликни ҳис қиламиз, аммо бизнинг

жангимиз тўхтамайди. Дарахтдан барча ҳосилни териб олиш мумкин, бироқ илдизига қўл тегмас экан, ҳосил барибир ўсаверади. Бу ўсиш доираси бизни эсанкиратиб қўйиши мумкин, чунки биз бу тўсиқлардан гўё қутула олмаслигимизни ҳис қиламиз. Биз умидсизликни ҳис қила бошлаймиз ва Худо бизни даъват этган ўриндан кўра анча паст ўринда қолиб кетамиз.

Бу китобда баён қилинган ҳақиқат, сизга нафақат журъатсизлик нима эканлигини тушунишга ёрдам беради, лекин шунингдек, у сизни ҳаётингиздаги журъатсизликнинг кишанларини синдириш учун муҳим бўлган билим билан ҳам таъминлайди. Менинг ибодатим шундан иборат-ки, бу ҳақиқатни ўқиб ва унда юриб, сиз, Раббимиз Исо Масиҳнинг қули сифатида даъватингизни амалга ошириш учун озодлик олинг.

Эҳтимол, сиз олдинда турган журъатсизлик билан курашда, қандай туриб бериш ҳақида ғам чекаётгандирсиз. Кўпинча, биз ҳаётимизда бизни эзаётган баъзи нарсаларни кўрамиз ва зудлик билан енгилликни истаймиз. Бироқ одатда, тезкор қарорлар ҳаддан ташқари қимматга тушади, улар на доимий ва на мустаҳкамдир. Мен бу мактубни, у менга қандай очилган бўлса, эҳтиётлик билан шундай баён этишни истайман. Навбатдаги уч бобда, мен, бизнинг руҳий ҳолатимиз ва ҳокимиятимизни тушунишдан бошланадиган пойдеворни қўйишни бошлайман.

РУҲИЙ ЎРИН ВА ҲОКИМИЯТ

Шайтон, Раббимиз Исо ундан тортиб олган ҳокимиятни ўзига қайтариб олиш учун бизни саросимага солишни истайди.

Келинг, менга берилган сўзни муҳокама қиламиз: «Агар сен, Худо сенга берган ҳокимиятда юрмасанг, кимдир уни олиб кўяди ва сенга қарши ишлатади».

Биринчидан, руҳда алоҳида жой ёки ўрин борлигини тушунишимиз жуда муҳим ва Раббий Исога ишонувчилар сифатида биз уни маҳкам ушлашимиз зарур. Ўрин билан бирга ҳокимият келади. Душман бизнинг ҳокимиятимизга ўчдир. Агар у, Худо бизга берган ҳокимиятдан ортга чекинишимизни уддаласа, у ҳокимиятни тортиб олиб, уни бизга қарши ишга солади. Бу эса нафақат бизнинг ўзимиз, лекин шунингдек, биз ғамхўрлик қилишимиз учун топширилган одамларга ҳам таъсир ўтказди.

Ёзувда бизнинг руҳдаги ҳокимиятимиз ҳақида айтилган бир неча оятлар бор. Келинг, уларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз:

«Сарвари Коинотнинг паноҳида яшайдиган одам Қодир Худонинг соясида ором олади» (Сано 90:1).

«У мени кенг жойга олиб чиқди ва мени қутқарди, чунки У менга илтифотлидир» (Сано 17:20).

«Менинг оёғим тўғри йўлда турибди, йиғинларда

Раббийни дуо қиламан» (Сано 25:12).

Тўғридан - тўғри айтганда, имонлилар рухий дунёда қандайдир ўринга эгадирлар. Бу буйруқ: сиз имонли сифатида нафақат ўз ўрнингизни билинг, балки ундан фойдаланинг ҳам. Агар сиз ўз ўрнингизни билмасангиз, унда Масих танасида керакли даражада ҳаракат қила олмайсиз.

Оқибатда бу ҳокимият ўрни йўқотилиши ёки ўғирланиши мумкин. Бунга Муқаддас Ёзувдан яққол мисол – Яхудо Ишқариотдир. Раббий Исо самога кўтарилганидан сўнг, шогирдлар ибодатга йиғилишди. Шунда Петъор Яхудо билан нима содир бўлганини тушунтириб берди:

«Санолар китобида эса: «Унинг ҳовлиси ҳувиллаб қолсин-у, унда яшовчи бўлмасин»,- деб ёзилган» (Ҳав.1:20).

Яхудо гуноҳ қилиб, рухий дунёдаги ўз ўрнини абадий йўқотди (Ҳав.1:16-17). Кўпинча, душман айнан шу йўсинда одамларни уларнинг рухий ҳокимиятидан уриб чиқаради. Айнан шу йўл билан у Одам Ато ва Ҳавванинг гуноҳга йиқилишга қўзғатди, натижада эса уларни сиқиб чиқариб, уларнинг ва улар ҳокимлик қилган барча нарсанинг устидан ҳокимликни қўлга киритди.

Одам Ато ва Ҳавва ерда энг юқори мартабага эга эдилар. Барча тирик жонзодлар ва бутун табиат уларнинг ҳокимияти остида эди. Худо: «Улар денгиздаги балиқлар, осмондаги қушлар, чорвалар, бутун ер устидан ва ерда судралиб юрадиган барча судралувчилар устидан ҳукмронлик қилсинлар»,- деди (Ибт.1:26). Ердаги ҳар қандай рухий ва табиий соҳа инсоннинг ҳокимиятига топширилган эди. Фақат Худо ундан юқори эди.

Одам Ато ўз ҳокимият ўрнини ушлаб турганида на касалликлар, на зилзилалар, на очарчилик, на қашшоклик йўқ эди. Одам Ато Худо билан мулоқотда юрганида ва Худо берган ҳокимият ва куч орқали ҳукмронлик қилганида - ерда само ҳукм сурар эди. Гуноҳ қилиб, Одам Ато ҳокимияти остида бўлган барча нарсани қўлдан чиқарди. Жиноят қилиб, у рухий дунёдаги ўз ўрнини Худонинг душманига бериб қўйди.

Ёзув буни тасдиқлайди: шайтон чўлда Раббий Исони васвасага солиб, мақтанган эди: «Шайтон Уни баланд тоққа олиб чикиб, бутун дунёнинг шоҳликларини кўрсатди ва Унга: «Булар устидан барча ҳокимиятни ва буларнинг шухратини Сенга бераман,- чунки бу менга топширилган ва мен буни истаганимга бераман», - дея эълон қилди» (Лқ.4:6).

Худо Одам Атога ҳокимиятни ишониб топширди, шайтон эса бу ҳокимиятни Одам Атодан тортиб олди. Одам Ато шунчаки руҳий ўриндан кўра кўпроғини йўқотди. Унинг қилган иши, Худо Одам Атонинг қарамоғига топширган барча мавжудотларга ҳам таъсир қилди. Борлиқ уйғунлигининг аста-секин инқироzi бошланди.

Мисоллардан бири – ҳайвонот шоҳлигидир. Худонинг ва Одам Атонинг ҳукмронлиги остидаги боғда, шерлар бошқа жониворларни емас эди (Иш.66:25). Илонларда ўлдирадиган заҳар йўқ эди (Иш. 65:25). Қўзиларнинг бўрилардан ёки бошқа йиртқич ҳайвонлардан кўрқишига сабаб йўқ эди (Иш. 65:25). Аммо гуноҳ туфайли қулашдан сўнг дарров, яланғоч одамни кийинтириш учун, бегуноҳ ҳайвонларни қурбонликка келтирганларини кўрамиз (Ибт. 3:21). Одам жониворлар устидан ғамхўрлик қилар эди, кейинчалик эса одамлар ва ҳайвонлар ўртасидаги муносабатларда кўрқув ҳукм сура бошлаганини кўрамиз (Ибт. 9:2). Оқибатлар ернинг ўзида ҳам акс этди. Тупроқ лаънатланди ва у гўё одам тарафида эмас, балки унга қарши бўлиб қолди. Бир пайтлар у тўкинликда таъминланган ҳосилни энди у пешона тери билан меҳнат қилиб етиштирар эди(Ибт. 3:17-19). Римликларга йўлланган мактубнинг 8-боб 20-оятда шундай дейилган: *«...мавжудот ўз ихтиёри билан эмас, балки бўйсундирувчи томонидан беҳудаликка бўйсундирилган».*

Ерда ҳеч нарса: руҳий дунёда ҳам, жисмоний дунёда ҳам итоатсизликнинг оқибатларидан қочиб қутулмади. Адолатсизлик, ўлим, касаллик, қашшоқлик, зилзилалар, очарчилик, эпидемиялар ва бошқа лаънатлар ерни тўлдирди. Илоҳий тартиб ва ҳокимият қўлдан чиқарилган эди. Одам Атонинг тўнғичи аллақачон нафратланиш, ҳасад қилиш ва ўлдиришга қодир эди. Ҳимоя ва таъминот учун Худо томонидан берилган ҳокимиятни душман

олиб кўйди ва ўлдириб, яксон қилиб барча мавжудотга қарши ишлатди.

ТИКЛАНГАН ҲОКИМИЯТ

Демак, одам ўз ҳокимият ўрнини қўлдан чиқарди ва унинг ўзи уни тиклаши мумкин эди. Минг йиллар ўтиб, Раббий Исо туғилди. Унинг онаси, Худо билан аҳдда бўлган халқнинг қизи эди. Унинг Отаси – Худонинг Муқаддас Руҳи эди. У қисман одам ва қисман Худо эмас эди. У Эммануил, яъни «Худо биз билан» эди (инглизча таржимада – одамда намоён бўлган Худо) (Мат. 1:23). Унинг одам бўлиб келгани - йўқотилган ҳокимиятни қонуний равишда жанг қилиб қайтариб олишга имкон берди. Шунингдек, У Худонинг Ўғли бўлгани туфайли, одамзодни кул қилган душманнинг ҳокимиятидан озод эди.

У барча гапирган ва қилган ишида Худонинг иродасини очди. Гуноҳлар кечирилди, чунки Унинг ҳузурида бирорта гуноҳ ҳокимиятга эга эмас. Дармонсизлик ва касалликлар Унинг ҳокимияти ва обрўси қаршисида тиз чўкди (Лқ. 5:20-24). Табиатнинг ўзи Унинг буйруқларига итоат қилар эди (Марк. 4:4). У Одам Ато қўлдан чиқарган ҳокимиятда юрди. Бўйсунувчанлиги ва қурбонлиги билан Раббий Исо Одам Ато томонидан йўқотилган Худо берган ҳокимиятни ва шу орқали бизнинг Худо билан муносабатимизни тиклади.

Отасининг олдига қайтишидан аввал Раббий Исо:

«Осмонда ҳам, ерда ҳам бор ҳокимият Менга берилган. Шундай экан, боринглар ва барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ исми билан сувга чўмдириб, Мен сизларга буюрган барча нарсаларга риоя қилишни ўргатинглар. Мана, то дунёнинг охиригача ҳар куни Мен сизлар билан биргаман», - дея эътироф этди (Мт. 28:18-20).

Бундан аниқ кўриниб турибдики, Раббий Исо Одам Ато

йўқотганини ва бундан-да кўпини қайтарди. Шайтон ва Одам Ато фақат ер устидан ҳокимликка эга эдилар, лекин Раббий Исонинг ҳокимияти ўз ичига нафақат ер юзини, шунингдек, осмонни ҳам олади. Раббий Исо шайтон маҳрум бўлган ҳокимият ўрнини янада баланд кўтарди. Бизга Ўзининг ўрни ва ҳокимиятини очиб, Раббий: «боринглар», деди. Нима сабабдан Раббимиз бизнинг ҳокимиятимиз ва даъватимиз ўртасида боғлиқлик ўрнатапти? Жавобни ҳаворий Повулнинг хатларидан топамиз.

ҲОКИМИЯТ ЎРНИ

Ҳаворий Повул қуйидагиларни билиб олишимиз учун ибодат қилди: «...ҳамда Худонинг қодирлигининг қудрати бўйича биз, имондиларда ҳаракат қилаётган Унинг кучининг чексиз буюклигини пайқаб олинглар. Худо Масихда ўша куч-қудратни амалда шундай кўрсатдики, Уни ўликлардан тирилтириб, самоларда Ўзининг ўнг томониغا ўтказиб, ...бош қилиб тайинлади (Эфес. 1:19-20). Эътибор беринг: бирликда ишлатилиб «самода» дейилмаган. Ҳаворий Повул «самоларда» деб аниқ гапирган. Бунга сабабни бир неча оят пастрокда ўқиганимизда топамиз: «Сизлар ҳам жиноятлар-у гуноҳларингиз туфайли ўлик...» эдингиз, лекин Худо «У билан бирга тирилтириб, *сизларни* Исо Масихда самоларда ўтиргизди...» (Эфес. 2:1,6). Бу «самолар», Унинг сотиб олинган фарзандларининг яшаш маконидир.

Энди бошқа савол: бу «самолар» каерда жойлашган ва у жойдаги бу ўрин қандай ўрин экан? Жавобни Эфесликларга 1:21 да топамиз: «...ҳар қандай бошлиқ ва ҳокимият, куч ва салтанатдан, нафақат бу дунёда, балки келгуси *дунёда* ҳам номланадиган ҳар қандай номлардан юқори».

Масихга бурканган, сотиб олинган одамга шайтондан устун бўлган рухий ўрин берилган. Раббимиз дадиллик билан: «Мана, Мен сизларга илонлар-у чаёнларни ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини босиш учун ҳокимият беряпман ва ҳеч нарса

сизларга зарар етказмайди», - дея эълон қилди(Лк.10:19).

Энди биз «боринглар» деган буйрукни тушуна оламиз. Раббимиз имонлиларга берилган ҳокимиятни билар эди. Бизнинг қайта туғилганлик ҳуқуқимиз бизларни душманнинг ҳокимияти ва кучидан юқорида бўлган «самоларга» жойлаштирди.

Худди Адан боғида Одам Ато билан қилганидек, бугунги кунда шайтон бизларни руҳда енгиб, Раббимиз ундан тортиб олган ҳокимиятни ўзига қайтариб олиш имконини қидирмоқда. Агар шайтон бизлардан бу ҳокимият ўрнини ўғирлашни удаласа ёки бизларни уни четга қўйишга мажбур қила олса, у зудлик билан ҳаракат қила олади. Ҳаворий Повул бу ҳақда жуда очиқ айтган: «Иблисга ўрин берманглар» (Эфес. 4:27). Имонлилар сифатида, биз руҳдаги ўз ўрнимизни қўлдан чиқармаслигимиз зарур!

ШОҲЛИКНИНГ ПОҒОНАСИ

Биз шуни англашимиз керакки, Осмон Шоҳлиги – бу ҳақиқатдан ҳам шоҳликдир.

Шоҳликлар фуқароларининг ҳокимияти ва мартабасига мувофиқ курилади. Самовий ҳудудлар ҳам бундан истисно эмас. Мартаба қанча юқори бўлса, нуфуз ва ҳокимият ҳам шунча юқори бўлади.

Шайтон боғда филнинг ёки ҳатто шернинг ҳам ортидан югурган эмас. У ҳокимият негизини тушунар эди ва одамни овлашга ҳаракат қилди. Шайтон, агар одамнинг устидан ҳокимликка эришса, унда унинг қарамоғи ва бошқаруви остида бўлган бошқа барча нарсани ҳам қўлга киритишини билар эди.

Шу боис, шайтон жамоатга ҳужум қилганида, у нишонга биринчи бўлиб етакчиларни олади. Яқинда катта жамоатнинг бир чўпони хотини билан ажралишга қарор қилди. Бунинг учун ҳеч қандай библиявий асос топилмади ва у шунчаки, хотини ва болаларини ташлаб кетди. Унинг қўл остида бўлган етакчилари, бундай ҳатти-ҳаракатнинг асл мақсадидан шубҳаланганларида, у, агар уларга бирон нима ёқмаса, улар шунчаки кетишлари

мумкинлигини айтди.

У била туриб, Худонинг амрини бузди ва ўз жамоатида йўлдан оздириш ва ажралиш руҳига озодлик берди. Шундан сўнг жамоатда, шунингдек, ҳатто етакчилар орасида ҳам ажралишлар сони кўпайди. Бошқалар гангиб қолди. Довдираган ҳолда, ишонса бўладиган бирор кимсани топишга умид қилиб, улар жамоатдан- жамоатга кўчиб юрдилар. Шайтон уйдаги кучлини унинг ўрнидан уриб чиқарса, унинг ҳимояси остида бўлганлар ҳам, душман қаршисида ожиз бўлиб қоладилар.

Мен, ота-оналарнинг била туриб Худонинг амрларини бузаётганларини кўраяпман. Бундай ҳолларда уларнинг болалари ҳам уларнинг намунасига эргашадилар – бу фақат вақт масаласи. Сиз, бу лаънат деб айтишингиз мумкин. Аммо савол шуки, нима учун бундай бўлаяпти? Гуноҳ қилиб, ота-оналар руҳий дунёдаги ўз ҳокимият ўринларини тарк этмокдалар ва ўз болаларини душман олдида ожиз қилмокдалар.

РАББИЙНИНГ ДУШМАНЛАРИГА ИЗН БЕРМОҚ

Бу негизга мисолни Довуднинг ҳаётидан топиш мумкин (2-Шом. 8:18). Унинг ҳукмронлиги остида, шоҳлик хавфсиз ва кучли эди. Худо уни кўп ўғиллар ва қизлар билан дуо қилди. Шунда Довуд, Худо унга бермаганини олди: у Бафшаба билан зино қилди. У ҳомиладор бўлиб қолди, бунинг устига, унинг эри урушда бўлиб, Довуднинг ҳудудларини ҳимоя қилиб юргани вазиятни янада мушкуллаштираётган эди.

Ҳамма нарса худди Уриаҳнинг ўзи боланинг отасидек кўриниши учун Довуд уни Бафшаба билан қовушишга мажбур қилиш умидида Уриаҳ ортидан одам юборди. Бироқ Урия Довудга ва унинг шоҳлигига содиқлиги ҳиссидан ҳамда бу пайт унинг аскарлари жангларда ҳалок бўлаётгани сабабли, ўша кунлари хотини билан қовушиш лаззатидан воз кечишга қарор қилди. Гуноҳни ёпиш режаси иш бермаётганини Довуд тушунди. Уриаҳ Бафшабанинг ҳомиладор эканини билиши,

бу – вақт масаласи эканлигини Довуд билар эди. Шунда ҳамма боланинг отаси Довуд эканлигини тушунади.

Шунда Довуд Уриаҳнинг ўлдирилишини режалаштирди. Подшоҳ уни, қўлларида ўз ўлими буйруғи билан уруш майдониға жўнатди. Уриаҳни жангнинг энг қизиган жойиға ташлашди, у душманлар томонидан қуршовға олингач, у билан бирға жанг қилганлар ортға чекиндилар. Уриаҳ душманнинг қўлидан ҳалок бўлди. Довуднинг зиноси алдов, ёлғон ва қотилликка олиб келди.

Тез орада, Натан пайғамбар Довуднинг олдиға келиб, унинг гуноҳини фош қилди. Довуд: «Мен Раббий қаршисида гуноҳ қилдим», - деб эътироф этди. Шунда Натан Довудға: «Раббий сендан гуноҳни олди, сен ўлмайсан», - деди (2-Шом. 12:13).

Довуд тавба қилди ва кечирилди. Худо уни жинойтдан ҳалос қилди (Иш. 43:25-26). Аммо, давом эттириб, Натан Довудни огоҳлантирди: «Лекин сен Раббийнинг душманлари Уни ҳақорат қилишларига имкон яратганинг учун...» (2-Шом. 12:14).

Довуд кечирилди, бироқ у ўзининг ва оиласининг ҳаётиға нисбатан Раббийнинг душманларига йўл очган эди. Нафақат жисмоний душманлар, шунингдек, руҳий душманларға ҳам. Унинг оиласи ва бутун Исроил халқи каттиқ жабр тортдилар.

Довуднинг Бафшабадан бўлган биринчи ўғли ҳалок бўлди. Тахт меросхўри бўлмиш унинг катта ўғли Амнон, ўзининг ўғай синглиси Тамарни зўрлади. Довуднинг ўғли ва Тамарнинг акаси бўлмиш Абсалом, қасос олиб ўзининг ўғай акаси Амнонни ўлдирди. Абсалом кўп исроилликларнинг юрагини Довудға қарши қилди ва унинг тахтини эгаллаб олди. У отасининг канизаклари олдиға кирди ва Исроилнинг эркакларига Довудни тутиб ўлдиришни буюрди. Бироқ режа барбод бўлди ва Абсалом ўлдирилди.

Довуднинг ўғилларидан учтаси ўлди, чунки гуноҳ қилиб, у ўз оиласини Раббийнинг душманларига очди. Мен хизматчиларнинг наркотик моддаларни қабул қилувчи, жамоатға нисбатан душманларча муносабатда бўлган, ҳирс ва гомосексуализмға тобеъ бўлган болаларини кўрганман. Чунки гуноҳ орқали уларнинг ота-оналари руҳий дунёдаги ўз ўринларидан ортға чекиндилар.

Биз Муқаддас Ёзувда айтилганларни жиддийлик билан қабул қилишимиз керак: «Биродарларим, ўқитувчилар кўпроқ ҳукмга дучор бўлишларини билиб, кўпларингиз ўқитувчи бўлаверманглар» (Ёқуб 3:1). Ўқитувчилар (чўпонлар) итоатсизликлари натижасида қаттиққўллик билан ҳукм қилинадилар. Улар нафақат ўзларини, лекин шунингдек, уларнинг бошқаруви остида бўлганларни ҳам яралайдилар. Худо Довудни кечиргани сингари, уларни ҳам кечиради. Аммо улар барибир экканларини ўрадилар. Чунки душманга аллақачон ўрин берилган!

Булар – қаттиқ сўзлар эканлигини тушунаёпман. Мен сизларга ҳар қандай итоаткорлик билан мурожаат қиляёпман ва бу сатрларни кўрқув ва титроқ билан ёзаяпман. Биз жуда кўп фожеаларни кўрдик, айниқса, хизматчилар орасида. Биз суд қилишимиз ва ҳукм қилишимиз керак эмас. Биз кечиришимиз ва йиқилганларга ёрдам қўлини чўзишимиз керак. Агар улар тавба қилишса, Худо кечиради. Лекин мен бу сўзларни душман учун нишон бўлганларга қўлланма ва огоҳлантириш сифатида ёзаяпман. Бизлар ҳаммамиз итоаткорлик ва тикланганликда юришимиз керак.

Менинг тўрт ўғлим бор. Менинг гарданимда уларнинг ҳаёти учун улкан жавобгарлик ва ҳисобот ётганини англадим. Улар – Худоникидир, мен эса, шунчаки, уларнинг устидан қўйилган бошқарувчиман. Мен шайтонга ўрин берганим туфайли, уларнинг ҳаёти бузилишини кўришни ҳеч ҳам истамаган бўлар эдим.

Мен ёрдамчи хизматчи бўлган вақтимда, воизларнинг ҳаётидаги ҳар хил майда- чуйдалар ҳақида ғамхўрлик қилар эдим, токи улар Худонинг даъватини амалга ошира олинлар. Мен уларнинг кийимларини тозалар эдим, болаларини мактабдан олиб келар эдим, машиналарини ювар ва ҳоказо ишларни қилар эдим. Бир куни Худо менга бир сўз айтди ва бу мен хизматга хушёр ва хотиржам ҳолда қарашимга имкон берди. У шундай деди: «Ўғлим, агар сен ишни мана шу босқичда бузиб қўйсанг, буни тўғирлаш осон, чунки сенинг ишинг жисмоний нарсалар билан боғлиқ. Бироқ Мен сени хизмат ўринига қўйганимда, сен одамларни бошқарасан ва гаровга уларнинг ҳаёти қўйилган бўлади».

ТАШЛАНГАН ҲОКИМИЯТ

Бу бобнинг мақсади – рухий ўрин ва ҳокимиятнинг тушунчасини беришдир. Биз Худонинг душманига ўз ҳокимиятини берган ёки йўқотган баъзи одамларнинг намуналарини кўрдик. Шайтон ҳаётингизга гуноҳни юктириб, бор кучи билан ҳокимиятингизни ўғирлашга ҳаракат қилади. Агар сиз Раббийга бутун юрагингиз билан хизмат қилиш мақсадига эга бўлсангиз, шайтон сизни Масихдаги ўрнингиздан журъатсизлик ва саросима орқали уриб чиқаришга ҳаракат қилади.

Журъатсизликдан қутулишнинг биринчи қадами – ўз юрагингиз ҳолатини тўғрилаб олинг. Кейинги бобда, мен, буни қандай қилиш ҳақида ёзаман.

ИККИТА ЧЕГАРАДАН ЧИҚИШ ҲОЛАТЛАРИ

Ваҳий, унга биноан яшаш учун донолик ва феъл-атворсиз ҳеч қандай қимматга эга эмас.

Бир неча лаҳза ичида, Муқаддас Рух руҳингизга Ўзининг бойлигини қуйиши мумкин. Бироқ ваҳий, унга биноан яшаш учун донолик ва феъл-атворингиз бўлмаса, у ҳеч қандай қимматга эга эмас. Муқаддас Рух менга, Ёзувдан журъатсизликни фoш қилувчи оятларни кўрсатганида, У шунингдек, имонлининг ҳаётини мувозанатдан чиқара оладиган иккита чегарадан чиқиш ҳолатларини ҳам кўрсатди. Биринчи чегарадан чиқиш ҳолати - бу ҳокимиятпарастлик, иккинчиси – ёлғон итоаткорликдир. Биз керакли мувозанатни Тимўтийнинг ҳаётидан топамиз, у ўзида ёлғон итоаткорлик ўрнида, художўйлик хулқ- атворини тарбиялар, ҳокимият кидирмасдан, Худонинг инъомларини алангалатар эди.

ПОК ЮРАК

Ҳаворий Повул Тимўтийни биринчи бор Листрада учратган эди. Бу ёш йигитнинг онаси яҳудий-масихий аёл бўлиб, отаси эса –юнонлардан эди. Повул, Тимўтийнинг уларга қўшилишини ва сафарда бирга юришини истади. У Повулнинг ҳар хил муҳтожликлари ҳақида ғамхўрлик қилиши керак эди (Ҳав. 19:22).

Вақт ўтиб, Тимўтийнинг содиқлиги синалди. Уни мансабда

кўтаришди ва Хушxabар воизлиги хизматини ишониб топширишди, аниқроқ қилиб айтганда, у Эфес жамоатининг чўпони бўлди. Тимўтийга йўлланган иккинчи мактубда, Повул шундай ёзган: «Илгари сенинг бувинг Лоисада ҳамда онанг Эвникада бўлган риёсиз имонинг ёдимдадир. Энди у сенда ҳам жо бўлганига аминман. Шу сабабдан, қўлларимни қўйишим орқали сенга *берилган* Худонинг инъомини алангалатиб туришингни сенга эслатайман» (2-Тим. 1:5-6).

Кўраясизми, Повул Тимўтийнинг имони риёсиз эканлигини таъкидлапти. Бу ёш йигитчанинг юраги пок эди. У қандайдир фирибгар эмас эди. Бошқа мактубда Повул шундай ёзган:

«Сизларнинг аҳволингизни билиб, кўнглим тасалли топиши учун мен яқин орада сизларнинг олдингизга Тимўтийни юборишга Раббий Исода умид қиламан. Чунки сизлар ҳақингизда шундай самимийлик билан гамхўрлик қиладиган унга тенг одамим йўқ. Зеро ҳамма Исо Масихнинг эмас, балки ўз манфаатини излайди. Лекин Тимўтийнинг содиқлиги сизларга маълум: у менга ўғил ўз отасига хизмат қилганидай, Хушxabарни ёйишимда хизмат қилди» (Флп. 2:19-22).

Бундан кўриниб турибдики, Тимўтийнинг хулқ-атворига шикоят йўқ эди. Масихийлар учун хулқ-атвор устида ишлаш олд мақсадлардан бири ва у интиладиган иш бўлиши керак. Бизнинг Отамиз кучни эмас, хулқ-атворни қидирапти. Қайғули, лекин бу ҳақиқат: кўп масихийлар художўй хулқ-атворни ривожлантиришни бир четга қолдириб, Рухнинг кучи ва мойланишига интилишмоқда. Коринфликларга йўлланган биринчи мактуб бизга шундай ўргатмоқда: «Севгининг ордидан қувинглар. *Рухий* инъомлар, ... учун рашқ қилинглар». Бирок биз бу амрни нотўғри талқин қиляепмиз. Биз инъомлар ва мойланишга интиламиз, севгининг ҳосилини эса, шунчаки, ҳаётимизда бўлишини истаймиз. Худо севгидир, токи биз севгида юрмас эканмиз, Унинг табиатига эриша олмаймиз.

БИРИНЧИ ЧЕГАРАДАН ЧИҚИШ ҲОЛАТИ: ХУЛҚ- АТВОРНИ ЧЕТГА СУРИБ ҚЎЙИБ, ҲОКИМИЯТ ОРТИДАН ҚУВИШ

Баъзи масиҳийлар, мўъжиза олиш, мойланган пайғамбарлик хизматига тушиш учун катта масофани, юзлаб километрларни босиб ўтишга тайёр, аммо улар ўзларининг юракларидаги ғазаб, кечиримсизлик ва аччиқликни ҳал қилишга тайёр эмаслар. Қўриниб турибдики, улар урғуни хулқ-атворга эмас, кучга беришяпти. Бундай хизматларда, руҳий намойишлар балки Худодандир, лекин биз ўзимизнинг ички одамимиз устидан ҳам ишлашимиз керак. Ҳаттоки, жамоат янгиланишни бошдан кечираётган бўлса-да, гуноҳ масаласини узил -кесил ҳал қилиш керак. Одамлар Худонинг кучига шунчалик чанқоқ эканлиги ажойиб, бироқ келинлар, юракнинг поклигига менсимасдан карамаймиз. Биз кўп хизматчиларнинг йиқилганини кўрдик. Лекин улар бир куни ахлоқсиз ҳатти -ҳаракат қилганлари учун йиқилган эмаслар. Йўқ, уларнинг йиқилиши аввалроқ, яъни уларнинг Худо билан шахсий муносабатларидан кўра, хизматнинг муваффақияти муҳимроққа айланган вақтда бошланган. Биз буни нафақат хизматчилар орасида, лекин шунингдек, уларнинг йиғилишларида ҳам кўрдик.

Раббий Исо айтган: «Юраги поклар бахтлидирлар, чунки улар Худони кўрадилар»(Мат. 5:8). У: «Муваффақиятли хизматга эга бўлганлар бахтлидирлар», деб айтмаган. У: «Пок юраксиз, сизлар Худони кўра олмайсизлар»,- деди. Албатта, фақат Раббий Исо бизга пок юракни бера олиши мумкин. Биз уни меҳнат қилиб топа олмаймиз. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам бебаҳо, ҳам текиндр. Бебаҳо, чунки Худонинг Ўғли у учун ўз ўлими билан нарх тўлади. Текин, чунки ҳамма Уни изловчиларга, бепул берилади.

Одатда мен: «Художон, йўқолган жонларга эришиш учун мендан фойдалангин. Тўда-тўда одамларни шифолаш ва озод қилиш учун мендан фойдалангин», -деб ибодат қилар эдим. Мен қайта -қайта шундай деб ибодат қилдим, менинг Худони

кидириш даражам шундай эди. Менинг юксак мақсадим, муваффақиятли хизматчи бўлишдан иборат эди. Бирок бир куни Раббий Исо, менинг муносабатим нотўғри эканлигини кўрсатди. У менга: «Жон, Яхудо жинларни қувган, касалларни шифолаган ва Хушхабарни воизлик қилган. У Менинг шогирдим бўлиш учун ўзининг даромадли ишини ҳам қолдирган эди, бирок ҳозир у қаерда?» –деб ҳайратга солди. Бу, гўёки, мени тонна ғиштлар билан ургандек бўлди. Худо давом этди: «Масихийнинг буюк даъвати маъноси – Худонинг кучи ёки хизмат эмас; мақсад – Мени таниб -билиш! (Флп. 3:10-15).

Кейинчалик менинг хотиним, Худо уни ҳам шу тарзда ишлатишини сўраб ибодат қилганида, Раббий Исо унга савол берди:

«Лайза, бирор марта дўстинг сендан фойдаланганми?»

«Ҳа», -деди у.

«Сен ўзингни қандай ҳис қилдинг?»

«Мен ўзимни менга хиёнат қилганларидек ҳис қилдим».

Раббий давом этди: «Лайза, Мен одамлардан фойдаланмайман. Мен уларни Ўзимнинг суратимга мувофик мослайман ва ўзгартираман, шифолайман, мойлайман, аммо Мен улардан фойдаланмайман».

Аёлда фақатгина эри учун бола туғиш истаги бўлган оилавий муносабатларни қандай таърифлаб берган бўлар эдингиз? У фақатгина дунёга навбатдаги зурриётни келтирмоқчи бўлгани учун жинсий муносабатларга киришади. Ўз эрига эса шахс сифатида ҳеч қандай қизиқиши йўқ.

Биламан, беъмани эшитилмоқда. Бирок, ўзимиз Худо билан муносабатлар ва суҳбатлардан роҳатланмасдан, Худога бўлган бу нолаларимиз «одамларнинг нажот топиши учун биздан фойдалангин» деган гапга ўхшамаяптими? Худо билан яқин бўлганимизда, биз айнан У белгилаганини амалга оширамиз:

«Бироқ ўз Худосини таниб- билган одамлар кучайиб, ҳаракат қиладилар» (инглизча таржимада: «Бироқ ўз Худосини таниб -билган одамлар кучая-

дилар ва буюк жасорат кўрсатадилар) (Дон.11:32).

Повулнинг ягона истаги, Худони таниб- билиш эди (Флп. 3:8-10). Мусо шундай деди: «Сени билишим учун менга йўлларингни кўрсатгин» (Чик. 33:13). Довуд эса: «Мен Раббийдан бир нарсани сўрадим, фақат шуни излайман – ҳаётимнинг барча кунларида Раббийнинг уйида бўлайин, Раббийнинг чиройига қарайин ва Унинг маъбадига доимо қатнайин» деб йиғлади (Сан. 26:4). Яна: «Менинг жоним Сенга ташна. Қурғоқ, чанқоқ ва сувсиз ерда менинг танам Сенга талпинади», - деган (Сан. 62:2).

Худони ҳамма нарсадан кўра кўпроқ чанқоқлик билан таниб- билишни истаган Муқаддас Ёзувдаги эркак ва аёллар Унга содиқ қолишган ва У улар учун белгилаган масофани босиб ўтиб яқунлашган. Улар бутунлай, кучли бағишланиш негизларини ўрганишган.

Бошқа одамлар, ўзларининг рухий етукликларини фақат башорат қилиш, инъомларда ҳаракат қила олиш қобилияти билан ўлчар эдилар. Аммо ёдингизда бўлсин: инъомлар меҳнат қилиб олинмайди, улар берилади. Ҳатто урғочи эшак ҳам башорат қилган ва рухий дунёни кўрган. Хўроз уч марта қичқириб, Петъорни фoш қилган. Булар жониворларни рухий қила оладими?

Раббий Исо, кўпчилик Уни Раббим деб атаб, Унинг шоҳлигига киришга умид қилишларини, лекин улар рад қилинишларини айтган. Улар мўъжизалар яратадилар, башорат қилиб, Унинг исми билан жинларни қувадилар. Аммо У: «Менинг олдимдан кетинглар, эй, қонунбузарлик қилувчилар!», - деб жавоб беради (Мат. 7:23).

Худонинг мойланиши – Худонинг маъқуллаши эмас. Шоул, Худо уни рад қилиб бўлганидан кейин башорат қилган (1-Шом. 19:23-24). Каиафа, унинг ягона мақсади – Худонинг Ўғлини ўлдириш бўлса-да, башорат қилган (Юҳ 11:49-51). Бизларда Худонинг юраги бўлиши керак, шунда биз Унинг иродасига кулоқ сола оладиган бўламиз. Буларсиз биз қонунчилик ва

маишатпарастликдан қийналиб, шунчаки, Унинг мойланиши соясида юрамиз. Бальом башорат қилган эди ва унинг башоратлари ҳақиқий эди. Бироқ у сеҳргар-фолбиннинг ўлими билан ўлди – Исроил ваъда қилинган ерни қўлга киритганида, у қиличдан ўтказилди.

Повул Тимўтийнинг яхши фазилатини - унинг юрагининг поклиги ва хизматга содиқлиги билан аниқлади. Биз орамизда шундай мезон ўрнатиб, Муқаддас Рухга бизларни ўлчашига рухсат беришимиз керак. Биз журъатсизлик руҳи билан курашишга борар эканмиз, бу шартнинг ғоят муҳимлигини бўрттириб юбора олмаймиз. Бундай тушунчасиз, бу мактубнинг ҳақиқати сизни озод қилмайди ва ёрдам беришидан кўра, кўпроқ зиён етказиши мумкин. Чунки сўзларнинг ўзи эмас, лекин уларнинг ортида турган рух ва маъно ўзида озодлик учун куч олиб юради.

Вазиятни тушунтириш учун, Петъорнинг огоҳлантиришини эслашимиз мумкин:

«Севикли биродаримиз Повул ҳам, унга берилган донолик бўйича сизларга қандай ёзган бўлса, худди шундай... бу ҳақида ҳамма мактубларида гапирди. Бу мактубларда тушуниш қийин бўлган нарсалар бор, шунинг учун жоҳил ва беқарор кишилар бошқа Ёзувларга ўхшатиб, бу мактубларни ҳам бузаяптилар. Бу эса уларни ҳалокатга олиб боради» (1-Пет. 3:15-16).

Худонинг кучида ҳаракат қилишнинг формуласини кидиришдан кўра, Худо билан тўғри муносабатларга интилишимиз муҳимроқдир. Фикримизни йўқотмаган ҳолда, келинг, Повулнинг Тимўтийга йўллаган иккинчи мактубидаги таъкидни ўрганиб чиқамиз. Тимўтийни юрагининг поклиги ҳақида гапириб, Повул шундай ёзган: «Шу сабабдан, қўлларимни қўйишим орқали сенга берилган Худонинг инъомини алангалатиб туришингни сенга эслатайман». Бу ерда «шу сабабдан» дейилган. Агар Тимўтийнинг имони самимий

бўлмаганида, Худонинг инъомларини амалда қўллаш ҳақидаги Повулнинг Тимўтийга кўрсатмаси ҳосилсиз қолар эди. Келинг, олдинга борамиз.

ИККИНЧИ ЧЕГАРАДАН ЧИҚИШ ҲОЛАТИ: СОҲТА ИТОАТҚОРЛИК

«Илгари сенинг бувинг Лоисада ҳамда онанг Эвникада бўлган риёсиз имонинг ёдимдадир. Энди у сенда ҳам жо бўлганига аминман. Шу сабабдан, қўлларимни қўйишим орқали сенга берилган Худонинг инъомини алангалатиб туришингни сенга эслатаяман» (2-Тим. 1:5-6).

«Шу сабабдан,... сенга эслатаяман». Повул Тимўтийга ёзган биринчи хатига мурожаат қилаяпти, у унда шундай даъват қилган эди: «Сенга пайғамбарчилик воситаси билан жамоабошилар кенгашининг бошингга қўл қўйиши билан берилган инъомга бепарво бўлмагин» (1-Тим. 4:14). Повул Тимўтийнинг диққатини, Худонинг инъомига бепарво бўлмаслик қанчалик муҳим эканлигига қаратмоқда. У бу ҳақида иккинчи марта ёзаяпти ва бу эслатмани мактубнинг бошига жойлаштирган.

«Инъомга бепарво бўлмаслик» нима дегани эканлигини ўрганиб чиқиш учун келинг, баъзи антонимларга, яъни «бепарво бўлмоқ» сўзининг маъносига қарама- қарши бўлган сўзларга назар ташлаймиз: Бажармоқ, эришмоқ, ҳаракат қилмоқ, эътибор қаратмоқ, ғамхўрлик қилмоқ, амалга оширмоқ, инобатга олмоқ, охирига етказмоқ ва ҳоказо.

Бу барча сўзлар – ҳокимият ва ҳаракат сўзларидир. Уларнинг кўплари ҳам оғзаки, ҳам белгиланган шаклга эга. Улар ижобий ва қатъий. Худонинг Сўзининг маъносига янада чуқурроқ кириш учун, «бепарво бўлмоқ» сўзи нимани англатишини ҳар томонлама кўриб чиқамиз: Тешиб юбормоқ, бепарво бўлмоқ, бас қилмоқ, эътибор қилмаслик, инобатга олмаслик, писанд қилмаслик, кадрига етмаслик, жирканмоқ, кўздан чиқармоқ ва ҳоказо.

Бу барча салбий сўзлар- ҳаракатнинг, қатъийликнинг ва ҳокимиятнинг етишмовчилигини таъкидлаяпти. Бизларга ишониб топширил нарсаларга бепарво бўлиш- бу жуда жиддий ва оғир ҳолатдир. Агар жиддий бўлмасак, зарар кўришимиз аниқ.

Ҳокимиятпарастликка қарама- қарши бўлган ҳолат - бу аввал айтиб ўтганимдек, сохта ито- аткорликдаги ҳаётдир. Бундай ҳолда яшаётган одамлар, Худонинг феъл-атвориغا интилиши муҳимлигини тан олишади, бироқ ярим йўлда тўхтаб қоладилар. Улар Худонинг инъомларини ўзларининг ҳаётларида ишлатишга ҳеч қачон журъат қила олмайдилар, чунки кўрқадилар. Улар қарама -қаршилик билан боғлиқ бўлган ҳар қандай вазиятдан қочадилар ва буни севгининг йўқлиги ёки масиҳийлик феъл-атворининг йўқлиги деб ҳисоблайдилар.

Мен бундай одамларни, «тинчлик сақловчилар» деб номлайман. Бир қараганда, «тинчлик сақлаш» ёқимли кўриниши мумкин, лекин Раббий Исо ҳеч қачон: «Тинчлик сақловчилар бахтлидирлар», - деб айтмаган. У: «Тинчлик ўрнатувчилар бахтлидирлар, чунки улар Худонинг ўғиллари деб аталадилар», - деб айтган (Мат. 5:9). «Тинчлик сақловчилар», нима қилиб бўлса ҳам тинчликни сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. У хато қилиб тинчлик деб қабул қиладиган сохта хавфсизлик ҳиссини сақлаб қолиш учун ҳар қанақасига эгилади.

Бошқа томондан, тинчлик ўрнатувчи, қарама- қаршилик томон дадил бориши мумкин ва бу унга қанча қимматга тушишининг аҳамияти йўқ – у ўзи ҳақида қайғурмайди. Аксинча, унинг юрагининг асл нияти – Худога ва одамларга нисбатан севги ҳаракатидир. Фақат шу шарт орқали ҳақиқий тинчлик ўрнатилади.

Осмон Шоҳлигида тинчлик бор (Рим. 14:17). Бироқ бу тинчлик, қарама- қаршилик йўқлиги туфайли келмайди. Раббий Исо таъкидлаганидек, «Осмон Шоҳлиги куч билан олинади»

(Мат. 11:12). Осмон Шоҳлигининг олға интилишига кучли қаршилик бор.

Биз кўп ҳолларда: «Мен бунга шунчаки эътибор бермайман ва ҳаммаси ўтиб кетади», деб ўйлаймиз. Аммо биз уйғониб, шунини тушунишимиз керакки, нима билан қарама- қаршиликка бормасак, ўшани ўзгартира олмаймиз.

«Севганларим, мен сизларга умумий нажотимиз ҳақида ёзишга ғайратим кўп бўлиб, бир нарса ҳақида насихат қилиб ёзишни лозим кўрдим: Бир вақтлар муқаддасларга топширилган имон учун астойдил курашинглар» (Яҳудо 3). У «шунчаки ҳаммаси яхши бўлишига умид қилинглар» эмас, «курашинглар» демоқда. Курашмоқ дегани- «жанг қилмоқ» ёки «жангда енгмоқ» маъносини англатади. Масиҳийлик – шунчаки осон ҳаёт эмас! Бизнинг Худога бўлган интилишимизга нисбатан, табиий ва руҳий дунёда доимий қаршилик мавжуд!

Повул Тимўтийни шундай деб қувватлаган эди: «Шу йўсинда, Исо Масиҳнинг яхши бир аскари каби қийинчиликларга бардош бергин. Ҳарбий хизматдаги ҳеч қандай аскар ўз кўмондонини мамнун қилиш учун ўзини тирикчилик ишлари билан боғламайди» (2-Тим. 2:3-4). Биз жанг иштирокчиларига айландик. Биз ўзимизга аскар сифатида қарашимиз керак. Биз яна ёвузликка қайтишни истамаймиз, аммо Худонинг инояти ёрдамида, уни енгишни истаймиз (Рим. 12:21).

Повулнинг Эфес жамоати чўпони Тимўтийга ёзган мактуби кўмондоннинг буйруқларини эслатади. Тимўтий қаршиликларга дуч келар эди. У ёлғон таълимотларни фош қилиши, курашиши, низоларга барҳам бериши, етакчиларни кўтариши, бир сўз билан айтганда жамоат кучли ва етук бўлиб ривожланиши учун ҳамма ишни қилиши керак эди. Булар у тўқнашишига тўғри келган кўп вазифалардан баъзиларидир.

Аминманки, қарама -қаршилик учун кўп имкониятлар бўлган. Ишончим комилки, бетавфиқ ва ғўр одамлар томонидан Тимўтийга қарши жамоатда айблов ва тухматлар тарқатилган. Буларнинг барисидан ташқари, у яна бир ҳолатни енгиши керак эди – бу унинг ёши. У ёш йигитча эди, жамоатдаги кўпчиликнинг

эса ёши ундан катта эди. Шунинг ўзи журъатсизликка йўл очади. Бу барчасининг қаршисида, Повул Тимўтийга кучли бўлишни, унга нима берилганини унутмаслигини маслаҳат қилмоқда. Повул Тимўтийга, Худо берган ҳокимиятда юриш зарурлигини доим эслатиб турар эди. Балки Тимўтий бирон кун ортга чекингандир, аммо Повул ёзган: «Буни воизлик қилгин ва ўргатгин» (1-Тим. 4:11).

«Улар бенуқсон бўлишлари учун бу нарсаларни уларга уқтиргин» (1-Тим. 5:7).

«Шундай қилиб, ўғлим, Исо Масихдаги иноятда кучли бўлгин» (2-Тим. 2:1).

Эҳтимол, Тимўтий бугунги кундаги кўп масиҳийларга ўхшаб, Худони севадиган, аммо қарама-қаршиликдан қочувчи бўлгандир. Бироқ қарама-қаршилик қаршиисидаги кўрқув, сизни журъатсизликнинг осон ўлжасига айлантиради.

Агар сиз ўзингизни бу каби кўрқув билан бирлаштирган бўлсангиз, унда бу нома сизга дадиллик ва озодлик олиб келсин. Худо сизни озод бўлишингизни ва У сизга ким бўлишингизни айтса, ўша одам бўлишингизни истайди. Кўрқиб қолганингизда, қувонч бўлмайди. Қувончсиз эса куч йўқ. Кўрқув борлигида, тинчлик бўлмайди. Бироқ сизни ушлаб турган тўсиқликлардан ёриб ўтганингизда, тўлаликда қувонч ва тинчликка эришасиз!

ХУДО ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ИНЪОМЛАР

Б унинг менга қандай алоқаси бор?
Шу вақтга қадар биз журъатсизлик ва унинг оқибатлари ҳақида фақат жамоат етакчиларига нисбатан гапирдик. Аммо эҳтимолдан йироқмаски, китобни ўқиётганларнинг кўпчилиги тўлиқ вақт хизматчилари эмас. Балким сиз: «Бунинг менга қандай алоқаси бор?»- деб сўраётгандирсиз.

Худо ҳар бир имонлига руҳий дунёда жой ёки ўрин берган. Ёдингизда бўлса, Повул Худо бизни «У билан бирга тирилтириб, бизларни Исо Масихда самоларда ўтирғизганини» тушунтирган эди (Эф 2:6). Худонинг сотиб олинган фарзандлари айнан ўша жойда бўлишлари керак. Бу жой «ҳар қандай бошлиқ ва ҳокимият, куч ва салтанатдан, нафақат бу дунёда, балки келгуси дунёда ҳам номланадиган ҳар қандай номлардан юқори» жойда жойлашган. Худо бизларни Масихда ўша жойга «қўйиб, ҳамма нарсани Унинг оёғи остига бўйсундирди ва Уни ҳамма нарсдан юқори қўйиб, жамоатга бош қилиб тайинлади. Жамоат эса Масихнинг танасидир, яъни ҳамма нарсада ҳамма нарсани Тўлдираётганнинг тўла-тўкислигидир» (Эф. 1:21-23).

Жамоат – бу Масихнинг танасидир. Бизнинг танамиз, ҳар хил вазифа ва қобилиятларга эга бўлган аъзолардан таркиб топгани каби, худди шундай, Масихнинг танаси аъзолари, ҳар хил даъват ва инъомларда ҳаракат қиладилар. Худо уларнинг

мақсади ва ҳаракатини аниқ қилиб қўйган. Ҳар бири муҳим, бироқ бирортаси бошқалардан мустақил эмас.

Повулҳаммаёвузруҳлар Раббий Исонинг оёғи остига ташланганини овоза қилди. Бу ҳол шуни аниқ кўрсатиб турибдики, бирорта жин ўзининг ҳокимиятини имонлига нисбатан қўллай олмайди. Агар сиз Масих танасида ҳатто оёқ бўлсангиз-да, жинлар барибир сизнинг остингиздадир. Раббий Исо шундай деган: «Мана, Мен сизларга илонлару чаёнларни ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини босиш учун ҳокимият бераяпман ва ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди» (Лқ. 10:19). Бироқ агар биз буни машқ қилиб Худонинг ҳокимиятида юрмасак, кимдир уни олиб қўйиб, бизга қарши ишлатади! Душман бизнинг руҳий ўринимизни ов қилиб юрибди.

ИНЪОМЛАР - БИЗ УЛАРДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШИМИЗ УЧУН БЕРИЛГАН

Келинг, Повулнинг Тимўтийга ёзган мактубини ўрганиб чиқишни давом эттираемиз.

«Шу сабабдан, қўлларимни қўйишим орқали сенга берилган Худонинг инъомини алангалатиб туришингни сенга эслатаяпман» (2-Тим. 1:6).

Юнончасига инъом, бу «харизма» деганидир. Стронг симфонияси бу сўзни «руҳий ҳисса кўшиш» деб таърифлайди. Vine's dictionary дан бўлган бошқа таъриф эса мана бундай: «Муқаддас Руҳ ҳаракати орқали имонлиларга берилган иноят инъоми». Демак «харизма» сўзи, Худо имонлиларга берган руҳий қобилиятларни таърифлаб беради.

Руҳий соҳада бу «харизмасиз» ёки Худодан бўлган ғайритабиий қобилиятсиз, ҳеч нима содир бўлмайди. Бусиз биз воизлик ҳам, куйлай ҳам, башорат ҳам, етакчилик ҳам, ёрдамчилик ҳам қила олмаймиз. Бу турдаги иноят бўлмаганида ҳаётда ҳеч нима содир бўлмайди. Ўз ичида ҳаётга эга бўлмаган дин - одамзоднинг ўзи истаганидек, шахсий кучи билан Худого хизмат қилишга уриниши тўфайли келиб чиқади. Худодан инъомга эга бўлмай туриб,

бошқаларга хизмат қилганимизда, бехуда меҳнат қилган бўламиз.

Эътибор қилинги, инъом Тимўтийда бор эди. Худо эккан инъом келади ва кетади, аммо доим бизда бўлади. «Чунки Худонинг инъомлари («харизма») ва даъвати қайтариб олинмасдир» (Рим. 11:29). Бундай инъом, бундай куч, ҳар биримизга даъватимизни амалга ошириш учун муҳим бўлган Худодан берилган аслаҳадир. Бу инъомларда ҳаракат қилиш биз учун қандайдир табиий ва қулай бўлиши керак. Тана аъзоларимизнинг аҳамияти ва вазифалари ўзгармаганидек, йўқ жойдан пайдо бўлиб, бирдан яна йўқ бўлиб қолмаганидек, Худо берган инъомлар ҳам худди шундайдир.

Повул Римлик имонлиларга шундай деб ёзган: «Чунки мен сизларни кўришни жуда ҳам орзу қилмоқдаман, токи сизларнинг мустаҳкамланишингиз учун мен сизларга бирон бир руҳий инъом такдим этай»(Рим. 1:11). Худонинг фарзандларини Унинг иродасини амалга оширишга қодир қиладиган бундай инъомларсиз, руҳий қуролсиз жамоат мустаҳкам бўлмайди.

Навбатдаги оятни диққат билан ўқиб чиқинг: «Шундай қилиб, ҳар бирингиз Худонинг кўп турли иноятини идора қилувчиси бўлиб, қабул қилган инъомингиз билан бир-бирингизга хизмат қилинглар» (1-Пет. 4:10).

Бу оятда биз уч бандни кўриб ўтамыз:

1. Ҳар бир одам инъом қабул қилади.
2. Инъом бизга тегишли эмас, биз бор -йўғи уни қўллайдиганлармиз.
3. Инъом – бу Худонинг кўп турли иноятининг бир қисмидир.

1. Ҳар бир одам инъом қабул қилади

Муқаддас Ёзувда нима дейилганига эътибор қилинг: «Шундай қилиб, ҳар бирингиз Худонинг кўп турли иноятини идора қилувчиси бўлиб, қабул қилган инъомингиз билан бир-бирингизга хизмат қилинглар» (1-Пет. 4:10). Петъор: «Баъзиларингиз қабул қилган инъомингиз билан бир-

бирингизга хизмат қилинлар», - деб айтмаган. Йўқ. Агар сиз юкоридан туғилган ва Рухга тўлган бўлсангиз, Унинг танасида ҳаракат қилиш учун Худонинг инъомини қабул қилгансиз.

Эфесликларга 4:7 да Повул шундай дейди: «Лекин ҳар биримизга Масих инъомининг миқдори бўйича иноят берилган». Яна 1-Коринфликларга 7:7 да шундай дейилган: «Чунки ҳамма одамлар мен каби бўлишларини хоҳлар эдим. Лекин ҳар бир киши Худодан олган ўз инъомига эгадир: бирисида бундай бўлса, бошқасида ўзгачадир».

Агар биз бундан беҳабар бўлсак, биз хизматга тўғри келмаймиз ва хизмат қилишга қодир эмасмиз. Унда бизнинг даъватимиз амалга ошмаган бўлиб қолади. Кичкина болачалар ўз танасининг ҳар хил аъзоларини кўллашга ўргангани каби, ҳудди шундай, биз ҳам Худонинг танасида бу хизмат инъомларини ривожлантиришимиз ва машқ қилдиришимиз керак. Унинг танасининг бирорга аъзоси, Унинг ғайритабиий қобилятисиз ҳаракат қила олмайди.

2. Инъом бизга тегишли эмас, биз бор -йўғи уни қўллайдиганлармиз.

Бизнинг бу инъомга эгалик ҳаққимиз йўқ экан, биз унга бепарволик қила олмаймиз ва уни ўзимизнинг шахсий манфаатимизга ишлата олмаймиз. У билан хоҳлаганимизни қила олмаймиз, чунки у бизники эмас. У бошқаларга хизмат қилишимиз учун бизга берилган ва биз унга бўлган муносабатимиз учун жавобгармиз. Талантлар ҳақидаги масални ёдга олинг. Хўжайин «қулларнинг ҳар бирининг кучига яраша бирига беш, бирига икки, яна бирига бир талант бериб, шу заҳотиёқ жўнаб кетди» (Мат. 25:15). Биринчи иккита одамлар талантларни донолик билан ишлатиб, фойда келтирдилар, учинчиси эса ўзининг талантини кўмиб қўйди. Хўжайин қайтиб келганида, иккита биринчиси уларга топширилган талантларни нима қилгани ҳақида ҳисобот бердилар. Хўжайин ҳар бирига: «Баракалла, яхши ва содиқ қул!» - деб айтди.

Сўнг ҳисобот бериш учун учинчи одам келди. Қўркув

туфайли, у ўзининг талантини кўмиб қўйган эди. У ўзининг хўжайинини адолатсиз ва жуда талабчан деб тасаввур қилар эди. Шунинг учун кул ўзини эътиборсиз, худбин ва бепарво бўлишга ҳақли деб ҳисоблаган. Пировардида, у ўзининг хўжайинига:

«Мана, сеники ўзингга»,- деди. Хўжайин, қулнинг қарамоғига топширилган талантга у бепарво бўлганини кўриб, уни айёр ва дангаса қул деб атади. Унда бўлган ягона талантни олиб қўйдилар ва ўз талантини кўпайтирганга бердилар. Фойда олиб келмайдиган қул эса қувиб юборилди (Мат. 25:16-30).

Ҳамма иш юритувчилар ўз хўжайинларига ҳисобот бераётганидек, биз ҳам бизга ишониб топширилган инъомлар учун ҳисобот берамиз. Инъомни билдирувчи яна бир сўз —«қобилият», яъни қила олмақ, доҳийлик ва куч деган маъноларни англатади. Бошқача қилиб айтганда—истеъдод. Бу масалда биз Худо томонидан бизга ишониб топширилган инъом, қобилият ёки истеъдод ҳақида ғамхўрлик қилишимиз ва уни ривожлантиришимиз қанчалик муҳим эканлигининг тирик мисолини кўриб турибмиз.

Повулга ўқитувчилик ва ҳаворийлик хизмати ишониб топширилган эди. Повул шундай деган:

«Мен Унинг амал қилаётган куч-қудрати билан менга берилган Худонинг иноятининг инъоми бўйича Хушxabарнинг хизматкори бўлдим» (Эф. 3:7).

Эътибор беринг, у ўзининг инъомига содиқ бўлишга нақадар жиддий ёндошмоқда.

«Агарда мен Хушxabарни воизлик қилсам ҳам, бу билан мақтанишимга асос йўқ, чунки бу менинг зиммамга юкланган мажбуриятдир. Аммо Хушxabарни воизлик қилмасам, менинг ҳолимга вой! Чунки агар мен буни ихтиёрий равишда қилсам, шунда мукофотга эга бўламан. Лекин буни ўз иродамга қарши қилаётган бўлсам, унда менга топширилганини бажараётган бўламан, холос» (1-Кор. 9:16-17).

Повул: «ҳолимга вой»,-деб айтмоқда. «Ҳолимга вой» – бу жуда кучли сўз. Раббий Исо бу сўзни, алоҳида одамларни ёки бутун бошли шаҳарларни келаётган ҳукм ҳақида огоҳлантириш учун қўллаган эди. У Ҳоразин ва Бейт-сайданинг «ҳолига вой» деб айтди ва бу шаҳарлар йўқ бўлиб кетди. (Мат. 11:21-22). У уламолар-у фарзийларнинг (Мат. 23:13) ва Яхудонинг ҳолига вой деб айтган эди (Мат. 26:24).

«Ҳолига вой» сўзи, ҳаворий Яхудонинг мактубида, жамоатдаги бетавфиқларнинг устига келадиган ҳукмни ифодалашда қўлланилган. Ваҳий китобида бу сўз, ердаги яшовчиларга нисбатан, уларнинг устидан Худонинг ҳукми амалга ошадиган вақтда қўлланилган (Вах. 8:13). «Ҳолимга вой» сўзини қўллаб, Повул, Худонинг инъомига бўлган содиқликнинг катта жавобгарлигини таъкидлаб ўтган эди.

Мушаклар ишлатилмаса, улар куриб қолади, худди шундай, агар масиҳий ўзининг инъоми ва даъватида ҳаракат қилмаса, у Худодан кетиб қолади. Ҳаракатсиз имонли ўзини яккалайди ва душманга осон ўлжа бўлиб қолади. Худонинг буюк эркаклари ва аёлларининг ҳаётини ўрганиб чиқиб, шуни аниқладимки, уларнинг орасида йиқилганлари - бир куни ўзларининг даъватларига нисбатан дангасалик ва бепарволик муносабатида бўлишни бошлаган эдилар. Балки улар хизмат қилишни давом эттиргандир, аммо уларнинг хизмати кўпроқ ўтмишдаги шахсий ютуқларга ўрнатилган тирик ҳайкалга ўхшаб кетар эди. Улар Худонинг инъомларини, бошқаларни ҳимоя қилиш ва хизмат қилишга эмас, аммо ўзларининг шахсий манфаатларида қўллай бошладилар.

Довуд подшоҳ урушга бориши керак бўлган вақтда гуноҳдан йиқилди.

«Бир йилдан кейин, подшоҳлар сафарга чиқадиган вақтда, Довуд Иоабни ва у билан бирга ўз хизматкорларини ҳамда барча исроилликларни жангга юборди; улар Аммон ўғилларини яқсон қилдилар ва Раббаҳни қамал қилдилар; Довуд эса Иерусалимда қолган эди» (2-Шом. 11:1).

Довуд подшоҳ эди. У чўпон каби Исроилни бокиб юриши ва у хақида ғамхўрлик қилиши учун Худо уни подшоҳ қилиб қўйган эди. У уйида, Иерусалимда қолиб, ўтмишдаги ғалабаларнинг хосилларидан лаззатланиши эмас, жангга бориши керак эди. У бўшашиб шон- шухрат оғушида роҳатланиб ёта бошлади. Зерикиб, у ўз ҳудудларини болохона айвонидан томоша қила бошлади ва чўмилаётган Бафшабани кўриб қолди. Қолганини ўзингиз биласиз.

Гап шундаки, биз бу ерда таътилда эмасмиз. Ҳатто бизнинг ҳаётимиз ҳам бизга тегишли эмас, чунки у сотиб олинган, кейин эса ўзимиз бошқаришимиз учун бизга қайтариб берилган. Биз бу ерда абадий яшовчилар эмас, шунчаки, меҳмонлармиз. Бирок кўпчилик одамлар ўзларини худди бу ҳаёт, уларнинг охирига мақсад -муродларидек тутадилар!

«Исо уларга: -Менинг озуқам – Мени Юборганнинг иродасини бажариши ва Унинг ишини амалга оширишидир,- деди» (Юҳ. 4:34).

Бизнинг озуқамиз ҳам шундай бўлиши керак. Раббий Исо тайёрликни қўллаб -қувватлаб туриш учун нима кераклигини билар эди. Биз кучни рухий ёки жисмоний озуқадан оламиз. Агар биз Унинг иродасини бажаришни тўхтатсак, Унинг озиқ -овқатини фақат ўзимизга ишлатсак, унда худди умуман овқатланишни тўхтатгандек ҳолсизланамиз ва куч йўқотамиз. Куч йўқотганимиздан сўнг, бу дунёнинг оқимига қарши эмас, балки оқими бўйлаб сузиш осон эканлигини аниқлаймиз. Биз ўзига бино қўйган, ўзича ҳақ, бутун диққатини ўзига қаратган ва фақат ўзига хизмат қиладиган одамларга айланамиз.

Бизнинг зиммамизда катта жавобгарлик бор. Биз шунчаки жамоатга борадиган ва у ерда эшитганларидан бирортасини ҳаётда қўлламайдиган одамлардан бўлишимиз керак эмас. Бундай одамлар Худонинг Сўзидан шунчаки семириб ёғ босадилар. Худо Йезекил 34:20 да огоҳлантиради: «Шунинг учун Раббий Худо шундай дейди: «Мана, Менинг Ўзим семиз қўйлар ва ориқ қўйлар ўртасида ҳукм чиқараман». Бу семиз

қўйлар ким экан? Булар бошқаларни менсимай, Худонинг бойлиги билан ўзига хизмат қилувчилардир. Худо семиз қўйларни қандай ифодалашини бир кузатинг: «Сизлар яхши яйловларда ўтлаганингиз етмаганидек, яна яйловдаги қолган ўтларни оёқларингиз билан топтамоқдасизлар. Тоза сув ичиб, қолган сувни эса оёқларингиз билан лойқалатмоқдасизлар. Сизлар заифларни туртиб чиқармагунингизга қадар, биқин ва елка билан итариб, уларни шохларингиз билан сузмоқдасизлар. Шунинг учун Мен Ўз қўйларимни қутқараман, улар энди талон-тарож қилинмайди ва қўйлар билан қўйлар орасида ҳукм қиламан» (Йез. 34:18, 21-22).

Худонинг инъомлари – бизга бирор нарса керагидан ортик бўлиши учун эмас. Худо бизни Ўзининг эзгулиги билан синаб кўради. Биз ўзимизнинг ҳаётимиздаги Худонинг имкониятларини - заифларга, ёшларга ёки имкони йўқларга хизмат қилиш учун ишлатишимиз керак. Ўшанда тана бирликда бўлади.

Мени нотўғри тушунманг. Ўз ишининг ҳосилларидан роҳатланишнинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Худо бизга дам олишни ҳам, янгиланишни ҳам берапти. Аммо бизнинг бутун диққатимиз фақат ўзимизнинг атрофимизда айланса, биз ёғ босган ва бепарво бўлиб қоламиз. Фақат ўзимизга хизмат қилишга ишлатилган инъомлар ва истеъдод кўпаймайди. Танангизнинг ҳар бир аъзоси, бошқа аъзолар олдида жавобгардир. Агар сизнинг оёғингиз ишлашдан бош тортса, бутун танангиз азобланади. Агар сизнинг ўпкангиз ёки юрагингиз тўхташга қарор қилишса, бошқа барча аъзоларингиз шунчаки нобуд бўлишади! Агар шайтон бизнинг диққатимизни ўзимизга қаратиб қўя олса, сизни бошқаларга хизмат қилишдан чалғитса, унда бутун тана азоб чекади.

3. Инъом – Худонинг кўп хилдаги иноятининг бир қисмидир.

Бу жойда асосий сўз «кўп хилдаги» дир. Петъор инъомларни иккита асосий тоифага бўлади: Биринчилари – бу нутқ инъомлари ёки гапириш инъомларидир. Иккинчилари –хизмат инъомларидир.

«Ким гапирса, Худонинг сўзларини гапиргандай га-

пирсин. Ким хизмат қилса, Худо берган кучга яраша хизмат қилсин» (1-Пет. 4:11).

Бундан кейин, Повул бу икки тоифа инъомларга таъриф бермоқда. Римликларга ёзилган мактубдан бу бўлакка назар ташланг:

«Чунки биз танада кўп аъзоларга эга бўлсак ҳам, бироқ ҳамма аъзоларимизнинг вазифаси бир хил бўлмаганидай, худди шундай, биз ҳам кўпчилик бўлиб, Масиҳда бир танамиз, лекин алоҳида-алоҳида бўлиб, бир-биримиз учун аъзодирмиз.

Бизга берилган иноят бўйича ҳар хил инъомларга эгамиз. Шунинг учун, кимда пайғамбарчилик бўлса – имоннинг миқдорига яраша пайғамбарчилик қилсин; хизмат инъоми бўлса, хизматда бўлсин; агар муаллимлик инъоми бўлса, таълим беришда бўлсин; ким насиҳатчи бўлса, насиҳат қилишда бўлсин; тарқатувчи бўлса, соддаликда тарқатсин; бошлиқ бўлса, гайрат билан бошчилик қилсин; мурувват кўрсатувчи бўлса, хурсандчилик билан мурувват кўрсатсин» (Рим. 12:4-8).

Сўзлаш инъомларга башорат, муаллимлик, насиҳатчилик, бошқарувчилик киради; хизмат инъомларига тўлиқ вақт хизмати, қурбонлик келтириш, мурувват кўрсатувчилик киради.

Бир фикримни айтиб ўтишга ижозат беринг. Сиз сўзлаш инъомида етакчилик қилаётган хизматкорга хизмат қилишда содиқликда синалмагунингизча, сўзлаш инъомларини қўллашда етакчилик поғонасига чиқа олмайсиз. Етакчи бўлиб воизлик қилишни истайдиган, аммо аслида ўз ҳаётини хизматга бағишламаган одамлар жуда кўп. Улар қанчалик истеъдодли бўлишларининг аҳамияти йўқ. Уларнинг истеъдоди уларнинг ўзига ҳам, уларнинг ғамхўрлиги остида бўлганларга ҳам фақат зиён келтиради. Агар феъл-атвор бошқаларга хизмат қилиш учун ривожлантирилмаган бўлса, бундайлар - етакчилик ўрнини бошқаларнинг устидан ҳукмронлик қилиш учун ишлатадилар.

Мен тушунча етишмовчилиги туфайли иккала чегарадан чиқиш ҳолатининг келиб чиққанини кўрганман. Биринчи чегарадан чиқиш ҳолатига - ўзлари ҳақларида керак бўлганидан ҳам кўпроқ ўйлайдиган одамлар гирифтордирлар. Сўзлаш инъомларини ягона бор бўлган инъомлар деб хато қабул қилиб, бундайлар, тўлиқ вақт хизмати – барча хизматларнинг чўққиси деб ўйлайдилар ва Худога хизмат қилишнинг бошқа йўли борлигига ишонмайдилар.

Бу нотўғри. «Тана эса битта аъзодан эмас, балки кўп аъзолардан иборатдир... Агар бутун тана кўз бўлганида эди, эшитиш қаерда бўлар эди? Агар бутун тана кулоқ бўлганида эди, хид сезиш қаерда бўлар эди?» (1-Кор. 12:14-17). Уларнинг ҳаммаси оғиз бўлишни иташади. Аммо ҳар бир қисм муҳимдир. Ёрдамчилик хизматисиз сўзлаш инъомлари чегаралангандир. Одамлар ўзларида бор бўлган инъомларда эмас, аммо ўзларида бор бўлишини истаган инъомларда хизмат қилишга ҳаракат қиладилар!

Бошқа чегарадан чиқиш ҳолати – булар, ҳар қандай хизмат - воизлар ва ҳаворийлик хизмати ишчилари билан чегараланади деб ўйлайдиганлардир. Бундай фикр юритиш- танани бадбашара қилиб, уни ўзини ногирондек тутишга мажбурлайди. Повул шундай тушунтирмоқда: «Аксинча, тананинг энг заиф бўлиб кўринадиган аъзолари жуда кераклидир. Танамизнинг иззатсиз туюлган аъзоларини кўп иззат билан буркаймиз. Хунук аъзоларимизга эса янада кўпроқ кўрк берамиз» (1-Кор. 12:22-23). Бу -кўримсиз бўлган аъзоларнинг муҳимлигини кўтаради. Худо кўримсиз нарсаларни кўринарлисидан кўра, кўпроқ хал килувчи ўринга қўйган. Сиз овозсиз яшай олишингиз мумкин, аммо жигарсиз ёки юраксиз яшай олмайсиз. Буларсиз биз на юра оламиз, на гапира оламиз.

Ҳаворийларнинг фаолияти китобида, илк жамоатдаги инъомларга бўлган муносабат кўрсатилган. Биринчи масиҳийлар Худога хизмат – бу шунчаки воизлик, шифолаш, озод қилиш ва башорат қилиш эмаслигини тушундилар.

Ҳаворийлар китобининг 6-бобида, Иерусалим жамоатида баъзи беваларга нисбатан менсимаслик муносабати бўлгани

ҳақида гапирилган. Улар озиқ-овқатга ва кундалик эҳтиёжлар учун ёрдамга муҳтож эдилар.

Етакчилар бунга эътибор қилганлариданг сўнг, улар шундай деб жавоб бердилар:

«Шунинг учун, биродарлар, яхши таърифга эга бўлган ҳамда Муқаддас Рух ва доноликка тўлган етти кишини ораларингиздан танлаб олинглар: уларни бу ишга тайинлаймиз» (Ҳав. 6:3).

Бу талабларга жавоб берадиган одамлар топилди ва улар хаворийларнинг олдига келтирилди. «Уларни хаворийларнинг олдида турғизиб қўйдилар, *Хаворийлар* эса ибодат қилиб, уларнинг *бошларига* қўлларини қўйдилар. Шу орада, Худонинг Сўзи ўсиб борар ва шогирдларнинг сони Иерусалимда жуда кўпайиб борар эди. Рухонийлардан ҳам жуда кўпчилиги имонга бўйсундилар» (Ҳав. 6:6-7).

Хаворийлар уларнинг бошларига қўлларини қўйганларида, нима содир бўлди? Улар хизмат инъомини қабул қилдилар ва натижада, Худонинг сўзи тарқалди ва шогирдларнинг сони кўпайиб борди. Ажойиб ҳодиса! Эркаклар бевааларга хизмат қилмоқда ва бу Худонинг Сўзининг тарқалишига ва шогирдлар сонининг кўпайишига олиб келмоқда.

Менинг фикримча, жамоатларимизни ўсмаслигининг ва кўпаймаслигининг сабабларидан бири, ҳамма одамлар: оддий имонлилар ва етакчиларнинг ҳаммаси ҳам ўз инъомларида ҳаракат қилмаятганларидир. Хаворийлар китоби ҳатто шуни кўрсатаптики, инъомда ҳаракат қилаётган етакчи маълум миқдордаги одамларни имонга келтира олади, бироқ бу ишга бутун жамоат қўл урганида, натижалар анча кўп бўлади.

Элликлик кунида, Петъор воизлик қилаётган пайт, «Ўша куни хаворийларга уч мингга яқин жон қўшилди» (Ҳав. 2:41 шунингдек, 47 оятга қаранг). Ҳатто Петъор Иерусалим кўчаларида шифолаш мойланиши остида юрганида ҳам, «Имон келтирганлар (кўпчилик эркаклару аёллар) ...Раббийга борган сари кўпроқ қўшилар эдилар» (Ҳав. 5:14).

Лекин имонлилар ҳар куни ҳар бир уйда таълим беришни бошлаганларида, (Ҳав. 5:42) унда жамоат «кўпайишни» бошлади (Ҳав. 6:7). Имонлиларнинг хизматидаги кейинги поғона, бевалар ҳақида ғамхўрлик қилиш бўлди. Шундан сўнг жамоат «жуда кўпайиб борар эди» (Ҳав. 6:7).

Бугунги кунда чўпонлар, ўзларига ёрдамчиларни деярли ялиниб-ёлвориб оладилар. Қанчалик ачинарли! Ҳаворийлар китобида, етакчилар ўзларига ёрдамчи сўраганини кўрмайсиз. Ўша вақтлар ёрдамчилик хизмати ҳолатига шунчалик жиддий муносабатда бўлишганки, ҳатто дастурхон ёзиш учун ҳам қобилиятли ишчиларни излашган. Истеъдодга нисбатан эмас, феъл-атворга нисбатан қобилиятлиларни излашган. Шундайларини тайинлашган. Бугунги кунда биз оддий ҳол деб ҳисоблаган нарсаларга, ўша вақтнинг имонлилари қанчалик катта аҳамият беришган!

СОДИҚ БЎЛИШ УЧУН МАСЪУЛИЯТ

Агар ҳамма имонлилар ўз жойларида бўлганида, нима бўлар эди? Қанчалик ҳайратда қолдирадиган ходисаларни кўрган бўлар эдик! Уйғониш – воизлар учун эмас, бутун тана учундир. Уйғонишда ҳар бир одам ўз ўрнини эгаллайди. Ёдингизда бўлсин: инъом –Худо бизга берган қобилиятдир. Бизга ишониб топширилмаган бирор нима учун, биз жавоб бермаймиз. Оёқ кўриш учун жавоб бермайди. Бироқ ҳатто шундай бўлса ҳам, Худонинг иродаси фақатгина Рух берган қобилиятлар ёрдамида амалга оша олади. «Бироқ бу нарса ўзимиздан деб ўйлашга қодир бўлмаганмиз: аксинча, бизнинг қодирлигимиз Худодандир» (2-Кор. 3:5).

Бу инъомларнинг бирликдаги ҳаракатини душман тўхтатишни истайди. У бунинг уддасидан чиққанида, бизнинг ўсишимизга жиддий тўсқинлик қилиши мумкин. У Худони инъомларни тарқатмасликка мажбур қила олмаслигини билади, шунинг учун уларни қўллаш озодлигимиз ортидан ов қилиб юрибди. Журъатсизлик – бизга ҳалақит бериш учун қўллайдиган унинг биринчи усулидир.

ЖУРЪАТСИЗЛИКНИ ФОШ ҚИЛИБ

ҲАРАКАТСИЗ ИНЪОМЛАР

Нима учун шу қадар кўпчилигимиз маҳсулдор эмасмиз?

Ҳар бир имонли, Худо берган истеъдод ва инъомлар билан бирга келадиган ҳокимият ўрнига эга эканлиги ва у ҳар қандай ёвуз руҳлар кучидан баландда Исо Масихда яширинганлиги ҳақида гапирган эдик. Хўш, нима сабабдан шу қадар кўпчилигимиз маҳсулдор эмасмиз? Бунга жавоб бериш учун, келинг, Повулнинг Тимўтийга эслатмасини қайта ўқиб чиқамиз:

«Шу сабабдан, қўлларимни қўйишим орқали сенга берилган Худонинг инъомини алангалатиб туришингни сенга эслатаяман» (2-Тим. 1:6).

Юнончасига алангалатиш сўзи – аназопурео, бу дегани «қайта ёқиш» ёки «оловни алангалатиб туриш»дир (Vine's dictionary). Агар Повул, бу ёш йигитни, у инъомини (харизма) алангалатиб туриши учун руҳлантиришига тўғри келган бўлса, унда, демак инъом ҳаракатсиз ҳолда бўлиши мумкин экан. Инъом автомат равишда ишламайди. Олов сингари, уни алангалатиш ва қўллаб туриш керак.

ИНЪОМНИ АЛАНГАЛАТИШ ВА ШУ ҲОЛДА ТУТИБ ТУРИШ

Пок юракли ва чин мақсадли одамлар бор бўлиб, улар агар Худо ниманидир истаса, унда бу ўзидан -ўзи содир бўлади, деб ўйлашади. Аммо бу нотўғри. 1795 йили Эдмунд Берк шундай

деб ёзган эди: «Ёвузлик тантана қилиши учун, яхши одамлар бор- йўғи ҳеч нима қилмасликлари керак». Тимўтийнинг юраги пок эди. Повул унинг феъл-атворини қандай мактагани ёдингиздами? «Чунки сизлар ҳақингизда шундай самимийлик билан ғамхўрлик қиладиган унга тенг одамим йўқ. Зеро ҳамма Исо Масихнинг эмас, балки ўз манфаатини излайди. Лекин Тимўтийнинг содиқлиги сизларга маълум» (Фил. 2:20-22). Шундай бўлса-да, айнан Повул, Худонинг инъомига бепарво бўлмагин деб, икки қарра Тимўтийни огоҳлантирган эди. Акс ҳолда, инъом намоён бўлмас эди.

Демак, биз икки саволга жавоб беришимиз керак: «Нима инъомни уйқу ҳолатига олиб келади?» ва «Қандай қилиб биз уни алангалатишимиз мумкин?» Иккинчи саволга жавобни навбатдаги бобларнинг бирида бераман, ҳозир эса, келинг, биринчисини кўриб чиқамиз. Нима Худонинг инъомини ҳаракатсизликка олиб келади?

Жавобни қуйидаги оятдан топамиз:

«Шу сабабдан, қўлларимни қўйишим орқали сенга берилган Худонинг инъомини алангалатиб турришингни сенга эслатаяпман. Чунки Худо бизга қўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-қудрат, севги ва соғлом онг Руҳини берган» (2-Тим. 1:6-7).

Юнончасига қўрқув – «дейлиа». Бу сўз ўзида уятчанлик ва қўрқоқлик маъносини мужассамлаштирган. Бу сўз Муқаддас Ёзувда бирор марта ижобий маънода ишлатилмаган (Vine's dictionary). Яна бир бор New International Versionнинг 7-оятига қараймиз: «Зеро Худо бизга журъатсизлик руҳини бермаган» (2-Тим. 1:7).

Бу таржима «журъатсизлик» сўзини, бу оятга энг тўғри келадиган сўз сифтида таклиф қилмоқда. Мен ҳам шундай деб ҳисоблайман. Шу тариқа Повул Тимўтийга: «Сенинг инъоминг, сенинг журъатсизлигинг, уятчанлигинг туфайли ҳаракатсиздир», - деб айтмоқда. Сўзнинг маъносини деярли ўзгартирмай, биз бу оятни шундай таржима қилишимиз мумкин: «Тимўтий, сендаги

Худонинг инъоми, журъатсизлик туфайли ҳаракатсиздир!» Ўзларининг вазифаларини бажаришдан воз кечганларида журъатсиз имонлилар руҳий дунёда ҳокимиятларини йўкотадилар. Натижада, инъом, улардаги Худонинг қобиляти худди уйкудагидек ҳаракатсиз ҳолатда қолади. Инъом бор бўлса-да, у ҳаракатсиз бўлади.

Мичигандаги оқсоқол, мени гўёки жуда қаттиққўллик қилди деб ҳисоблаган ҳамду сано етакчисининг сўзларини менга етказганида, мен чиндан ҳам эсанкираб қолган эдим. Бирданига Худонинг инъоми кучсиз бўлиб қолди ва мен аввалги хизматларда намоён бўлган мойланиш остида воизлик қила олмадим. Худонинг ҳаёти кетиб қолгандек туюлди. Саросима ҳолати келди. Мен қатъийликни йўқотиб қўйдим. Мен одамлар билан учрашишни истамас эдим. Нима учун? Чунки журъатсизлик қилдим ва Худо менга берган ҳокимиятни қўлдан чиқариб қўйдим.

ЖУРЪАТСИЗЛИКНИНГ ТАЪРИФИ

Келинг ҳозир «журъатсизлик қилиш» ва «журъатсизлик» сўзларининг таърифига қараймиз. Oxford English Dictionary (инглиз тилининг Оксфорд луғати) бу сўзга шундай таъриф беради:

1. Журъатсиз, уятчан бўлиш.
2. Қўрқув билан руҳланиш.
3. Қалтираш ва қўрқувда бўлиш, қўрқитилмоқ.

MerriamWebsters Collegiate Луғати (10-нашри) «журъатсизлик қилмоқ» сўзини қуйидагича таърифлайди: гангиб қолмоқ, эзилмоқ, жабр-зулм чекмоқ, таҳдид остида бўлмоқ.

Oxford English Dictionary (инглиз тилининг Оксфорд луғати) «журъатсизлик»ни шундай таърифлайди.

1. Қўрқиб қолиш ҳолати.
2. Бирор ишни қилдиришга мажбурлатиш ёки уни қилдирмасликка мажбурлатиш мақсадида қўлланилган таҳдид ва

зўравонлик натижаси.

Журъатсизликнинг мақсади – сизни бирор ишни қилишингиздан ушлаб қолиш, эзиш ва бўйсундиришдир. Журъатсизлик сизни норасолик ва кўркув ҳисси билан қамраб олишни истайди. Англаган ёки англамаган ҳолда ортга чекиниб ва бўйсуниб, ким сизни эзаётган бўлса, ўшанинг хизматкорига айланасиз. Сиз энди Худонинг иродасини бажариш учун озод эмассиз, аммо сизнинг истилочингизнинг истакларини амалга оширишга маҳкумсиз.

Натижада, Худонинг инъоми, Унинг руҳий қобилияти ҳаракат қилмайди. Сизнинг ўзингизга ва сизнинг таъсир доирангиз остида бўлганларга қарши ишлатиш учун, сизни ҳокимиятдан айирдилар.

Журъатсизликнинг табиати, бизнинг душманамиз – шайтондан чиқувчи кўркувдир. У ҳар қандай кўркув ва журъатсизликнинг муаллифидир (Ибт. 3:1-10, айниқса, 10 оят). У бизга фикрлар, тасаввурлар ва ваҳималар билан ҳужум қилади ёки бизни кўрқитиш учун вазиятларни ва унинг таъсири остида бўлган одамларни ишга солади. Бошқача айтганда, унинг мақсади битта – назорат қилиш ва чеклаш.

ЭЛИЙАХ КЎРҚИБ ҚОЛГАН ЭДИМИ?

Элийах пайғамбар Худонинг қудратли кучида ҳаракат қилган. У Худонинг кўркувига эга бўлмаган бетавфиқ подшоҳнинг қаршисида дадил туриб, эълон қилди: «Мен айтмагунимча, мана шу йилларда шудринг ҳам тушмайди, ёмғир ҳам ёғмайди» (2-Шох. 17:1). У бундай Худосиз подшоҳдан кўркмади.

Кейинги бир неча йиллар давомида у ғайритабиий мўъжизалар муҳитида яшади. Биринчидан, уни қарғалар боқишди, шундан сўнг, умумий очарчилик вақтида, нони ҳам, ёғи ҳам тугамаган бир бева уни қўллаб турди. Беванинг ўғли тўсатдан ўлиб қолди ва Худо Элийахнинг ибодатини эшитиб, болани ўликлардан тирилтирди. Бу одам қудратли хизматга эга эди.

Орадан анча вақт ўтиб, у яна подшоҳнинг қаршисига келиб турди. Подшоҳ қурғоқчилик туфайли келган азоблар ва

синовларда Элийахни айблади ва уни:

«Исроилни безовта қилаётган сенми?» – деган сўзлар билан қарши олди (1Шох.18:17).

Элийах дадил жавоб берди: «Мен Исроилни безовта қилганим йўқ, аксинча, сен ва отанг *безовта қилдиларинг*, чунки сен Раббийнинг амрларини беписанд қилдинг ва Баалга эргашдинг» (1Шох. 18:18). Шундан сўнг, у подшоҳга, Баалнинг 850 та пайғамбарларини бутун Исроил халқи билан бирга, Кармел тоғига йиғишини буюрди. Қарама-қаршилик куни, ким ҳақиқий Худо эканлигини кўриш учун бутун Исроил йиғилди! Элийах Баалнинг пайғамбарларини дадил чорлаб, уларни ўз худоларига қурбонлик келтиришларини таклиф қилди, ўзи эса Раббийга қурбонлик келтирди: «Олов воситасида жавоб берадиган Худо - ҳақиқий Худодир! (1 Шох. 18:24).

Раббий Худо олов билан жавоб берди ва Исроил халқи юзтубан йиқилиб Худого қайтдилар. Сўнгра, Элийахнинг буйруғига кўра 850та сохта пайғамбарлар ўлдирилди. Кейин Элийах тез орада ёмғир ёғишини айтди, қайноқ ибодат қилди ва ёмғирдан умуман дарак бўлмаса ҳам ёмғир учун фарёд қилди. Бир неча дақиқадан сўнг само қорайди ва кучли ёмғир ёғди. Ахаб қасрга қочаётганида Худонинг қўли Элийах билан эди ва у Ахабнинг аравасидан олдинда югуриб кетди.

Бу Элийахнинг ҳаётидан фақат бир кун эди. Бутун халқ хайратда қолган эди. Бетавфиқлар қириб ташланди. Узоқ давом этган қурғоқчилик тугади. Элийах Худонинг овозини аниқ эшита олар эди, эшитганини қилар эди ва буюк мўъжизалар кўрар эди.

ПОДШОҲНИНГ ХОТИНИ БИЛАН ТЎҚНАШУВ

Аммо ўша куннинг ўзидаёқ, Ахабнинг хотини Йезабел сохта пайғамбарларни нима қилганларини эшитди ва Элийахга қуйидаги хабарни юборди: «Агар мен эртага мана шу вақтгача, сенинг жонингни уларнинг ҳар бирининг жони нима қилинган

бўлса шундай қилмасам, унда менинг худоларим менга шундай қилсин ва ҳатто ортиқроғини қилсин» (1 Шох. 19:2). У Элийаҳдан ўта дарғазаб эди, чунки булар унинг хабарларини воизлик қиладиган унинг пайғамбарлари эди. Энди Элийаҳ қандай жавоб берганига қаранг: «У кўрқиб, хавотирга тушди, ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун қочди ва Яҳудиядаги Беершебанинг олдига келди ҳамда ўша жойда ўз хизматкорини қолдирди. Ўзи эса бир кунлик йўлга сахрога кетди ва келиб, арча тагида ўтирди; у ўзига ўлим сўраб: «Бу энди етарли, ё Раббий; менинг жонимни олгин, зеро мен оталаримга нисбатан яхши эмасман!» –деди (1 Шох. 19:2-3).

Бир куннинг ўзида у буюк жангда ғалабани қўлга киритди, кейин эса ўз ҳаёти учун дир титрар эди. У Йезабел томонидан шу қадар кўрқитилган ва саросимага солинган эдики, ўлишни истади. Бу кўрқитишнинг мақсади - Элийаҳга Худонинг иродасини бажаришига халақит бериш эди. Йезабел мамлакат устидан ўз таъсирини сақлаб қолишни, Элийаҳни йўқ қилишни ва уни ўз йўлидан йўқотишни истар эди. У пайғамбарни ўлдира олмаган бўлса ҳам, Элийаҳ қочиб, ўзига ўлим тилаши даражасида уни кўрқитиб, барибир ўз мақсадига эришди. Ўзи билмаган ҳолда, Элийаҳ унинг режаси бўйича ҳаракат қилди. Агар у содир бўлаётган воқеаларнинг асл моҳиятини тушунганида эди, ҳеч қаерга қочмаса ҳам бўлар эди.

ЖУРЪАТСИЗЛИК БЕЛГИЛАРИ

Журъатсизлик руҳи - тортиниш, тушкун кайфият ва саросималикни келтириб чиқаради. Унинг мақсади - сизни тўғри мақсадни йўқотишга мажбур қилишдир. Ҳамма нарса эзувчи, мушкул ва ҳатто иложсиз туюлади. Агар журъатсизликдан тезда қутулмасангиз, у шундай натижага олиб келадики, сиз унинг таъсирисиз ҳеч қачон қилмайдиган ишларни қила бошлайсиз. Қўрқитишнинг мақсади айнан шудир. Менинг ўзим журъатсизлик ҳужумига учраган вақтларимни эслайман ва Элийаҳ нимани ҳис қилганини тасаввур қила оламан. Бу

руҳ қандай ҳаракат қилишини тушунишимдан олдин мен меҳмонхонада ўтирар эдим ва саросималик ҳамда умидсизлик билан курашар эдим. Мен ҳайрон эдим: нима содир бўлапти ўзи? Баъзан бундай фикрлар менга ҳатто муваффақиятли биринчи йиғиндан кейин ҳам келар эди.

Бир аниқ воқеа менинг ёдимда бор: ўшанда мен кун бўйи умуман ҳеч нима қила олмаган эдим. Мен бу юкни ўзимдан қоқиб тушира олмас эдим. Мен ибодат қилдим ва Худо умуман йўқдек туюлар эди. Элийаҳ каби мен фақат ўзим ҳақимда, ўзим ҳақимда ва яна ўзим ҳақимда ўйлар эдим. Мен ўзимни ҳосилсиз, хизматимни бефойда ҳис қилар эдим. Шунинг учун Элиаҳ деди:

«Бу энди етарли, ё Раббий; менинг жонимни олгин, зеро мен оталаримга нисбатан яхши эмасман!» (3 Шоҳ. 19:4).

Ўша умидсиз куннинг ниҳоясида, Худо менга Элийаҳнинг Йезабелдан қандай кўрқиб қолганини кўрсатди. Ахийри, мен тушундимки, менинг ҳатти-ҳаракатим кўрқитувчи, саросимага солувчи руҳ нимани истаса худди шундай экан. У Худо мени бажариш учун юборган ишдан менинг чекинишимни истар эди. Ўша жамоатда, Худо воизлик қилишни буюрган тавба ва муқаддаслик ҳақидаги воизликни севмайдиган одамлар бор эдилар. Бирданига, мен кун бўйи курашган белгиларнинг илдизини топдим. Бу журъатсизлик руҳи эди. Мен дадиллик билан озодликка ёриб чиқдим ва тортиниш ҳамда саросимадан енгиллик ҳис қилдим. Ўша оқшом жуда кучли йиғин бўлди! Кейинроқ, қандай қилиб журъатсизлик руҳига қарши туриш мумкинлигини тушунтириб ўтаман. Ҳозир эса бу руҳни таний олиш учун келинг, Элийаҳнинг ҳаётига яна бир бор назар ташлаймиз.

«ЭЛИЙАҲ, НИМА УЧУН БУ ЕРДАСАН?»

Йезабелнинг кўрқитишига қарши чиқишни рад қилганида Элийаҳ ўзининг ҳокимият ўрнидан уриб чиқарилган эди.

Натижада, унинг бутун халқ учун мўлжалланган хизмат инъоми босилди ва у Худога маъқул бўлмаган томонга кетди. Ишончим комилки, Элийах қарама-қаршиликдан қочаётганида, олдин қарама-қаршиликка киришган вақтидагидан бошқача кўринар эди. У қарама-қарши томонга кетди, ўзининг хизматкорини қолдириб кетди ва қирқ кун-у қирқ тун Хорив тоғига борди. У ерга келганидан сўнг у эшитган биринчи сўз: «Нима учун бу ердасан, Элийах?»-эди (1Шох.19:9).

Тасаввур қилинг: унинг ўлим қадар ҳафсаласи пир бўлган, қирқ кунлик йўлдан ҳориб толиққан ва умуман олганда, тўлик тушқунлик ҳолатида турибди. Худо эса сўраяпти: «Нима учун ўз ўрнингдан қочиб, бу ерда яшириндинг?»

Сиз балки ўйларсиз: «Ҳа, лекин Худо Ўзининг фариштасини юборди-ку, Элийах қирқ кун ва тунлик сафарини давом эттириши учун фаришта Элийахга иккита нон берди». Унда нима учун Худо: «Нима учун бу ердасан, Элийах?»-деб сўраяпти? Элийах барибир қочиб кетишини Худо билар эди. Одам юрагида ниманидир ниёт қилганида, ҳатто бу Худонинг мукамал режаси бўлмаса ҳам Худо бунинг содир бўлишига рухсат беради.

Моаб подшоҳи Балак, Балъомдан келиб, Исроилни лаънатлашини сўраганида ҳам худди шундай бўлган эди. Раббий Балъомга бормаслигини айтди, лекин Балъом қайтиб келиб Раббийдан иккинчи бора сўради. Шундай туюлдики, гўё Худо фикрини ўзгартирди ва Балъомга бориши мумкинлигини айтди. Кейинги кунни эрталаб йўлга чиқиш учун Балъом эшакни эгарлади. Муқаддас Ёзувда айтилганидек, «у борганлиги учун Раббийнинг қаҳри алангаланди» (Сон.22:22). Шунда Худонинг фариштаси уни ўлдиргани келди.

Нима учун Худо боришини айтди, Балъом айнан шундай қилганидан сўнг ғазабланди? Раббий Балъомнинг юрагини билгани учун унга боришига рухсат берди. Балъом Балак таклиф қилган иззат ва пулни Худога итоатдан кўра кўпроқ истаётганини Худо билар эди. Одам нимадир қилишни юрагида хал қилганида, бу ҳатто Худонинг мукамал иродаси бўлмаса

ҳам Худо уни тўхтатмайди.

Элийаҳ билан ҳам худди шундай бўлди. Худо унинг қайтиб бориб, Баалнинг пайғамбарлари каби Йезабелга ҳам қарши туришини истаган эди. Бу Кармил тоғида бошланган ишни охирига етказар эди. Аммо Элийаҳ у билан учрашишни истамади. Босим унинг жонига тегди, у бу босим остидан чиқишни истар эди. Саёҳат учун керакли озикни бериши учун Худо фариштани юборди. Раббий кутиб туришга ва Элийаҳнинг журъатсизлиги масаласини кейинроқ Хорив тоғида ҳал қилишга тайёр эди.

ҲАММА НАРСА УЧУН БИР КИШИ ЖАВОБГАР

Худо томонидан Элийаҳ орқали бошланган иш Йезабелга қарши чиқишсиз тугаши мумкин эмас эди. У Исроилнинг барча муаммоларининг илдизи эди. Муқаддас Ёзувда айтилган:

«Раббийнинг нигоҳи қаршисида ёвузлик қилишга шу қадар берилган Аҳабга ўхшагани ҳали бўлмаган эди. Унинг хотини Йезабел уни бунга бошқарар эди» (2 Шоҳ.21:25).

Раббий Кармил тоғида бирга бўлганидек, кейин ҳам Элийаҳ билан бирга эди. Аммо пайғамбар Йезабелдан кўрқиб қолган эди ва ўз ҳокимияти ўрнидан сиқиб чиқарилди. Ишни охиригача етказиш учун берилган инъом шунинг учун ишламади. Энди қаранг, Худо Элийаҳдан нима учун тоққа келганини сўраганидан сўнг нима деди:

«Раббий унга деди: «Ўз йўлинг билан Дамашқ саҳроси орқали ортингга қайт ва келганингда, Арам устидан Ҳазазлни подшоҳликка мойлагин ҳамда Нимшининг ўгли Йехуни Исроил устидан мойлагин; Абел-Меҳолаҳдан Шафатнинг ўгли Элишайни эса ўзингнинг ўрнингга пайғамбарликка мойлагин. Кимки Ҳазазлнинг қиличидан қочса, ўшани Йеху ўлдиради ва кимки Йехунинг қиличидан қутилса,

ўшани Элишай ўлдиради» (2 Шоҳ.19:15-17).

Дикқат қилинг, Худо Элийаҳга Элишайни ўзининг ўрнига пайғамбарликка мойлашини, Йехуни эса Исроил устидан подшоҳликка мойлашини айтди. Худо Йезабелдан қочмайдиган икки эракни топди. Худо белгилаган ишни улар амалга оширадилар.

Элийаҳ Йезабелдан кўрқиб қочиб кетганида унинг иши тўхтаб қолди. Ёдга олинг, Исроилда тарқалган барча бетавфиқлик ортида айнан Йезабелнинг таъсири турар эди. Агар етакчининг нотўғри таъсирига қарши чиқилмаса ва унга барҳам берилмаса, маълум вақтдан сўнг бу бетавфиқлик унинг қўл остидагилар орасида ҳам тарқалади.

Раббий Исо шундай негизни ўргатган эди:

«Ҳеч ким кучли одамнинг уйига кириб, аввал кучли одамни боғламасдан, унинг мол-мулкани талон-тарож қилмайди. Фақат уни боғлаганидан сўнггина уйини талон-тарож қилади» (Марк.3:27).

«Кучли» - бу етакчи. «Уй» - унинг мулки ёки таъсир қилиш майдони. «Унинг мулки» -унинг таъсирининг ҳосиллари ёки натижаси. Энди шу талқинни қўллаган ҳолда Раббий Исо нима деганини яна бир бора ўқиб чиқинг: «Ҳеч ким етакчининг майдонига кириб, унинг ўзини йўқ қилмагунича унинг таъсирининг натижаларини бартараф қила олмайди. Уни йўқ қилганидан кейингина унинг майдонига эга бўлади (Марк. 3:27, муаллифнинг парафразаси).

Сиз айтишингиз мумкин: «Ахаб етакчи эди, Элийаҳ ундан кўрққан эмас». Бунга ҳам «ҳа», ҳам «йўқ» дейиш мумкин. Ахаб етакчилик унвонига эга эди, лекин ўз ҳокимиятини хотинига бериб қўйди. Шунинг учун руҳий дунёда Исроилдаги бутпарастлик ортида турган «кучли» унинг хотини эди. Айнан унинг хотини Баалга сажда қилишга йўналтирар эди. Айнан унинг таъсири етти мингта содиқ одамдан ташқари бутун Исроил халқи ягона, ҳақиқий Худога сажда қилишдан чекинишига олиб

келди. Ҳеч ким унга қарши ошкор қарши турмагани учун унинг таъсири сақлаб қолинди.

Мен бундай нарсаларни кўп бора кўрганман. Баъзан шундай бўладики, кимдир чўпон ёки етакчи деб аталади, шу билан бирга, бошқа одамлар уни назорат қиладилар ёки бошқарадилар. Одатда, бунақа одамлар доимо унинг ёнида бўладилар. Булар: хотини, ёрдамчилари, кенгаш аъзолари, хизматчилар, шафоатчилар ва бошқалар. Улар сахна ортидан хўжайинлик қиладилар ва етакчи деб аталадиган одамни назорат қиладилар.

Оилаларда ҳам шу нарса содир бўлади. Ота-оналар ўз болаларидан кўрқадилар. Эрлар хотинлари қаршисида журъатсиз бўлиб қоладилар ва аслида, оиланинг бошлиғи эмаслар. Етакчининг атрофида уйда ҳам, хизматда ҳам маслаҳатчилари бўлиши муҳим. Лекин бундан-да муҳимроғи - унинг ўз ҳокимиятида туриши ва оилада ҳам, хизматда ҳам Худо унга берган инъомни қўллаб хизмат қила олиши ва ҳимоя қила олишидир.

Элийахнинг қочиб кетганидан кейин содир бўлган воқеаларни ўқишда давом этсангиз у бошлаган ишнинг тўхтаб қолганини кўрасиз. Ахаб халқни бетавфиқларча азоблашни давом эттиради. Йезабелнинг эрига ва шоҳликка таъсири ошиб боради. Элийах Баалнинг пайғамбарларини қиличдан ўтказган ва бутун халқ Худонинг кучининг гувоҳи бўлган бўлса-да, Баалга сажда қилиш тикланади. Йезабелдан қочиб, Элийах исроилликларнинг дадилликларини ўзи билан олиб кетди. Ахаб ўлди, аммо ундан кейин подшоҳлик қилган унинг иккита ўғли халқни ҳақиқат йўлидан бутпарастликка яна-да чуқур ботирди (1 Шоҳ. 22:51-2 Шоҳ. 9).

ҲОКИМИЯТИНИ БЕРМАГАН ИККИ КИШИ

Шундай қилиб, Элийах бу бузилиш ва чириш манбаидан қочиб кетди. Шунинг учун Раббий бу ёвуз аёлни бир ёқлик қилиш учун икки кишини мойлашини айтди. Натижада, айнан

Йеху Йезабелни ўлдирди(2Шох.9:30-37). Йезабел уни назорат қилмоқчи бўлганида, у аёлнинг қўрқитишига бўйсунганини рад қилди. Биргина ягона жангдан сўнг унинг таъсири барбод қилинди ва йўқ қилинди (2 Шох.10боб).

Йеху ва унинг одамлари Ахабнинг барча етмишта ўғлини ўлдирдилар. У Баалнинг барча хизматчиларини бир жойга тўплаб, уларни қиличдан ўтказди, Баалнинг маъбадига кириб уни ёқиб ташлади. Йехунинг одамлари Баалнинг бутини қулатдилар ва унинг маъбадини ер билан яксон қилиб, чанг уюмига айлантирдилар. Энди эса Муқаддас Ёзув Йеху ҳақида нима дейишига қаранг: «Йеху Баални Исроил еридан кириб ташлади (2 Шох. 10:28).

Худо Элийахга тўғридан -тўғри айтди:

«Қимки Йехунинг қиличидан қутулса, ўшани Элишай ўлдирди» (2 Шох.19:17).

Бошида Элийах юборилган ишни тугаллаш учун икки киши керак бўлди. Худо Элийахга Элишайни ўзининг ўрнига пайғамбарликка мойлашини айтди, чунки Элийах журъатсизлик учун ўзининг ҳокимият ўрнини бериб қўйди. Йеху билан Элишай эса Худо уларга берган ҳокимиятни Ахабнинг хонадонидаги бирор кишига бериб қўймадилар, шунинг учун Худонинг инъоми бошқа кучсиз эмас эди ва давлат Баалга сажда қилишдан қутулди.

Бизлар журъатсизлик қилганимизда ўзимизнинг ҳокимият ўрнимизни тарк этамиз. Натижада, хизмат қилиш ва ҳимоялаш учун берилган Худонинг инъоми ҳаракатсиз қолиб кетади. Ўзимиз билмаган ҳолда бизни қўрқитиб қўйганларнинг мақсади амалга ошишига ёрдам бера бошлаймиз.

Худонинг одамлари олдинга интилишлари ўрнига ортга чекинганларининг Эски Аҳдда жуда кўп мисоллари бор. Повул ёзгани каби:

«Буларнинг ҳаммаси уларда намуна сифатида содир бўлган. Бизга эса, замоннинг охирига етганлар-

ЖУРЪАТСИЗЛИКНИ ФОШ ҚИЛИБ

*га – булар огоҳлантириши учун ёзиб қолдирилган»
(1Кор.10:11).*

Яна Римликларга мактубда:

«Зеро илгаридан нимаики ёзилган бўлса, бизнинг таълим олишимиз учун ёзилгандир, токи биз Ёзувдаги сабр-тоқат ва юпанч орқали умидга эга бўлайлик» (Рим.15:4).

Бу китобда мен яна ҳам Эски Аҳддан, ҳам Янги Аҳддан жуда кўп мисоллар келтираман. Чунки Эски Аҳднинг мисолларини билмасдан туриб, Янги Аҳдни қўллашни тўлиқ тушунишнинг иложи йўқдир. Кейинги бобда, биз, журъатсизлик етакчининг нафақат шахсий ҳаёти, балки шунингдек, у хизмат қилаётган одамларнинг ҳаётидаги Худонинг ишига нақадар халақит беришини кўриб чиқамиз.

ЖУРЪАТСИЗЛИК ТУФАЙЛИ ФАЛАЖ БЎЛГАНЛАР

Одам кўркиб қолганида, кўрккан одамани Худодан устун қўяди.

Журъатсизлик бизни руҳ соҳасида фалаж қилади. Биз ёмон эканини билган нарсада у бизни ён босишга мажбур қилади. Биз бошқа вазиятларда қарши чиқадиغان нарсаларга у йўл қўйиш ва чидашга мажбур қилади.

Бунга мисол Элий ва унинг ўғилларининг тарихидир. Изроил монархияга айлангунича, уларни судьялар бошқарар эди. Халқ тарихининг қийин лаҳзаларида Худо судьяларни кўтарар эди. Дейк Муқаддас Ёзувига ишонсак, Елий Исроилнинг ўн бешинчи судьяси эди. У нафақат судья эди, у шунингдек, еттинчи олийруҳоний эди. У Исроилни қирқ йил суд қилди. Унинг икки ўғли Офни ва Финеес ҳам руҳонийлар эдилар. Лекин келинг, Елий бошқарган вақтда Исроилда руҳий муҳит қандай бўлганини қараб кўрамиз:

«Ўша кунлар Раббийнинг Сўзи кам келар, ваҳий ҳам кўп бўлмас эди»(1Шом.3:1).

Бу ерда гап кетаётган Худонинг Сўзи - бу қоғозда битилган Ёзув эмас. Исроилликларда Тора бор эди. Аммо бу ерда Муқаддас Рух руҳлантирган Худонинг режалари ва йўлини

очилиши назарда тутилган. Халқда эса Худо улар билан тўғридан-тўғри гаплашган вақтлардан фақат хотира қолган эди. Энди Китобнинг муаллифи жим эди. Унинг овозини кам эшитар эдилар.

Нима учун Худо жим эди? Биз бунга жавобни 2-бобда топамиз:

«Элий жуда кексайиб қолган эди. У ўғилларининг барча исроилликларга нисбатан қандай иш тутаетганларини, йигин чодирининг эшига ёнида тўпланадиган аёллар билан зино қилаётганларини эшитар эди» (1 Шом. 2:22).

Элийнинг ўғиллари Офни ва Финеес бетавфиқ одамлар эдилар. Улар нафақат Исроил аёллари билан зино қилар эдилар, улар шу қадар сурбетлашган эдиларки, Раббийнинг ҳузури бўлиши лозим бўлган жой - чодирга хизмат қилгани келган аёллар билан зино қилар эдилар. Улардаги Худодан кўрқиш қаерда эди?

Уларнинг бетавфиқлиги фақатгина жинсий гуноҳлари билан чекланмас эди. Улар шунингдек, одамлар олиб келадиган хом гўштни куч билан тортиб олар эдилар. Бундай иш қонунга қарши эди ва Раббийни ҳамда чодирдаги хизматчиларни уларга тегишли бўлган гўштан маҳрум қилар эди. Бу шунга олиб келдики, Исроил халқи Раббийга бағишловлар келтиришни менсимай қўйди. Офни ва Финеес исроилликлар учун қокениш тоши бўлдилар. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари туфайли халқ Худодан совуди.

Элий ўғиллари нима қилаётганини билар эди, лекин уларни чодирдан четлатмади, балки озроқ койиб қўйди: «Шунда у ўғилларига деди:

«Сизлар нимага бундай иш қиляяпсизлар? Зеро мен бутун халқдан ёмон ишларингиз ҳақида гаплар эшитаяпман. Йўқ, ўғилларим! Раббийнинг халқида сизлар ҳақингиздаги овоза яхши эмас, сизлар Раббийнинг халқини бузаяпсизлар (1 Шом. 2:22-23).

Унинг ўғиллари бу енгилгина койиб қўйишдан кўпроғига лойиқ эдилар. Улар юракларида тавба қилмагунларича уларни руҳонийлик хизматидан ва умуман чодирдан четлатиш керак эди.

Худонинг пайғамбари Элийнинг олдига келиб деди:

«УнданегасизларуйимучунМенамрэтганқурбонлик ва нон багишловини оёқ ости қилаяпсизлар?! Нега ўғилларингни Мендан ортиқ кўриб, халқим Исроилнинг энг яхши эҳсонлари билан ўзингни семиртираяпсан?! ...Мени улуглаётганларни Мен ҳам улуглайман, Мени бадном қилаётганлар эса шарманда бўладилар» (1 Шом. 2:29-30).

«Шарафлаш» дегани «иззат қилиш, ҳурмат қилиш, эътиборга олиш» деганидир. Ўз ўғилларига қарши чиқишни ва уларни интизомга солишни рад қилиб Элий уларни Раббидан кўра кўпроқ ҳурмат қилишини кўрсатди. Одам кўрқиб колганида кўрққан кишисини Худодан кўра ортиқ кўяди. Одам буни тушунадими, ёки йўқми, у уни кўрқитганга бўйсунди. Агар Элий журъатсизлик қилмаганида, у ўғиллари билан бошқача йўл тутган бўлар эди.

Кейинроқ Худо Шомуилга Элий ҳақида деди:

«Мен унга: «Сенинг айбинг учун хонадонингни тоабад жазолайман»,- деб эълон қилдим, чунки у ўғиллари ўзларига лаънат орттирганларини била туриб, уларни тиймади» (1 Шом. 3:13).

Раббийнинг сўзи оз эди ва бетавфиқлик тийилмагани учун гуллаб-яшнар эди, чунки судья ва олийруҳоний ўз ўғилларидан кўрқар эди! У ўзининг ҳокимият ўрнини тарк этди ва Исроилга хизмат қилиш ва одил суд қилиш қобилиятини йўқотди. Одамлар Худонинг мақсадларини менсимас эдилар. Гуноҳдан чириш гуллаб -яшнаётган бир пайтда Исроилнинг душманлари ҳамма жойдан кучайиб борар эдилар. Етакчилар ҳокимиятларини бериб қўйганларида барча уларнинг қўл остидагилар ҳам азоб тортадилар.

БУ БЕТАКАЛЛУФ ЭШИТИЛАДИМИ?

Бахтга қарши, кўплаб оталар ўз болалари олдида журъатсизлар. Ёшлар чўпони бўлган вақтимда, масихий оилалар нақадар ёрдамга муҳтож эканликларини кўрган эдим. Мен ўсмирларнинг ўз ота-оналаридан нафратланишларини кўрганман. Улар ота-оналари билан ҳеч қандай ҳурматсиз суҳбатлашар эдилар. Ота-оналари уларнинг аччиқларини чиқарадигандек туюлар эди. Мен бундан эсанкираб қолар эдим ва бу ёшларни ота-оналарининг олдида тартибга чақирар эдим, чунки ота-оналарнинг ўзлари довдираб қолишар ва уларни тартибга чақиришдан кўрқар эдилар. Уларнинг уйларида анархия, тўлиқ тартибсизлик ҳукм сураар эди. Ота-оналар болаларга ўз ҳокимиятларини бериб қўйган эдилар. Уйда тартиб ўрнатиш ва художўй болаларни тарбиялаш учун берилган Худонинг инъоми ва кучи ҳаракат қилмас эди.

Бу муаммо нафақат уйларда, балки жамоатларимизда ҳам мавжуд. Мен юзлаб жамоатларда бўлганман ва нақадар кўп чўпонлар ўз одамлари қаршисида журъатсизлик қилишларини хавотир билан кузатганман. Бу жамоатларда муҳит Элий давридаги Исроилдан унча фарқ қилмайди: Худонинг овози кам эшитилади.

Бу чўпонлар ҳокимият ўрнини бериб қўйганлар ва Худонинг кучи ҳаракат қила олмайди. Чўпон ҳар бир йиғинда воизлик қилади, ҳамду-сано гуруҳи куйлайди, лекин Худонинг ҳузурини жуда кам ёки умуман йўқ.

Хизматчи ҳеч кимга тегиб кетмаслик ва итоатсизликда яшайдиганларга қарши бормаслик учун кунт билан воизлик тайёрлайди. Ёки аксинча, унинг жазаваси кўзийди, кайфияти бузилиб жунбушга келади, кўзиларни савалай бошлайди ва буларнинг барчаси уларнинг баъзилари олдидаги журъатсизлигини яшириш учун. Лекин буларнинг барчасида ёки руҳий ҳаёт жуда кам, ёки умуман йўқ.

«Кам» - бу Худонинг ҳузурининг Муқаддас Ёзувда таърифланишидир. Ҳаёт нафаси гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда бўлиши

мумкин, аммо Худонинг хузури кўп бўлмайди ва Унинг сўзи тирик сўз фавворасидек отилмайди.

ТИРИК ЎЛИК ЖАМОАТ

1990йилда мен бир «Тўлик хушхабарчилик» жамоатида хизмат қилдим. Одамлар ўзларини тирик ва Худо билан бирга ҳаракат қилаётган ҳисоблар эдилар. Мен якшанба куни эрталаб воизлик қилдим ва гўёки менинг сўзларим қайтиб келиб, юзимга ёпишаётганини ҳис қилдим. Бу тош деворга воизлик қилгандек гап эди. Исёндан муҳит зич эди.

Мен бунақасини тасаввур ҳам қилмаган эдим. Чўпон ва унинг хотини мен ҳаётимда учратган одамлар ичида энг мулойим одамлар эдилар. Уларнинг ўғиллари ҳамду - санони бошқарар эди ва хушрўй йигит эди. Мен улар билан хизматдан сўнг тушлик қилгани боргунимча ҳеч нимани тушунмадим.

Чўпон деди:

«Жон, мен сиздан сўрамоқчиман. Менинг жамоатимда ажрашган оила бор. Уларнинг иккаловлари ҳам йигинга келадилар ва залнинг қарама-қарши томонида ўтирадилар. Бу эркак - жамоатда бош ташилотчи. У бир ёш аёл билан танишиди, учрашувларга чиқа бошлади ва маълум вақтдан сўнг у аёл унинг уйига кўчиб ўтди ва улар ҳозир бирга яшамоқдалар. Мен нима қилишим керак?»

Мен бу саволга жавоб беришим кераклигига ишона олмадим. Саросима билан мен сўрадим:

«Сиз уни жамоатдан ҳайдамаганингизни назарда тутаяпсизми?»

«Йўқ,-деди у,- лекин мен ундан бош ташилотчи бўлиб хизмат қилишни бас қилишини сўрадим».

Мен тўхтаётган олмасдан чўпон ва унинг хотинига бир

соат воизлик қилдим. Мен уларга Повул Коринф жамоати оқсоқоллари билан қандай муносабатда бўлганини айтиб бердим. У ерда ҳам кимдир гуноҳда яшаётган эди. Повул уни фош қилди:

«Сизларнинг мақтанишингиз яхши эмас. Наҳотки озгина ачитқи бутун хамирни ачитишини билмасангизлар?» (1Кор.5:6).

Хамирга солинган озгина ачитқи ҳамма нонни ачитади ва у тўлик кўтарилади. Повул жиловсиз, беадаб, билиб қилинадиган гуноҳни хамирдаги ачитқига ўхшатади. Мен у чўпонни огоҳлантирдим: «Сиз жамоатда гуноҳ қаршиликсиз тарқалишига йўл қўйяпсиз. Бунинг бошқа кўзиларнинг ҳаётидаги натижаси учун Худо сиздан ҳисобот талаб қилади!» Мен давом этдим: «Чўпон нафақат кўзиларни боқади, балки шунингдек, уларни химоя қилади. Сизга уларни боқиш ёқади, аммо сиз уларни химоя қилишдан кўрқасиз, чунки сизга қаршилиқ ёкмайди. Лекин у ҳам, бу ҳам муҳим! Сиз бу одамга қатъий, лекин севги билан қарши туришингиз керак, агар у зудлик билан тавба қилмаса, уни жамоатдан ҳайданг».

Агар бизлар кўзиларни бокмасак улар очликдан ўладилар. Агар уларни химоя қилмасак, уларни еб қўядилар.

Чўпон ва унинг хотини оқариб кетди. Хотини деди: «Мен ҳаттоки билмайман: хизмат қилишни давом эттиришни истайманми ёки йўқми? Мен шунчаки одамларни севишни истайман».

Мен дедим: «Агар сиз одамларни химоя қилмасангиз, бу жуда қулай, лекин бу ҳақиқий севги эмас».

Улар барибир жамоатда баъзи одамлардан кўркишларини тан олдилар. Кейин менга кўнгилларини очиб, бошқа муаммолар билан ўртоқлашдилар. Ҳамду - сано гуруҳидаги баъзи созандалар хурматсизлик намоеён қилар эканлар. Мен уларга хизмат вақтида қандай саросимани ҳис қилганимни ва нима учун бундай бўлганини энди тушунганимни айтдим.

Ўша оқшом воизлик вақтида қандайдир одам менинг

гапимни бўлди ва номаълум тилларда хабар айтмоқчи бўлди. Мен ундан тўхташини сўрадим ва Худо Ўзининг гапини бўлмаслигини тушунтирдим. У тушунди ва сўзлашни бас қилди. Аммо шу вақтнинг ўзида гитарачи туриб, менга кичкириқ билан ташланди: «Муқаддас Рух ҳаракат қилишига рухсат бермайдиган воизлар менга керак эмас. Мен бу ердан кетаман!» У хотинини ўзи билан бирга олди ва бас гитарачига бирга чиқиб кетиш учун чақирди. Бас гитарачи, унинг хотини ва яна бир киши кичкириқлар билан чиқиб кетдилар. Муҳит нотинчликка тўлди, йиғин гангиб қолди.

Мен тезда Муқаддас Рухдан нима қилишим кераклигини сўрадим. У деди: «Уларга ҳокимият ҳақида таълим бергин». Мен таълим беришим жараёнида Худонинг тинчлиги жамоатни тўлдирди ва Унинг тартиби ўрнатилди.

Мен тугатганимда, Раббий буюрди: «Сен тўхтатган одамга номаълум тиллардаги хабарни талқини билан айтишини сўрагин».

Озроқ иккиланиб, мен олдинроқ тўхтатган кишига дедим: «Жаноб, агар сиз айта олсангиз, мен ўйлайманки, Худо хабарингизни ҳозир айтишингизни истайди».

У номаълум тилларда хабар айтди, шунингдек, талқинини ҳам айтди. У шундай бошланар эди: «Раббий шундай дейди: Мен бу жамоатда гуноҳ инфекциясини кўрдим. Мен Ўз хизматкоримга бунинг фақат маълум қисмини кўрсатдим. Унинг сўзларига қулоқ солинглар, чунки бу Менинг сўзларим».

Мен бу жамоатда йўл қўйилган гуноҳ ва исёнкорлик учун фарёд қила бошладим. Чўпон эзилган эди. Гуноҳ тарқалар эди, чунки Худонинг истагига кўра ғамхўрлик қилишлари керак бўлган одамларидан чўпонлар кўрқар эдилар.

Мен кейинчалик, чўпон ўша бирга яшаётган эркак ва аёлга қарши чиққанини эшитиб, хурсанд бўлдим. Уларнинг иккаловлари ҳам тавба қилишди ва зудлик билан ажралишга қарор қилишди.

ЎЗ ИШЧИЛАРИ ҚЎРҚИТИБ ҚЎЙГАН ЧЎПОН

Бир куни мен йиғинлар жадвали шундай тузилган жамоатда хизмат қилган эдим: йиғин якшанба куни эрталаб бошланиши ва чоршанба куни оқшомгача давом этиши керак эди. Ҳақиқий тавба қилишлар, шифо топишлар ва озодлик олишлар билан ажойиб йиғинлар бўлди. Жамоатда моддий соҳада ёриб ўтиш келди. Жамоатга қатновчилар сони ўсди. Аммо сешанба куни кечкурун хизмат олдидан чўпон йиғлай бошлади.

«Нима бўлди?»-сўрадим мен.

«Жон, мен сизга ҳасад қилмайман, шунчаки, тушуна олмайман: нима учун мен ҳеч қачон Худонинг ҳаракатини кўрмайман? Мен Муқаддас Рухга тўлганман, лекин менинг хизматларимда Муқаддас Рухнинг бирор инъоми ҳаракат қилмайди. Ҳеч ким шифо топмайди ва озод бўлмайди ва ҳамма нарса жуда қийиндек туюлади.

Шунда мен саволлар бера бошладим. Мен шуни билиб олдимки, уларнинг жамоатлари кенгашида чўпондан олдин Муқаддас Рухга тўлган икки жуфт оила бор экан. Шунинг учун улар чўпонни нима қилиш кераклиги ва жамоатни қандай бошқариш кераклиги борасида бошқарар эканлар. Мен тушунтирдим: «Сиз ўз жамоат кенгашингиздан кўрқасиз. Сиз Худо берган ҳокимиятга қайтишингиз керак ва улар эмас, сиз чўпон эканлигингизни айтишингиз керак».

Кейинги кун у улар билан суҳбатлашди. Иккала жуфт ҳам ғазабландилар ва кейинроқ жамоатдан кетдилар. Йиғинлар давом этар эди ва сўнгги оқшом бир гуруҳ одамлар ибодат учун олдинга чиқишди, аммо Раббий менга: «Улар учун сен ибодат қилмагин, чўпон ибодат қилсин»,-деди.

Мен чўпонга қарадим ва унинг атрофида ҳамма жойда Худонинг кучини кўрдим. «Чўпон,-дедим мен,-Худо менга одамлар учун сиз ибодат қилишингизни айтди».

У бу гуруҳнинг ўртасига югуриб кирди ва одамларга теккани заҳоти улар гўё Худонинг кучи чалиб юборгандек

қулай бошладилар. Баъзилар эса у хали тегиб улгурмасидан қуладилар.

Худонинг кучи шу қадар кучли эдики, у яқинлашишидан олдин ҳаракат қила бошлади.

Ёвуз рухга тобеъ бир қиз шарафли равишда озодлик олди. Бир неча дақиқадан сўнг, бу гуруҳдаги барча одамлар ерда ётар эдилар ва Муқададс Рух уларга хизмат қилар эди! Чўпон ўгирилиб менга қаради ва ўзи ҳам ерга қулади. Хизматни унинг хотини ёпишига тўғри келди. Икки соатдан сўнг икки одам уни ердан кўтариб олди. Жамоат бошқа ҳеч қачон олдингидек эмас эди.

ТУРЛИ БЕЗАКЛАР БИЛАН ЎША САҲНА АСАРИ

Мен бу негиз, яъни Худонинг кучи амал қилиши учун У ҳокимият берган одамлар бу ҳокимиятни қўллашлари кераклиги негизини - кўплаб жамоатларда, шунингдек, алоҳида одамларнинг ҳаётларида ўзининг ҳақиқийлигини исбот қилганининг гувоҳи бўлганман. Мен хорижда бир жамоатда хизмат қилган эдим. Чўпонлар билан етакчилар ўзларини қандай тутишларини кузатиб, улар журъатсизлик билан курашаётганларини кўриш мумкин эдим. Бир ҳафта давомида мен воизлик қилиб, уларни руҳда кучли бўлишга ва Раббийда буюк даъватга ёриб ўтишга руҳлантирдим. Мен кетганимдан сўнг, уч ойдан кейин жамоат уч бора ўсди! Улар ўзларининг тўрт юз кишилик биноларидан икки минг кишига мўлжалланган катта бинога кўчиб ўтдилар. Мен кейинроқ бу давлатга қайтганимда, чўпон менга улар журъатсизлик ва кўрқувни ёриб ўтганларидан сўнг уларнинг жамоатлари олдингидек эмаслигини айтди.

Бир кун мени Атлантага, уч кун хизмат қилишга таклиф қилишди. Сўнгги оқшом мен қандай қилиб журъатсизлик кучини синдириш мумкинлиги ҳақида воизлик қилдим. Чўпон мўъжизавий равишда ўз одамларидан кўрқичдан озод бўлди. У: «Сиз яна тезроқ келиб, бир ҳафтага қолишингиз керак»,-деди.

Мен уч ҳафтадан сўнг келдим ва бизлар тўққизта хизмат

ўтказдик. Худонинг кучи шу қадар кучли эдики, баъзи одамларни ярим тундан сўнг кўтариб кетдилар. Одамлар чўпонга тун ярмида қўнғироқ қилиб, ундан нима қилишлари кераклигини сўрар эдилар, чунки баъзилар хануз Худонинг хузури ва кучи остида эдилар. Худонинг шу қадар қудратли ҳаракат қилишини улар ҳеч қачон кўрмаган эдилар.

Шундан сўнг ўша жамоатда тўкқиз ой давомида ҳар шанба-якшанба кунлари уйғониш йиғинлари бўлиб ўтди. Чўпон менга қўнғироқ қилиб, жамоатда қандай кучли хизматлар бўлгани ва унинг аъзолари ҳаётида қандай буюк воқеалар содир бўлаётганини айтиб берар эди. У бирор хизмат бошқасига ўхшамаслигини айтар эди. Уларнинг жамоатлари тўрт юз кишидан етти юз кишига ўсди. Кези келганида, у менга айнан мен журъатсизликни барбод қилиш ҳақида воизлик қилган оқшом унинг ҳаёти ва хизматида кескин бурилиш ясаганини айтди.

Мен яна бир «Тирик имон» жамоатида бўлган эдим. Ҳамдусано ва сажда сизни ухлатиб қўйиши мумкин эди. Чўпон туриб, эълон ўқиди, кейин эса қурбонликлар ҳақида «таълим берди». Мен илгари бунақа зерикарли ҳеч нимани кўрмаганман. Биз хизматдан сўнг бирга тушлик қилганимизда, у фақат футбол ва шунга ўхшаган аҳамиятсиз нарсалар ҳақида сўзлай олар эди. Бу ҳақида айтиб ўтирмаса ҳам бўлади, бу зерикарли тушлик эди!

Кейинги оқшом Раббий мени журъатсизликни энгиш ҳақида воизлик қилишга мажбур қилди. Воизлик ўртасида чўпон ўз ҳаётида ва хизматида чидаб келган заифлигига тавба қилиб ерга қулади. Мен Худо унинг ҳаётида Ўз ишини амалга ошираётганини билар эдим, лекин айнан қандай ишни амалга ошираётганини билмас эдим.

Кейинги куни у қўнғироқ қилди: «Жон, менинг хотиним бор-йўғи бир соат ухлади, мен эса умуман ётган эмасман!-деди у.-Биз тун бўйи тавба қилдик, йиғладик, кейин эса кулдик. кейин ҳаммасини бошқатдан бошладик: Тавба қилдик, йиғладик ва кулдик».

Шу куннинг ўзида, у жамоат кенгашини йиғди ва Худо уни

қандай бўлишга даъват қилган бўлса ўшандай чўпон бўлмагани учун улардан кечириб сўраб, уларнинг қаршисида тавба қилди. Натижада, жамоат кенгашидаги бир неча одамлар бошқа чўпонни назорат қила олмасликларини тушуниб, жамоатдан кетишди. Лекин бошқалар унга қўшилдилар ва руҳий ўсишни қўллаб-қувватладилар.

Жамоат ҳам, ўша одам ҳам бошқа олдингидек эмас эдилар. Ҳозир, тўрт йилдан сўнг, ҳамду -сано ва сажда жонланди. Кейинги икки йил давомида ҳар шанба-якшанба кунлари улар уйғониш йиғинлари ўтказдилар. Чўпон менга кўнғироқ қилганида, у менга фақатгина Худо у орқали нима деяётгани ва жамоатда нималар содир бўлаётгани ҳақида айтиб беради. Мен бир неча бора у ерга қайтиб бордим ва ҳар дафъа, ҳамма нарса яхшиланиб бораверди. У шунингдек, менга бир неча бора ўша воизлик унинг ҳаёти ва хизматида кескин бурилиш ясаганини айтди.

Озодлик- фақат чўпонлар ва етакчилар учун эмас, балки ҳар бир имонли учундир. Бизлар оддий имонлилардан кўплаб гувоҳликлар олдик: улар журъатсизлик ва кўрқув қуллигидан кутулиб, ҳаётларининг турли соҳаларида озодлик олдилар.

Бир аёл мен журъатсизликдан озодлик ҳақида воизлик қилаётган йиғинга келди. Кейинроқ, у кўрқув кишанлари унинг ҳаётини тарк этганини айтди. Бир неча кундан сўнг бу аёл кизи билан йўл бўйида пистолетнинг оғзи қаршисида бўлиб қолишган. Ўғрилар бу аёлнинг ҳамёнини тортиб олганлар ва учта ёш йигит уларни куршаган.

Унинг ичидан кучли дадиллик чиққан ва у кучи борича номаълум тилларда сўзлай бошлаган. Уларга пистолетни йўналтирган ёш йигит: «Бас қилинг!»-деган. У давом этган. Йигит шунчалик ўзини йўқотиб қўйганки, аёлнинг кизи уйигача югуриб боришга улгуриб, 911га кўнғироқ қилган. Эркак фақат ҳамённи олиб, қочиб қолган.

Кейинги кунни бир масиҳий онасининг уйига у одатда юрадиганидан эмас, бошқа йўлдан боришга қарор қилди. У аёлнинг ҳамёнини ўрмонда топиб унга кўнғироқ қилди.

Улар бирга кувонишди. Озроқ пул етишмас эди, лекин ҳамма хужжатлар жойида эди.

У аёл кейинчалик менинг хотинимга дадиллик келтирадиган хабарга ишонганини айтиб берди. Бу унинг ҳаётини сақлаб қолди. Олдинлари у шу қадар тез тортинар ва журъатсиз бўлиб қолар эканки, бундай қаршилик олдида қўрқувдан бўшашиб қолган бўлар эди. Лекин у озод бўлганидан жуда хурсанд эди!

Мен бу гувоҳликлар учун Худога шараф бераман. Мен ҳам журъатсизлик билан боғланган эдим, лекин Худога миннатдорчилик билдираман: мен ҳозир озодман! Асирларни озод қилувчи донолик ва куч Ундан келди.

Бизлар қўрқув ва журъатсизлик нима эканлигини кўриб чиқдик ва уларнинг Худонинг кучи ва инъомларига қаршилик қилишга ва кўплаб ҳолатларда уларни тўхтатишга қодир эканлигини кўриб чиқдик. Аммо бизнинг мақсадимиз буни шунчаки билишдан нари боради. Бизлар олға интилишимиз ва бу ўлдирувчи чангални эзиб ташлашимиз даркор!

ЖУРЪАТСИЗЛИК РУҲИ

Рухий қаршилик рухий муносабатни талаб қилади. Журъатсизликни аниқлаш ва ундан кутулиш учун биз икки нарсада мустаҳкамланишимиз лозим: биринчидан, қўрқув ёки журъатсизлик -бу рух, иккинчидан, у Худодан эмас.

Зеро Худо бизларга қўрқув руҳини бермади(2Тим.1:7).

Юнон тилида рух сўзи - «пневма»дир. Стронг симфониясига кўра, бу Муқаддас Рухни, одамнинг руҳини ёки ёвуз руҳни билдириш учун ишлатиладиган сўз. Журъатсизлик, қўрқоклик, тортинчоклик - бу шунчаки муносабат ёки мижоз эмас, бу руҳдир.

Журъатсизлик рух экан, биз у билан онг ёки ирода даражасида кураша олмаймиз. Ижобий фикрлаш журъатсизликни енгмайди. Рухий қаршилик рухий муносабатни талаб қилади. Биз рух соҳасида ҳаракат қилишимиз лозим.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: Нима учун жисмоний кучли, ўқимишли одамлар, кўпинча, ўзларидан ҳам жисмоний, ҳам ақлий заифроқ одамларнинг қўрқитиши билан курашишларига тўғри келади? Ҳатто ҳаммаси жойида бўлса ҳам улар доимо вазиятлар ёмон томонга ўзгаришидан кўрқишади. Улар ўзларининг бор вақтларини ва кучларини хавотирга ва ўзларини ҳеч қачон содир бўлмайдиган нарсалардан ҳимоялашга сарфлайдилар. Улар ҳозир ҳеч нимадан лаззатлана олмайдилар, чунки келажакдан кўрқадилар. Уларни қанчалик соғлом фикрлашга чорламанг қўрқув барибир қолади. Улар қўрқув ёки журъатсизлик руҳи

томонидан боғланганлар. Улар жисмоний эмас, балки рухий заифликлар билан курашишлари лозим.

Ёки ҳамма нарсани ҳамма вақт ўзлари истагандек қиладиган туюладиган эркакни ёки аёлни тасаввур қилинг. Уларнинг ҳолатлари ёки маълумотлари қанақа эканлигининг аҳамияти йўқ. Балки улар ҳеч қандай ҳокимият ўрнига эга эмаслар, аммо атрофларидаги ҳамма одамлар улардан чекинадилар ва уларга йўл берадилар. Нима учун? Ҳаммаси жуда оддий: улар бошқаларни қўрқув ва журъатсизлик руҳи орқали ўз йўлларига соладилар. Улар буни ўз фойдаларига ишлатишга ўрганганлар.

Мен бир жаноб билан, жуда гуллаб-яшнаётган бизнеснинг эгаси билан нонушта қилган эдим. У нажотга келгунича қандай яшаганини ва ҳаракат қилганини айтиб берди. У деди: «Одамларни қўрқитиб мен ўз бизнесим учун керакли ҳамма нарсани қўлга киритишим мумкин эди. Мен ҳокимият биносига кираётганимда бу кучни аниқ ҳис қилишим мумкин эди. Одамлар мендан қўрқиши менга ёқар эди. Менга нима керак бўлса ҳаммасини олар эдим, ҳатто шаҳар кенгашидан ҳам».

Унда мана шу журъатсиз қилиш ва қўрқитиш руҳи бор эди. Ҳатто шаҳар бошлиқлари ҳам, ҳаттоки, баланд мартабага эга бўлсалар-да унга қаршилиқ қилишга журъат қила олмас эдилар.

Элиаҳнинг назорат қилувчи руҳи Баалга сажда қиладиган Исроил халқидан қўрқмади. Нақадар ажойиб дадиллик: бир киши бутун халққа қарши! Уни ҳатто 850та сохта пайғамбарлар ҳам қўрқита олмадилар. Нақадар жасорат: бир пайғамбар қарийб мингта диний сардорларга қарши! Ахийри, уни ҳатто подшоҳнинг ғазаби қизиқтирмади.

Кўплаб одамлар бу вазиятга бардош бера олмаган бўлар эдилар. Аммо у биргина аёлга ўзини шу қадар қўрқитишга изн бердики, ҳатто қочиб кетди ва ўлишни истади! Нақадар бемаънилик.

Руҳшунослар: «У шунчаки аёллардан қўрқар эди», деган бўлар эдилар. Лекин бу жуда заиф сабаб. Исроил халқи фақатгина эркаклардан иборат эмас эди! Йўқ, бу шу қадар кучли рухий қаршилиқ эдики, бутун халқ, подшоҳ ва сохта пайғамбарлар у билан солиштириганда бўзариб қолар эдилар. Йезабел тимсолида

Элиаҳ кучли журъатсиз қилиш ва кўрқитиш руҳи билан юзлашди. Подшоҳда ва сохта пайгамбарларда бу руҳ йўқ эди.

Келинг, Ёзув бу руҳнинг табиати ҳақида нима дейишини аниқлаб кўрамиз. Йеҳу ва Йезабелнинг ўғли Йорамнинг фикр алмашилишларига қаранг: «Йорам Йеҳуни кўрганида, у: «Йеҳу, тичлик билан келаяпсанми?» – деди. У: «Сенинг онанг Йезабелнинг зиноси ва унинг кўп жодугарликлари билан қанақа тинчлик бўлиш мумкин?» – деди (2 Шоҳ. 9:22).

«Жодугарлик» сўздан васвасага тушманг. Бу билан бурнида сўғали бор, супургида учадиган, жоду қиладиган, заҳар сочадиган холани тасаввур қилиб хато қилманг. Одам бошқа одамни назорат қилмоқчи бўлганида, яъни ўз йўлига солмоқчи бўлганида, у жоду қиладиган бўлади. Ҳа, назорат қилиш, яъни ўз йўлига солиш ёки жоду қилишнинг ёвуз руҳлар чақириладиган шакллари ҳам бор. Лекин жодугарлик бу билан чекланмайди. Повул галатдаги жамоатни таъна қилган эди:

«Эй, фаҳмсиз галатликлар! Қим сизларни ҳақиқатга бўйсунмаслик учун жоду қилди?» (Гал. 3:1).

Улар қандайдир егуликлар ёки гиёҳлар билан жоду қилинган эмас эдилар. Повул уларга Худо очган нарсаларда Худога қулоқ солмасликлари керакликларига уларни ишонтирган устозларни эслатмоқда. Бу устозлар оккультик ишлар усталари эмас эдилар, аммо уларда назорат қилиш, яъни ўз йўлига солиш руҳи бор эди. Бу эса бутун жамоатга таъсир қилган эди.

Йезабел шу қадар кучли ўз йўлига солиш ва кўрқитиш руҳига эга эдики, подшоҳ ҳам, бошлиқлар ҳам, бутун Исроил халқи ҳам унга бўйсунар эди. Ҳатто Элиаҳ ҳам чекинди ва ўз ҳаётини қутқариш учун қочиб қолди. Сиз кўрқувга юрагингизга киришига рухсат берганингизда - тинчлик, ишонч, дадиллик, мустаҳкамлик, қахрамонлик, қатъиятлилик ва хавфсизликни йўқотасиз. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин.

Мен одамларнинг ижобий фикр юритиш ёрдамида азоб берувчи кўрқувдан юлкиниб чиқишга ҳаракат қилишларини кузатганман. Лекин бу уларнинг қўлларидан келмайди, чунки

улар кўрқувнинг манбаи билан эмас, балки оқибатлари билан курашадилар. Сиз дарахтнинг меваларини териб олишингиз мумкин, маълум вақт ичида у мевасиз бўлади, лекин кейин мевалар яна ўсиб чиқади. Токи дарахтнинг илдизлари мустаҳкам экан, дарахт мева келтираверади. Шунинг учун журъатсизлик кучини барбод қилиш учун сиз унинг ортида турган руҳий кучга қарши чиқишингиз керак.

ЖАМОАТДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ҚЎРҚИТИШ РУҲИ

Бизларнинг жамоатларимизда юраклари Худо қаршида нотўғри бўлган одамлар бор. Бундай имонлилар истаган нарсаларига эришиш учун чўпон ва хизматчиларни кўрқитадилар. Улар фақатгина ҳамма нарса улар истаганларидек бораётганидагина бўйсунадилар. Чўпон ва хизматчилар заиф бўлганларида айнан шундай одамлар жамоатда ҳукм сурадилар. Мен жамоатларга сафарга чиқаман ва журъатсиз қилиш ва кўрқитишга тез-тез дуч келаман, баъзан ҳаттоки, нима учун мен бу билан курашимизга тўғри келаётганини ва буларнинг барчаси қаердан келиб чиқаётганини билмайман. Сабаб шундаки, кўрқитиш ва жуъатсиз қилиш - бу унга ўрин берган одамлар орқали намоён бўлувчи руҳдир. Ҳатто имонлилар орқали ҳам. Муқаддас Ёзув имонлиларни шайтонга ўрин беришлари керак эмаслиги ҳақида огоҳлантиради (Эф. 4:27).

Мен баъзи кечинмаларим билан ўртоқлашмоқчиман. Бу орқали мен «ўта руҳий» ёки «ёвуз руҳларни овловчи» ёрлигини олиш хавфига эгаман. Мен тушунаман, баъзи одамлар дуч келадиган барча муаммоларида шайтонни излайдилар: агар шайтонни айблаб бўлса, бизлар ўз ҳатти-ҳаракатларимиз учун жавобгар бўлмаймиз. Бундай муносабат бизнинг диққатимизни Раббий Исодан кўра кўпроқ шайтонга қаратади. Лекин Муқаддас Ёзув шайтонга эмас, балки Раббий Исога қарашни ўргатади. У - бизнинг имонимизнинг муаллифи ва амалга оширувчисидир (Ибр. 12:2).

ЖУРЪАТСИЗЛИКНИ ФОШ ҚИЛИБ

Менинг тушунишим бўйича, бизлар нигоҳимизни Раббий Исога қаратиб яшашимиз лозим. Агар бизнинг йўлимизда шайтон пайдо бўлса, уни Худонинг Сўзи билан енгиш керак ва Раббийнинг ортидан эргашишда давом этиш керак! Ҳаллилуя! Лекин журъатсизликни ва кўрқитишни муваффақият билан енгиш учун биз тушунишимиз керак: бу руҳ уни фош қилмагунимизча кетмайди. Бунинг акси содир бўлади.

ҲУЖУМ

Мен ҳозир журъатсиз қилиш ва кўрқитиш руҳ эканлигини исботловчи кўплаб воқеалардан бирига мурожаат қилмоқчиман. Мен жанубдаги бир жамоатда бир неча йиғин кетма-кет воизлик қилган эдим. Биринчи хизмат якшанба куни эрталаб бўлган эди ва жуда кучли ўтди. Бир неча йил давомида биз бу хизмат видеосини тарқатувга чиқараётган видеоларимиз таркибида ишлатдик. Хизматдан сўнг ҳеч ким кўрқитувчи ёки салбий бирор сўз айтмади. Аслида ҳам, менинг атрофимдаги одамлар жуда ижобий йўналган эдилар. Лекин кейинроқ, тушга яқин ҳафсаласи пирлик ва хижолат билан курашаётганимни ҳис қилдим. Мен нимадир жойида эмаслигини билар эдим, лекин бу нима эканлигини билмас эдим. Лекин мен бу ҳолатнинг белгиларини танидим: Булар мен жураътсизлик билан курашган пайтимдагидек эди. Ўша оқшом Раббий мени жамоатдаги ҳокимият ҳақида воизлик қилишга руҳлантирди ва кўплар бундан барака топдилар.

Хизматдан сўнг чўпон мени ўз хонасига тортиб кирди. «Сен ўз воизлигингда нақадар нуқтага урганингни ўзинг билмайсан», - деди у. У давом этиб, жамоат аъзоси бўлмиш бир аёл унга тушлик вақти унга қўнгироқ қилиб шундай деганини айтди:

«Чўпон, мен биламан, сиз бу одам воизлик қилаётган нарсаларни маъқулламайсиз. У одамларга нисбатан жуда золим. Мен биламан: бугун оқшомги йиғиндан сўнг сиз йиғинларни тўхтатасиз, чунки бу одам сиздек эмас. Мен оқшомги йиғинга кел-

майман, мен уйда қолиб бу одамга қарши ибодат қиламан».

Бу ҳафсаласи пирлик қаердан келганини мен энди аниқ билар эдим. Мен чўпондан у аёлнинг фикрини тўғриладими ёки йўқми сўрадим. У жуда шафқатли одам ва бундай қилмаганини айтди. У аёлдан ҳамма нарсани Худонинг қўлига топширишни сўрабди. Агар чўпон бу аёлни тўғрилаганида эди ва ўз ҳокимиятида турса эди, менинг ишончим комил, менинг куним умуман бошқача бўлар эди. Бизлар курашмайдиган нарса ўзгармайди. Агар ёвузликка эътибор берилмаса у кучли бўлиб бораверади! Биз иккимиз ҳам бу воқеадан сабоқ олдик. Раббий бу кечинмани қандай қилиб руҳий ҳокимиятда қолиш ва журъатсиз қилиш ҳамда кўрқитиш руҳига бўйсунмаслик мумкинлигини кўрсатиш учун ишлатди.

Муқаддас Рух учун Худога шараф. У нима содир бўлаётганини билар эди ва менинг ўзим гап нимадалигини билмасам-да, минбар ортидан бу руҳга қарши боришга мени мажбур қилди. Чўпон буни билар эди ва воизлик унинг кўзларини очди. Бу хизматлар менинг ўша йилги хизматларим ичида энг кучлилари бўлди. Мен у жамоатга яна келдим ва чўпон билан яхши дўст бўлиб қолдик.

ЖУРЪАТСИЗЛИК БИЛАН ЯНА БИР ЖАНГ: НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ РУҲ

Бошқа дафъа, мендан хориждаги бир семинарияда воизлик қилишни сўрадилар. У ерда минг киши рўйхатга олинган эди. Ҳар куни иккитадан, яна оқшомда бир йиғин бўлиб ўтди. Илк икки хизмат жуда кучли ўтди. Мен муқаддаслик ва тавба ҳақида воизлик қилдим ва қарийб ҳар бир йиғинда муҳитда қаршилиқ сездим. Иккинчи хизматдан сўнг мен, куннинг қолган ярмини хонамда оғирлик ва умидсизлик ҳисси билан курашиб ўтказдим. Мен бунинг кўрқитувчи назорат руҳи эканини билар эдим, лекин яна ҳеч ким менга қарши ҳеч нима деган эмас эди. Лекин бу вақтда мен тана ва қон билан эмас, балки ёвуз руҳ билан курашаётганимни тушуниб қолган эдим.

Имонлилар руҳда яшашни ўрганишлари керак. Муқаддас Рух нимага қарши курашиш кераклигини кўрсатади. Бундай фарқлашсиз биз четдаги ҳатти-харакатларга диққатимизни қаратамиз. Агар мен, нима билан курашишим кераклигини билмаганимда эди, мен шундай деб ўйлай бошлаган бўлар эдим: «Нима учун мен тушкунлик билан курашаяпман? Умуман мен бу ерга келишим керак эдими? Нима учун хотиним ва болаларимни ташлаб келдим? Балки ўз даъватимни қўлдан чиқаргандирман? Балки сафарга чиқиб воизлик қилишни бас қилиш керакдир?» Агар мен шундай фикрлар ортидан эргашиганимда эди, мен хизмат қилишга қодир бўлмас эдим. Қўрқитувчи, назорат қилувчи руҳ айнан шуни истаган эди. Мен диққатимни Худо одамларга бермоқчи бўлган нарсаларга эмас, балки ўзимга қаратган бўлар эдим.

Шундай қилиб, мен кун бўйи курашдим. Мени хизматга олиб кетгани келганларида, таржимон билан суҳбат жараёнида мен кун бўйи журъатсизлик билан курашганимни тилга олдим. Таржимон: «Мен ҳам!»-деди. Маълум бўлдики, бизнинг иккимиз ҳам бир хил белгилар билан курашган эканмиз. Ўша оқшом мен журъатсиз қилиш ва қўрқитиш руҳи ҳақида воизлик қилдим ва кўплар озодлик олдилар.

Кейинги кун эрталаб, мен минбар ортида турганимда, ҳеч қандай мойланиш йўқ эди. Гўёки Худо жим тургандек туюлар эди. Раббийдан сўз эшитишга ҳаракат қилиб, мен саҳнада бир неча дақиқа турдим. Мен ибодат қилдим ва одамлардан ҳам ибодат қилишларини сўрадим, лекин барибир мойланиш ҳам, Рухнинг бошқаруви ҳам, истак ҳам - бирор нима қилиш учун ҳеч қандай даъват ҳам йўқ эди. Қалбимнинг тўрида мен қандайдир жангда иштирок этаётганимни ва бу ҳужум менга қарши йўналтирилганини тушунар эдим. Аниқ менга қарши айтилган сўзларни барбод қилишим кераклигини мен билар эдим. Худонинг Сўзи дейди:

«Сенга қарши ясалган бирорта қурол муваффақиятли бўлмайди. Сен билан судда тортишадиган ҳар қандай тилни сен айблайсан. Бу

Раббийнинг қулларининг меросидир! Уларнинг оқланиши Мендандир»,- дейди Раббий» (Иш. 54:17).

Мен бу журъатсиз қилиш ва кўрқитиш руҳининг хужумини барбод қила бошладим. Менга қарши айтилган ҳар бир сўз маҳкум бўлишини буюрдим. Мен одамлар нима деб ўйлашлари ҳақида қайғурмас эдим. Мен аллақачон ўрганган эдимки, Муқаддас Рух гапираётганида, энг яхшиси- юрак билан кулок солишдир. Менга гўё замбаракдан отилгандек тезда Худонинг Сўзи келди. Одамлар нима қилишлари кераклигини Худо менга аниқ айтди. Икки уч дақиқадан сўнг, Худонинг кучи ёпирилиб келди. Одамлар шу қадар Рухга тўлдиларки, ўзларини тута олмай кула бошладилар. Худонинг Рухининг ҳаракати шу қадар кучли эдики, мен қарийб воизлик қилмадим. Ҳатто кундузи соат учларгача ҳам одамлар қолиб гувоҳлик берар эдилар. Буюк ёриб ўтиш содир бўлди ва менинг қалбим қувонар эди. Агар мен бу рухга қарши турмаганимда эди, булардан ҳеч нарса содир бўлмас эди.

Кейинроқ, мен таржимондан хизматда бир хизматчи аёл бўлгани ва йиғинлар жадвали тузилганида у семинария бошлиғига келиб: «Нима учун одамлар барча йиғинларда фақат Жон Биверни тинглашлари керак? Бизларга бошқа хизматкор воизлар ҳам керак», деганини билиб қолдим. Унинг ўзи воизлик қилмоқчи бўлган экан.

Мен бу аёл ҳақида бошқа ғалати фикрларни ҳам эшитдим. У Муқаддас Ёзувга асосланмаган озодлик хизматини қўллар экан: бу учун кўз томчилари ишлатар, танага вино суртар экан. Уни ҳеч ким фош қилмаган эди. Аслида, чўпон унга шу тарзда қисман хизмат қилишига рухсат ҳам берган экан. Буни тан олиш қайғули, лекин жамоат чўпонлари кўпинча бундай ҳолатларда қарши чиқиш ўрнига ён берадилар, улар шундай қилиш қулайроқ деб ҳисоблайдилар. Лекин ён бериш ҳеч қачон қулайроқ эмас, у ахийри сизга қимматроққа тушади.

Йиғинлардан сўнг мен чўпон билан суҳбатлашдим: «Мен бу аёл ҳақида эшитган воқеаларим тўғрими?»- деб сўрадим. У буни тасдиқлади. Мен чўпон йиғинлар учун Худонинг

йўналишини аниқлаганидан сўнг бу аёл воизларни танлаш масаласида норозилик билдиргани ҳақидаги ўз тахминимни у билан ўртоқлашдим. Кўриниб турганидек, бу аёл уни ўз йўлига солмоқчи эканлигини айтдим. (Бу аёл етакчи ҳам, ҳатто бу жамоатнинг аъзоси ҳам эмас эди).

Мен сўрадим: «Нима учун сиз бу аёлга бу ерда хизматлар ўтказишга рухсат берасиз?»

У деди: «Жон, мен унга бу ерда бундай ишларни қилиши мумкин эмаслигини айтганман».

Мен тушунтирдим:

«Сиз бу Муқаддас Ёзувга асосланмаган нарсаларни тўхтатишингиз мумкин, аммо бунинг ортида турган руҳ барибир қолади. Унинг юрагининг ҳолати ўзгарган эмас. Сиз чўпон сифатида тинчлик сақлашни истагансиз ва шунинг учун назорат қилиши ва қўрқитиши руҳига эга бўлган одамни хизмат ва ҳокимият ўрнига қўйгансиз. Бу жуъатсиз қилиши ва қўрқитиши руҳига менга ҳамда бу руҳнинг истакларига рози бўлмайдиган ҳар бир одамга қарши курашиши учун қонуний ҳуқуқ берди».

Чўпон нима содир бўлаётганини аниқ кўриши учун мен унга ўз ҳаётимдан бир воқеани айтиб бердим: Мен коллежда чўпонлик қилиб юрган вақтларимда, бир махсус окшом, биз кучли саждага кирдик. Кўплаб ёшларнинг юзларидан кўз ёш оқар эди. Худонинг тинчлиги ва ҳузури хонани тўлдирди. Бизлар қарийб қирқ дақиқа сажда қилдик. Бир лаҳзада ҳамма жим бўлди, фақат баъзилар жим йиғлар эдилар. Бирданига мен илгари ҳеч кўрмаган бир ёш йигит номаълум тилларда сўзлай бошлади. У гапиргани сари беҳудалик ва тушунмовчилик ҳисси хонани қамрай бошлади. Сўнгра мен илгари ҳеч қачон кўрмаган, бу йигитнинг ёнида турган қиз қандайдир ғалати талқин қила бошлади.

Шу вақтгача мен сажда вақтидаги Раббийнинг ҳузуридан

лаззатланаётган эдим. Шунинг учун бу кўққисдан содир бўлганидан ҳеч нима демадим.

У қиз сўзлаб бўлганидан сўнг муҳит бошқача эди. Раббийнинг хузури буткул йўқолди. Мен бирор нима дейиш учун жуда кеч деб ўйладим. Ҳамма нарса бузилган эди. Шунинг учун хаммани ўтиришга таклиф қилдим, ҳафталик эълонни ўқидим ва қурбонлик йиғдик. Кейин эса воизлик қила бошладим.

Воизлик вақтида ўйлар эдим: «Ҳаёт қаерда? Ҳамма қаерга борапти? Нима учун мен буларнинг хаммасини айтаяпман?» Воизлик учун ҳеч қандай мойланиш йўқ эди ва мен нимадир мен билан жанг қилаётганини ҳис қилдим. Нима учун Худонинг инъоми ҳаракат қилмаётганини мен тушунмас эдим ва ҳаммадан ибодат қилишларини сўрадим. Раббий деди: «Мен бу йигит билан қизга қарши туришингни истайман».

Мен ўйладим: «Ахир йигирма дақиқа ўтди. Мен бундай қила олмайман». Мен Худо айтганини шундай қолдирдим ва шунчаки узоқроқ ибодат қиламан деб ўйладим. Бизлар ибодат қилишда давом этдик ва руҳий қаршиликка қарши чиқдик.

Бир неча дақиқадан сўнг, умидсизланиб дедим: «Худо, нима бўлаяпти ўзи?»

Мен руҳимда яна эшитдим: «Мен уларга қарши чиқишингни истайман».

Бу вақтда яна анча вақт ўтган эди. Мен ўзимча: «Ҳеч ҳам бундай қилмайман. Одамлар мени қандайдир ғалати деб ўйлайдилар». Бизлар яна ўн дақиқа ибодат қилдик, лекин ҳеч қанақа ўзгариш содир бўлмади. Ҳар қандай умидни йўқотиб, мен йиғинни тарқатиб юбордим.

Ўша куни уйга юрагимда оғир ҳис билан қайтиб келдим. Мен хаттоки, Худодан нима бўлганини сўрашни ҳам истамас эдим. Мен шунчаки ухлагани ётдим. Кейинги куни, мен руҳимда янада кўпроқ оғир ҳис билан уйғондим ва ибодат қилгани бордим.

«Худо, кеча оқшом нима бўлди?»-сўрадим мен.

У жавоб берди: «Жон, мен сенга ўша қиз билан йигитга

қарши туришни буюрдим-ку». Сўнг давом этди: «Мен сени бирор хизмат устидан (ёки бирор нарса устидан) етакчи қилиб қўйганимда, сен бу хизматдаги тартиб учун жавобгарсан ва бу учун ҳокимиятга эгасан. Буни Мен қилмайман, чунки сенга ишониб топширганман. Мен одамни Адан боғига жойлаштирганимда, Мен уни қўриклашини буюрдим. Шайтон барбод қилиш учун келди, лекин Мен бу Одам Ато учун ҳам, бутун одамзод авлоди учун ҳам қандай жиддий оқибатларга олиб келишини билсам-да, тушиб Адамнинг қўлидан мевани уриб туширмадим! Мен берган нарсамни қайтариб олмайман ва Мен бу масъулиятни унга берган эдим. Мен қарши туришингни буюрган қиз билан йигитда исён руҳи бор. Сен итоат қилмадинг ва бу руҳга хизматда ҳукмронлик қилишга рухсат берилди. Бу содир бўлганида Менинг Руҳим чиқиб кетди, чунки сен ўз ҳокимиятингни бериб қўйдинг».

Мен шу лаҳзада тавба қилдим ва бошқа бундай қилмасликка қарор қилдим.

Мен бу ҳикояни хориждаги ўша чўпонга айтиб бердим ва бу исёкор хизматчи аёлга нима учун қарши чиқиши кераклигини у тушунди. Гўёки Худонинг билими нури унинг юрагига кирганидек, унинг юзи порлади. Мен унга: «Бу одамлар учун сиз чўпонсиз ва сиз уларни нафақат боқиш, шунингдек, ҳимоя қилишга даъват этилгансиз. Ҳимоя эса қарши туришни билдиради», -деб далда бердим.

Мен ундан сўрадим: «Сиз шундай вазиятларда бўлганмисиз: Одамлар сиздан ниманидир сўрайдилар, сиз эса юрагингизда «йўқ» дейиш кераклигини биласиз, лекин тинчликни сақлаб қолиш учун «ҳа» дейсиз?»

У жавоб берди: «Ҳа, Жон. Мен шундай қиламан. У маълум вақт ўйланиб қолди, кейин эса менга ўйчан тикилиб: «Ахир бу иккиюзламачилик-ку, шундайми?»-деди.

Мен маъқулладим. «Сиз ҳаммасини тўғри айтаяпсиз. Бу иккиюзламачилик, бу ён бериш - журъатсизлик ва қўрқоқликдан туғилади», -дедим.

У журъатсизлик руҳига эга бўлгани учун тавба қилди ва шу

вақтгача журъатсизлик қилган масалаларни зудлик билан ҳал қилишга қарор қилди. Кейинги дафъа, бизлар учрашганимизда, чўпоннинг юзида катта табассум бор эди ва у хайқирди: «Мен озодман!»

Тушунинг, бу ноқулай қаршиликлар мисоллари чегарадан чиқиш ҳолатлари намунасидир. Мен юзлаб йиғинларда воизлик қилганман ва у ерда ҳеч қандай қаршилик бўлмаган, шунчаки улкан озодлик. Озодлик - бу норма, қаршилик- бу истисно. Лекин мен ҳис қилаяпманки, сизга фойда бўлиши учун бир неча мисолларни батафсил кўриб чиқишимиз лозим.

Бу воқеалар хизматга тааллуқли бўлса-да, негизларни ҳаётнинг турли соҳаларида қўллаш мумкин. Журъатсизлик ва кўрқув - бу руҳ ва у билан шу алфозда муносабатда бўлиш керак. Агар биз руҳий жангда жисмоний қурол билан курашишга ҳаракат қилсак, энг яхши ҳолатда биз ўзимизни йўқотиб қўямиз, ёмонда эса яраланамиз ва ҳалок бўламиз.

«Ҳа, биз танада юрсак ҳам, тана изми бўйича жанг қилмаяпмиз. Чунки жангимиздаги қурооллар тана измига оид эмас, балки истеҳкомларни барбод қилиш учун Худо томонидан қудратлидир. Булар билан Худони таниб -билишга қарши кўтариладиган ҳар қандай хаёл ва кеккайишни йиқитамиз, ҳар қандай фикрни Масиҳга бўйсунуши учун асир қиламиз» (2 Кор. 9:3-5).

Журъатсизлик номли душман жонимизга ҳужум қилмоқда. Уни руҳшунослик ёки ижобий фикрлаш билан энгишнинг иложи йўқ. Бизнинг журъатсизлик ва кўрқоқликка қарши қуролимиз - Руҳнинг қиличи, Худонинг Сўзига қатъий эргашиш!(Эф.6:17). Журъатсизликка қарши бориш сизнинг ичингизда Худонинг инъомини уйғотади. Бу ҳақида кейинги бобда суҳбатлашамиз.

ЖУРЪАТСИЗЛИКНИ БАР- БОД ҚИЛИБ

ИНЪОМНИ АЛАНГАЛАТИШ

Одам менга нима қила олади?
Хайқитириш ва кўрқитишнинг мақсади - бизларни хокимиятимизни беришга мажбур қилиш ва шу тарзда, инъомларимиз ҳаракат қилишига йўл қўймасликдир. Шунда биз ўзимизнинг чекланган кучимиз ва қобилиятимизни ишлатишга мажбур бўламиз. Одатда, бу бизнинг ҳолатимизни хужум ҳолатидан ҳимоя ҳолатига ўзгаришига олиб келади. Ўзимизни яраланиш учун очиқ ҳисоблаб, бизлар тобора хавфсиз ва қулай жойга чекинамиз.

ИНЪОМНИ УЙЎТОТИШ

Шундай қилиб, агар журъатсизлик инъомни аллаласа, нима уни уйўтади? Дадиллик. Журъатсизлик ва кўрқоклик одамни чекинишга мажбур қилади, дадиллик эса ҳатто, хатар қаршисида ҳам олдинга боришга руҳлантиради. Лекин кўрқиб қолган одам дадилликни қаердан олади?

Чунки Худо бизга кўрқоклик руҳини эмас, балки куч-қудрат, севги ва соғлом онг Руҳини берган (2 Тим.1:7).

Дадиллик куч, севги ва соғлом онг каби яхши фазилатлар билан бирга келади. Дадиллик ўз-ўзича яхши фазилат эмас. Баъзи машҳур одамлар ўзларининг ҳам дадилликлари билан, ҳам беҳаёликлари билан таниқлилар. Ҳақиқий дадиллик

Худодан келади ва художўйликдан озикланади. Худонинг хулқ-атворидан бошланадиган дадиллик - бизнинг ҳаётимизда инъомларни уйғотади.

Баъзи одамларнинг дадиллиги ортида ҳеч қандай яхши фазилат йўқ. Улар нима дейиш кераклигини биладилар ва кичикроқ қаршиликка дуч келганларида ўзларини бардам тутадилар ёки умуман қаршиликка учрамайдилар. Аммо уларнинг кучлари чуқур эмас. У юзаки. Юзнинг дадил қиёфаси - никоб, унинг ортида эса манманлик ёки жоҳиллик. Бундай дадилликнинг илдизлари кичкина ва етарлича кучли бўрон уларни юлқиб олади. Об-ҳаво яхши бўлганида сиз дарахтнинг илдизи нақадар чуқур эканини кўра олмаймиз, лекин кучли шамол бўлганида у ёки кўпорилиб чиқади, ёки шамолга бардош бериб тураверади.

КИМ КУЧЛИРОҚ?

Довуд деди: «Раббий – менинг нури ва менинг нажотим, мен кимдан кўрқаман?»(Сан.26:1). Довуд Раббийни ўз кучи ва қуввати манбаи деб эълон қилди. У Худодан кўра буюкроғи йўқлигини билар эди ва довяраклик билан эълон қилар эди: «Мен ҳеч кимдан кўрқмайман!»

У ўзининг ишончи комиллигини нафақат эътироф этар эди, балки худди шундай яшар эди ҳам. Довуд Худонинг кучини билар эди, чунки Худони билар эди. Бундай турдаги дадиллик унга ўз даъватини бажариш ва адолат билан ҳукмронлик қилиш имкониятини берди. Келинг, Довуднинг ёшлик вақтларига назар ташлаймиз.

Довуд Байтлаҳмлик Йессейнинг саккизинчи ўғли эди. Унинг учта катта ўғли подшоҳ Шоулнинг кўшинида хизмат қилар эди. Филистинликлар Исроилга қарши кўшин йиғдилар. Ҳар куни уларнинг чемпионлари Голиот Исроил аскарларини чорлаб кичқирар эди:

«Орангиздан бир одамни танланглар, у менинг олдимга келсин. Агар у мен билан олишиб, мени ўлдирар

олса, унда бизлар сизларнинг қулларингиз бўламиз. Агар мен голиб келиб, уни ўлдирсам, унда сизлар бизларнинг қулларимиз бўласизлар ва бизларга хизмат қиласизлар» (1 Шом. 17:8-9).

Умуман олганда, исроилликлар бу ҳатти- ҳаракатни урушга қақирув деб баҳолашлари керак эди, лекин Голиот оддий кўшин аскарлари эмас эди. Баъзи маълумотларга кўра, унинг бўйи ўн бир ярим фунт бўлган (1 фут-30,48 см. - таржимоннинг изоҳи). Буни яхшироқ тасаввур қилиш учун баскетбол саватчасига қаранг. Унинг боши бир жуфт дюйм баландроқ эди (1 дюйм- 2,5см. -таржимоннинг изоҳи). У нафақат улкан одам, балки тажрибали жангчи ҳам эди. Унинг найзасининг учигина ўн беш фунт эди (1 фунт -453,6г. - таржимоннинг изоҳи). Унда бронза дубулға бор эди, ўзи эса оғирлиги 125 фунт бўлган совутга бурканган эди. Унинг ҳарбий кийими, найза ва қиличининг умумий оғирлиги икки юз фунтга яқин эди. Бу ўша вақтда Довуднинг ўзининг вазнидан анча оғир бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Голиот жуда ваҳимали кўринишга эга бўлганини эслатиб ўтириш зарурияти борми?! Муқаддас Ёзувда ёзилган:

«Шоул ва барча исроилликлар филистинликнинг бу сўзларини эшитдилар ва жуда қўрқиб, даҳшатга тушдилар» (1 Шом. 17:11).

Мана, чўпон Довуд отаси томонидан учта катта акаларига озик олиб бориш учун ва уларнинг ишлари қалай эканлигини шунчаки кўриб келиш учун юборилди. Озиқларни қароргоҳнинг кўриқчисига қолдириб, у акалари билан учрашишга югуриб кетди. Тезда исроилликларни мазаҳ қилиш учун чемпион Голиот чиқди. У ўн тўрт кундан буён шундай қилаётган эди.

Довуд кўрган нарсасидан ҳайратланди. Уни Голиотнинг бўйи ва эни ҳайратга солган эмас, биродарларининг ва халқининг реакцияси ҳайратга солди.

«Барча исроилликлар бу одамни кўрганларида ундан қочар эдилар ва жуда қўрқар эдилар» (1 Шом. 17:24).

Довуд чамаси, тушуна олмас эди: «Нима, улар ким улар тарафда эканини унутдиларми? Голиот бизларни чорлаётган эмас. У Худони чорляпти!»

Шунда Довуд дадил деди:

«Бу хатнасиз филистинлик ким бўлибдики, Барҳаёт Худонинг қўшинини бундай ҳақорат қилади?!» (1 Шом. 17:26).

Ҳаво шунчаки қарама-қаршилик билан тўлган эди. Довуд уларнинг кўрқоқликларини фош қилганида катта акалари ўзларини яланғочдек ҳис қилдилар. Улар бундай сўзларни ўзларининг кичик укаларининг оғзидан эшитишни истамаган эдилар. Улар шу вақтгача юзма-юз учрашмаган уларнинг шахсий заифликлари очилиб қолди. Асосида ён бериш бўлган, бир-бирлари билан сўзсиз келишувга мувофиқ улар шунчаки жим турар эдилар.

Агар Довуднинг обрўйини тўкишга муваффақ бўлишса, ўзларининг шармандаликлари ёпилишини билиб, улар Довудга ташландилар. Голиотдан кўрқиб қолган катта акаси укасини ўзи кўрқитишга ҳаракат қилди: «Довуднинг катта акаси Элиёб унинг одамлар билан гаплашаётганини эшитди ва Довуддан аччикланиб:

«Бу ерга нима учун келдинг? Чўлдаги ўша бир нечагина қўйимизни кимга қолдирдинг? Сенинг қанчалик манманлигингни ва юрагингинг бузуқлигини биламан. Сен урушни томоша қилгани келгансан», - деди» (1 Шом. 17:28).

Элиёб дадил эди. У жаҳл туфайли дадил эди. У Исроил дуч келган муаммога эмас, балки Довуднинг хулқ-атворига ташланди. Одам саросимага тушиб қолганида у қандайдир йўлни, босимни камайтириш имкониятини излайди. Заиф одам кечирим сўрай бошлайди. Кучли одам эса, кўпинча, унга қарши чиққанларга хужум қилади, ўз жавобида у ёки бу шаклда уларни таъна қилади.

Эътибор беринг, Элиёб Довудни манманликда ва бағритошликда айбляпти. Элиёб ўзи ҳақида ўйлагани туфайли, у Довудни ҳам шунақа деб ўйлаган эди. Лекин Довуд бунақа эмас эди. У Худонинг кўнглидагидек киши эди. У мағрур эмас эди, балки Худонинг қаршисида бўйсунувчан эди.

Ёлғонни ҳақиқатдек кўрсатиш учун кучли одамлар кўркитиш ва журъатсиз қилишни ишлатадилар. Бундай хужумлар кучини энгиш учун сиз руҳда туришингиз керак.

Балки Элиёб ҳасад қилгандир. Элиёб тўнғич ўғил бўлса-да Шомуил подшоҳликка Довудни мойлади. Ҳаммаси шундай кўринар эдики, гўё Элиёбда буюк сардор ва жангчининг фазилатлари мужассам эди. Ҳатто Шомуил Элиёбни кўрганида шундай ўйлади: «Аминманки, Раббий олдида мана шу Унинг мойланган одамидир», - деб айтди. Аммо Раббий Шомуилга деди:

«Унинг чиройи ва бўйининг баландлигига қарама. Мен уни рад этдим, чунки Мен одам қараганидек қарамайман, чунки одам юзга қарайди, Мен эса юракка қарайман» (1 Шом. 16:6-7).

Демак кимнинг юраги мағрур экан? Худо Шомуилга очдики, Элиоб фақатгина бўйи ва ташқи кўриниши учунгина танланишининг иложи йўқ эди, аммо булар учун рад қилинган ҳам эмас. Худо юракка қараб ҳукм қилади. Худо юракда мағрурликни кўрганида, У бундай одамга қарши туради (Ёкуб 4:6). Худо Элиобни мағрур бўлгани учун рад қилди. Довудни айблаган нарсага - мағрурликка Элиобнинг ўзи эга эди!

Одатда журъатсизлик руҳига эга одам сизни у ўзида яширишга ҳаракат қилган заифликда айблайди. Ўзларини художўйдек кўрсатишга ҳаракат қиладиган, лекин қалби пок бўлмаган одамлар доимо қалби пок одамларга хужум қиладилар. Ёдга олинг: яхши юракка эга бўлган Тимўтий тортинар ва ҳадиксирар эди. Менинг ишончим комилки, Эфес жамоатида Элиобникидек чирик юракка эга бўлган эркаклар ва аёллар бор эди.

Раббий Исо доимо кўркитишга дуч келар эди. Қалби нопок фарзийлар ва қонунчилар Унинг обрўйини тўқишга ёки Уни

айтган сўзларидан тутишга ҳаракат қилар эдилар. Агар улар Уни эсанкиратиб қўя олганларида эди Уни ўз йўлларига сола олар эдилар. Шунинг учун Раббий Исони сотқин, очофат, пиёниста ва ёвуз рухга эга гуноҳкор дер эдилар. Бундан хусусиятларнинг ҳаммаси уларнинг ўзларида бор эди. Уларнинг бундай назорати остига тушишни рад қилиб, Раббий Исо уларнинг юракларини фош қилди.

Нима учун нопок одамлар қалби пок одамларни қўрқитишни исташади? Ўзларини фош этилишдан кутқариш ва вазиятни назорат остида тутиб туриш учун. Улар бу ишда муваффақият қозонганларида ўз юракларини имтиҳон қилишлари ва тавба қилишлари керак бўлмайди. Элиоб билар эдики, бундай беобрў қиладиган ва қўрқитадиган хужум укаси Довудни бўйсунтишга мажбур қилади ва Элиобнинг ўзини босимдан кутқаради.

Ҳаммаси остин-устун бўлиб кетди. Ҳамма нарса Довудга қарши кўтарилди. У хужум остида эди, унинг катта акаси эса ундан анча кучлироқ эди. Ёдга олинг, акалар укаларни ўзларини ноқулай ҳис қилишга мажбур қилишлари мумкин. Агар Довуд Элиоб талаб қилган нарсани қилмаганида эди, уйда унинг ахволи ёмон бўлган бўлар эди. У ҳақиқат томонида тургани учун бир неча бора ҳақ тўлаши керак бўлар эди. Бу учун шу қадар азоб тортиш шартми?

Довудга қарши босим бунинг ўзигина эмас эди. Бошқа барча одамлар ҳам Элиоб томонда эди. Улар ҳам ўз қўркувлари қандайдир қизил юзли болакай томонидан фош қилинишини истамас эдилар! Довудга чекиниш ва олдинга интилмаслик осонроқ эди. Довудни қўрқитаётган Элиоб ва бошқа «жангчи»лар айнан шунини истаган эдилар.

Довуд Худо томонда қолишга ва ўзига қарши озод қилинган қўрқитишни барбод қилишга қарор қилди:

«Довуд Элиобдан: «Мен нима қилибман?! Булар қуруқ гап эмасми?!»- деди» (1 Шом. 17:29).

Аслида у шундай деяётган эди: «Мен нима нотўғри иш қилдим? Сизларнинг дадилликларингиз қаерда? Мен

кўркмайман-ку! Агар сизлар қирқ кундан буён титраб ўтирган бўлсаларингиз Худо бирор кўркмайдиган ва бу хатнасиз филистинлик билан курашадиган одамни топишига тўғри келгани эҳтимолдан ҳоли эмас! Мен шунинг учун шу ерданман».

Довудни подшоҳнинг олдига олиб келдилар. Голиотдан кўрқиб қолган Шоул ҳам ўйлашга тушди: «Шоул эса Довудга: «Сен бу филистинлик билан жанг қилиш учун унга қарши бора олмайсан, чунки сен ҳали ёшсан, у эса ёшлигидан бери жангчи»,- деди» (1 Шом. 17:33). Ҳали Довуднинг соқоли чикмаган бўлса ҳам(акаси бунга эътибор берганига кўра), барибир, бу кўрқиб қолган подшоҳнинг оғзидан паст урувчи насихат эди.

Лекин Довуд подшоҳга акаларига берган жавобидан кўра бошқача жавоб берди. У деди: «Довуд Шоулга жавобан: «Қулингиз ўз отасининг қўйларини боқар эди. Борди-ю, шер ёки айиқ келиб, подадан бирорта кўзини олиб кочса, унда мен унинг орқасидан қувиб, унга ҳужум қилар эдим ва кўзини ҳайвоннинг оғзидан тортиб олар эдим. Агарда ҳайвон менга ташланса, ёлидан ушлардим-у, уриб ўлдирар эдим. Қулингиз шерни ҳам, айиқни ҳам ўлдирган. Бу хатнасиз филистинликнинг тақдири ҳам худди шундай бўлади, чунки у Барҳаёт Худонинг кўшинини ҳақорат қилмоқда»,-деди». Довуд яна деди:

*«Мени шер ва айиқдан халос қилган Раббий бу
филистинликнинг қўлидан ҳам халос қилади»
(1 Шоҳ. 17:34-37).*

Ўз акалари ва жангчилар билан у дадил ва кескин сўзлашди. Аммо подшоҳ билан сўзлашаётганида, у ҳокимият тепасида турган одамга мурожаат қилаётганини билар эди. У подшоҳга худди ўғил отага мурожаат қилганидек мурожаат қилмоқда. У ўзининг бор тажрибасини кўз олдига келтирмоқда ва Раббийни ўзининг кутқарувчиси сифатида ёдга олмоқда ва шу билан бирга подшоҳ уни тўғри тушунишига ишонмоқда.

Қарор қабул қилиш учун жавобгарлик подшоҳнинг гарданида эди. Агар жангда ютқазилса, бутун давлат кулликка тушар эди. Довуд билар эди, агар у жангга чиқиши керак бўлса,

Худо буни подшоҳнинг юрагига солади. Бизнинг устимиздан ҳокимиятга эга бўлган одамларга айнан шундай муносабатда бўлишимиз бизлар учун жуда муҳимдир. Довуднинг нутқидан сўнг Шоул унга жанг қилишга рухсат беришга қарор қилди. У деди: «Майли бор, Раббий сен билан бўлсин» (1 Шом. 17:37).

Довуд Шоулнинг ҳарбий кийимини рад қилди. Ўзини Раббийнинг ҳимоясига, қалқонига ва паноҳига топшириб, у ўзининг ҳамма нарсасини бир қўлига, сопқонини бошқа қўлига олиб бешта силлиқ тош олиш учун дарё бўйига борди. Филистинлик яқинлашганида Довуд энг жиддий чорловга дуч келди. Агар шу дафъа у чўчиб қолганида эди – нафақат Худонинг инъоми ҳаракатсиз қолар эди, балки у ўз ҳаётидан маҳрум бўлар эди, шунингдек бутун давлат қулликда қолар эди: «Филистинлик назар ташлаб, Довудни кўрди ва унга менсимасдан қаради, чунки у ёш, малла сочли, кўриниши чиройли йигит эди. Филистинлик Довудга: «Нима учун менга қарши таёқ билан келаяпсан? Ахир мен итманми?»- деди ва ўз худоларининг номи билан Довудни лаънатлади. Кейин Довудга:

«Менинг олдимга кел, мен сенинг танангни кўкдаги қушларга ва дала ҳайвонларига бераман»,- деди»
(1 Шом. 17:42-44).

Голиот Довудни нафақат кўриниши билан, балки сўзлари билан ҳам кўрқитишга ҳаракат қилар эди. Довудни лаънатлаб, баҳайбат одам уни нима қилмоқчи эканлигининг жонли суратини чизди. Бу сурат туфайли Довуднинг ранги бўзаргандек туюлса ҳам, у бир лаҳза ҳам ўз кучининг манбаидан ва ўз ғалабасидан шубҳаланмади: «Довуд эса филистинликка жавобан шундай деди:

«Сен қилич, найза ва қалқон билан менга қарши чиқаяпсан. Мен эса сен ҳақоратлаган Исроил қўшинининг Худоси, Кўшинлар Худовандининг исми билан сенга қарши чиқаяпман. Ҳозир Раббий сени менинг қўлимга топширади ва мен сени ўлдириб, бошингни танангдан жудо қиламан. Сўнгра филистин қўшинининг жасадаларини кўкдаги қушларга

ва ердаги ҳайвонларга бераман. Шунда Исроилда Худо борлигини бутун ер билиб олади. Шунингдек, мана бу бутун йиғин - Раббий на қилич, на найза билан қутқаришини билиб олади, зеро бу уруш Раббийникидир ва У сизларни қўлимизга топширади» (1 Шом. 17:45-47).

Довуд дадиллик билан Худонинг содиқлигини эълон қилди. Исроил эркаклари фақатгина бу баҳайбат одамнинг нақадар улкан эканлигини кўрар эдилар, лекин Довуд Худонинг буюқлигини кўра олди! Кейин эса Исроил эрлари Худонинг душманининг олдига Довуднинг югуриб борганини кўрдилар, у сўздагина эмас, балки амалда ҳам комил ишончни намоён қилар эди:

«Довуд қўлини халтасига солиб, ундан тош олди ва палахмонга солиб отди. Тош филистинликнинг қоқ пешонасига тегиб ўйиб кирди ва у ерга юз тубан йиқилди» (1 Шом. 17:49).

Довуднинг дадиллиги юқумли эди ва Исроилда яна умид пайдо бўлди. Худо улар томонда эди, филистинликларда эса фақатгина ўлик қахрамон бор эди. Исроилликлар хужумни бошладилар ва филистинликларни қириб ташламагунларича таъқиб қилдилар. Бунгача Довуд уч марта ҳадиксиратиш ва кўрқитишга дуч келди. Биринчидан, унинг акалари ва бошқа жангчилар бор кучлари билан унинг қадрини тушириш, шарманда қилиш ва саросимага солишга ҳаракат қилдилар. Агар Довуд уларга бўш келганида эди, Худо унинг юрагига солган нарсага интилишдан чекинара эди. У шунчаки ўгирилиб уйига кетган бўлар эди, Худонинг инъоми эса ишлатилмай қолиб кетар эди. Натижа буткул бошқача бўлган бўлар эди: Довуд баҳайбат жангчини ўлдирмаган бўлар эди. Голиот бутун давлатни кўрқитишда давом этар эди ва бу иш учун Худо бошқа одамни топишига тўғри келар эди.

Иккинчидан, у подшоҳнинг саросимага соладиган ва паст урадиган маслаҳатларига дуч келди. Агар Довуд бу дафъа

чекинганида эди, Худонинг инъоми бу ҳолатда ҳам ҳаракатсиз қолиб кетган бўлар эди. У подшоҳнинг қаршисида ҳам ҳадиксирашни рад қилди. У ўз халқининг сардорига ҳурмат сақлади, аммо уни жанг қилиши шартлигига ишонтира олди.

Учинчидан, Довуд фалистинлик баҳайбат жангчининг кўрқитишига дуч келди. Унинг нафақат кўриниши босувчи таъсир кўрсатар эди, балки у йигитнинг ўзи ҳам ўзига жуда ишонар эди. У Довуд ўзини заифроқ ва жажжи ҳайвондан-да арзимас ҳис қилишига ҳаракат қилар эди. Агар Довуд бу дафъа кўрқитишга ён берганида эди, Худонинг инъоми ухлаб ётган холида қолиб кетар эди ва у ҳаётдан маҳрум бўлар эди.

Довуд Худонинг кучига шу қадар ишонар эдики ўз ҳаётини гаровга қўя олар эди. Ундаги Худонинг инъоми унда бундай дадилликни уйғотди ва у қирк кун давомида бутун бир қўшинни кўрқитаётган ва эзаётган баҳайбат одамни ҳалок қилди.

ЯНГИ АХДНИНГ КУЧИ

Коринф жамоатига йўллаган мактубида Повул ўлимга хизматнинг шуҳрати билан Рухнинг хизмати шуҳратини(ёки Янги Аҳд хизмати шуҳратини) таққослайди (2 Кор. 3:7-8). У ҳисоблар эдики, Эски Аҳднинг кучи шунчалик шуҳратда бўлиб, Исроил ўғиллари Мусонинг чехрасига қарай олмаган бўлсалар, унда ҳаёт берадиган Янги Аҳднинг хизмати нақадар қудратли!

Повул бу «янги» ни хазина деб атайди:

«Куч-қудратнинг беҳад кўплиги эса бизники эмас, балки Худоники бўлиши учун, биз бу хазинани лой идишларда олиб юрибмиз» (2 Кор. 4:7).

Бу ўз Худосини билган, унга тегишли бўлган куч ва қудратни тушунадиган яна бир одам. Повул давом этади:

«Агар ўтқинчиси шуҳрат орқали келган бўлса, унда мангу қоладигани нақадар кўпроқ шуҳратдадир. Шундай умидга эга бўлиб, биз буюк жасорат билан ҳаракат қилмоқдамиз(2Кор.3:11-12).

Куч дадилликни келтириб чиқаради. Ўз кучига таянмайдиган имонлиларда буюк дадилликни кўришингиз мумкин. Уларни шарт-шароитлар билан, одам билан ёки шайтон билан кўрkitишнинг иложи йўқ, чунки Худони ҳам булар билан кўрkitишнинг иложи йўқ. Ибронийларга 13:5-6да бизга шундай ваъда берилган: «Чунки *Худонинг* Ўзи: «Мен Сени тарк этмайман ва ташлаб кетмайман», - деган. Шунинг учун биз жасорат билан: «Раббий менинг ёрдамчимдир, мен кўркмайман. Инсон менга нима қила олади?»-дея оламыз».

Бизлар дадил айтишимиз керак: «Инсон менга нима қила олади?»

Ҳар бир имонли худди шундай комил ишончга эга бўлиши мумкин. Нима учун бизлар имонлилар деб аталамиз-у ўзимиз ишонмаймиз? Бизлар кимга ишонувчилармиз? Худога! Ҳақиқий имонлиларни кўрkitишга одамнинг ҳам, шайтоннинг ҳам ҳаққи йўқ. Нима учун? Чунки Раббий Исо биз томонда. Ундан баландроқ исм, Ундан қудратлироқ куч йўқ. Унинг Ўзи айтган: «Мана, Мен сизларга илонлару чаёнларни ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини босиш учун ҳокимият берайпман ва ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди» (Лк. 10:19).

Бундан-да аниқроқ айтишнинг иложи борми? У Ўзининг халқига барча душманларнинг устидан куч-қудрат берди. Журъатсиз қилиш ва кўрkitиш - бу душмандир. У сизни алдайди ва дейди: «Сендан кўра менда кўпроқ ҳокимият ва куч бор. Сенинг чекинишинг ва мен сенга нима десам шуни қилишинг яхшироқ! Агар шундай қилмасанг, оқибати ёмон бўлади».

Агар бизлар бундай кўрkitувчи ёлғонларга қулоқ солсак Худонинг инъоми ҳаракатсиз қолади, бизлар эса эзилган ҳолда яшаймиз. Лекин бизлар содиқ бўлишни ваъда Берганни билганимизда бизлар бошқа барча кучлардан кўра буюкроқ кучда юра оламыз ва Довуд каби ҳадиксиратувчи ва кўрkitувчи баҳайбатларни улкан дадиллик билан қарши оламыз.

СИЗНИНГ ИМОНИНГИЗ СИЗ ИШОНА ОЛМАЙДИГАН ДАРАЖАДА ҚИЙИНМИ?

Бу ҳақиқатни тушуниш қийин эмас. Бу ҳатто жуда оддий. Хушxabар ҳақиқати қийин эмас. Одамлар имонсизликлари туфайли ҳамма нарсани чалкаштирадидлар.

Ўзингиздан сўранг ва рўйи-рост жавоб беринг: «Сизнинг комил ишончилигингиз Худонинг айтган сўзига асосланганми ёки сиз кўраётган ва ҳис қилаётган нарсаларга асосланганми?» Агар сиз содир бўлаётган ҳамма нарсани ўз ўтмишингиз билан боғласангиз сиз ҳеч қачон ўтмишдан нари ўсмайсиз.

Сиз имонингизни бошқалар билан нима содир бўлаётганига асослайсизми? Ўзингизнинг ишончингиз даражасини бошқа одамларнинг содиқликларига қараб ўлчайсизми?

Агар сиз бу саволларга «ҳа» деб жавоб берган бўлсангиз, унда чуқурроқ қовланг. Балки ўзингизнинг ёки ўзгаларнинг ўтмиш мағлубиятларини тушунтиришга ҳаракат қилиб сиз ҳамма нарсани қийинлаштираётгандирсиз? Қийин имон баҳайбатларни ўлдирмайди. У бизларни «мўъжизалар дунёси»га киритиб қўяди ва биз аслида ўзгартира олмайдиган нарсаларни тасаввур қилишга ҳаракат қиламиз ва бирор ҳаракат қилишдан олдин иккилана бошлаймиз.

Нима учун бизлар, имонлилар шунчаки ишона олмаймиз? Нима учун бизнинг рад этилганлик ҳиссимизга Хушxabарни қийинлаштиришига изн берамиз?

Мен ҳеч қачон унутмайдиган бир нарсани сизлар билан ўртоқлашмоқчиман. Бу 1980йилда содир бўлган эди. Мен талаба эдим ва Шимолий Каролинада яшар эдим. Бир куни мен эрталаб тўртда уйғондим, ўзимнинг овозимдан уйғониб кетдим. Менинг овозим қичқирар эди: «Мен шунчаки ишонадиган кимнидир излаяпман!»

Бу мени ларзага солди. Тўшагим тердан жикқа ҳўл эди. Худо мен билан шундай ғайритабиий йўл билан суҳбатлашганини мен билар эдим.

Шунда мен ўйладим:

«Бу аниқ-ку! Нима учун Худо менга чуқурроқ ваҳий бермайди? Албатта, Унга ишонадиган одамлар келтирилгани мен биламан!»

Кейинги кун эрталаб бу сўзлар менинг бошимда айланар эди. Қайта ва қайта мен шипшиш эшитар эдим: «Мен шунчаки ишонадиган бирор кишини излаяпман. Мен шунчаки ишонадиган бирор кишини излаяпман». Мен буни қайта ва қайта эшитдим ва тушундимки, Худо менга қандайдир бемаъниликни кўрсатган эмас, бу- У билан юришнинг калити эди!

Мен Хушхабарларга чуқур кириб кетдим ва пайқадимки, Раббий Исо одамларнинг имонсизликларидан хафа бўлар ва кайфияти бузилар эди. Унинг шогирдлари ўсмирдан ёвуз руҳни кува олмаганларида, Раббий Исо уларни кескин фош қилди: «Шунда Исо жавоб бериб:

«Эҳ, имонсиз ва бузуқ авлод, қачонгача Мен сизлар билан бирга бўламан?» (Мт. 17:17).

Қандай қилиб ўз шогирдларига бундай дейиш мумкин?! Раббий Исо кўплаб ҳозирги чўпон ва хизматчиларга ўхшаган бўшанг эмас эди! У уларга агар ишонмасалар Худонинг инъоми амал қилмаслигини аниқ кўрсатди. У имонсизлик Уни хафа қилишини шогирдлари билишини истар эди.

Мен шунингдек, Раббий Исо кимдан ҳузур қилганини пайқадим: Ҳеч қандай саволларсиз ишонганлардан! Рим юзбошиси, мажусий одам ўз имони туфайли исроиллик бирор кишидан кўра кўпроқ эътибор қозонди. Бу римлик одам: «Уйимга келиб ўтиришингиз шарт эмас, фақатгина сўз айтсангиз бас, хизматкорим тузалади»,-деди. «Исо буни эшитганида ажабланди ва ортидан эргашганларга қараб:

«Мен сизларга ростини айтаман, бундай катта имонни ҳатто Исроилда топмадим,- деди» (Мт.8:10).

Бизлар Раббий Исонни уйимизда меҳмон бўлишини истар эдик, лекин бу содир бўлса Унга шубҳа қилган бўлар эдик. Бизлар имонни шундай мураккаб қилдик. Шундай қилиб, имон бу нима? Бу Худо айтган Сўзини амалга оширишига ишониш.

Раббий Исо бизга душманнинг бор қўшини устидан куч ва ҳокимият берганини айтди. Бизлар қилишимиз керак бўлган бор нарса – Унга ишониш ва шу ҳокимият ҳамда кучда юриш! Ўз ҳаётимизни кўрқув, шубҳалар ёки ўтмишдаги камчиликлар ва қулашларни эслатиш билан қийинлаштириш керак эмас. Агар биз шундай қилсак биз ўзимизни дадилликдан маҳрум қиламиз ва Худонинг қобилияти билан олға интилишга қодир бўлмаймиз. Натижада, биздаги Худонинг инъоми уйку ҳолатида қолиб кетади!

Ўз қайғимиздан ҳаётнинг тўғфонли сувларига дадил чиқишимиздан олдин ўз юрагимизнинг ниятларини тушунишимиз керак. Акс ҳолда, чўкиб кетамиз! Кейинги бобда сиз бардош беришга ёрдам берадиган ният билан чўкишга ёрдам берадиган ниятнинг фарқини кўрасиз.

ЖУРЪАТСИЗЛИКНИНГ ИЛДИЗИ

Худо биз кутган ишларни қилаётганида комил ишончли бўлиш осон.

Журъатсизликдан озодликда юриш дегани албатта экстраверт(ички кечинмаларини ўртоқлашишни севадиган очик, дилкаш одам. -таржимон изоҳи) бўлиш керак дегани эмас. Мен биладиган энг буюк кишилардан баъзилари журъатсизлик билан курашмоқдалар. Кўпинча шундай бўладик, уларнинг дабдабалари - улар ичларида курашаётган журъатсизлик ва қўрқоқликнинг бор-йўғи никоби, холос. Баъзи одамлар ўзларини нақадар ноқулай ҳис қилсалар шу қадар кўп гапирадилар.

Тортинишважуръатсизлик ҳолати сизнинг нақадар мойланган эканлигингизга боғлиқ эмас. Мен жуда кучли хизматчи бўлган, лекин барибир журъатсизлик билан курашаётган хизматчиларни биламан. Улар мойланишда бўлганларида довюрак, уларнинг заифликлари Худонинг мойланишида эриб кетади. Мойланиш ридоси уларни тарк этганида, улар қўрқув ва рад этилганлик билан курашаётган оддий одамларга айланиб қоладилар. Юзмаюз суҳбатлашганда уларнинг тортинчоқликлари ҳайратга солар даражада кўриниб туради. Мен буларнинг ҳаммасини қаердан биламан? Менинг ўзим шунақа эдим.

Сиз ўзига хос, кучли, дадил, ҳатто мойланган бўлишингиз ва барибир журъатсизлик билан курашаётган бўлишингиз мумкин.

Босим керакли даражада кучли бўлганида, сиз аслида нимадан ясалган бўлсангиз, яъни ичингизда нима бўлса ташқарига чиқади. Журъатсизликнинг хулқ-атвор нуқсонлари, жисмоний куч ёки мойланишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Нима одамларни журъатсизликка очиқ қилади?

КЎРИНИБ ТУРГАН НАРСАЛАР ҲАҚИҚАТГА ҚАРШИ

Бу саволга жавоб бериш учун келинг, Симон Петъорни кузатамиз. У ўзига хос инсон эди ва ҳеч қачон ўз фикрини баён қилишдан тортинмас эди. У дадил эди. Кўриниб турганидек, Петъор кучли иродага эга эди ва довурак эди. Ҳеч нарса Петъорни саросимага сола олмайдигандек туюлар эди, аммо бу содир бўлди. Ўлим қаршисидаги кўрқув уни Раббий Исодан уч марта тонишга мажбур қилди. Шундай қилиб, жуъатсизликдан озодликда юриш қобилияти - бу кучли шахснинг хулқ-атвори чизгиси эмас. Бундай бўлмаганида, Симонни ҳеч бир сабаб Раббий Исодан кечишга мажбур қила олмас эди ва у содик қолиш учун бошқалардан кўра яхшироқ тайёрланган бўлар эди.

Баъзиларда Симон Петъорни оддий сафсатабоз деб тасаввур қилишга мойиллик бор. Баъзан айтишадикки, гап дадиллигини амалда кўрсатишга келганида у «жўжа» бўлиб чиқар эди. Мен бунга шундай савол билан жавоб бераман: «Нақадар кўп «жўжа»лар тишигача қуролланган, кўрикчиларга эга оломонга қарши туришга ва унга ҳужум қилишга журъат қилган бўлар эдилар? Петъор дадиллик билан шундай қилди. Юҳанно 18:3,10да ёзилган: «Шунда Яҳудо олийруҳонийлар ва фарзийлардан бир гуруҳ аскарлар-у хизматчиларни олиб, ўша ерга чироклар-у машъаллар ва қуроллар билан келдилар. Петъорнинг қиличи бор бўлиб, уни қинидан чиқарди ва олийруҳонийнинг хизматчисини уриб, унинг ўнг қулоғини кесиб ташлади».

Бу умуман «жўжа»ча ҳаракатга ўхшамайди. Хўш нима, Петъор кейинроқ хизматкор қиздан кўрқиш учун аскарларга

ташландими? Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу хизматкор қиз уни кўрқитиб юборди: «Петъор эса ташқи ҳовлида ўтирар эди. Унинг ёнига чўрилардан бири келиб: «Сен ҳам галилиялик Исо билан бирга эдинг,»- деди. Лекин у ҳамманинг олдида инкор этиб: «Сен нима деяётганингни билмайман,»- деди» (Мт. 26:69-70).

Бундай ўзгаришлар қаердан келиб чиқди?

ЮЗАКИ ДАДИЛЛИК

Бу саволга жавоб бериш учун, келинг, ўша окшомдан олдинроқ содир бўлган воқеаларга қайтайлик. Ҳамма шогирдлар биргаликда Песахни нишонлаётган эдилар. Раббий Исо уларни огоҳлантирди:

«Бу кеча ҳаммаларингиз Мен ҳақимда васвасага тушасизлар» (Мт. 26:31).

Лекин Петъор ўзини бошқача ҳисоблар эди ва дадил деди: «Агар ҳамма Сен ҳақингда васвасага тушса ҳам, мен ҳеч қачон васвасага тушмайман» (Мт. 26:33). Мардликнинг нақадар шавкатли намоёйиши! Чамаси, Петъорни васвасага тушадиганлар сонига қўшиб Раббий Исонинг Ўзи хато қилган эди.

Аммо Раббий Исо Петъорнинг шундай қалбига назар ташлар эди ва уни тўғрилаб қўйди:

«Сенга ростини айтаман, бу кеча хўроз қичқиришидан олдин, сен Мендан уч марта тонасан» (Мт. 26:34).

Петъорнинг ўз-ўзига ишонишига нақадар оғир зарба! Раббий Исо айтдики, у нафақат қоқинади, балки Ундан тонади ҳам.

Заиф хулқ-атворли ва иродали одам шунда тўхтаган бўлар эди. Ахир Устоз хато қилиши мумкинми? Аммо Петъор кейин ҳам ўз сўзида туришни давом этди:

«Агар Сен билан ўлишим керак бўлса ҳам, Сендан тонмайман» (Мт. 26:35).

Аслида, бу дадил сўз бошқаларни ҳам унинг фикрига кўшилишга руҳлантирди:

*«Бошқа шогирдлари ҳам худди шундай дедилар»
(Мт. 26:35).*

НИЯТЛАР КЎРИНИБ ТУРГАН НАРСАДАН ФАРҚ ҚИЛИШИ МУМКИН

Юзаки кўздан кечирганда, бу одамларнинг нияtlари пок ва уларда буюк дадиллик бордек туюлади. Синчиклаб ўрганганда эса уларни ҳаракатга келтираётган ният - бу Худонинг севгиси эмас, нимадир бошқа нарса эканлигини аниқлаймиз.

Уларни огоҳлантиришдан олдин Раббий Исо деди: «Мана Менга хиёнат қилувчининг қўли ҳам Мен билан бирга шу дастурхон атрофидадир» (Лқ. 22:21). Улардан бири Раббий Исога хиёнат қилиши мумкинлиги ҳақида ўйлаш нақадар даҳшатли, нақадар жирканч! Шунча вақт улар билан бирга юрган Раббий Исони, улар учун ғамхўрлик қилган Раббий Исони! Энди эса Унга товонини кўтариш! Унга - Масихга!

Раббий Исо билган бўлса ҳам, бунинг ким бўлишини, у нима қилишини бошидан билган бўлса ҳам, шогирдлар бу ҳақида илк бора эшитдилар. Бу эълондан сўнг хона устида осилиб қолган шубҳа муҳити, хавотирни тасаввур қила оласизми? ! «Улар бир-бирларидан ораларидан қайси бирлари бу ишни қилиши мумкинлигини сўрай бошладилар» (Лқ. 22:23).

Шогирдлар саросимага тушдилар ва улардан бири бу қадар онгсизларча тубан ишга қодир эканлигига ишонмас эдилар. Бундай изланиш учун уларнинг нияtlари қанақа эди? Албатта, бунинг Раббий Исога алоқаси бор эди. Лекин қанақа? Уларнинг ўзаро суҳбатлари буни ошкор этади. Кейинги оятга қаранг: «Шогирдлар орасида, ким энг катта ҳисобланмоғи кераклиги ҳақида ҳам баҳс содир бўлди» (Лқ. 22:24).

Биз аниқ кўришимиз мумкинки, уларнинг изланишлари сабаби - худбинлик ва мағрурлик эди. Раббий Исо яқин вақт

ичида олийруҳонийлар томонидан қўлга олиниб, ўлимга маҳкум этилишини айтди, шогирдлар эса ҳокимият ва ўринга эришиш учун воситалар танлашдан уялмас эдилар. Нақадар худбинлик!

Муҳокамани ким бошлаганини ўйлаб топиш мумкин. Бу - ўзининг олдинги етакчилик қобилиятлари ва устунлик қилувчи хулқ-атвори билан Симон Петъор бўлгани эҳтимолга яқиндир.

Балки у ҳаммага биргина ўзи сувда юришга дадиллик қилганини жуда тез эслатгандир (Мт. 14:28-31). Ёки, балки, Раббий Исо аслида ким эканлигини аниқ тахмин қилиб айтгани ҳақидаги хотирани янгилагандир? (Мт.16:15-16). Яна ўзгариш тоғида Раббий Исо, Мусо ва Элиаҳ билан бирга бўлганидаги кечинмаларини айтиб бергандир? (Мт. 17:1-8).

У ўзини ўн икки шогирд ичра энг буюги эканлигини тасдиқлаганига ишончи комил бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Лекин бу комил ишонч севгида илдиз отган эдими? Менинг ишончим комилки, ўша вақт Петъор айнан шундай деб ўйлаган. Лекин кейинчалик ҳаммаси бошқача бўлиб чиқади. Унинг ишончи комиллиги мағрурлик ва худбинликка асосланган эди. Буни ёдда сақланг ва олдинга борамиз.

ЁҒНИ СИҚИБ ЧИҚАРУВЧИ ИСКАНЖА

Кейин Исо улар билан Гетсемания деб аталган жойга келиб, уларга: «Мен у ерга бориб, ибодат қилгунимча, сизлар шу ерда ўтириб туринглар,»- деди (Мт. 26:36).

«Гетсемания» сўзи - «ёғни сиқиб чиқарувчи исканжа» деган маънони билдиради. Бу исканжа билан зайтуннинг ёғини сиқиб чиқарадилар. Зайтунлар осонликча эзилмайди. Фақат катта босим берилганида зайтуннинг ёғи чиқа бошлайди.

Гетсемания - ана шундай босим жойи, фақат зайтунлар учун эмас, балки юраклар учун босим жойи. Жадал босим остида, ҳаттоки, ўзимизни ҳайратга соладиган ичимизда бўлган ҳамма нарса ташқарига чиқади. Бошқача қилиб айтганда, синовлар(босим) келганида, бизларнинг юрагимизнинг ниятлари синовдан ўтади ва фош бўлади.

Раббий Исо Гетсеманияга Петъор, Ёкуб ва Юханно билан бирга келди. Ёзувда айтилган:

«Исо қайгура ва қийнала бошлади» (Мт.26:37).

Раббий Исонинг қалби «ўлим қадар қайғурар» эди, чунки У бу босим остида эди. У Ёзининг буюк жангидан ўтаётган эди: Отасининг иродасини бошқа йўл билан амалга ошириш ва шу билан Ёзини кутқариш.

Баъзи одамлар Раббий Исонинг гуноҳ қилишга кодир бўлганига ишонмайдилар. Лекин бизлар ёдда тутишимиз лозим, У «ҳар нарсада васвасага солинган, бироқ гуноҳ қилмаган» (Ибр. 4:15). Васвасага солинган ёки солинаётган бўлиш - нима биландир курашишни билдиради. Раббий Исода гуноҳга қарши киритилган иммунитет йўқ эди, у гуноҳни доимо енгар эди. Нима учун? Чунки У Ёз истагига кўра яшамас эди. Агар у гуноҳ қилишга кодир бўлмаганида эди, унда Уни васвасага солишнинг ҳам иложи бўлмас эди. Бу Унинг шарафини камайтирмайди, аксинча, Унинг обрўйини намойиш қилади. Чунки У барибир гуноҳ қилмади. Ҳаллилуя!

Боғда Раббий Исо ўтинди:

«Менинг Отам! Агар иложи бўлса, бу коса Мени четлаб ўтсин, аммо Мен хоҳлагандек эмас, Сен хоҳлагандек бўлсин» (Мт. 26:39).

Раббий Исонинг ҳаётида илк бора шу ерда бизлар Ёғилнинг иродаси Отанинг иродасига қарши бўлганини кўраёпмиз. Боғдаги мана шу лаҳзагача Улар шу қадар бирликда эдиларки, бизлар Раббий Исонинг ҳаётида намоён бўлган фақатгина Отанинг иродасини кўра олар эдик. Аммо мазкур жангдаги кучли босим Унинг қалбида ғазабни кўзғади. Уни тутиб туриши мумкин бўлган ягона нарса намоён бўлди: Отанинг иродасини бошқа йўл билан амалга ошириш ва шу йўсинда, Ёзини кутқариб қолиш. Бундан олдинроқ Раббий Исо фарзийларга Ёз ҳаётини бериш ихтиёрига эга эканлигини айтган эди (Юх.10:17-18). Буни қилишга Худо Уни мажбур қилган эмас эди. Шунинг учун

У курашар эди: Ўз-Ўзи билан. У боғда тиз чўкканидан анча вақт олдин У бу жангдан ўтишини билган эди. У бу ҳақида уч бора шогирдларига айтган эди. Улар Иерусалимга келишларидан олдин, У уларга Отасининг иродаси Унинг азоб тортиши, ўлиши ва ўликлардан тирилиши эканлигини айтган эди.

Бир неча кун олдин Раббий Исо шогирдларнинг олдида айтган эди:

«Энди Менинг жоним безовталанмоқда! Нима дессам экан? Ота, Мени бу вақт-соатдан қутқаргин, аммо Мен шу вақт-соат учун келганман. Ота, исмингни улуғлагин» (Юҳ. 12:27-28).

Раббий Исо Ўз ҳаётини ўлимнинг оёғига кўйишга тайёр эди, токи Отанинг исми шарафлансин! У бу негиз билан ҳатто шогирдлари билан ўртоклашди:

«Кимки ўз жонини севса, уни йўқотади, лекин ким бу дунёда ўз жонидан нафратланса, уни абадий ҳаётга сақлаб қолади» (Юҳ. 12:25).

Бу оят бирданига иккита жавобни беради: Нима учун Петъор онт ичиб ваъда берган нарсасини қила олмади, Раббий Исо эса қила олди? Раббий Исо Отасини Ўзининг шахсий ҳаётидан кўра кўпроқ севар эди, шунинг учун У жонини қурбон қила олди. Петъор Раббий Исони ҳаётимдан ортиқроқ севаман деб ўйлар эди, лекин Гетсиманиядаги ёғни сиқиб чиқарувчи исканжа унинг ниятларини намоён қилди.

Боғда Раббий Исо Отанинг иродасини билишининг ўзи етарли эмас эди. Унинг Ўзи шу иродага айланиши керак эди. Бу шу қадар қийин эдики, У Отадан: «Бошқа бирор усули йўқмикин», - деб сўрар эди. Ибодат қилиб, У Ўзини сақлаб қолиш васвасаси билан рашк қилиб курашар эди ва шу қадар бу васвасага қарши турдики, Унинг тери қон аралаш чиқа бошлади (Лқ. 22:44).

Раббий Исонинг васвасага қаршилигининг кучи Унинг севгиси борлиги ёки йўқлигига асосланган эди. У Отага севгисидан Ўзини йўқотди (Юҳ. 14:31). Бу севги - илгари ҳеч

ким енга олмаган нарсани енгди: ўз-ўзига севгини! Ёғ юзага чиқди ва Отага севги - шунчаки сўз эмас, балки ҳам қурбонлик, ҳам итоат эканлигини исбот қилди.

Энди бу исканжа ёки босим Петъорга ва бошқа шогирдларга қандай таъсир кўрсатганига қараб кўрамиз.

РУҲ ТЕТИК, ТАНА ЭСА ЗАИФ

Раббий Исо бир соат ўз иродаси билан курашди, кейин туриб, шогирдларининг олдига борди, лекин уларни «қайғудан ухлаб ётган» ҳолда топди (Лқ. 22:45). Шогирдлар энди ораларидан ким катта эканлиги ҳақида баҳслашмас эдилар. Қайғу ва ғамдан уларнинг аҳволлари оғир эди. Нафақат Раббий Исо босим остида эди. Унинг шогирдлари ҳам бу исканжага тушган эдилар!

Улар ўзларини қутқариш васвасасига дуч келдилар. Аммо уларнинг ёриб чиқишга кучлари йўқ эди, чунки улар Отанинг эмас, балки ўзларининг иродаларига диққатларини қаратган эдилар. Раббий Исога қарши ўлароқ, уларда, ҳаттоки, ўз иродаларини Худонинг иродасига йўналтириш истаги йўқ эди. Агар бизлар учун ҳаётимиз жуда қимматбаҳо бўлса, биз уни йўқотмаслик учун худди шундай курашишга қодир бўлмаймиз.

Бу ҳақида ўйлаб кўринг. Раббий Исо Ўз ҳаётини йўқотиш учун курашаётган бир вақтда, шогирдлари ухлаб қолиб, жангдан бўйин товлادилар. Биринчи навбатда, Раббий Исо Петъорга муружаат қилди:

«Сизлар Мен билан бир соат бедор тура олмадингизларми? Васвасага тушмаслик учун бедор бўлинглар ва ибодат қилинглар, зеро руҳ тетик, тана эса заифдир» (Мт. 26:40-41).

Петъор, мазкур дадил ваъдалар кишиси ибодат қилишнинг ўрнида ухлаб ётар эди. У ҳали ўзиники бўлмаган кучга таянишни ўрганмаган эди. Шунинг учун у ўзини кўлидан келганидек ҳимоя қилар эди: у ухлар эди.

Бизнинг руҳимиз, юрагимиз тетик бўлиши мумкин, аммо бизнинг танамиз доим ўзини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади.

Бундан келиб чиқадики, агар танамиз хочга михланган бўлмаса, биз унга у истаган нарсани берамиз. Петъор Раббий Исога содиқ бўлишни истаган эди, лекин бўла олмади, чунки унинг танаси уни енгди. У Худонинг иродасини бажаришни иташдан кўра ўз ҳаётини кўпроқ севар эди. У ўзининг юрагининг асл ҳолатини тушунмас эди. У ҳақиқатдан ҳам нима деётган бўлса, шуни назарда тутар эди ва ўз ҳаётини Раббий Исо учун қурбон қилишга тайёрлигига астойдил ишонар эди. Аммо «исканжа»дан «Яширин Кечлик» да башорат қилинган нарса чикди: худбинлик ва мағрурлик.

ИККИТА ТУРЛИ ХИЛ ОҚИБАТ

Шогирдлари ухлаб ётганини кўриб, Раббий Исо яна ибодат қилгани борди. Қайтиб келиб, уларни яна ухлаб ётган ҳолда топди «чунки уларнинг кўзлари оғирлашган эди»(Мт.26:43). Ҳатто Раббий Исонинг огоҳлантирганидан сўнг ҳам улар уйғона олмадилар: «Сўнг уларни қолдириб, яна узоклашди ва учинчи марта ибодат қилиб, ўша-ўша сўзларни такрорлади. Исо шогирдларининг ёнига келганида, уларга деди:

«Сизлар ҳали ҳам ухлаб, дам олаяпсизларми? Етар, вақти келди» (Мт. 26:44-45).

Раббий Исо жангда ғолиб келганини тушунгунича уч соат ибодат қилди. Унинг иродаси Отанинг иродаси билан тўлиқ уйғунлашди. Энди У яхудий бошлиқлари ва Рим аскарлари орқали ҳаракат қилаётган душманнинг кўрқитуви билан учрашишга тайёр эди. Раббий Исонинг даҳшатли таъкиблар аро Ўз фикрида мустаҳкам туриш қобилияти Рим прокураторини хайрон қолдирди:

Олийруҳонийлар билан оқсоқоллар Уни айблаганларида, У жавоб қайтармади. Исо унга бир оғиз сўз ҳам жавоб бермади, бундан эса ҳоким жуда ҳайратланди» (Мт. 27:12,14).

Дадиллик нақадар баланд ва кўп гапиришимизда намоён

бўлмайди. Индамаслик ҳақида ҳам, бизнинг юзимизга айбларни отиб ташлаган вақтларидаги индамаслик ҳақида худди шундай дейиш мумкин. Баъзан Раббий Исо чакирувга жавоб бермасдан Ўз ҳокимиятида турар эди. Ундан баланд ҳеч қандай куч йўқлигини У билар эди, агар У жавоб қайтарганида - бу бундай куч бор дегани бўлар эди. Фарзийлар Раббий Исони ўз айбловлари, таҳдидлари ва ҳокимият ўринлари билан назорат остига олишга ҳаракат қилар эдилар. Уларга жавоб бериш нодонлик бўлар эди, чунки уларнинг ҳақиқатга ҳеч қанақа даҳллари йўқ эди. Раббий Исо, улар Унинг жонини ола олмасликларини билар эди, чунки У аллақачон уни Отага топширган эди!

Раббий Исо Ўз айбловчилари билан юзма- юз турганида, Петъор ташқарида гулхан атрофида исинаётган эди. Исроил бошлиқларининг оддий хизматкор кизидан кўркиб, Петъор Раббий Исони ҳатто билишидан тонди (Мт. 26:69-75). Петъор Раббий Исодан кечгандан кўра ўлимни афзал кўришини айтган бўлса ҳам ҳаммаси шу билан тугадики, у кўркиб қолди ва қилмасликни ваъда берган ишини аниқ амалга оширди. Сабаб: у ўз ҳаётини жуда яхши кўрар эди.

Унинг сўзлари Раббий Исога нисбатан буюк севги ҳақида гувоҳлик берар эди, аммо унинг ҳатти-ҳаракатлари янада баландроқ сўзлар эди. Ўзига бўлган севги унинг журъатсизлиги ва кўрқоқлигининг сабаби эди. У буларни баландпарвоз сўзлар ва илгари амалга оширган ҳаракатлари ортида яширар эди. Аммо ёғни сиқиб чиқарувчи исқанжа бу кўрқоқ руҳни очиб берди.

Кўркувнинг ва саросимага тушишнинг илдизи - ўзига бўлган севгидир. Мукаммал севги кўркувни қувади ва бизларга дадиллик беради. Севгидан туғилган дадиллик журъатсизлик ва кўрқоқлик занжирини парчалайди. Мукаммал бўлмаган ёки худбинона севги кўркувга эшик очади:

«Севги бизда шундай камолотга эришадики, ҳукм кунда дадил бўламиз, чунки биз бу дунёда Масих казимиз. Севгида кўркув йўқ, лекин мукаммал севги кўркувни қувиб чиқаради, чунки

қўрқувда азоб бор. Қўрқадиган одам севгида мукаммал эмас» (1 Юҳ. 4:17-18).

Бизлар диққатимизни ўзимизга қаратганимизда қўрқув ва журъатсизлик ошиб боради. «Мен-чи? Менга нима бўлади?»-деган азобли кичкириқлар ана шундан.

Раббий Исо айтган эди:

«Ким ўз жонини дўстлари учун берса, бундан буюкроқ севги йўқдир» (Юҳ. 15:13).

Бизлар ҳақиқатан ҳам жонимизни Раббий Исога севгимиз учун берсак, бошқа биз билан нима содир бўлиши ҳақида қайғурмаймиз. Чунки Унинг ғамхўрлигига топширилганимизни биламиз. Унда бизлар ўлик ва Унда яширинганмиз. Бизлар ташвишланишимиз керак эмас, чунки бизнинг ҳаётимиз бошқа ўзимизга тегишли эмас. Бизнинг ҳаётимиз Унга тегишли. У бизларни сотиб олди, шунинг учун нима бўлишидан қатъи - назар, бу Унинг ташвишидир. Бизлар шунчаки севги ва итоатда яшаймиз.

Қўрқув бизларни бошқа қийнамайди, чунки ўлик одамни қийнашнинг иложи йўқ. Сиз тобутдаги одамнинг пешанасига милтиқ тирашингиз ва унга таҳдид қилишингиз мумкин, лекин у хатто кипригини пирпиратмайди.

БОШҚАЛАР-ЧИ?

Бошқа шогирдлар-чи? Ахир улар ҳам Раббий Исодан кечгандан кўра яхшиси ўлишларини айтиб Петьорга очик қўшилган эдилар-ку! Улар бу ёғни сиқиб чиқарувчи исканжадан қандай ўтдилар? Улар Петьордан ҳам олдинроқ қочиб қолдилар. Муқаддас Ёзув хабар берадики, аскарлар Раббий Исони қўлга олганларини кўриб, «хамма шогирдлари Уни ташлаб, қочдилар» (Мт. 26:56).

Уларнинг ҳаммалари ўзлари учун қўрқар эдилар ва ибодат қилишдан кўра ухлашга тайёр эдилар. Раббий Исо билан бўлган сўнги кечликда улар ораларидан қайси бирлари каттарок

эканлиги хақида бахслашдилар. Ҳаммаси шундай кўринар эдики, шогирдлар қулоқ солмас, ёки қулоқ сола олмас эдилар. Улар ўйлай оладиган биргина нарса: «Менга нима бўлади?» эди. Мазкур босимда уларнинг ўзларига бўлган севгилари очилиб қолди.

Уларнинг ниятлари Петъорнинг ниятларидан унча фарк қилмас эди. Петъор шунчаки янада мушкулроқ вазиятга тушиб қолди, чунки аскарларнинг ортидан Раббий Исо олиб кетилган жойга борди.

ҲАР ҚАНДАЙ ДАДИЛЛИҚ ЗАМИНИДА СЕВГИ ЁТМАЙДИ

Балки сиз ҳануз ҳайратланаётгандирсиз: Петъор қўлида қилич билан кичик қўшинга қарши туриш учун дадилликни қаерда олди? Мен ўйлайманки, унинг дадиллиги бошқа одамларнинг маъқуллашига асосланган эди. У бошқаларда яхши таассурот қолдирганида очилиб кетар эди. Бу хақида ўйлаб кўринг. Ахир улар ораларидан ким катта эканлиги хақида бахслашган эдилар-ку! (Бу мавзу биринчи марта кўтарилаётган эмас эди. Шогирдлар доимо мусобақа ўйнар эдилар). Петъорда бу хақида янги хотиралар бор эди, энди эса ўзининг буюк садоқатини исботлаш имкониятини қўлга киритди.

Лекин у аланга бошида олийруҳонийнинг хизматкорлари билан ўтирганида, энди у ўзининг ўртоқлари даврасида эмас эди ва унинг ҳақиқий ночорлиги очилиб қолди.

Олдинги ҳолатларда ҳам Петъорнинг дадиллиги панд берган эди. Бир марта бу Петъор сувда юрганида содир бўлди. Бошқа барча шогирдлар қараб турганида у хайқирди:

*«Ҳазратим, агар бу Сен бўлсанг, менга сув устида
Сенинг олдинга боришимни буюр» (Мт. 14:28).*

Петъор қайиқдан чиқиб денгиз устида юриб кетди. Балки унинг дадиллиги ўртоқларида уйғотаётган яхши таассуротдан озиклангандир. Лекин жунбуш ураётган денгиз орасига тушиб қолиб, у Раббий Исодан қутқаришини сўраб қичқириб юборди.

Тўлқинлардан юриб бориб у ёнида бирор рақиби йўқлигини англади. Босим остида қолиб, у Раббий Исодан уни олиб чиқишини сўради.

Петъор Раббий Исо уни илгари кўп маротаба олиб чиққани каби, боғдаги бу вазиятдан ҳам олиб чиқади деб ўйлаган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ва у ҳақ эди. Лекин Петъор ҳам, бошқа шогирдлар ҳам Раббий Исони ҳибсга олишларини кутган эмас эдилар. Раббий Исо уларга нима содир бўлишини бир неча бора айтган бўлса ҳам, улар хануз Раббий Ўз шоҳлигини ерда айнан ҳозирнинг ўзида ўрнатади деб ўйлар эдилар (Ҳав. 1:6; Мт. 16:21).

Бизлар кутган нарсаларни Худо қилаётганида Унга ишониш осон. Лекин У сюрприз қилганида бизлар иккиланиб қолишимиз мумкин. Шундай бўладики, ҳаётимизда ёки хизматимизда беҳосдан нимадир кўнгилсиз нарса содир бўлади ва бизлар дадиллигимизни йўқотамиз. Кўпинча, бизлар азобларга, қувгинларга ва синовларга чидашга тайёр эмасмиз. Болаларга ўхшаб, бизлар ўз сценарийимизга асосланган эски ҳаётимизда яшаб ўзимизни яхши ҳис қиламиз. Аммо бизлар истаган нарсамизни истаган вақтимизда ва истаган ҳолатимизда ола олмаганимизда юракларимиз синалади. Агар бу синовлар бизга ҳужум қилса бизнинг юрагимиз оғир бўлиб қолади. Балки Худо бизларга истаган нарсамизни аниқ берса ва ҳаётимизни олдиндан тасаввур қилишнинг иложи бўлса бизлар ўзига ишонган туюлишимиз мумкин. Лекин ҳаммаси бошқача кечишни бошлаганида, бизнинг ҳақиқий ниятларимиз ошқор бўлади. Раббий Исо бу ҳолатни шундай тасвирлаган эди:

«Шу сингари, тошлоқ ерга экилганлар шуларни билдиради: улар сўзни эшитганларида, шу заҳоти уни қувонч билан қабул қиладилар, бироқ улар илдизи йўқ беқарор одамлардир. Кейинчалик эса, сўз учун қайғу ёки қувгин бўлганида, ўша заҳоти улар васвасага тушадилар» (Мр. 4:16-17).

Диккат қилинг, одамлар илдизга эга бўлмаганлари туфайли

синовларга бардош бера олмайдилар. Илдизларимиз бизларга панд бермаслиги учун биз уларни қандай ривожлантиришимиз керак? Нимада илдиз отган бўлишимиз керак? Эфесликларга 3:17да айтилганки, бизлар Масихга севгида ўтқизилган ва илдиз отган бўлишимиз лозим. Ҳақиқий севги ўз фойдасини изламайди. Севгилари илдизга эга бўлмаган одамлар севги шунчаки уларнинг ўзлари учун керак бўлганидагина севадилар. Улар Масих билан бирга хочга миҳланмаганлар, аммо Раббий Исога У берадиган нарсалар учун келганлар, Унинг Ким эканлиги учун эмас!

Ҳақиқатдан севадиган одамлар фақат ўзларининг Севиклиларини ва Унга маъқул нарсаларни излайдилар. Севги бирор нарсани кутмайди. Севги беради. Шунда ҳаёт одам кутганидан бошқача кетганида бу ният ўзгармасдан қолади. Севги тушқунликка тушмайди ва шунинг учун журъатсиз бўлмайди.

Журъатсизлик ва кўрқув кучини парчалаш учун муҳим дадиллик Худога севгидан бошланиши лозим:

*«Чунки Худо бизга қўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-қудрат, севги ва соғлом онг Руҳини берган»
(2 Тим. 1:7).*

Куч журъатсизликни енгиш учун керак бўлса-да, унинг биргина ўзи етарли эмас. Мен аллақачон айтганимдек, мен босим вақтида журъатсизликдан эгилаётган мойланган хизматчиларни кўрганман.

Соғлом онгнинг ўзи ҳам етарли эмас. Муқаддас Рух Петъорга Раббий Исонинг Масих эканлигини очди (Мт. 16:13-18). Лекин бу Петъор ҳаётини бериш қобилятини берадиган Худонинг севгиси билан тўлган вақтида содир бўлди. Биз кейинги бобда шу ҳақида суҳбатлашамиз.

ИСТАКНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ ЭМАС

Журъатсизликдан кутулишнинг биргина йўли - бу ўз хаётини йўқотишдир.

Яхши ниятлар етарли эмас. Петъор иш хатто ўлимга бориб тақалса ҳам содиқ қола олишини кўрсатмоқчи эди. Лекин унинг истагининг кучи бу учун етарли бўлмади. Унинг юрагидаги кўркуви Устозга бўлган севгини енгди. Раббий Исо бу масала билан тирилганидан сўнг шуғулланди.

Юҳанно хушхабариди, 21-бобда, Раббий Исо шогирдларига намоён бўлиб, нонуштага балиқ билан нон тайёрлади. Сўнгра у Петъордан уч марта сўради: «Мени севасанми?» Биринчи икки марта Раббий Исо ҳаракатдаги севгини англатувчи «агапе» сўзини ишлатди. Лекин Петъор ҳар дафъа юнонча «филео» сўзи билан жавоб берди. Бу сўзнинг маъноси фақат кўнгили боғланиши ёки севги ҳиссини билдиради, лекин ўз ичига ҳаракатни олмайди.

Раббий Исо учинчи бора сўраганида Петъор хафа бўлди. Бу учинчи мартада Раббий Исо «филео» сўзини ишлатди. Бу савол билан Раббий Исо севгининг маъносини ҳаракатга эмас, хиссиётга боғлади. Петъор ўзини йўқотиб қўйиб жавоб берди:

«Раббий! Сен ҳаммасини биласан. Мен Сени севимни биласан» (Юҳ. 21:17).

Унинг сўзлари қуйидаги сўзларни билдирар эди: «Мен Сенга

нисбатан нимани ҳис қилишимни биласан».

Аслида, бошидаёқ Раббий Исо сўраган эди: «Сен Мени жонингни берар даражада севасанми?» Бу «агапе» сўзи билан ифодаланиладиган севгининг таърифидир. Петъор унинг севгиси ҳиссий боғлиқлик эканлигини ҳаққоний ва итоаткорликда тан олди. У яқингинада Раббий Исодан кечганини ёдга олинг. У ўз заифлигини англаб етди. Ўз ҳаётини бериш учун унинг ҳиссиётли севгиси етарли эмас эди. Ахийри, Раббий Исо Петъордан: «Мени ҳиссиёт билан севасанми?» деб сўради. Петъор бу вақтда тўлиқ синган эканлигини ва «агапе» севгисига қодир эмаслигини Раббий Исо тушунар эди, шунинг учун шундай савол берди.

Биринчи икки саволни бераётиб нимани назарда тутганини тушунтиришни истаб, Раббий Исо деди: «Ростини, сенга ростини айтаман. Сен ёш бўлганинда, камарингни ўзинг боғлаб истаган жойингга борар эдинг, лекин қариганинда, қўлларингни узатасан ва ўзга *одам* сенинг камарингни боғлаб, сен истамаган жойга сени олиб боради». Бу гапни Исо, Петъор қандай ўлим билан Худони улуғлашини англаиб гапирди. Буни айтганидан сўнг, унга: «Ортимдан юр»,- деди» (Юх .21:18-19).

Мен ўйлайманки, Раббий Исо Петъорга тахминан қуйидаги сўзларни айтган эди: «Олдин сен ҳиссиётли севги кучи билан яшаб, омадсизликка учрар эдинг. Лекин шундай кун келаяптики, сен ўзингнинг энг улкан кўркувинг билан учрашасан ва мукамал севги кучи билан ғалаба қозонасан». Бу лаҳзагача, Петъор унинг инсоний қобилияти нақадар йўл қўйса шу қадар севар эди, лекин унинг бу қобилиятлари унга панд берди. Раббий Исога эргашиш учун унга «агапе» билан қуроолланган бўлиш муҳим эди. Севгининг бу тури одамнинг истагига кўра пайдо бўлмайди, балки юракларимизга Ота томонидан қуйилади (Рим 5:5) Худонинг севгиси «агапе» ўзга учун ўлишдан кўркмайди.

Раббий Исо Петъорга яна бир бора ёғ сиқиб чиқариладиган исканжага тушиб қолганида ғолиб чиқишини ва олдин ўзига ишонган ҳолда онт ичиб берган ваъдасини амалга оширишга қодир бўлишини, яъни, Раббий Исодан кечмаслиги, балки У учун

ўлишини айтиб уни руҳлантирар эди. Кўрқоқлик ва журъатсизлик исканжаларидан қутулиб, Петъор ўзга одамга айланади.

Худо бизларга яхши бўлиши учун шундай қилади. Бизлар журъатсизланганимизда У бизни қувватлайди. Биз ғолиб чиққунимизча, биз кўрқадиган нарсага қайта-қайта дуч келишимизга У йўл қўяди. Ўз кучимиз поёнига етганида биз Унинг кучини сўрай бошлаймиз. Бу куч билан бизлар мағлуб келмаймиз, чунки севги ҳеч қачон енгилмайди (1Кор.13:8). Худо бизларнинг заифликларимиздан қочишимизни истамайди, балки биз уларни мардона қарши олишимизни истаydi.

ИЛТИМОС, МЕНИ БУНДАН ХАЛОС ЭТИНГ

Повул ўз манбаини билар эди.

«Менга берилган ваҳийларнинг ҳаддан ортиқлигидан ўта юксалмаслигим учун, менинг танамга бир ниш, яъни шайтоннинг мени қийнайдиган фариштаси берилган, токи мен ўта юксалмайин» (Юҳ. 2:7).

Бу ерда «фаришта» сўзи ишлатилган. Мен ўйлайманки, бу оятда Повулга зарар етказиш учун шайтон юборган ёвуз фаришта назарда тутилган. Натижада, Повул қаерга келмасин муаммолар юзага келар эди. 2Коринфликларга 11:24-27 да Повул юзлашган баъзи муаммолар баён этилган: «Яҳудийлардан беш маротаба бир кам қирқта қамчи едим. Уч марта мени калтаклашган, бир марта тошбўрон қилишган, уч марта мен кемада ҳалокатга учрадим, тун ва кун денгиз тубида бўлдим.

Кўп марта саёҳатларга чикдим. Дарёларда хавфда бўлдим, қароқчилардан ҳам хавфда, ўз қабиладошларимдан ҳам хавфда, мажусийлардан ҳам хавфда, шаҳарда хавфда, саҳрода хавфда, денгизда хавфда, сохта биродарлар орасида хавфда бўлдим; шунингдек, меҳнат-у уқубатда, кўпинча уйқусизликда, очлигу ташналикда, кўпинча рўзада, совуқ хавода ва яланғочликда бўлдим».

Повул каерда воизлик қилмасин, Хушхабар учун кучли қувғинларга учрар эди. Кишанлар ва хатарлар уни ҳар бир шаҳарда кутиб турар эди. Уни камчилаган эдилар, калтак билан урган эдилар, тошбўрон қилган эдилар, тунаб кетган эдилар, у кемада чўккан эди ва ҳок. Бу барча муаммолар билан у Худонинг олдига келар эди:

«Буни мендан узоқлаштиришни Раббийдан уч марта илтимос қилдим» (2 Кор. 12:8).

Бу қаршиликлар ва қувғинлардан у кутутилишни истар эди. Худо шундай жавоб берди:

«Менинг иноятим сен учун етарлидир, чунки Менинг қудратим заифликда камолга етади» (2Кор.12:9).

Аслида Раббий деди: «Повул, сен Мендан бу нарсаларни йироқлаштиришимни сўрамагин, яхшиси, сен ўзинг бас кела олмайдиган нарсалардан менинг иноятим ва кучим сени баланд кўтаришини сўрагин. Повул, қаршилик бўлмаган жойда куч керак эмас. Жангда фақат жанг қилиб ғалаба қозониш мумкин. Нақадар кўп жанг бўлса, шу қадар кўп ғалаба бўлади. Ҳақиқий аскар ихтилофлардан қочмайди, аммо уларга интилади».

Жангнинг қизғин палласи биз Худодан урушдан олиб кетишини сўрашимиз вақти эмас. Бу вақтда тантана қила олишимиз учун Унинг иноятини сўрашимиз вақтидир. Бизлар инсоний кучимиз билан енга олмайдиган нарсага дуч келганимизда Худо улуғланади. Шунда Унинг кучи бизларда бўлади ва ҳамма буни кўради. Худонинг инояти - бизлар дуч келадиған ҳар қандай кўркув ва қаршиликни енгади! Худонинг мана бу насиҳати билан ўзингизни руҳлантинг:

«Лекин Худога шукроналар бўлсинки, У бизни Масиҳда ҳамшиша зафарона тантанада олиб юрмоқда...» (2 Кор. 2:14).

«Лекин Худога шукрки, У бизга Раббимиз Исо Масиҳ орқали ғалаба берди!» (1 Кор. 15:57).

«Ким бизни Масиҳнинг севгисидан ажратар экан: қайғуми ё тангликми, ё қувғинми, ё очликми, ё

яланғочликми, ё хавф-хатарми ёки қиличми? Ёзилгани-дек: «Бизни Сен учун ҳар кунни ўлдирмоқдалар, сўйишига маҳкум этилган қўйлардай ҳисобламоқдалар». Аммо бизни Севган орқали буларнинг ҳаммасидан биз голибдан кўра устунроқмиз» (Рим.8:35-37).

Ғолиб киши қаршилик билан юзлашади ва уни енгади, жангдан сўнг ғолиблик байроғини отади! Повул шуни маҳкам тутди ва унинг таҳликаси умидга айланди. У шундай ёзган эди:

«Шунинг учун, Масихнинг қудрати менда жо бўлиши учун бажонидил ўз заифликларим билан янада кўпроқ мақтанаман. Шундай қилиб, мен заифликларда, хафагарчиликларда, муҳтожликларда, қувғинларда, Масих учун бўлган сиқувларда мамнун бўлиб юрибман: чунки мен заиф бўлганимда кучлиман» (2 Кор. 12: 9-10).

Унинг: «Мен мамнун бўлиб юрибман»,-деганига диққат қилинг. Эзилишларда, етишмовчиликларда, қувғинларда ва кулфатларда мамнун бўлиб юрган одамларни қанча тез кўриб туришимизга тўғри келади? Фақат Масихга бурканган киши (Гал. 2:20), Масихни улуғлаш учун яшаётган одам бундай нарсалардан ҳузур топиши мумкин. Масих улуғланмагунича ўзини қувватлаб туриш учун Худонинг иноятига таяниши мумкинлигини Повул билар эди.

Повул Раббий Исони ўз ҳаётидан кўра кўпроқ севар эди. У ўлимга тайёр эди, лекин янада кўпроқ У учун яшашни истар эди. У учун! Филиппиликларга мактубидаги куйидаги сатрларга диққат билан назар ташланг:

«Менинг интизорлигим ва умид қилишимга кўра мен ҳеч нарсада уялиб қолмайман, бироқ ҳар қандай дадиллигимда ҳар доим бўлганидек, ҳозир ҳам ҳаётим ё ўлимим билан менинг баданимда Масих улуғланади» (Фил. 1: 20).

Масихни ҳаёти билан ёки ўлими билан улуғлашини Повулга

аҳамияти йўқ эди. У учун фақат Масихнинг улуғланиши аҳамиятли эди. Повул касаллик ёки заифликдан ўлишни назарда тутган эмас эди. Раббий Исо буларни биз учун хочга олиб борди. Заифликлар ва касалликлар Уни улуғламайди. Бизлар касалликлардан ўлиб Масихни улуғлаймиз деб ишониш - гуноҳ куллигида ўлиб Масихни улуғлаймиз деб ишонишдек нотўғридир. У гуноҳларни ҳам, касалликларни ҳам хочга олиб кетди (Иш. 53:4-5). Санолар 102:2-3да айтилган:

«Эй, менинг жоним, Раббийни дуо қилгин, Унинг барча ишларини унутмагин. У сенинг барча қонунбузарликларингни кечиради, барча хасталикларингни шифолайди».

Кўриб турганимиздек, Повул касалликлар ва заифликлар ҳақида гапирган эмас. Аммо бизнинг муносабатимиз шундай бўлиши лозим: «Раббий, қандай бўлишидан қатъи -назар Сен улуғлангин. Менинг ҳаётим учун Ўз йўлингни белгилагин, шайтонга эса ҳеч нарса қолмасин!»

Повулнинг ўзини рад қилувчи севгиси шунақа жасоратни келтириб чиқардики, ҳеч қанақа журъатсизлик унга кира олмас эди (Фил.1:20га қаранг). Ҳар шаҳарда қувгинлар ва таҳдидлар билан юзлашишини билган ҳолда Повул шошар эди. У одамлардан қўрқмас эди. Повул Эфес жамоати оқсоқоллари билан бўлишган эди:

«Мана, мен энди Рухга банди бўлиб, Иерусалимга бораяпман. У ерда мен билан нима юз беришини билмайман. Бироқ мени кишилар ва қайгулар кутаятгани ҳақида Муқаддас Рух барча шаҳарларда гувоҳлик берапти» (Ҳав. 20:22-23).

Мана, қандай башорат сўзи! Қизиқ, ҳозирги кунларда шундай сўз ортидан кўплар олдинга интилган бўлар эдиларми? Йўқ, улар бунақа сўзларни ҳатто эшитишни истамаган бўлар эдилар. Бизларнинг ҳаммамизга яхши гапларни эшитиш ёқади, лекин Худо умид ва жасорат бериш учун қийинчиликлар ҳақида ҳам огоҳлантиради. Повул янги имонлиларни шундай сўзлар

билан қувватлар эди:

«Худонинг Шоҳлигига кўп қайғулар орқали киришимиз керак» (Ҳав. 14:22).

Қизиқ, бизларни ҳар бир бурилишда таъкиблар ва қаршилиқлар кутиб тургани ҳақида башорат сўзи олсак биз қандай жавоб берган бўлар эдик? Албатта, бу билан ҳар дафъа Худодан ҳақиқий сўз олганимизда, у албатта шундай бўлиши керак демоқчи эмасман.

Муаммо шундаки, бизларга берилган кўплаб сўзлар одамларни ногўғри нарсаларни излашга илҳомлантиради. Булар - одамлар бизнесда ёки хизматда муваффақият қозонишлари ҳақидаги ва уларнинг ҳамма ишлари яхши бўлиши ҳақидаги яхши, ёқимли сўзлардир. Кўпинча одамлар шу даражага келадиларки, Худо уларга қилиши мумкин бўлган нарсалар учун Уни излайдилар ва Унга хизмат қиладилар. Уларнинг севгилари Худони ҳаётлари билан ҳам, ўлимлари билан ҳам улуғлашга қизиқмайди. Повул кишанлар ва қайғулар ҳақидаги башорат сўзига қандай жавоб берганига диққат қилинг:

«Аmmo мен буларнинг ҳеч бирига эътибор бермайман ва ўз жсонимни қадрламайман, фақатгина масофамни ва Раббий Исодан олган хизматни, яъни Худо иноятининг Хушхабарини воизлик қилишини қувонч билан яқунлайин» (Ҳав. 20:24).

Повулнинг дадиллигининг калити - у ўзининг ҳаётини қандайдир қимматбаҳо нарса деб ҳисобламаганида эди. У шунингдек, унинг ҳаётига нисбатан Худонинг режаси синовлар ва қувғинлар билан юзлашишни ўз ичига олишини тушунди. Унинг Раббий Исога бўлган севгиси ҳаётга бўлган севгисидан ортиқ эди. Повул ўз ҳаётида у: «Ўз масофасини босиб ўтиш», деб атаган сирга талпинар эди. Бу ўз ҳаётини бериб, Масихнинг ҳаётини қабул қилиш демақдир. Бу кўпинча бизлар ўзимизга қулай бўлган нарсдан кечиб, ноқулай нарсани , яъни хочни қабул қилишимизни билдиради.

БУ АМЕРИКАЛИК ХУШХАБАР ЭКАНИГА ИШОНЧИНГИЗ КОМИЛМИ?

Мен биламан, бундай фикр юритиш одатий ғарбий масихийликка тўғри келмайди. Бу бизларнинг воизликларимиздан ва саксонинчи, тўқсонинчи йиллардаги ҳаёт тарзимидан фарқ қилади. Тан оламан, мен бундан биринчи қулаганлардан бири эдим. Сўнгги ўн йилликлар давомида мен «сиқиб ёғини чиқарадиган» вазиятларга фақатгина юрагимнинг асл мақсади намоеъ бўлиши учун тушиб қолар эдим. Петъорга ўхшаб мен ҳам курук ваъдаларимни ва юрагимнинг асл холини кўрганамда хафа бўлар эдим. Бундай кўп сонли вазиятларда мен юрагимни ўзгартиришини сўраб Худога фарёд қилар эдим. Мен бардам қилувчи синовлар учун миннатдор бўлишни ўргандим (1 Пет. 1:6-7) ва қуйидаги оятни аниқроқ тушуна бошладим:

«Шундай қилиб, Масих биз учун Ўз танаси билан азоб чекканидек, сизлар ҳам худди шу фикр билан қуролланинглар. Чунки танаси билан азоб чекаётган одам гуноҳ қилишдан тўхтайдди, токи бу танада қолган вақтида инсоний ҳирслар бўйича эмас, балки Худонинг иродаси бўйича кун кечирсин» (1 Пет. 4:1-2).

Азоблардан ўтаётиб бизлар етук бўлиб борамиз. Мен ҳозир азоблар деганда диний дунёқараш ҳақида, яъни касаллик ёки кашшоқликни қабул қилиш ҳақида сўзлаётган эмасман, гўёки улар сизнинг Худо қаршисидаги хизматларингиз ҳақида гувоҳлик берадигандек. Худди шунингдек, билимсизлик ёки диёнатсиз хулқ-автор туфайли келадиган азоблар ҳақида ҳам сўзлаётган эмасман. Бундан Худога шараф кўпаймайди! Бизлар юзлашадиган азоблар Масих бошидан кечирган азобларга ўхшаш бўлиши лозим, яъни ҳамма нарсада васваса қилиниб гуноҳ қилмаслик (Ибр. 4:15). Петъор таърифлаган азоблар бу- одам унинг танаси ва атрофидаги одамлар Худо уни йўналтираётган йўлдан эмас, балки бошқа йўлдан боришига мажбур қилаётганларида юзлашадиган қаршилиқдир. Агар бизлар Раббий Исога севгида илдиз отган бўлмасак, бу лаҳзаларда журъатсизлик ва кўрқоқлик устунликка эга бўлиши мумкин.

Петьорга ўхшаб, мен Раббий Исонинг ортидан нафақат ўзимнинг жисмоний ҳаётимни бераман дея олиш вақтигача, балки, ўз шахсий ҳаётим ва истақларим учун ўлимни қабул қилишга тайёр бўладиган вақтгача эргашишни истайман. Фақат Унинг Ўзи улуғлансин! Бунга фақат Унинг инояти билан эришиш мумкин. У Ўз иноятини бўйсунувчанларга беради (Ёқуб4:6). Айнан шунинг учун Повул таъқиблар юзи қаршисида: «Мен булардан мамнунман»,-деб айта олган эди. Қаранг, ҳаворий Юҳанно шайтонни енгганлар ҳақида нима демоқда:

«Улар Қўзининг қони ва ўзларининг гувоҳлик сўзи билан уни ендилар. Улар ўз ҳаётларини то ўлгунча севмаган эдилар» (Ваҳ. 12:11).

Мен бу оятни қайта ва қайта воизликларда айтганларини эшитганман. Лекин қисман. Кўплаб одамлар жудатез тўхтайдилар: улар сўнгги қисмини ташлаб кетадилар. Бизнинг ғарбий маданиятимизда бу оят оммавий эмас. Лекин бизлар ҳаётимизга севгидан ўлим қадар кечмас эканмиз журъатсизлик билан жангда ғалаба қозонмаймиз. Агар бизлар ўз ҳаётимизни севсак - уни қандай сақлаб қолишни излаймиз. Худога тегишли эркак ва аёллар, хозир сизлар ҳақиқатни биласизлар: журъатсизликни енгиланинг биргина йўли бор - бу ўз ҳаётини йўқотишдир. Буни ўқиганингизда Худога фарёд қилинг. Чекинманг, аксинча ишонишга журъат қилинг. Ундан юрагингизни севги билан, ҳеч қачон тўхтамайдиган Унинг севгиси билан тўлдиришини сўранг. Сиз дуч келаётган қаршиликларни енгиб ўтиш учун Унинг иноятини сўранг. Ундан қийин жойларда бўлиш имтиёзини сўранг. У ерда амалга ошираётган ишларнинг марказида бўлишни сўраб ибодат қилинг. Осон ҳаётни сўраманг. Яхшиси, Уни шарафлайдиган ҳаётни сўранг.

«У-ЧИ?»

Келинг, Раббий Исо тирилганидан сўнг шогирдларига нонушта тайёрлаётган вақтга қайтамиз. Нонуштадан сўнг Раббий Исо Петьорга баракатларни башорат қилмади. Аксинча, Раббий

Исонинг сўзлари -Петъор ўзининг улкан кўрқувини енгиши ва бошқа ўз истаклари ортидан ўз кучида ҳаракат қилмаслиги ҳақидаги ваъдага эга эди. Раббий Исо Петъорга унинг Масих учун ўлишини, Раббий Исога содиқлиги учун ўз ҳаётини йўқотишини айтди. Петъор олдин ҳатто юзма - юз кела олмаган нарчасини бу дафъа енгади. Раббий Исо янги Петъорни, у бундан кейин бўладиган Петъорни кўриб турар эди. У тугалланган ишни кўрар эди.

Петъор хануз тайёр эмас эди. Нима бўлишини эшитиб, у ўгирилди, ҳаворий Юҳаннога қаради ва Раббий Исодан: «Раббий! У нима қилади?»-деб сўради(Юҳ.21:21). Петъор хануз ўзини бошқалар билан солиштирар эди. Аслида у: «Агар мен шундай нарсадан ўтсам, у ҳам ўтадим?»-деб сўраётган эди. Раббий Исо жавоб берди:

«Агар Мен келгунимча, у яшагини истасам, сенга нима? Сен Менга эргашгин» (Юҳ. 21:22).

Бошқача қилиб айтганда, бунинг аҳамияти йўқ. Ўзингни бошқалар билан солиштира. Шунчаки, Менинг ортимда юргин! Кўплаб одамлар ўз ҳаётларини ва хизматларини бошқа одамларнинг сўзлари ва хизматлари билан ўлчайдилар. Сиз ўзингизни нотўғри қолип билан ўлчашни истамасиз-ку! Сантиметр билан километрнинг орасида катта фарқ бор. Бизларнинг жамоатларимизда кўплаб одамлар ўзларига ёқадиганидек, осон ва қулай яшамокдалар. Бизлар ўзимизни бир-биримиз билан солиштирганимизда жуда ёқимтой(ва илиқ) кўринамиз. Бу сохта қулайлик ва «Мен бошқалардан кам эмасман» дейиш имкониятидир. Агар сенинг ишларинг жойида бўлса, менинг ҳам ишларим жойида эканлигига ишониш каби янглишиш бор. Лекин бизда биргина қолип бор, биргина ўлчов бирлиги бор. Бизлар андаза сифатида бошқа воизларни ҳам, бошқа жамоатларни ҳам, биродар-у опа-сингилларни ҳам ишлатмаймиз. Бизнинг андазамиз - Раббий Исо! У Петъорга: «Юҳаннонинг ортидан боргин»,- демади. У: «Менинг ортимдан юр»,-деди.

Раббий Исо юрган йўлак - ўзидан кечиш йўлаги эди.

Фақатгина Раббий Исонинг ортидан бориш нияти ва истаги етарли эмас. Сиз буни амалга оширишингиз керак! Қуйидаги оятни ўқинг:

Сўнг Исо халқ билан Ўзининг шогирдларини чақириб, уларга деди:

«Ким Менинг ортимдан бормоқчи бўлса, ўзини рад этсин ва ўз хочини олиб, Менинг ортимдан юрсин. Чунки ким жонини сақлаб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади» (Марк 8:34-35).

Кўраяпсизми, У агар сизнинг истагингиз ҳаётингизни сақлаб қолиш бўлса уни йўқотишингизни айтди! Мана буниси ғаройиб! Дунё интиладиган нарсаларга эгалик қилишга интилишнинг нархи, -уларни ҳатто ҳеч қачон қўлга киритмасангиз ҳам, -сизнинг ҳаётингиз бўлиши мумкин. Лекин Раббий Исо кейин нима деганига диққат билан қаранг: Лекин ким Мен ва хушхабар учун жонини йўқотса, уни сақлаб қолади (Марк. 8:35).

Эътибор беринг, У: «Ким жонини Мен учун йўқотишни истаса»,-деган эмас. Истакнинг ўзи етарли эмас! Петъор Раббий Исодан тонган тунида Унга эргашмоқчи бўлган эди. Аммо унинг истаги ортида на Худонинг севгиси, на Худонинг кучи бор эди. Шунинг учун у мағлуб бўлди.

ЎЗ ЮРАГИНГИЗНИ ИМТИҲОН ҚИЛИНГ

Ўқишингиз жараёнида ўз ниятларингизни текшириб кўринг. Сиз Исо Масихнинг ҳақиқий шогирдимисиз ёки фақат ўзингизнинг шартларингиз билан Унга эргашишни истайсизми? Ўзини қурбон қилишдан йироқда ўзингиз белгилаган чегара худудларида коласизми? Бу чегаралар сизни Раббий Исонинг йўлидан тутиб қолиши ва охири замон Худонинг Шоҳлиги учун яроқсиз қилиш эҳтимоли борми? (2 Кор.13:5га қаранг).

Раббий Исога эргашамизми ёки йўқми, буни ҳал қилиш учун биз олдин бунинг нархини билишимиз лозим. Ҳа, бу худди шундай. Бу йўлнинг нархи бор. У сизнинг бутун ҳаётингизни

талаб қилади, кам эмас. Раббий Исо буни Унга эргашишни истаган оломонга қандай тушунтирганини эшитиб кўринг: «Халқнинг кўпчилиги Исо билан бирга борар экан, У ўгирилиб уларга деди: «Агар ким Менинг олдимга келса ва ўзининг ота-онаси, хотини, болалари, ака-укаси, опа-сингиллари, ҳатто ўз ҳаётидан ҳам нафратланмаса, у Менинг шогирдим бўла олмайди. Кимки Менинг орқамдан бориб, ўз хочини кўтариб олмаса, Менинг шогирдим бўла олмайди. Масалан, сизлардан бирортангиз минора курмоқчи бўлса, уни тугатиш учун унинг нарсаи етарлими, деб олдиндан қийматини ҳисоблаб чиқмайдими? Акс ҳолда, у пойдевор солиб, минорани тугата олмаса, шунда бунини кўрганларнинг барчаси:

«Бу одам қуришни бошлади-ю тугата олмади»,- деб уни масхара қиладилар... Шундай қилиб, сизларнинг ҳар бирингиз ўзингизда бор бўлган ҳамма нарсадан кечмасангиз, Менинг шогирдим бўла олмайсизлар» (Лқ. 14:25-30,33).

Мана - охиригача чидашнинг нархи. Биз ҳозиргина Ваҳий китобидан ҳаётини ўлим қадар севмаганлар голиб келишини ўқидик. Афсуски, бу манзара бугунги Америка жамоатларининг аниқ чизгиси эмас.

Мен масиҳийлар: эркалар ва аёллар ўз ҳаётларига ўзлари эгаликларининг кўплаб мисолларини келтиришим мумкин. Мен чўпонлик хизматида бўлганимда, бир қиз менинг олдимга шундай шикоят билан келди: «Чўпон Жон, мен ўзим ҳақимда ёмон фикрдаман. Мен ўзим ҳақимда яхши фикрда бўлишим учун ибодат қилинг».

Мен унга қараб: «Мана шу сизнинг муаммонгиз»,-дедим.

Унинг ҳафсаласи пир бўлди. Бу қиз узоқ вақт давом этадиган маслаҳатни ва охирида ибодатни кутган эди. У ўзини яхши ҳис қилиши учун мен мулоим ва ёқимли бўлишимни кутган эди. Менинг жавобим уни хижолатда қолдирди. Аммо бизларни озод қиладиган ҳақиқат шунақа: муаммолар ҳақида гаплашиш керак эмас, бунинг ўрнига, уларнинг илдизини бартараф қилиш керак.

Мен унга савол бердим: «Муқаддас Ёзувнинг қайси жойида ўзини ҳурмат қилиш ёки ўзига яхши муносабатда бўлиш ҳақида эслатилган оятни кўргансиз? Раббий Исо Унга эргашиш учун ўлишингиз лозимлигини айтган! Сиз қачондир тобутда ўтириб: «Эй! Нима учун мени бу кутига солдинглар? Менга бу ёқмаяпти! Нима учун менинг сочимни бундай тарадинглар? Одамлар нима деб ўйлайдилар?»-деган мурдани кўргансиз?»

Мен ўзига ҳурмат ва ўзига яхши муносабат тушунчаси Муқаддас Ёзудан эмаслигини унга кўрсатмоқчи бўлдим. Раббий Исони севиш ва Унга эргашиш учун ўзига яхши муносабат умуман талаб қилинмайди. У абадий нарсага эмас, балки вақтинчалик бўлган нарсага қарар эди.

Бизлар Худога фақатгина ўзимизни яхши ҳис қилганимизда, завқ-шавққа тўлганимизда ёки ҳамма нарса бизлар истаган-дек бўлганида хизмат қилишимиз керак эмас. Ўзларини бундай тутадиган дўстларни бизлар «фаслли дўстлар» деб атаган бўлар эдик. «Фаслли масихийлар» ҳам бўлади. Улар фаросатли эмаслар. Ахийри, улар онглари сиғдира олмайдиган нарса билан юзлашишларига тўғри келади. Бу уларнинг Худо билан ҳаётларининг турли босқичида рўй бериши мумкин. Агар улар тайёрланган бўлмасалар, унда таслим бўладилар. Улар жамоатга қатнашлари, ушр беришлари, қурбонлик беришлари, номаълум тилларда сўзлашлари, тўғри нарсаларни эътироф этишлари мумкин, лекин юракларида Худонинг ортидан боришни рад қилганлар. Худога севгининг чегараси йўқдир. Агар бизлар ҳақиқатан У билан яшасак, ўзимизнинг барча чегараларимизни олиб ташлашимиз лозим.

ЎЗГАРГАН ОДАМ

Петъорни Ҳаворийлар китобида кўрганимизда, бу Масихга содиқ бўлишга қасам ичиб, кейин хизматкор қиз қаршисида уни рад этган киши эканига ишониш қийин. Муқаддас Рухга тўлиб, у жасорат билан бутун Иерусалим олдида Исони Раббий ва Масих деб эълон қилди. Уни ҳибсга олдилар ва Раббий Исони

хочга михлатган бошликлар ва етакчилар олдига олиб келдилар. Энди Петъор уларнинг хизматкорлари қаршисида эмас, балки Раббий Исони ўлимга маҳкум қилган кенгаш қаршисида турар эди. У уларга назар ташлади ва улуғ жасорат билан деди:

«Сизлар Нажоткор Исо Масихни хочга михладинглар ва Ундан бошқа ҳеч кимда нажот йўқдир» (Ҳав. 4:8-12).

Петъор ва Юҳаннонинг дадиллиги синедрионни хайратланишга мажбур қилди ва улар Худо қилаётган ишга қарши ҳеч нима дея олмадилар. Бу одамлар назорат қилиш бўйича профессорлар эдилар. Шунинг учун улар кўркитишга ўтдилар. Улар ўзаро дедилар:

«Лекин халқ орасида бу янада кўпроқ ёйилмаслиги учун уларга таҳдид билан ман этамиз, токи бу исм ҳақида ҳеч кимга айтмасинлар» (Ҳав. 4:17).

Ёдга олинг, бу етакчилар яқин орада Исо Масихни хочга михлаган эдилар. Раббий Исо эса Петъорга у Ўзи каби ўлишини айтган эди. Бу шунчаки таҳдид эмас эди. Аммо содир бўлиши мумкин бўлган ўлим билан юзма-юз турганида ҳам Петъор билан Юҳанно дадиллик билан демокдалар:

«Ўзларинг ўйлаб кўринглар, Худодан кўра кўпроқ сизларга қулоқ солиш Худо олдида тўзри бўладими? Шунинг учун бизлар кўрган-эшитганларимизни айтмай тура олмаймиз» (Ҳав. 4:19-20).

Юҳаннони ҳисобга олмаганда, Петъор синедрион қаршисида ёлғиз турар эди. У бирор кишини лол қолдирмоқчи ёки асабини кўзғатмоқчи эмас эди. Лекин энди унда бошқа турдаги дадиллик бор эди. Бу дадиллик Раббий Исога севгидан озикланар эди. Петъор ва Юҳаннони кўйиб юбордилар ва улар шогирдларга кўшилиб, улар билан нима содир бўлганини, улар дуч келган таҳдидларни айтиб бердилар. Қаранг, бу кишилар Худодан нимани сўраяптилар:

«Энди, ё, Раббий, уларнинг дўқ-пўтисаларига қарагин ва Сен Муқаддас Ўзинг Исо исми билан иифо ва алома-

ту мўъжизалар қилиш учун қўлингни узатаётган бир вақтда Сенинг қулларингга Сенинг сўзингни бор дадиллик билан гапиришларини ато қилгин» (Ҳав .4:29-30).

Бу одамлар Худодан уларни бу муаммога олиб келган нарсалардан кўпроғини сўрамоқдалар. Хушxabар воизлиги уларнинг ҳаётларини хавф остига қўйишини улар билар эдилар. Аммо улар воизлик қилишни давом эттирар эдилар ва Худо Ўзининг ажойиб мўъжизаларини яратиб Ўз садоқатини намоён қилар эди. Улар журъатсизлик ёки кўрқоклик туфайли Худонинг инъоми ҳаракатсиз ётишига имкон бермадилар. Худонинг қудрати шу қадар кучли намоён бўлар эдики, беморларни Иерусалимнинг кўчаларига олиб чиқар эдилар ва Петъорнинг сояси тушганида улар шифоланар эдилар (Ҳав .5:15).

Олийруҳонийлар ва синедрион ўз таҳдидини амалга оширди. Шогирдларни ҳибсга олдилар ва қамокқа ташладилар. Олийруҳоний деди:

«Бу исм ҳақида таълим берманглар, деб сизларга қаттиқ тақиқламаганмидик? Мана, сизлар таълимотингиз билан Иерусалимни тўлдириб юбордингизлар» (Ҳав. 5:28).

Петъор яна дадил жавоб берди:

«Одамлардан кўра Худога кўпроқ итоат қилишимиз керак. Сизлар ёғочга осиб ўлдирган Исони оталаримизнинг Худоси тирилтирди. Худо Исроилга тавба қилиш ва гуноҳларнинг кечилишини бериш учун Исони Ўзининг Ўнг қўли билан юксалтириб, Уни Сардор ва Нажоткор қилиб қўйди. Бунга эса биз ҳамда Худо Унга итоат қилганларга берган Муқаддас Рух гувоҳдир» (Ҳав. 5:29-32).

Қандай дадиллик! Шогирдлар кўрқиб қолишмади. Петъор бошқа ҳаётини сақлаб қолишни изламас эди. У худбинликдан озод эди ва Худонинг Муқаддас Рухига тўла эди. Худонинг севгиси унинг юрагини тўлдирар эди. Римликларга 5:5да

ёзилганидек:

«...бизга берилган Муқаддас Рух орқали Худонинг севгиси бизнинг юракларимизга қуйилди».

Чамаси, Худонинг Рухи юракларимизга Худонинг севгисини олиб келади. Шунингдек, Петъор келтирган мисолдан маълумки, Муқаддас Рух итоаткорларга берилади. Жуда кўп масиҳийлар севгини итоаткорликсиз ишташади.

Номаълум тилларда гапириш- Худонинг севгиси юрагингизда бўлишига кафолат бермайди. Муқаддас Рухга тўлиш - бир марталик жараён эмас. Шу билан бирга, Муқаддас Ёзувни нақадар яхши билишингиз ва тилларда нақадар яхши гапришингизнинг ахамияти йўқ. Агар сиз Худонинг қаршисида итоаткорлик ҳаёти билан яшамасангиз сизнинг севгингиз бир куни совийди. Ҳар бир итоатсизликда бу севги камайиб боради!

Раббий Исо сўнгги кунларнинг аломати - қонунбузарлик ва итоатсизлик туфайли масиҳийларнинг юракларидаги Худога бўлган севгининг совиб бориши бўлишини айтган (Мт. 24:12). Раббий Исо назарда тутаётган севги - «агапе» севгисидир. Фақат Раббий Исони қабул қилганларгина бу севгига эгалар. Муқаддас Рухга тўлган бўлиш ва шу билан бирга Рухнинг ҳақиқий севгиси етишмаслигига эга бўлиш мумкин!

Петъорнинг ва Юҳаннонинг итоаткорлиги уларни буюк дадиллик билан таъминлади ва севги билан тўлдирди:

«Улар унга қулоқ солдилар. Ҳаворийларни чақириб, уларни калтакладилар ва Исо исми ҳақида гапиришни тақиқлаб, қўйиб юбордилар. Ҳаворийлар эса синедриондан Исонинг исми ҳақи ҳақоратга сазовор бўлганлари учун қувониб, чиқиб кетдилар» (Ҳав. 5:40:41).

Петъор ва Юҳанно бошлиқлар қаршисида кўрқиб қолмадилар. Аксинча, улар қувончга тўла эдилар. Булар энди буткул бошқа шогирдлар эдилар, умуман Гетсиман боғидаги шогирдларга ўхшамас эдилар. Уларга ўз севгилари ва садоқатларини намоён қилиш имтиёзи берилганидан, шундай иззатга сазовор

ЖУРЪАТСИЗЛИКНИ БАРБОД ҚИЛИБ

бўлганларидан улар қувонар эдилар. Энди Петъорнинг севгиси шунчаки ҳиссий эмас эди, бу унинг бутун борлигида намоён бўлар эди.

«Foxe's Christian Martyrs of the Word» (имони учун азобланганлар ҳақида маълумот берадиган нашр.- Таржимон изоҳи) маълум қиладики, Петъор Раббий Исо башорат қилганидек азоблаб ўлдирилган. Айтишадики, Петъорни хочга михламоқчи бўлганларида, у: «Мен Раббий ўлганидек ўлишга лойиқ эмасман»,-деган. Шунинг учун улар уни хочга оёғини осмонда қилиб осишган. Петъор бу дунёни ғолибона тарк этди. Ҳаллилуя!

ХУДОДАН ҚЎРҚИШ ОДАМДАН ҚЎРҚИШГА ҚАРШИ

Сиз кимдан қўрқсангиз ўшанга хизмат қиласиз.

Бизлар шу вақтгача ўқиган ва ўрганган нарсаларнинг ҳаммаси бизларни журъатсизлик билан курашда ҳал қилувчи лаҳзага олиб келади. Бу фақатгина бизлар қўрқитишга дуч келган вақтимиздагина эмас, балки ҳаётимизнинг ҳамма соҳалари учун муҳимдир.

Жамоат Раббийдан қўрқиш нима эканини тушунмайди. Бу учун афсус чекиш лозим, чунки бу ғолибона масиҳийлик ҳаётининг муҳим қисми ҳисобланади. Ишаъё Исо Масиҳ ҳақида шундай башорат қилган эди: «У Раббийдан қўрқишга тўлади» (Иш.11:3). (Инглизча Муқаддас Ёзувда: «Раббийдан қўрқишдан лаззат топади».-таржимон изоҳи). Унинг лаззати бизнинг ҳам лаззатимиз бўлиши лозим.

Худодан қўрқадиган одамни Худо Ўз йўлларидан олиб боради(Сан. 24:12). Бундай одамнинг «жони эзуликда яшайди, унинг уруғи ерни мерос қилиб олади» (Сан.24:12).

Айтилганки, Раббийдан қўрқиш - доноликнинг бошланиши ва Уни чуқур англашнинг бошланишидир (Ҳик.9:10; 1:7;2:5). У бизнинг ҳаётимиз кунларини чўзади (Ҳик.10:27). Бизни оғохлантиришганки, муқаддасликсиз ҳеч ким Раббийнинг юзини кўра олмайди; муқаддаслик эса Раббийдан қўрқиш орқали мукам-

маллашади (Ибр. 12:14; 2Кор.7:1). Бу Муқаддас Ёзув Раббийдан кўрқиш ҳақида айтганларидан баъзи намуналар, холос.

Бизлар журъатсизликдан озод юришимизнинг ягона йўли - Раббийдан кўрқувда юришдир. Муқаддас Ёзувда:

«Раббийдан кўрқишда мустаҳкам умид бор»,- дейилган (Ҳик.14:26).

Ишончи комиллик - бизлар инсоний йўлдан эмас, балки Худонинг йўлидан юришимиз учун керак бўлган жасоратни келтириб чиқаради. Келинг, Худодан кўрқишнинг одамдан кўрқишдан фарқларини кўриб чиқамиз.

ХУДОДАН КЎРҚИШНИ ОДАМДАН КЎРҚИШДАН ФАРҚЛАШ

Биринчидан, Худодан кўрқиш нима? Бу Худони шунчаки хурмат қилишдан ортиқроқ нарсадир. Худодан кўрқиш дегани - Худога У лойиқ бўлган шараф, иззат, миннатдорчилик, эҳтиром, мақтов ва улуғловни бериш деганидир. (Эътибор беринг, У бизлар ўйлайдиган нарсаларга лойиқ эмас). Биз Худони эҳтиром қилганимизда У ҳаётимизда шундай ўринни эгаллайди, Унинг истаклари эса бизнинг истакларимиздан устун келади. У нафратланган нарсадан биз ҳам нафратланишимиз, У севган нарсани биз ҳам севишимиз лозим; шунингдек, Унинг ҳузурида ва Унинг Сўзи қаршисида эҳтиромли титроқда туришимиз лозим.

Иккинчидан, одамдан кўрқиш нима эканлигини кўриб чиқамиз. Одамлардан кўрқиш - бу ўладиган одамдан ваҳимада, хавотирда, шубҳада ва титроқда яшашдир. Бундай кўрқув билан боғланганда бизлар оғриқлардан ва таъналардан яшириниб ташвишларда яшаймиз ва доимо рад этилиш ҳамда қаршиликни четлаб ўтишга ҳаракат қиламиз. Бизлар ўзимизни асрашга ва одамларга хизмат қилишга ҳаракат қилиб шу қадар банд бўлиб қоламизки, Худога хизматда маҳсулдорликни йўқотамиз. Одамлар бизларга қарши қилишлари мумкин бўлган ишлардан кўрқиб, бизлар Худога У лойиқ бўлган нарсаларни бермаймиз.

Муқаддас Ёзувда: «Одамлардан кўрқиш тўр кўяди», - дейилган (Ҳик.29:25). Тўр - бу тузоқдир.

Одамлардан кўрқиш сиздан Худо берган ҳокимиятни ўғирлайди. Шунда Унинг инъомлари ҳаракат қилмайди. Сиз бирор тўғри иш қилишга ўзингизни кучсиз ҳис қиласиз, чунки Худо берган ҳокимият ҳаракат қилмайди. Ишаё 51:7 -13да Худо бизларни огоҳлантиради:

«Эй, ҳақликни биладиган, юрагида Менинг қонуним бўлган халқ, Мени тингланглар! Одамларнинг ҳақоратларидан кўрқманглар ва уларнинг гийбатларидан даҳшатга тушманглар...Сен кимсанки, ўладиган инсондан ва ўсаётган ўтдек бўлган инсон ўғлидан кўрқасан ва осмонни ёйган ҳамда ерни барпо этган Яратувчинг Раббийни унутасан?»

Бизлар шарманда бўлишдан кўрқиб одамларга ёқишга ҳаракат қилганимизда, биз Раббийни унутамиз. Биз Унга хизмат қилишдан тўхтагимиз. «Агар мен ҳали ҳам одамларга ёқишга ҳаракат қилганимда эди, унда Масихнинг кули бўла олмас эдим» (Гал. 1:10).

Сиз кимдан кўрқсангиз ўшанга итоат қиласиз ва хизмат қиласиз! Агар одамдан кўрқсангиз унга хизмат қиласиз. Агар Худодан кўрқсангиз Худога хизмат қиласиз. Агар сиз одамдан кўрқсангиз Худодан кўрқа олмайсиз, чунки икки хўжайинга хизмат қилишнинг иложи йўқ (Мт. 6:24). Бошқа томондан, агар сиз Худодан кўрқсангиз, унда одамдан кўрқмайсиз!

ЯНГИ АҲД ОДАМЛАРИ ХУДОДАН КЎРҚИШЛАРИ КЕРАКМИ?

Раббийдан кўрқиш -бу Эски Аҳддаги ўлик таълимот эмас. Бу ҳаёт йўлидир. Агар сиз Худони севсангиз сиз фақатгина Ундан кўрқасиз. Худодан кўрқиш бошқа барча кичик кўрқувларни йўқ қилади.

Одамлар Худо ҳақида гўёки У уларнинг югурдақларидек

гапиришларини эшитганимда мен хафа бўламан. Худо ҳақида бундай сўзлайдиган одам Раббийни ҳақиқатдан билмайди. Ҳатто яқин шогирдлари Исо Масихни Раббий ва Устоз деб атар эдилар (Юх. 20:28). Бизлар Раббийга такаллуфсиз муносабатда бўлганимизда биз Унинг ҳаққоний ўрни ҳақидаги тушунчамизни йўқотамиз.

Бундай муносабат Худони беҳурмат қиладиган бўлиб қолишимизга олиб келади. Бу нарса - жамоатда ҳам, «имонлилар» нинг шахсий ҳаётларида ҳам кўринади. Улар ўзларини имонли деб аташади, лекин уларнинг ҳаёт тарзлари нима ҳақида гувоҳлик беради? Одамлар ўзларини жамоатда қандай тутаётганларини кўрганимда мен кўпинча хафа бўламан. Йиғин олдидан жой эгаллаш учун югуриб келадилар, бир-бирларини итарадилар ва агар жойни бошқа биров улардан олдин эгалласа ғазабланадилар. Улар хизмат вақтида гаплашадилар ва шовқин қиладилар. Агар хизмат жуда узоқ чўзилди деб ҳисобласалар ёки эшитаётган нарсалари ёкмаса, ўринларидан туриб кетадилар.

Чўпонларга хурмат йўқлигини кўриш ташвишланарли ҳолдир. Худонинг хизматкорлари ҳақида рўзномаларда сиёсий арбоблар ҳақида қандай сўзласалар шундай сўзлайдилар. Балки Худонинг кўплаб хизматчиларининг хулқ-атворлари Худонинг кишиларидан кўра сиёсий арбобларнинг хулқ-атворини эслатар, лекин барибир улар Худонинг хизматкорларидир ва Унинг Ўзи уларни ҳукм қилади. Бизлар Худодан кўрққанимизда биз Унинг уйини ва У тайинлаган хизматкорларни хурмат қиламиз. Шоул ҳатто Раббийнинг саксон бешта руҳонийларини ўлдирганида ҳам Довуд Худонинг мойлангани бўлмиш шоҳ Шоулга қўл кўтармади (1 Шом. 22:11-23). Довуд Худодан кўрқар эди! Мен кўплаб имонлилар эшитаётган, кўраётган ва ўқиётган нарсаларни кўрганимда хафа бўлиб кетаман. Менимча, баъзи оилаларда уларнинг қандай яшаётганликлари билан дунёнинг қандай яшаётгани орасида фарқ йўқ. Улар меъёрдаги, нормал ва ҳамма томонидан қабул қилинган бўлишга интилишларида дунё «нормал» деб атайдиган нарсаларни Худо «нормал» демаслигини унутганлар. Агар сиз Худони астойдил севсангиз

ва фақат Ундан кўрксангиз сиз дунёвий ҳаёт билан эмас, балки бағишланганлик ҳаёти билан яшайсиз. Петъор огоҳлантиради:

«Лекин сизларни даъват этган Худо муқаддас бўлганидай, сизлар ҳам бутун юриш-туришингизда муқаддас бўлинглар, чунки ёзилган: «Муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман». Агарда ҳар бир кишини юз-хотир қилмасдан, қилмишига яраша ҳукм Қилувчини сизлар Ота деб атасангизлар, унда мусофирчилик даврингизда кўрқув билан яшанглар (1 Пет.1:15-17).

Худодан кўркиш - бетавфиқликдан тутиб турадиган буюк кучдир.

ЖАМОАТ ҚЎРҚАДИМИ?

Ҳаворийлар китобининг иккинчи бобида шогирдлар Муқаддас Рухга тўлдилар, номаълум тилларда гапира бошладилар ва башорат қила бошладилар. Улар Муқаддас Рухга шу қадар тўлган эдиларки, ўзларини мастдек тутар эдилар. Бу янги имонлиларни кулгу ва қувонч тўлдирди. Худо уларни қувватлар ва янгиликлар эди. У шундай қилишни яхши кўради. Худо зулматдан лаззатланадиган қасоскор Худо эмас. У севги, шафқат, ҳақлик, тинчлик ва қувончдан лаззатланади.

Шогирдлар кейинги бир неча кун давомида нажот топган бир қанча одамларни кўрдилар. Аммо бу янги имонлилардан баъзилари Раббийга Унинг Ўзи учун эмас, балки У берадиган баракалар учун келдилар. Аста-секин улар Раббий билан тақаллуфсиз муносабатда бўла бошладилар. Бу тақаллуфсизлик шу нарсага олиб келдики, улар Худонинг нарсаларига оддий нарсалардек қарай бошладилар. Улар Унинг ҳузурини ва Унинг Сўзи қаршисида эҳтиромли титрамадилар. Бизлар бунинг намунасини Ҳаворийлар китоби 5-бобда кўраемиз.

Эр ва хотин сотган ерларининг пулидан қурбонлик келтирдилар. Бу сотилган ернинг ҳамма пули эмас эди. Лекин улар бошқа имонлиларга яхши кўринишни истадилар. Улар ҳақиқатдан кўра кўринарли нарсаларни кўпроқ ҳурмат қилишар ва Худодан кўра кўпроқ одамлардан кўрқар эдилар.

Улар қурбонликни олиб келдилар, алдадилар (кўпчилик уларнинг сўзларини «оқ ёлғон» деб санаган бўлар эди) ва ўлик йиқилдилар.

Улар ўлдилар, чунки Худонинг шуҳрати ҳузурида ёлғон сўзладилар. Мен биламан ва ишончим комилки, сиз ҳам биласиз: ҳозирги кунларда ҳам воизларнинг ҳузурида шундай қиладиган одамлар топилади, аммо улар ўлик йиқилмайдилар. Нима учун?

Мен ўйлайманки, Ҳаворийлар китоби даврида Худонинг ҳузури ҳозирги кунлардагига қараганда кучлироқ бўлган. Масалан, Ҳаворийлар китобида ёзилганки, шу воқеадан сўнг қисқа муддат ичида Петъор Иерусалимнинг кўчалари бўйлаб юрганида беморлар унинг сояси тегишидан шифо топганлар (Ҳав.5:15). Бундай мўъжизаларни бизлар ўз кунларимизда кўрмаймиз.

Мен ишонаманки, Унинг ҳузури ва шуҳрати ошганида, Ҳаворийлар китоби 5-бобда ёзилгани каби воқеалар содир бўла бошлайди. Бу одамлар ўлиб йиқилганларидан кейин нима содир бўлганига қаранг.

«Бутун Жамоат ва бунини эшитганларнинг ҳаммасини буюк қўрқув босди» (Ҳав.5:11).

Раббийга хурмат ва чуқур қўрқув тикланди. Одамлар Худонинг ҳузурига ва мойланишига муносабатларини қайта кўриб чиқишлари лозимлигини англадилар. Ёдда тутинг, Худо шундай деган:

«Менга яқинлашаётганларда муқаддасламанан ва бутун халқ олдида улуғламанан» (Лев. 10:3).

ХУДО ЖИМ ТУРГАНИДА БИЗНИНГ ЮРАКЛАРИМИЗ ОЧИЛАДИ

Худо бизларни синаш ва тайёрлаш учун Ўз шарафини йироқ тутиб туради. Ҳатто Унинг ҳузури намоён бўлмаса ҳам

Ўзимизни муносиб равишда тутамизми? Кўпинча замонавий жамоат ўзини Исроил фарзандлари каби тутишади. Ҳақиқатан ҳам, Повул ёзганки, уларнинг ҳаёт тажрибалари бизларга мисол тариқасида ёзилган (1Кор. 10:6).

Исроилликлар Худо уларни дуо қилганида ва мўъжизалар кўрсатганида завқ-шавққа тўлар эдилар. Худо Қизил дарёни ёриб уларни қуруқ ердан олиб ўтганида, кейин эса уларнинг душманларини чўктириб юборганида, улар кўшиқ айтиб рақс тушган ва ғалаба ҳақида ҳайкирган эдилар (Чик.15:1-21). Лекин бир неча кундан сўнг Худонинг қудратли кучи бу қадар намоён бўлмаганида ва егулик билан сув тугай бошлаганида исроилликлар Худога шикоят қила бошладилар (Чик.15:22).

Кейин Мусо халқни Худога бағишлаш учун уларни Синай тоғига олиб келди. Худо бутун халқнинг кўз ўнгида тоққа тушиб келди. Бу - момақалдиروқли, чақмоқли ва тоғдаги қалин булутли қандайдир ўзига хос нарса эди. Шунда Мусо халқни Худо билан учрашиш учун қароргоҳдан олиб чиқди, лекин «қароргоҳда бўлган бутун халқ титрай бошлади» (Чик. 19:16). Улар даҳшатга тушиб ортга чекиндилар. Бу Худодан кўркиш эмас эди, бу ўз жонлари учун кўркиш эди. Худо тушиб келганида, улар Худодан кўра ўз жонларини кўпроқ яхши кўришлари маълум бўлди.

Халқ Мусога айтди: «Бизга ўзингиз гапиринг, биз эшитайлик. Худо бизга гапирмасин, токи ўлиб кетмайлик».

Мусо эса халққа деди:

«Кўрқманглар! Худо сизларни синаш учун ва сизлар гуноҳ қилмаслигингиз учун Унинг кўрқуви сизнинг кўз ўнгингизда бўлиши учун келди» (Чик. 20:19,20).

Эътибор беринг, Худодан кўркиш сизга гуноҳ устидан куч беради. Ҳикматлар 16:6да: «Раббийдан кўркиш ёвузликдан йироқлаштиради», - дейилган.

Шу билан бирга, Чикиш 20:21да воқеанинг ривожини жавом этади.

«Сизлар менга гапирётган сўзларингизнинг овози-

ни Раббий эшитди ва Раббий менга деди: -Мен бу халқнинг сенга айтган сўзларининг овозини эшитдим. Уларнинг барча айтган гаплари яхши. Эҳ, қани энди уларнинг юраклари шундай бўлсаки, улар Мендан қўрқсалар ва ҳаётларининг барча кунларида Менин барча амрларимга риоя қилсалар, токи уларга ва уларнинг ўғилларига абадий яхши бўлсин» (Қон. так. 5:28-29).

Қаранг, Мусо Худога яқинлашаётган бир пайтда одамлар Ундан йироқлашдилар. Бу ерда Мусо билан Исроил орасидаги фарқ кўришиб турибди. Мусо Худодан кўрқар эди, шунинг учун жасоратли эди. Одамлар Худодан кўрқмас эдилар, шунинг учун кўрқувга тўла эдилар. Худодан кўркиш сизни Худонинг хузурига тортади, аксинча, ундан итармайди. Аммо инсоний кўрқув сизни Худодан ва Унинг шухратидан йироқлашишга ундайди.

Бизлар одамлардан кўркиш билан боғланганимизда, Худонинг хузурини эмас, балки одамларнинг хузурини ўзимизни яхшироқ ҳис қиламиз. Ҳатто жамоатда ҳам! Бунинг сабаби шундаки, Худонинг хузурини юракларимизни очади ва бизларни фош қилади.

СИНАЙ ЭМАС, СИОН

Худодан кўркиш Янги Аҳдда мавжудлигини исботлаш учун бизлар Ибронийларга мактубдан бир оятга қараймиз: «Сизлар тегса бўладиган ва аланга билан ловуллаган тоққа ҳамда зулмат-у қоронғиликка ва бўронга, карнай садосига ҳамда сўзлаётган овозга яқинлашган эмассизлар. Ўша овозни эшитганлар: «Бошқа сўз айтилмасин»,- деб ёлворган эдилар. Чунки улар, «Агар тоққа ҳатто ҳайвон тегса, у тошбўрон қилинади,»- деган амрга бардош бера олмаган эдилар... Лекин сизлар Сион тоғига... яқинлашдингизлар» (Ибр. 12:18-22).

Биринчидан, бизларга Синай тоғида нима содир бўлганини эслатишяпти. Сўнгра эса, бизлар яқинлашган, Сион деб

аталадиган тоғ ҳақида бизларга сўзлашайпти. Илгари Худо ерда, Синай тоғида сўзлади. Энди эса ўша Худонинг Ўзи самодан мазкур янги тоғ Сионда сўзламоқда.

«Эҳтиёт бўлинглар, Сўзлаётгандан юз ўгирманглар! Агар улар ер юзиде сўзлаганни рад этиб, қутулмаган бўлсалар, боз устига, биз осмондан Сўзлаётгандан юз ўгирсак, қутула олмаимиз» (Ибр. 12:25).

«Боз устига» деган сўзга эътибор беринг! Бизлар Худонинг Сўзига кулоқ солмаганимизда ва бўйсунмаганимизда ҳукм оғиррок. Бизларга Янги Аҳдда берилган иноят - бизлар қандай истасак шундай яшаш учун эмас. Нима учун исроилликлар Унинг овозига эргашмадилар? Улар Худодан қўркмас эдилар. Ўқишингиз жараёнида буни ёдда тутинг ва сиз одамлар Янги Аҳдда ҳам айнан шу сабабга кўра кулоқ солишни истамасликларини яққол кўрасиз: «Шунинг учун биз ларзага солинмайдиган шохликни қабул қилиб, иноятга эга бўлайлик, токи шу *иноят* билан эҳтиром ва қўрқувда Худога маъқул хизмат қилайлик. Чунки бизнинг Худойимиз – ямлаб- ютадиган оловдир» (Ибр.12:28-29).

Қаранг, бу ерда «эҳтиром ва қўрқувда» дейилган. Агар Худодан қўрқиш фақатгина эҳтиром билан чекланганида эди, бу ерда муаллиф яна Худонинг қўркуви ҳақида ҳам ёзган бўлмас эди. Шунингдек, эътибор беринг, муаллиф мавзуни «чунки бизнинг Худойимиз- севги Худоси» деган сўзлар билан эмас, балки «бизнинг Худойимиз - ямлаб-ютадиган оловдир»,-деган сўзлар билан тугатган. Худо ҳақидаги мазкур фикр - Исроил ўғиллари нима учун Унинг хузуридан йироқлашганларини тушунтириб беради. «Зеро мазкур буюк олов бизларни ямлаб-ютади; агар бизлар Раббий Худойимизнинг овозини яна эшитсак, ўламиз» (Қон. так.5:25). Худо ўзгарган эмас! У хануз муқаддас! У ямлаб-ютадиган олов!

Ҳа, албатта, Худо севги, лекин шунинг билан бирга У ямлаб-ютувчи оловдир. Бизлар жамоатларимизда Худонинг севгисига

кўп урғу берамиз ва Худодан кўрқиш ҳақида жуда кам эшитамиз. Бизлар Худонинг тўлиқ насихатини воизлик қилмаганимиз учун бизнинг севги ҳақидаги тушунчамиз нотўғридир.

Бизлар воизлик қиладиган севги - заиф севгидир. У бизларни бағишланганлик ҳаётига олиб бориш кучига эга эмас. У олов куяди ва бизларни илиқ ҳолда қолдиради. Бизлар ўз отасини хурмат қилмайдиган эрка болаларга айланиб қоламиз. Агар бизлар Раббийдан кўрқишда ўсмасак, бизлар Худо билан тавозеъсиз муносабатда бўладиганлар бўлиб қолиш ва У муқаддас деб ҳисоблайдиган нарсаларга енгилтаклик билан қараш хавфига эгамиз.

Яна бир бора мазкур оятга қаранг: «Иноятга эга бўлайлик, токи шу *иноят* билан эҳтиром ва кўрқувда Худога маъқул хизмат қилайлик» (Ибр.12:28). Иноят фақатгина бизларнинг хурматсизлик ва гуноҳларимизни қоплаш учун берилмайди, у - бизлар керакли даражада Худога хизмат қилишга қодир бўлишимиз учун берилади. Керакли даражада дегани эса - севги билан, эҳтиром ва кўрқув билан деганидир.

Повул шунингдек, мана бу ҳақида ёзган: «...кўрқув ва титроқ билан ўз нажотингизни амалга оширинглар» (Фил.2:12). Бизнинг кўрқув ва титроғимиз қани? Ахир бизлар Худонинг судья эканлигини унутдикми? Ахир бизлар Унинг ҳукм кунини унутдикми? Қуйидаги насихатни диққат билан ўқиб чиқинг: «Хўш, *улар* имонсизлиги учун синиб тушдилар, сен эса имонинг билан турибсан. Кеккайма, бироқ кўрққин. Чунки агар Худо табиий шохларни аямаган бўлса, унда сени аярмикан? Шундай қилиб, Худонинг эзгулигини ва қаттиққўллигини тушуниб олгинки, йиқилганлар учун Унинг қаттиққўллиги, сен учун эса Унинг эзгулиги *бор*. Фақатгина сен Худонинг эзгулигида жо бўлсанг бас; акс ҳолда, кесиб ташланасан» (Рим.11:20-22).

Бизлар Худонинг эзгулиги мутахассислари бўлиб қолдик. Аммо бизлар Унинг эзгулиги учун қайғуришимиз лозим эмас. Бизлар шунингдек, Худонинг қаттиққўллигини тушунишимиз лозим. Худонинг эзгулиги бизларни Унинг юрагига тортади, Унинг қаттиққўллиги эса бизларни мағрурлик ва ҳар хил

гуноҳлардан сақлаши лозим. Худонинг фақат эзгулигини қабул қиладиган одам - уни мағрурликдан ва дунёвий муносабатлардан асраши лозим бўлган кўрқувни унутади. Ва аксинча, фақатгина Худонинг қаттиққўллигини қабул қиладиган одам осонгина қонунчилик тузоғига илиниб қолиши мумкин. Ҳам Худонинг севгиси, ҳам Худодан кўрқиш бизларни бу ҳаётнинг тор йўлагига тутиб туриши лозим.

Мен умид қиламанки, мен атайин Худодан кўрқишга урғу бераётганимни сизлар тушунасизлар, чунки замонавий жамоатларда бу мавзуни четлаб ўтадилар. Мен Худони чин юракдан севаман, Унинг фарзанди эканлигимдан ва Унга хизмат қилиш имтиёзига эғалигимдан беҳад хурсандман. Мен биламан: фақат Худонинг эзгулиги бизларни тавбага етаклайди (Рим.2:4). Аммо мен шунингдек биламанки, Худодан кўрқиш ва Унинг суди бизларни ихтиёрий гуноҳ қилишдан асрайди.

«Агар биз ҳақиқат билимини олгач, ихтиёрий равишида гуноҳ қилсак, унда гуноҳлар учун бошқа қурбонлик қолмайди, бироқ душманни ютадиган оловнинг қаҳрини ва ҳукми кўрқинчли кутиши қолади. Икки ёки уч гувоҳнинг олдида Мусонинг Қонунини рад этган одам шафқатсиз ўлимга маҳкум бўлса, унда Худонинг Ўғлини оёқ ости қиладиган, муқаддаслаётган аҳднинг қонини оддий нарса деб ҳисоблайдиган, иноят Рухини ҳақорат қиладиган одам қанчалик оғирроқ жазога лойиқ бўлади, деб ўйлайсизлар?! Биз: шундай Деганни биламиз: «Қасос олиш Мендан, жазони Мен бераман,- дейди Раббий». Ва яна: «Раббий Ўз халқини ҳукм этади». Барҳаёт Худонинг қўлига тушиши даҳшатлидир!» (Ибр.10:26-31).

Худо муқаддас деб ҳисоблайдиган нарсаларга одам энгилтаклик билан ва бетавозеъ қарай бошлаганида одам гуноҳ қилиш васвасасига тушади. Кўпинча, бизлар Худо жиддий қарайдиган нарсаларга жуда энгил қараймиз, Худо учун аҳамиятсиз бўлган нарсаларни эса жиддий қабул қиламиз.

Бизлар одамлар олдида обрўли кўринишга жиддий қараймиз, лекин юрагимизнинг нияти сифатида бу нарса Худо учун муҳим эмас.

Мен гуноҳда яшаган, лекин доимо «Мен Исони севаман», деган одамларни билар эдим. Улар ўзларининг рухий ҳолатларини Исо Масихга бўлган ҳиссиётлари билан ўлчар эдилар. Лекин Уни етарли даражада севишганми, токи уларни боғлаб турган гуноҳ учун ўлишсин? Йўқ, уларда Худодан кўрқиш йўқ эди!

Бир куни мен қамоқхонада жинсий бузқлик ва маблағларни суиистеъмол қилиш васвасасига тушган хизматкорни кўргани бордим. У менга: «Жон, мен доимо Исони севар эдим, хатто васвасага тушган вақтимда ҳам. У менинг Нажоткорим эди, лекин Хўжайиним эмас эди», - деди. У одам одамлардан кўрқишга асосланган қарорлар қабул қилган. У одамларга ёқишга ҳаракат қилган. У ўз шарафига дабдабали зиёфатларни истаган. Бу уни суиистеъмолчиликка олиб келган. Ўша қамоқхонада Худо унга Ўз севгисини ва шафқатини кўрсатди ва унга Раббийдан кўрқишни ўргатди. У ҳозир Раббийдан кўрқади ва тўлиқ тикланган.

ХУДОНИНГ ТАКЛИФИНИ РАД ҚИЛИШ

Келинг, Синай тоғи мисолига қайтамыз. Мен кўплаб одамлар ташлаб ўтадиган нарсага урғу бермоқчиман. Худо Мусо билан Ҳорунга тоққа биргаликда кўтарилишни буюрди (Чик.19:24). Мусо кетди, лекин Ҳорунни қандайдир сабабларга кўра бизлар қароргоҳда топамиз! (Чик.32:1). Мен ўйлайманки, Ҳорун ўзини Худонинг ҳузуридан кўра бошқа «имонлилар» орасида яхшироқ ҳис қилгани учун қароргоҳга қайтган. Бизлар бугунги жамоатларда шундай эмасимизми? Бизларга шунчаки Раббий билан бирга бўлишдан кўра жамоатга қатнаш, бошқа масиҳийлар билан суҳбатлашиш, хизмат билан банд бўлиш қулайроқ. Бизлар Унинг ҳузурида яккама- якка қолишдан қочамиз, бунинг ўрнига, бу бизнинг ички бўшлиғимизни ёпиши

умидида ўзимизни одамлар билан ва қандайдир фаолият билан ўраймиз.

Иешу Нун ўгли аксинча, юрагида Худога ташна эди. У Худонинг ҳузурига нақадар яқин бўлиш мумкин бўлса, шу қадар яқин бўлишни истар эди. Мусо Худо билан бўлганида у тоғнинг этагида қирқ кун турди (Чиқ.32:17). У Худога нақадар яқин келиши мумкин бўлса шу қадар яқинлашди, лекин фақатгина Мусо ва Ҳорун таклиф қилинган жойга бормади. Иешуа Нун ўгли ўзига ортиқ даражада ишонадиган ва такаллуфсиз бўлмаслик учун Худодан етарли даражада кўрқар эди.

Иешуа Нун ўгли тоғнинг этагида кутиб турганида қароргоҳдаги халқнинг тоқати тоқ бўлаётган эди. Улар бегона ерда эдилар, уларнинг етакчилари уларни бир ойдан ортиқ вақтга ёлғиз қолдирди, Худо эса хануз Ўзини кўрсатмас эди. Улар ҳам Худодан, ҳам Мусодан шубҳалана бошладилар.

«Халқ эса Мусонинг тоғдан қайтиб тушавермаганини кўргач, Ҳарўннинг ёнига йиғилишиб, унга: «Қани, бизга йўл кўрсатиб борадиган худо ясаб бер. Бизни Мисрдан олиб чиққан одамга, Мусога нима бўлганини билмаймиз», - дейишди» (Чиқ. 32:1).

Ташқи кўринишда, улар Худони ҳурмат қилишар ва Ундан кўрқишар эди. «О, Мусо, Мусо,-ўтинар эди улар, - У бизлар учун жуда буюк. Бор, сен У билан суҳбатлаш ва У нима деса бизларга айтиб бер. Бизлар кулоқ соламиз ва бўйсунамиз». Улар Худонинг нақадар даҳшатли ва қудратли эканлигини кўрдилар, лекин аслида, ўзларига бутлар ясаганлари туфайли Ундан кўрқмас эдилар. Ҳозир эса Худо жим турар эди ва уларнинг асл хулқ-атворлари намоён бўлди.

Худо мўъжизалар қилаётганида ва Ўз қудратини намоён қилаётганида бизларга Ундан кўрқиш осон. Лекин Худо, ҳаттоки, У ўзининг ҳузурини ва қудратини намоён қилмаётган вақтда ҳам Уни ҳурмат қиладиган ва Ундан кўрқадиган одамларни излайди. У бизларнинг, ҳаттоки, отаси кузатиб турмаганида ҳам Унга кулоқ соладиган болалар каби бўлишимизни истайди.

Ҳақиқий бўйсунуш - ҳатто бизларни кузатиш учун атрофимизда
ҳеч ким бўлмаганида ҳам бўйсунушимиздир!

Худо Исроилга деди:

*«...Мен эса жим турар эдим. Наҳот Мен узоқ жим
бўлганим учун сен Мендан қўрқибни бас қилдинг?»
(Иш. 57:11).*

Аслида Худо сўрапти: «Нима учун Менинг халқим Мендан
қўрқмайди?» Ва У маълум вақт мобайнида Ўзининг даҳшатли
қудратини намоён қилмагани учун халқ Ундан қўрқмаслигини
пайқаб, шу ернинг ўзида Ўз саволига жавоб беради. Бошқача
килиб айтганда, одамлар Унинг мўъжизали аломатларини
кўрмаганларида- улар гўёки Худо йўқдек ҳаракат қиладилар.
Худонинг жим туриши одамларнинг юракларининг асл
ниятларини фош қилади.

Имонлилар - кучли мойланган йиғинларда эмас, балки сахро
ичра, синовлар вақтида ҳақиқий имонлиларга айланишади.
Одам босим остида қандай бўлса, у аслида ҳам худди шундай.
Шундай вазиятда Ҳорун нима қилганига диққат қилинг:

Шунда Ҳорун одамларга: «Хотинингизнинг, ўғлингизнинг,
қизингизнинг қулоқларидаги олтин сирғаларни ечиб олиб,
менга келтиринглар», - деди. Шунда бутун халқ қулоқларидаги
олтин сирғаларни ечиб, Ҳорунга олиб келди. У эса олтин
сирғаларни улардан олиб, қуйма букача ясади. Кейин одамлар
айтдилар:

*«Эй, Исроил! Мана сизларни Мисрдан олиб чиққан
худойингиз!» (Чиқ.32:2-4).*

Улар Худо уларга берган баракалардан, Миср ўлжаларидан
ўзларига бут ясадилар. Лекин энг ташвишли томони, буни тоққа
чиқиши керак бўлган Ҳорун қилгани эди. У Мусонинг овози
эди. Илгари у доимо унинг томонида турар эди, барча буюк
мўъжизаларнинг ва кулфатларнинг гувоҳи бўлган эди. Лекин
ҳозир у одамлардан кўрқди ва уларга истаган нарсаларини
берди. У Худодан кўра одамлардан кўпроқ қўрқар эди, шунинг

учун халқ қаршисида журъатсиз бўлиб қолди. Унда жасорат бўлмагани учун Худонинг инъоми ҳаракат қилмади. Бу уни заиф етакчи қилди. Мусо унга қарши чикканида у уни кўрқитган халқни айблади:

«Ҳорун эса: «Ғазабланманг, ҳазратим. Бу халқнинг ёмонлик қилишига мойиллигини биласиз-ку! Улар менга: «Бизга йўл кўрсатиб борадиган худо ясаб бер, бизни Мисрдан олиб чиққан одамга, Мусога нима бўлганини билмаймиз»,- деб айтишди. Мен эса уларга: «Кимнинг олтин сирғаси бўлса, уларни менга олиб келсин»,- дедим. Улар олтин сирғаларни олиб, менга келтирдилар. Олтинларни оловга ташилаганимда, олов ичидан мана шу буқача чиқиб келди», - деди» (Чиқ. 32:22-24).

Ҳорун қилган иши учун масъулиятни бўйин олмади. Ҳа, унинг халққа берган баҳоси тўғри эди. Бу Ҳоруннинг эмас, уларнинг ғояси эди. Лекин кўрққани туфайли халқнинг қаршисида ўз журъатсизлигини синдириш ва уларни тўғри йўлдан бошқариш учун у етарли даражада кучли эмас эди. У одамлардан кўрқишга тобеъ бўлган эди.

Одамлардан кўрқадиган етакчилар чекинадилар ва одамларга улар муҳтож бўлган нарсани эмас, балки улар истаган нарсани беришади! Бундай одамлар журъатсизликнинг осон қурбонларига айланадилар. Бу етакчи нақадар кўп марта Худони ва Унинг халқини севишини айтишининг аҳамияти йўқ, токи унда одамлардан кўрқиш бор экан, у ўзида ҳам, у бошқараётган одамларда ҳам ҳеч қачон ҳақиқий ўзгаришларни кўрмайди!

Худодан кўрқадиган одам фақатгина Худо у ҳақида айтаётган сўзларга диққат қилади. Одамлардан кўрқадиган одам эса диққатини кўпроқ Худога эмас, балки одамлар у ҳақида нима деб ўйлашига қаратади. У одамларни хафа қилмаслик учун Худони хафа қилади.

Мен етакчиларнинг ўз одамларига улар истаган нарсаларни

бериш учун қарорлар қабул қилганларини кузатганман. Уларнинг мақсадлари- машҳурликни сақлаб қолиш. Албатта, улар бу ҳақида ўйламаганлар ва балки, ҳеч қачон буни кўзламагандирлар. Улар тахминан куйидагича фикр юритиб, ўз қарорларини оқлар эдилар: «Бизлар одамларни яралашни истамайсиз» ёки «Бу ҳамма учун қилиш мумкин бўлган энг яхши нарса» ёки «Агар бизлар шундай қилсак, кўплаб одамларга хизмат қиламиз» ва ҳоказо. Худонинг Шоҳлиги - демократия эмас. Бу шоҳлик. Машҳурликнинг аҳамияти йўқ. У одамлар уларни кўркув ва журъатсизлик бошқараётганини ҳаттоки англамас эдилар. Уларнинг ҳаракатларидан мақсад одамларга севги эмас, балки ўз-ўзларига севги эди.

БИЗЛАР ХУДОДАН ҚЎРҚМАГАНИМИЗДА НИМА БЎЛАДИ?

Худо Мусога: «Эҳ, қани эди, уларнинг юраклари Мендан кўрқадиган бўлса эди»,-деди (Қон.так.5:29). Лекин халқ кўрқмас эди. Шунда қаранг, нима содир бўлди: Саҳрода бир йил яшаганларидан сўнг, бориб ваъда қилинган ерни олиш вақти келди. Раббий Мусога: «Мен Исроил ўғилларига бераётган Канъон ерини кўриб келишлари учун ўз одамларингдан юборгин»,-деди(Сонлар13:3). Эътибор беринг, У: «Мен бераётган...»,-деди. Худо: «Айғоқчилик қилиб, қараб кўринглар, у ерни қўлга кирита оласизларми?»-деган эмас.

Шундай қилиб, Мусо уларни юборди. Улар қирқ кун кузатишди ва у ернинг аҳолиси жуда яхши яшашини, шаҳарлар катта эканлигини ва яхши кўриқланишини билиб олдилар.

Ўн икки айғоқчининг ҳаммаси ўша халқни, ўша кўшинларни, ўша мустаҳкамланган шаҳарларни ва ўша баҳайбат одамларни кўрди. Иешуа Нун ўғли ва Халеб шу вақтнинг ўзидаёқ кўтарилиб, Худо ваъда берган ерни олишга тайёр эдилар. Аммо ўн нафар айғоқчи кўрган нарсаларидан кўрқдилар. Иешуа Нун ўғли ва Халеб Худонинг эзгулиги ва садоқатини кўраётган бир вақтда, улар фақатгина катта кўшинларни ва баҳайбат

одамларни кўрдилар.

Мазкур ўн нафар айғоқчи халққа: «Ерни олишнинг иложи йўқ»,- дедилар. Улар тўрт юз йилдан кўпроқ вақт куллиқда эдилар ва улар у ерда кўрган кўшинлар каби тайёрланган эмас эдилар. Халқ тезда даҳшатга тушди ва нолий бошлади: «Нима учун Раббий бизларни бу ерга олиб бораяпти, бизлар қиличдан ўлишимиз учунми? Бизларнинг хотинларимиз ва болаларимиз душманга ўлжа бўлади. Мисрга қайтиб кетишимиз афзал эмасми?» (Сон.14:3).

Бу оятда биз инсоний қўрқувнинг илдизини қўрмоқдамиз: «Аҳволимиз ёмонроқ бўлмайдами?» Бу одамлар фақат ўзлари ҳақида ўйлар эдилар, шунинг учун журъатсиз бўлиб қолдилар. Улар: «Худо нимани маъқул кўради?»-деб сўрамас эдилар. Бунинг ўрнига улар: «Қайси ҳолда бизларга яхшироқ бўлади?»-деб сўрар эдилар.

Бундан ҳам аниқроқ бўлиши мумкинми? Одамлардан кўрқишнинг илдизида худбинона севги ётади. Агар сиз ўз ҳаётингизни севсангиз сиз уни сақлаб қолишга ҳаракат қиласиз ва унга хавф соладиган ҳамма нарсадан кўрқасиз.

Худо Ўз халқини шундай жойга олиб келдики, уларда Худога умид қилишдан бошқа танлов йўқ эди. Мазкур нотаниш ернинг аҳолиси уларни шунчаки қириб ташлайдигандек туюлар эди. Аммо Худога ишонишнинг ўрнига, Исроилликлар ўзларини шундай тутар эдиларки, гўёки Худо уларни Мисрдан фақатгина Канъонликлар уларни ўлдиришига йўл қўйиш учунгина қутқаргандек туюлар эди. Албатта, бу кулгили эшитилади, лекин бизларнинг ҳаммамиз шундай вақтларни бошдан кечирамизки, бизларга хатарли ва ҳаётимизга хавф соладиган туюладиган вазиятларда Раббийнинг ортидан бориш керак бўлади.

Бундай вазиятларда, бизлар Унинг ортидан фақатгина юрагимизда Худо ҳақиқатан эзгу эканлигига ишончимиз комил бўлгандагина бора оламиз. Яхшилик фақат Унда. У ҳеч қачон, ҳеч нарсани фақат Ўз фойдаси учун, бизларга эса жиддий йўқотишлар ва азоблар келтириш учун қилмайди. Биз ёдда тутишимиз керак: одамларнинг ҳукми етмиш, саксон йилдан

нарига ўта олмайдиган бир вақтда, Худо нарсалар ҳақида абадият нуктаи- назаридан ҳукм қилади!

ХУДО ТОМОНИДАН ЁКИ ОДАМ ТОМОНИДАН РАД ҚИЛИНИШ?

Халеб ва Иешуа Нун ўғли кийин йўлни танладилар. Худо уларда бошқа руҳ борлигини айтди ва улар тўлиқ Унинг ортидан борар эдилар. Бошқа ҳамма Худога кулоқ солиб, ўз қулайликларини хавфга қўйишни истамас эдилар. Худо Халебга ва Иешуа Нун ўғлига содиқ қолди. Улар ваъда қилинган ерга кирган ўз авлодларидаги ягона одамлар эдилар (Сон.14:24,30).

Ўз жонларини сақлашни истаганлар уни йўқотдилар. Худо: «Сизларнинг жасадларингиз эса мана шу саҳрода қолиб кетади... токи сизлар Мен томондан тарк этилган бўлиш қандай эканлигини англаб олинглар», -деган сўзлар билан Ўз ҳукмини эълон қилди (Сон. 14:32,34).

Мен ибодат қиламанки, бизларнинг ҳар биримиз Раббидан кўрқишдан лаззат топишни ўрганайлик. Чунки: «Раббидан кўрқиш -ўлим тўрларидан йироклаштирадиган ҳаёт манбаидир» (Ҳик.14:27). Кейинги бобда, журъатсизлик хужум қилган вақтларда Худодан кўрқиш қандай қилиб Худонинг иродасида юришга ёрдам беришини кўрасиз.

ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚ ЁКИ ТАЪСИРГА ЖАВОБ ҚАЙТАРМОҚ

Раббийдан кўрқиш - ишончи комиллик ва дадилликни келтириб чиқаради.

Журъатсизлик ва кўрқитиш - вазиятлар, фикрлар ва одамлардан келиши мумкин. Кўпчилик бошқа одамлардан келаётган журъатсизлик ва кўрқитиш билан курашади. Бу турдаги босимнинг номи - одамлардан кўрқишдир.

Одамлардан кўрқиш бизларни одамлар томонидан рад этилиш, хафачилик, таъналарни четлаб ўтишга мажбур қилади ва бу билан бизлар Худони рад қилаётганимизга эътибор бермаймиз. Одамлардан кўрқадиган одам - кўриш мумкин бўлган одамларни ранжитмаслик учун кўриш мумкин бўлмаган Худони ранжитади.

Исо Масих бизларга шундай насиҳат қилган:

«Сизларга, Менинг дўстларимга айтаманки, танани ўлдириб, кейин бошқа ҳеч нарса қилишга қодир бўлмаганлардан кўрқманглар. Аммо кимдан кўрқишингиз кераклигини сизларга айтайин, одамни ўлдиргандан кейин жаҳаннамга ташлашга ҳам қодир Бўлгандан кўрқинглар. Ҳа, сизларга айтаманки, Ундан кўрқинглар!» (Лқ. 12:4,5).

Агар сиз одамлардан кўрксангиз, Худо сизни оғир ва қийин вазиятлардан ўтказаетганида ўзингизни ҳимоя қилишга ва асраб қолишга ҳаракат қиласиз. Худонинг иродасини излашнинг ўрнига ўз иродангизни амалга оширасиз. Лекин агар сиз Раббийдан кўрксангиз, унда ҳар хил қийинчиликлардан ўта оласиз ва бу билан Худога шараф бера оласиз. Сиз фақатгина У сизни асрай олишини тушунасиз. Абадий бойликлар тизимида сиз учун энг маъқул бўлган режани У билишига сиз ишонч хосил қиласиз.

Раббийдан кўрқиш ҳақида Ҳикматлар китобида бир кучли ваъда бор:

«Раббийдан кўрқишда мустаҳкам умид бор ва У Ўз ўғилларига паноҳдир. Раббийдан кўрқиш – ўлим тўрларидан йироқлаштирувчи ҳаёт манбаидир» (Ҳик. 14:26-27).

Ва аксинча, Ёзувда аниқ ёзилган: «Одамлардан кўрқиш копқон кўяди...»(Ҳик. 29:25).

Журъатсизлик ва кўрқиш -бу тўр, тузоқдир. Аммо Раббийдан кўрқиш ишончи комиллик ва дадилликни келтириб чиқади, булар эса бизнинг журъатсизлик тузоғидан чиқишимиз учун айнан керакли бўлган нарсалардир.

БОСИМ ФОШ ҚИЛАДИ

Мен икки подшоҳни қарама- қарши қўймоқчиман. Уларнинг иккаловлари ҳам бир шоҳликда ҳукмронлик қилишган ва иккаловлари ҳам бир Худо қаршисида онт ичишган. Улардан бири рад қилинди, иккинчисини эса Худо юрагидаги киши сифатида табаррук қилди. Бу одамларнинг ҳаётларини солиштириб, Худодан кўрқиш ва одамлардан кўрқишнинг фарқи нимада эканлигини аниқ тушуниб оламиз. Келинг, Шоулнинг ҳаётидан энг жиддий ва кам ўрганилган воқеага назар ташлаймиз.

Воқеа бундай: Шоул икки йилдан буён ҳукм сурмоқда.

Бундай ҳолатларда кўпинча бўладиганидек, ҳукм суришининг асал ойи унинг ҳақиқий характерини маълум қилмади. Аммо мана бу воқеа вақтида унинг ниятлари фош бўлди.

Шоул ўзининг сара аскарлари билан Михмасда бўлганида, филистинликлар унга қарши уруш қилиш учун йиғилдилар (1Шом.13:5-15). Шоул кучли кўшинга тўқнашишига тўғри келди. Душманнинг ўттиз мингта жанговар араваси, олти мингта чавандози ва «денгиз куми» қадар кўп кўшини бор эди. Бу ўта улкан кўшин бўлганлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати борми? Ўттиз мингта жанговар арава билан тўқнашиш - ўттиз мингта танк билан тўқнашиш дегандек гап. Яна кўшин ҳам шу қадар улкан эдики, саноғи йўқ эди! Исроил кўшинининг назари билан қараганда бу жуда даҳшатли эди.

Шоулнинг аскарлари кўрқувдан буталар, уялар, чуқурлар ва қояларда яшириндилар. Улар босим остида эдилар. Баъзилар шунчаки қочар эдилар: Йордан орқали Гад ва Галаад ерига ўтиб кетар эдилар. Шоулнинг ортидан эргашишни давом эттирганлари эса кўрқувдан титрар эдилар.

Ҳар бир жанг олдидан Исроил Худони чорлаши керак эди. Шомуил Шоулга маълум вақтдан сўнг тамомила ёндирилиш қурбонлиги келтиргани келишини айтиб Раббийдан топширик берган эди.

«Шоул Шомуил тайинлаган муҳлат бўйича уни етти кун кутиб турди. Аммо Шомуил Гилгалга келавермади, халқ эса Шоулнинг ёнидан қоча бошлади» (1Шом. 13:8).

Босим остида қолганида, Шоул: «Тамоман ёндирилиш қурбонлиги билан тинчлик қурбонликларини менга олиб келинглар», - деб буюрди ва тамоман ёндирилиш қурбонлиги келтирди. У қурбонлик келтириб бўлганидан, Шомуил келди.

Шомуил Шоулдан нима қилганини сўради. Шунда Шоулнинг жавобига диққат билан кулоқ солинг:

«Бироқ Шомуил унга: «Нима қилиб қўйдинг?»-

деди. Шоул жавобан деди: «Халқим менинг ёнимдан қочиб кетаётганини кўрдим. Сиз эса белги-ланган вақтда келмадингиз. Бунинг устига, филистинликлар Михмаида тўпландилар. Шунда мен: «Филистинликлар Галгалга устимга бостириб келади, мен эса ҳанузгача Раббийдан сўраб илтижо қилмадим», деб ўйладим. Шунинг учун, тамо-ман ёндирилиш қурбонлигини келтиришига мажбур бўлдим» (1Шом.13:11-12).

Шомуил Шоулга Раббийнинг амрига риоя қилмасдан аҳмоқона иш қилганини айтиб, уни фош қилди.

Энди бизлар нима содир бўлганини кўриб чиққанимиздан сўнг ўзингизни Шоулнинг ўрнига қўйиб кўринг. Сиз етакчисиз. Сиз ва сизнинг одамларингиз мана етти кундан буён катта қўшин қаршисида турибсиз. Сизнинг сафингиз тобора саёзлашиб бормоқда, душманнинг сафи эса кун сари ўсиб бормоқда. Сизнинг одамларингиз душман қаршисида кўрқувдан дир титрамоқдалар ва ўзбошимчалик билан қочмоқдалар. Қолган бир нечалари эса даҳшатдан титрамоқдалар. Сиз Худонинг пайғамбарини кутмоқдасиз, у эса ўз вақтида қурбонлик келтириш учун келмаяпти!

Сиз жуда кучли босимни ҳис қилган бўлар эдингиз. Бу «ёғ сиқиб чиқарадиган исканжа»дагидек вазият. Атрофингиздаги одамлар сизни турта бошлайдилар: «Бир нима қилгин ёки бизларнинг ҳаммамиз ўламыз!»

Шунда Раббий буюрганидек кутасизми ёки ўзингизни кутқариш учун нимадир қила бошлайсизми?

Подшоҳ Шоул айнан шундай вазият билан тўқнаш келди (1Шом.13:1-8). Афсуски, у бундай босим остида синди. Итоатсизлик қилиб, унинг ўзи қурбонлик келтирди. Қаранг, Шоул қандай қилиб кечирим сўрамоқда: «Филистинликлар ... устимга бостириб келади, мен эса ҳанузгача Раббийдан сўраб илтижо қилмадим... Шунинг учун қарор қилдим (1Шом.13:12). У ўзини халққа яхши кўрсатиш учун қурбонлик келтирди,

кейин эса Шомуилнинг олдида руҳ изми билан яшайдиган одамдек кўринишга ҳаракат қилди. У: «Шу учун қарор қилдим», - деди. Аслида эса, у шунчаки, вазият таъсирига жавоб қайтарган эди ва журъатсизлик тузоғига тушди.

НИМАДИР ҚИЛГИН!

Кўплаб одамлар турли шаклларда келадиган шунга ўхшаган вазиятларга дуч келадилар.

Сиз қачондир: «Мен биламан, Худо менга тинч туришни буюрмоқда, лекин мен тушиб қолган вазиятни ўзгартиришим учун мен ҳаракат қилишим керак», - деб ўйлаганмисиз?

Мен шундай вазиятларда бўлганманки, дўстларим ва қўл остимдаги одамлар: «Жон, сен нимадир қилишинг керак!» - дейишган. Лекин мен юрагимда Худо буни айтмаётганини билар эдим. У жим турар эди.

Энг қийини- Раббийни У сўзламаётган вақтда кутишдир. Бу ҳақиқат, айниқса, ҳозирги давримиз учун муҳимдир. Бизнинг Америкада, бизнинг улкан манбаъларимиз ва пулларимиз билан биз одатда бунга ҳатто Худо иштирок этмаётган бўлса ҳам нимадир қила олишимиз мумкин. Ўзимизнинг табиий қобилиятларимиз ва истеъдодларимизнинг кучи билан Худонинг иштирокисиз бизлар кўринишидан Худо томонидан яратилганга ўхшаш нарсалар яратишимиз мумкин.

Иш қарор қабул қилишга келиб тақалганида, биз кўпинча, нима қилишимиз кераклигини айтадиган боб ва оятни топа олмаймиз. Ҳар лаҳзада Худо бизларга нима деяётганини билишни истаймиз. Лекин Худо ҳеч нима демаётгандек туюлганида, аслида, У гапираётган бўлади. У: «Мен сенга айтган ишни аниқ бажаравергин. Ҳеч қандай ўзгаришсиз!»- деётган бўлади. Айниқса, кўрққанимизда ва журъатсизлик қилганимизда бизларга қийинроқ бўлади.

Мен Раббий бир куни Янги йилда берган сўз билан ўртоқлашмоқчиман. Мен хорижда эдим, онгим ухлар эди, қирк олти соатлик саёҳат ва ҳар куни иккита воизликдан менинг тинкам

қуриган эди. Бирданига, мен чукур уйқудан кечаси соат иккида уйғониб кетдим. Мен фақат Раббий мени бу тарзда уйғота олишини билар эдим, чунки мен атиги уч соат ухлаган эдим ва ҳали туриш ниятим йўқ эди.

Раббий менга шундай сўз бердики, одатий ҳолда мен у билан ўртоқлашмас эдим, чунки бу ўта шахсий эди. Лекин мен ишонаманки, Раббий буни ўз фикримни тушунтириш учун қилишимни истаиди. Мен ўйлайманки, бу кўпгина шундай вазиятда бўлганларни мустаҳкамлайди. Мана бу ўша сўзнинг бир қисми: «Сен ўзингга эътиборни ҳис қилмадинг ва бу синовнинг бир қисми эди. Мен сени синаш ва Менинг бошқарувимсиз ҳаракат қиласанми, кўриш учун буни қилдим. Мен жим турганимда сен ҳеч нима қилмаганинг Менга маъқул бўлди. Мен сенга сўзламаганимда сен ҳаракат қилмаганинг учун ва Менинг режаларимни умид билан кутиб ўз режаларингни амалга оширишни бошламаганинг учун энди сен буюк ишларни кўрасан. Зеро Мен сенга ва сенинг хотинингга улкан ва махсус режаларни очаман ва булар сизларнинг иккаловларингга ҳам улкан қувонч олиб келади».

Раббий менга бу сўзни айнан мен ва менинг хотиним ўзимизни ланж ва бефарқ ҳис қилаётган вақтимизда айтган эди. Бизларнинг қандайдир ўз истак ва эҳтиёжларимиз бор эди, биз уларни қондирилмаган истак ва эҳтиёжлар деб ҳисоблар эдик. Бир неча йиллар давомида бизларнинг иккаловимиз ҳам ўта оғир босим остида яшаган эдик. Бизлар ҳақимизда астойдил ғамхўрлик қиладиган дўстларимиз нимадир қилишни маслаҳат беришар эди, аммо бизлар буни Раббидан келган сўз деб ҳис қилмас эдик. Улар бизларга шундай маслаҳат берганларида ноҳақ эмас эдилар. Шунчаки, бизлар тушиб қолган вазият таъсирига жавоб берар эдилар. Мана шу бизнинг синовимиз эди.

Бизлар бошимиздан кечираётган босимни пасайтириш учун ниманидир ўзгартиришимиз мумкин эди. Биз ўз шубҳаларимиз билан курашишимизга: «Наҳотки бизлар Худодан йироқлашдик?» деб ажабланишимизга тўғри келар эди. Лекин

юрагимиз тубида бизларнинг иккаловимиз ҳам Худо ҳеч нима қилишни буюрмаганлигини билар эдик.

Ўша янги йилнинг биринчи ойининг охиригача, Худо бизларнинг энг бепоён орзуларимиздан кўра кўпроқ мўъжизалар қилишини кўрдик. Мен ҳаттоки, қачонлардир бир ой ичида шунча ишлар содир бўлишини кўрганмидим, билмайман. Гўёки, Худо ўша бир ой ичида олдинги беш йил ичида қилганидан кўра кўпроқ мўъжизалар қилгандек туюлар эди!

Бизлар босим таъсирига жавоб қайтармаслигимиз жуда муҳимдир. Бизлар Раббийнинг Сўзига биноан ҳаракат қилишимиз лозим.

ХУДОНИНГ КЎНГЛИДАГИДЕК КИШИ

Шоул кўрқди. Унинг обрўйи, ҳаёти ва шохлиги гаровга кўйилган эди, шунинг учун Худо унга «кутгин» деган бир пайтда, у атроф босими таъсирига жавоб бера бошлади.

Шомуил Шоулни фош қилганидан сўнг унинг устидан ҳукми эълон қилди: «Энди эса сенинг шохлигинг узоққа бормайди. Раббий Ўз кўнглига мос эркакни топади ва Раббий унга Ўз халқининг сардори бўлишни буюради. Чунки сен Раббийнинг сенга берган буйруғини бажо этмадинг»,- деди (1Шом. 13:14).

Шоул кўрқитиш қаршисида бир бора эгилган эмас. Шоулда босим остида Раббий Сўзига итоатсизлик қилганининг бутун бир рўйхати бор эди. Бошқа бир вазиятда, у халқнинг истагига ён берди ва Худо тўлиқ барбод қилишни буюрган шаҳардан ўлжаларни олишга рухсат берди. У одамларнинг унга бўлган майлини йўқотишни истамас эди. Шомуил унга қарши чиққанида, Шоул тан олди:

«Гуноҳ қилдим, чунки Раббийнинг буйруғига ҳам, сизнинг сўзларингизга ҳам қарши иш қилдим. Бироқ мен халқдан кўрқиб, уларнинг овозига қулоқ солдим» (1 Шом. 15:24).

Шоулнинг кейинги сўзлари унинг итоатсизликдан кўра кўпроқ обрўйи ҳақида ташвишланганини кўрсатади. Унинг Шомуилга қарата айтилган сўзлари унинг юрагининг ниятларини фош қилди:

*«Гуноҳ қилдим, лекин энди халқимнинг оқсоқоллари олдида, Исроил олдида мени ҳурмат-иззат қилинг»
(1 Шом.15:30).*

Шоул қайта ва қайта гуноҳ қилар эди, чунки одамлардан кўрқар эди. У нақадар кўп кўркса, етакчи сифатида шу қадар енгилиб борар эди. Ўзига ишонмаган етакчилар билан кўпинча шундай ҳолат юз беради. Улар ўзларини вазиятни бошқариб тургандек кўрсатиш учун одамларга қўпол муомала қиладилар, аслида эса ўз кўркувлари ва журъатсизликларини яшираётган бўладилар.

Шомуил Шоулга Худо шоҳликни Унинг амрларига риоя қиладиган одамга беришини айтди (1 Шом.13:14). Довуд шундай одам эди. Мен баъзи одамларнинг юракларида Худога чанқоқ эканликларини айтганларини эшитганман. Лекин мен Худо Довуд ҳақида айтганини эшитишни истар эдим: «Сенинг юрагинг Менга маъқул». Мен биламан: бу Раббийни севадиган ҳар бир имонлининг истаги! Раббий Ўзини Довуд билан бир даражага қўйишига Уни нима мажбур қилганини билиш учун мен Довуднинг ҳаётини ўргандим.

Мен шуни пайқадимки, Довуд бирор ишни бу ҳақида олдин Раббидан сўз эшитмагунича қилмаслик учун эҳтиёт бўлган. Қайта ва қайта оғир босим остидаги вазиятларда У Худонинг маслаҳатига эришишга ҳаракат қилар эди (1 Шом. 20-31). Келинг, жуда азобли вазиятларга назар ташлаймиз.

БУНДАН ҲАМ БАДТАР БЎЛИШИ МУМКИНМИ?

Шоулнинг подшоҳлигининг сўнгги йилида Довуд ва унинг одамлари филистин ерида паноҳ топдилар. Вазиятларнинг

галати окимига кўра Довуд ва унинг одамлари филистин кўшинига айнан филистин кўшини Исроилга қарши урушга йиғилган вақтда кўшилдилар. Аммо филистин бошлиқларига яхудийларнинг улар билан бирга урушга бориши ёкмади. Шунинг учун улар Довуд ва унинг одамларига жангга боришларига рухсат беришмади.

Кейинги куни эрталаб Довуднинг гуруҳи Секелагга, ўз хотинлари ва болаларининг олдига қайтишга қарор қилди. Жангга иштирок этишнинг иложи бўлмади ва шунинг учун Довуд ҳамда унинг одамлари ўзларини кераксиз ҳис қилгандирлар. Уларни нафақат ўз давлатлари ва подшоҳлари, балки уларга паноҳ берганлар ҳам рад қилишди. Эҳтимол, Довуд ўзини анча ёлғиз ҳис қилгандир. Бу жуда ёқимсиз кунлардан бири эди. Лекин ҳали бўлиши керак бўлган воқеанинг олдида бу ҳеч нима эди. Довуд оиласига қайтганида нима бўлганини диққат билан ўқиб чиқинг ва бу вазиятда у нимани ҳис қилганини тасаввур қилинг.

Довуд ва унинг одамлари Секелагга кетганларининг учинчи кунда, амаликликлар Секелагга жануб томондан ҳужум қилдилар. Секелагни қўлга киритиб, уни ўтда ёндирдилар. Аёлларни ва у ерда бўлган барчани: кичикдан каттагача ўлдирмасдан асир олдилар ва ўз йўлларида кетдилар. Довуд ва унинг одамлари шаҳарга келдилар ва мана, у ўтда ёндирилган, хотинлари, ўғиллари ҳамда қизлари асир олиб кетилган эди. Довуд ва у билан бирга бўлган халқ қучлари қолмагунича фарёд уриб йиғладилар. Довуднинг иккала хотини: изрееллик Ахиноама ва Набалнинг собиқ хотини Абигел ҳам асир олиб кетилган эди (1 Шом. 30:1-5).

У ҳис қилган оғриқни тасаввур қила оласизми? Унинг оиласини ўғирлаб кетишди, ҳамма қимматбаҳо нарсаларни ўғирлашди, қолганларини эса ёқиб юборишди! Бунинг устига, у фақат ўзининг оиласи учунгина эмас, балки ўзининг барча одамларининг оиласи учун ҳам азоб чекар эди. Уларнинг ҳаммалари ўзларини кераксиз ва бошпанасиз ҳис қилар эдилар. Улар фақатгина уйлари қандай тутаб ётганини кўриш ва

улар яхши кўрган одамларни душман олиб кетганини билиш учунгина қайтиб келдилар. Агар бу ҳам етарли бўлмаса, кейин нима бўлганига эътибор беринг:

«Довуд чуқур эзилди, чунки халқ уни тошбўрон қилмоқчи эди, зеро бутун халқнинг қалби қайғурар, ҳар бир одам ўз ўғил-у қизлари учун куяр эди» (1 Шом. 30:6).

Фақат бу етарли эмас эди: у билан жангга борган одамлар Довудни тошбўрон қилишга тайёр эдилар, чунки уларнинг хотинлари ва болалари ҳимоясиз қолишди! Бундан ёмони бўлиши мумкин эмас. Бу Шоулнинг синовларидан анча оғирроқ эди. Довуд мурожаат қилиши мумкин бўлган бирор инсон зоти йўқ эди. Шоулнинг бор-йўғи кўрқоқ қўшини, оиласи бор эди ва унинг одамлари уни тошбўрон қилмоқчи бўлган эмас эдилар.

Кўплаб имонлилар ўз ҳаётларида ўзларини буткул ёлғиз ҳис қиладиган лаҳзагача етиб келадилар. Мен ишонаман: бундай бўлишига Худо йўл қўяди. Лекин Унинг Ўзи бунга қилмайди, чунки У ёвузликнинг муаллифи эмас. Фақат Худо аралашмайди, чунки мазкур чорасизлик ҳолатларидан ҳам қандайдир маъно топади. Довуд енгиллиши, душманнинг ордидан қувиб кетиши ёки аскарларининг яралари оғриғини қолдиришнинг бошқа йўлини топиши мумкин эди. Лекин қаранг, бунинг ўрнига у нима қилди: «Лекин Довуд ўз Раббий Худоси билан қувватланди. Шу тариқа, Довуд Охимелекнинг ўғли руҳоний Абиатарга: «Менга эфодни олиб кел», - деди. Абиатар Довудга эфодни олиб келди. Довуд Раббийдан: «Бу босқинчиларнинг орқасидан қувиб бораёми? Қувсам, етиб оламанми?»- деб сўради. Унга:

«Орқаларидан қувгин, уларга етиб олиб, асирларни халос қиласан»,-деган жавоб келди» (1 Шом. 30:7,8).

Ҳаттоки оғир босим остида ҳам Довуд Раббийдан буйруқ олмагунича ўрндан жилмади. У ўзига Худонинг содиқлигини ва Раббий билан аҳдни эслатди, кейин эса нима қилиши

кераклигини сўради. Шунда Худо: «Ортиларидан қувгин», - деди.

Довуд душманнинг ортидан қувиб кетди.

«Довуд амоликликлар олиб кетган ҳамма нарсаларини қайтариб олди, шунингдек, иккала хотинини ҳам қайтариб олди. Уларнинг каттадан кичиккача: ўғилларидан ҳам, қизларидан ҳам, ўлжадан ҳам, хулас, амоликликлар олиб кетган нарсалардан бирор нарса йўқолмади; Довуд ҳаммасини қайтариб олди» (1 Шом.30:18-19).

Тўлиқ иложсиз туюлган вазият улкан ғалабага айланди. Бизнинг Худойимиз учун мушкул иш йўқдир. Довуд Худодан одамлардан кўра кўпроқ кўрқар эди. Бу уни биринчи ўринда Худога мурожаат қилишга даъват қилар эди. Унинг босимга муносабати Шоулнинг муносабатидан кескин фарқ қилар эди.

Шоул содир бўлаётган воқеалар таъсирига жавоб қайтарса, Довуд ўз қарорига кўра ҳаракат қилар эди. Довуд ҳаракат қилар ва воқеалар таъсирига жавоб бермас эди, чунки Раббий нима деяётганини билар эди. Бизлар Масихнинг онгига эга бўлганимизда, бизлар тайёрланганмиз ва шунчаки воқеалар таъсирига жавоб беришдан кўра ўз қароримиз бўйича ҳаракат қилиш жасоратига эгамиз.

СОҒЛОМ ОНГ

Олдинги боблардан бирида, бизлар журъатсизликни парчалаш учун нима кераклигини аниқлаб олдик. Бу табиий дадиллик эмас, лекин куч, севги ва соғлом онг каби фазилатлардан келиб чиқадиган дадилликдир. Мана бу оят бизнинг асосий оятимиз эди:

«Шунинг учун мен сенда менинг қўл қўйишим орқали бўлган Худонинг инъомини алангалатишингни эслатаман; зеро Худо бизга кўрқув эмас, куч, севги ва соғлом онг руҳини берди» (2 Тим. 1:6-7).

Келинг, мазкур уч фазилат Довуднинг юрагида қандай қилиб журъатсизлик билан жангда туриб бера олиш учун дадиллик берганини кўриб чиқамиз.

1. Куч. Довуд Худони билар эди ва Худо у дуч келиши мумкин бўлган ҳамма нарсадан катта ва кучлироқ эканини билар эди.

2. Севги. У Раббийни ўзидан кўра кўпроқ яхши кўрар эди.

3. Соғлом онг. У Худодан сўз олмагунича ёки Унинг ниятини пайқамагунича ҳаракат қилмас эди. Босим нақадар кучли эканлигининг фарқи йўқ эди.

Бизнинг руҳимиз Худонинг Сўзининг кучи ва севгисига тўла бўлганида, бизлар журъатсизликнинг ўлжасига айланмаймиз. Бу учун бу фазилатлардан шунчаки бири эмас, балки Повул урғу берганидек, уччаласининг йиғиндиси бўлиши лозим. Агар буларнинг биригина етарли бўлганида, Повул шундай деб ёзган бўлар эди. Лекин илоҳий дадилликда юриш учун уччалови ҳам керак.

Бизлар куч ва севгини батафсил кўриб чиқдик. Келинг, соғлом онгни ҳам кўриб чиқамиз.

СОҒЛОМ ОНГ РУҲИ

Соғлом онг Худо айнан ҳозир нима деяётганини ва қилаётганини билади.

Беҳабарликдан кўра кўпроқ кўрқитадиган нарса йўқ. Беҳабарлик - билимнинг етишмаслигидир. Муқаддас Ёзувда билимнинг қадри ҳақида кўп айтилган. Ҳикматлар китобида: «Доно одам кучли ва ақлли одам ўз кучини оширади», - дейилган. Ҳикматлар 11:9да эса, бизларга «тўғриларнинг ҳақлиги уларни қутқариши» айтилган. Журъатсизликнинг тузоқларини четлаб ўтиш учун билим куч беради.

Тушунинг, табиий билим бор ҳамда руҳий билим бор. Руҳий билим ва донолик табиий билим ва доноликдан устундир. Айнан шунинг учун бизлар уларни ғайритабиий деб атаймиз. Бу - табиийдан устун деганидир.

2-Тимўтийга мактубининг 1:6-7да Повул кўрқув (журъатсизлик) устидан ғалаба қозониш учун муҳим бўлган уч асосий нарсани эслатиб ўтмоқда: севги, куч ва соғлом онг. Бу бобда охириги нарса - соғлом онг ҳақида гап боради.

Соғлом онг - нима дегани? Бу Муқаддас Ёзувни билишми? Исо Масихнинг шогирдлари билимсиз балиқчилар эдилар, Исроилдаги энг ўқимишли одамлар гуруҳи саддуқийлар уларнинг донолиги ва дадиллигидан гангиб қолди:

«Бошлиқлар эса Петъор ва Юҳаннонинг дадиллигини кўриб ҳамда уларнинг ўқимаган, оддийгина одамлар эканликларини англаб, ҳайратланар эди-

лар. Шу билан бирга, уларнинг Исо билан бирга бўлганликларини фаҳмлай бошладилар» (Ҳав.4:13).

Стефан исмли одам, синагога бошлиқларини лом-мим дея олмайдиган қилиб қўйди. Муқаддас Ёзув шундай гувоҳлик беради:

«Лекин у гапирётган доноликка ва Рухга қарши тура олмадилар» (Ҳав.6:10).

Соғлом онг руҳи табиий доноликдан ёки Муқаддас Ёзувни ўрганиш махсус дарслари натижасида келмаслигини бирдан бўришимиз мумкин. Хўш, соғлом онг руҳи қаердан келади?

ВАҲИЙНИ БИЛИШ

Соғлом онг - Масихнинг онгини билишдан келиб чиқади. Фақатгина Ёзувни билиш бизларга Масихни билиш кафолатини бермайди. Ёзилганки, «харф ўлдиради, руҳ эса жонлантиради» (2Кор.3:6). «Харф» дегани - Ёзув деганидир.

Фарзийлар Ёзувни аъло даражада билар эдилар, лекин Унинг руҳини билмас эдилар. Шунинг учун уларнинг хизматлари ўлимни келтириб чиқарар эди. У одамларни жалб қилиш ўрнига Худонинг юрагидан итарар эди. Улар Худони юрак билан эмас, балки онг билан қандай тушунган бўлсалар шундай тасаввур қилиб, ўз қонунчилик билимлари билан одамларни Худодан ажратар эдилар.

Раббий Исо: «Инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиқаётган ҳар бир Сўз билан яшайди», - деб эълон қилди (Мт. 4:4). Диққат қилинг, У: «Чиққан», - деган эмас. Унда бу ўтган замон бўлган бўлар эди. Худонинг оғзидан чиққан Сўз бу фақат Муқаддас Ёзувдир.

У: «Чиқаётган», - деди, бу эса ҳозирги замонни билдиради. Бугун Унинг оғзидан нима чиқаётганини билиш учун бизлар Муқаддас Ёзувнинг Худовандини билишимиз лозим. Юҳанно хушхабари 16:13да шундай дейилган: «Ҳақиқат Рухи келганида

эса, У сизларни бор ҳақиқатга етаклайди. Чунки У Ўзидан гапирмайди, лекин нимани эшитса, ўшани гапиради ва сизларга келажакни маълум қилади». Диққат қилинг, Раббий Исо: «Нимани эшитса»,- деди, «Нимани эшитган бўлса», эмас. Муқаддас Рух ёрдамида бизлар Раббий Исо ҳозир нима деяётганини билишимиз мумкин.

Сиз: «Унда Муқаддас Ёзув нима керак?» -деб сўрашингиз мумкин. У бизга ёрдам бериш ва йўналтириш учун йўл кўрсаткичдир. У Худо томонидан руҳлантирилган ва уларни Муқаддас Рух жонлантирганида оятлар нафақат бизнинг онгимизда, балки юрагимизда жонланади. Улар биз Худонинг Рухидан эшитган сўзимизни тасдиқлаш учун ишлатадиган андаза ҳисобланади. Муқаддас Рух ҳеч қачон Ёзувга қарама-қарши сўзламайди. Лекин бизнинг Ёзув ҳақида онгий тушунчамиз Муқаддас Рух айтиши мумкин бўлган Сўзни чекласа - биз алданишимиз мумкин. Фарзийларнинг хатоси айнан шунда эди.

БОБНИ ВА ОЯТНИ БИЛИШ ЕТАРЛИ ЭМАС

Фарзийлар жуда билимдон эдилар. Аслида, улар Эски Аҳднинг биринчи беш китобини ёддан билар эдилар! Улар Муқаддас Ёзувни ўрганар эдилар ва Масихнинг келишини сабрсизлик билан кутар эдилар. Аммо улар Уни Ёзувни ўз ақлий тушунишларига мувофиқ равишда кутар эдилар. Улар Ишаёёнинг куйидаги башоратидан хабардор эдилар: «Зеро бизга Чақалоқ туғилди, бизга Ўғил берилди. Ҳукмронлик Унинг елкаларидадир ва Унга: «Ажойиб, Маслаҳатчи, Қудратли Худо, мангу Ота, тинчлик Ҳокими», деб ном берилади. Довуд тахтида ва унинг шоҳлигида Унинг ҳукмронлиги ҳамда тинчлигининг чеки бўлмайди. У буни бугундан то абад адолат ва ҳақиқат билан ўрнатади ва мустаҳкамлайди. Қўшинлар Худовандининг рашки буни амалга оширади (Иш.9:6-7).

Уларнинг Масихлари Ўзининг ерлик шоҳлигини ўрнатиши,

уларни Рим хукмронлигидан озод қилиши ва Довуднинг тахтига ўтириши керак эди. Раббий Исо Жалиланинг Носирасидан дурадгор сифатида, билимсиз балиқчилар ва солиқ йиғувчилар хамроҳлигида келганида улар васвасага тушдилар.

Бу фарзийлар Раббий Исо билан доимо бахслашар эдилар, чунки Ёзув ҳақида фақат ақлий тушунчага эга эдилар. Масихнинг буюк миллий етакчи бўлишига уларнинг ишончлари комил эди. Шунинг учун улар Раббий Исога: «Агар Сен Масих бўлсанг, Сен ўрнатишинг лозим бўлган шоҳлик қани? Нима учун Сен Довуднинг тахтига ўтирмаяпсан?»- каби саволлар билан ташланар эдилар.

Раббий Исо шундай деб жавоб берар эди: «Худонинг Шоҳлиги кўзга кўринадиган бўлиб келмайди. Шунингдек:

*«Қара, у бу ерда ёки у ерда»,- деб айтмайдилар.
Чунки, мана, Худонинг Шоҳлиги сизларнинг ичин-
гиздадир» (Лқ.17:20-21).*

Бугунги кунларда бизлар буни тушунишимиз мумкин, чунки Раббий Исонинг ўлиб, тирилганини билиш имтиёзига эгамиз. Лекин у одамлар ўзларини ҳақ деб ўйлар эдилар. Аммо уларнинг ишончлари комиллиги Ёзувни ақлий билишларига асосланган эди. Уларда англаш Руҳи йўқ эди.

РУҲНИНГ ВАҲИЙИ

Шимеон деган одам ҳам Масихни кутар эди. У фарзийлар каби билимдон одам эмас эди. Бироқ назар ташланг, у ҳақида Муқаддас Ёзувда нима дейилган: «Ўша вақтда Иерусалимда Шимўн исмли бир одам бор эди. У ҳақ ва диёнатли киши бўлиб, Исроилнинг юпатилишини интизорлик билан кутар эди. Муқаддас Руҳ унинг устида эди. Раббий Масихни кўрмагунича, у ўлим кўрмаслиги ҳақида Муқаддас Руҳ томонидан унга ваҳий берилган эди. Шундай қилиб, у Муқаддас Руҳ таъсирида маъбадга келди. Исонинг ота-онаси қонун маросимини бажариш учун Уни маъбадга олиб келганларида, Шимўн чақалокни ўз

қўлига олиб, Худони мадҳ этиб деди:

«Ё, Раббим, энди Сен Ўз сўзинг бўйича қулингни тинчлик билан қўйиб юбораяпсан. Чунки менинг кўзларим Сенинг нажотингни кўрди... Юсуф ва Исонинг онаси У ҳақида айтилган бу сўзларга ҳайрон бўлдилар» (Лқ. 2:25-30,33).

Гўдак Исо Раббийга бағишланганида, У олти ойдан икки ёшгача эди. Маъбад улкан эди. Унинг худудида турли хил қурилмалар бор эди. Одатда у ерда юзлаб ва ҳатто минглаб одамлар бўлар эди.

Энди мана буни тасаввур қилинг: дурадгор ва унинг Жалилалик хотини ичкарига киришмоқда ва олти ойлик болакайни олиб боришяпти. Маъбаддаги оломон ичидан Шимўн югуриб чиқади, уларнинг боласини олади ва башорат қилади: «Масих!» Энди сиз Юсуф билан Марям нима учун бундай ҳайратланганларини тушунишингиз мумкин!

Кўраясизми, Шимўн Масихнинг келишини «Нима учун Масих бизнинг эрамизнинг тўртинчи йилида келиши лозимлигининг юз бир сабаби», деган китобни ўқиб билиб олган эмас. У бу маълумотни Ёзувларни ўқиб билиб олган эмас. Муқаддас Рухнинг ваҳийи орқали у Нажоткор мана - мана келиши кераклигини билиб олган эди. У маъбадга Рухнинг бошқаруви билан келган эди!

Умуман олганда, бу ажабланарли факт. Ўзини Худонинг қонуни бўйича мутахассис деб ҳисобламаган бу одам - гўдак Исода, У ҳали олти ойлик бўлганида Масихни таниди. Фарзийлар эса ўттиз йилдан кейин ҳам, У ёвуз рухларни ҳайдаса ҳам, беморларни шифоласа ҳам, кўрларнинг кўзларини очса ҳам ва ўликларни тирилтирса ҳам Масихни таний олмадилар. Масихнинг онги билан Ёзувни ақлий равишда билишнинг орасида ана шундай фарқ бор.

Фарзийлар Эски Аҳдни нима қилган бўлсалар, бизлар ҳам Янги Аҳдни шундай қилишимиз мумкинми? Ҳатто тўлик хушxabар жамоатларида Раббийни чуқур билишни Ёзувни

ўрганиш ва таълимотлар билан чекламаймизми? Таълимотлар бизнинг Худо билан муносабатимизни қурмайди, балки унга туртки беради! Мен китобдан шундай қилиш керак деб ўқиганим учун никоҳ маросимида: «Ҳа», деган эмасман, менинг ўз уйланаётган қизим билан шахсий муносабатим бор эди.

Шундай қилиб, биз Муқаддас Ёзувни ўқишни бас қилишимиз керакми? Албатта, йўқ! Лекин балки Уни бошқача ўқишимиз керакдир. Мен ўз Муқаддас Ёзув китобимни олганимда, доимо ибодат қилиб, Муқаддас Рухдан Ёзувдан ваҳий беришини сўрайман. Мен ўқиётган вақтда ҳақиқат менинг юрагимда ёрилади. Мен айнан шу ҳақиқатга асосланиб яшай бошлайман!

Соғлом онг Худо айнан ҳозир нима деяётганини ва қилаётганини билади. Буни фақат Худонинг Рухи очиши мумкин. У бизларга Ёзув орқали гапириши мумкин, У бизнинг юрагимизга ички гувоҳлик орқали гапириши ёки Ўзининг нозик овози орқали гапириши мумкин. Биз Худо нима деяётганини билганимизда, биз ўз ҳаётимизни тебранмас қояда қураимиз.

У ҲОКИМИЯТ БИЛАН СЎЗЛАЙДИ

Раббий Исо ҳоқимият билан сўзлагани хушxabарларда бир неча бор кўрсатилган. Келинг, шундай мисоллардан бирини кўриб чиқамиз.

«Исо бу сўзларини тугатганида, халқ Унинг таълимотидан ҳайратланди, чунки у уламолар каби эмас, балки ҳоқимият Эгасидек таълим берар эди» (Мт. 7:28-29).

У ҳоқимият билан нафақат сўзлар эди, У шунингдек, ҳоқимият билан ҳаракат қилар эди. Келинг, бошқа бир мисолга қараймиз.

Ҳамма бунга ҳайрон қолиб, ўзаро дер эди: «Бу нима гап?! У нопок рухларга ҳоқимият ва куч-қудрат билан буюради, улар эса чиқиб кетадилар!»(Лқ.4:36).

У шундай ҳоқимият билан яшар ва ҳаракат қилар эдики, Уни

хатто Рим юзбошиси ҳам тан олди. У Раббий Исога агар фақат Сўз айтса, унинг хизматкори тузалишини айтди(Мт.8:5-10). Бу римлик юзбоши Раббий Исонинг ҳоқимияти қаердан эканлигини тушунар эди. Унинг ҳоқимияти Унинг Ўзи билангина чекланган эмас эди, балки Худо томонидан таъминланган эди. Мана нима учун Раббий Исо Отанинг иродасини очаётган Муқаддас Рухга Ўзини тўлиқ бўйсундирди.

Юзбоши деди: «Зеро мен ҳам ҳоқимият остидаги одамман, менинг кўл остимда ҳам аскарларим бор». Раббий Исо буни эшитиб хайрон бўлди. Ҳоқимиятни кўлга киритишнинг ягона йўли, ўзини ҳоқимият остига кириши эканлигини бу юзбоши тушунар эди. Раббий Исо ҳоқимият билан ҳаракат қилар эди, чунки Унинг Ўзи ҳоқимиятга бўйсунган эди. У Отанинг иродасини очувчи Муқаддас Рухга тўлиқ бўйсуниб яшар эди.

У деди:

«Чунки Мен Ўзимдан сўзлаган эмасман, лекин Мени юборган Отам – У нима дейишим кераклигини ва нима айтишим кераклигини Менга амр берди» (Юҳ.12:49).

Яна:

«Мен Ўз -Ўзимдан ҳеч нима қила олмайман. Қандай эшитсам, шундай ҳукм қиламан ва Менинг ҳукмим ҳақдир, чунки Ўз иродамни эмас, балки Мени юборган Отамнинг иродасини излайман»(Юҳ.5:30).

Раббий Исо Унинг ҳоқимияти Отадан келаётганини аниқ тушунтирди:

«Мен Отамда ва Отам Менда эканлигига ишонмаяпсанми? Мен сизларга айтаётган сўзларни Ўзимдан сўзламаяпман. Лекин Менда бўлган Отам, У ишларни бажармоқда» (Юҳ.14:10).

«Бунга Исо жавоб бериб деди: «Ростини, сизларга ростини айтаман, агар Ўзил Отасининг нима

қилаётганини кўрмаса, Ўз -Ўзидан ҳеч нарса қила олмайди. Чунки Ота нима қилса, Ўғил ҳам шуни қилади» (Юҳ. 5:19).

Ёдда тутинг, Раббий Исо Худонинг Ўғли бўлса ҳам, У Муқаддас Рухга тўлган оддий одам каби яшади. У ихтиёрий равишда Ўзини барча илоҳий имтиёзларидан маҳрум қилди. Лекин У одамларни ҳайратга соладиган ҳокимият билан буюрар эди. Чунки У фақатгина Худонинг Рухининг бошқаруви остида сўзлар ва ҳаракат қилар эди. У ҳеч қачон журъатсизлик қилмас эди, чунки Худони кўрқитишнинг ёки уялтиришнинг иложи йўқ. Худо қадар кучли, қудратли ва билувчи шахс йўқдир!

Ҳатто фарзийлар ўзларининг айёрона диний саволлари билан Уни кўрқитишга ҳаракат қилганларида ҳам Раббий Исо Ўз ҳокимиятида турар эди. Улар Уни Ўз сўзидан тутмоқчи бўлар эдилар. Лекин уларнинг тузоқлари нақадар маҳоратли бўлмасин, Раббий Исо доимо Муқаддас Рух бошқарувида жавоб берар ва ҳар қандай кўрқитишни парчалаб ташлар эди. У уларни Ўз донолиги билан боши берк кўчага киритиб қўяр ва ахийри, ҳафсалалари пир бўлиб, улар Уни хижолат қилиш ниятларидан кечар эдилар.

«Бунга ҳеч ким Унга бир сўз жавоб бера олмади. Шу кундан бошлаб, ҳеч ким Ундан яна бирор нарса-ни сўрашга журъат эта олмади» (Мт. 22:46).

«МЕНИ ОТАМ ЮБОРГАНИ КАБИ...»

Энди эса ажойиб янгиликлар: «Мени Отам юборгани каби Мен ҳам сизларни юбораяпман»(Юҳ,20:21). Бизлар Раббий Исо каби яшашимиз, сўзлашимиз ва ҳаракат қилишимиз лозим. Шунинг учун У бизларни руҳлантиради: «Шунда: «Нима деб жавоб бераман»,- деб олдиндан қайғурмасликни юрагингизга солинлар. Чунки Мен сизларга шундай оғиз ва донолик бераманки, сизларга қарши чиққанлардан бирортаси ҳам уни инкор этиб, қарши чиқа олмайди» (Лқ. 21:14-15).

Баъзилар ҳокимият билан сўзламасликлари, таълим бермасликлари ва воизлик қилмасликларининг сабаби шуки - улар Муқаддас Ёзувнинг оятларини ёдлаб олишган ва уни, Ёзувни ўз ақлий тушунчалари билан тенглаштирадилар. Улар Худо ҳозир нима деяётгани ва қилаётганини эмас, балки олдин нима дегани ва нима қилганини сўзлаб берадилар! Фақатгина Худонинг Рухининг илҳоми остида бизлар ҳокимият билан сўзлай оламиз.

Чунки *Худонинг* Ўзи: «Мен Сени тарк этмайман ва ташлаб кетмайман», - деган. Шунинг учун биз жасорат билан айта оламиз:

*«Раббий менинг ёрдамчимдир, мен қўрқмайман.
Инсон менга нима қилар экан?» (Ибр.13:5-6).*

Бу оятларга яна бир бора диққат билан қаранг. Худо ҳозир нима деяётганини билганимизда, бизлар дадил ва ҳокимият билан ҳаракат қила оламиз! Худо ишонтирадики, У нима деяётгани маълум бўлганида ва У доимо бизлар билан бирга эканлигига бизлар ишонганимизда, бизлар дадил: «Одам менга нима қила олади?» дея оламиз. Агар бизлар шундай комил ишонч билан яшасак, бизларни қўрқитишнинг иложи йўқ!

ЗАМОНАВИЙ ФАРЗИЙЛАР

Шундай бўлдики, мен замонавий фарзийлар деб аталадиганлар билан, яъни Муқаддас Рухга эга бўлмаганлар билан учрашиб қолдим. Улар: «Бизлар номаълум тилларда гапираемиз», - дейишлари мумкин, лекин барибир уларда Худонинг Рухи йўқ! Шу билан бирга, улар оятларнинг ёзилган жойини бошқа кўпчиликдан кўра тезроқ топиб, айтиб беришлари мумкин.

Бу одамлар менга воизлик қилган ёки ёзган нарсаларим ҳақида саволлар билан ҳужум қилар эдилар. Мен бирор нарсани ўрганиш учун ёки шунчаки тушунмаганларидан савол берадиганларни назарда тутмаяпман. Менга бундай саволлар

ёқади. Мен ҳозир ҳамма нарсани ўз рухий ўлчови билан ўлчайдиган ва унинг таълимот чегараларига сигмайдиган ҳамма нарсани рад қиладиганлар ҳақида сўзляяпман.

Мен шуни пайқадимки, бундай суҳбат икки йўналишдан бориши мумкин. Биринчидан, мени Муқаддас Ёзув бўйича ақлий баҳсга тортишлари мумкин. Натижада, мен ўзимни тўлиқ толиққан ҳис қиламан, асосан, агар суҳбатдошлар баҳс юритилаётган савол бўйича Ёзув оятларининг билимдони бўлсалар. Улар баланд келадилар, мен эса хижолат бўлиб қоламан. Мен аллақачон бундай воқеаларга аралашиб қолмасликни ўргандим!

Жавоб беришнинг бошқа усули бор: Муқаддас Рухга қараш ва У сизнинг юрагингизга нима деяётган бўлса, шуни айтиш керак. Шунда Худонинг донолиги олдинга чиқади, рақибларнинг далилларидан эса из ҳам қолмайди. Худонинг донолиги доим Ёзувдан келади, аммо Муқаддас Рух унга ҳаёт нафасини ато қилади.

Бир неча йил олдин мен бир хизматчи билан тайёрада бирга учган эдик. Бизлар яҳудий аёлни учратиб қолдик. У ажойиб шахс эди ва ўз ўткир фикрлилигини намоён қилар эди. Гап Раббий Исо ҳақида кетди. Бизлар Раббий Исонинг Масих эканлигини исботлашга ҳаракат қилиб, турли хил тасдиқловларни ёғдирар эдик. У эса аксинча, Раббий Исонинг барча Ўзи ҳақидаги даъволари ёлғон эканлигини исботлашга ҳаракат қилар эди.

Бирданига мен нима содир бўлаётганини тушундим. Мен мазкур ақлий баҳс ҳеч нимага олиб келмаслигини тушундим. Мен Муқаддас Рухнинг бошқарувини излаб гўёки ўз ичимга назар ташладим ва У нима дейишим кераклигини очди. Мен унга қарадим ва Худо менга айтган сўзлар билан ўртоқлашдим. Мен шундай қилганимда, менинг овозим ўзгарди ва менинг сўзларим ҳокимият билан чиқди. У буни эшитгани заҳоти унинг кўзлари катталашди ва у жим бўлди. Бизнинг барча баҳсларимиз унга ёрдам бермади. Аммо Раббийдан Сўз келганида, бу тезда ҳосил келтирди.

Бизлар тайёрадан тушдик ва бирга учган хизматчи

деди: «Жон. Сен бу сўзларни айтганингда мен Худонинг хузурини ҳис қилдим. Унинг ҳеч нима дея олмай қолганини пайқадингми?» Ёзувни ақлий билишга асосланган беҳосил баҳсларга берилманг. Бунинг ўрнига, Муқаддас Рух сизни руҳий доноликка етаклашига рухсат беринг:

«Биз буни инсоний доноликдан ўрганган сўзлар билан эмас, балки Муқаддас Рух ўргатган сўзлар билан воизлик қилиб, руҳий нарсаларни руҳий нарсалар билан таққослаймиз.

Лекин руҳий одам ҳамма нарса ҳақида муҳокама қила олади, унинг ўзи ҳақида эса ҳеч ким муҳокама қила олмайди. Зеро Раббийнинг онгини ким англаб олибдики, Унга таълим берса? Биз эса Масиҳнинг онгига эгамиз» (1 Кор. 2:13,15-16).

Масиҳ онгига эга одамни ҳукм қилишнинг ёки қўрқитишнинг иложи йўқдир! Мен агар Худонинг Рухига мурожаат қилмасам журъатсизланиб қолишим мумкин бўлган сон-саноксиз даражада кўп ҳолатларни айтиб беришим мумкин.

Бизларга Раббий Исо яшаганидек яшаш маслаҳат берилган (1Юх.2:6). Раббий Исо фақатгина Муқаддас Рух қилаётганини кўрган ишларнигина қилган. Агар бизлар ҳам худди шундай қилсак, бизнинг ҳам соғлом онгимиз бўлади, ҳам журъатсизлик ҳамда бировлар назорат қилишини енгиб ўтиш учун ҳам жасоратимиз бўлади.

РАББИЙ, МЕН НИМА ҚИЛАЙ?

Бизлар кўпинча бизларни фалажлаб кўядиган вазиятларга тушиб қоламиз. Агар бизда Масиҳнинг онги бўлмаса, Худо бизнинг олдимизда қўйган вазифаларни бажаришга тўлиқ лаёқатсиз бўлиб чиқамиз. Мен Мексикада шундай вазиятлардан бирига дуч келдим.

Мени Монтерейга, шаҳардаги катта хушхабарчиликка таклиф қилишди. Мен фақатгина бир оқшомга таклиф қилинган

эдим ва ўз йўлкирамни ўзим тўлаган эдим. Мен ярим кунни ибодат қилиб ўтказдим. Ибодат вақтида, йиғин бўлиши лозим бўлган бино устида қора булут кўрдим. Мен Раббийдан бунинг нима эканини сўрадим ва У шундай деб тушунтирди: «Жон, бу - бугунги йиғин билан курашаётган зулмат. Ибодат қилишда давом эт».

Кучли мойланиш тушиб, мени ибодатга қувватлади. Ўттиз дақиқадан сўнг мен яна ниманидир кўрдим. Бино тоmidан чакмоқ учкуни тўғри қора булутни урди. Мен Раббийдан бу нимани билдиришини сўрадим. У менинг руҳимга: «Бу менинг тўхтатиб бўлмас шуҳратимдир, у бугунги йиғинга келмоқда», - деди. Мен бундан завқ-шавққа тўлдим.

Йиғин кечкурун бга белгиланган эди. Бизлар озроқ муддат олдинроқ келдик ва бизларни ҳокимият аъзолари йиғинни уюштирган чўпонни кўрмоқчи эканликлари ҳақидаги хабар қарши олди. Ҳокимият аъзолари форма кийган икки зобит ҳамроҳлигида келган эдилар. Чўпон ва мен уларнинг олдиларига бордик. Ҳокимият аъзоларидан бири маълум вақт чўпон билан испан тилида суҳбатлашди, сўнг мандан инглиз тилида: «Сиз испан тилида гапира оласизми?» - деб сўради.

«Йўк, жаноб», - деб жавоб бердим мен.

Шунда у менга: «Бугун сиз бу оломонга саёҳатчи сайёҳнинг қандайдир ҳикояларидан ташқари ҳеч нима дея олмайсиз!» - деб буйруқ берди.

Сўнгра у чўпонга ўгирилиб, у билан суҳбатлашди. Мен чўпонни кузатиб турар эдим. У умуман қувончсиз кўринар эди. Аслида, у хатто кўркиб қолган кўринар эди.

Ҳокимият аъзоси сўзини тугатиб, ҳарбийлар ҳамроҳлигида кетди. Чўпон мени бир четга тортиб, деди: «Жон, бу одам ҳокимият аъзоси, у сен воизлик қилишинг мумкин эмаслигини айтди. Мексика қонунларига кўра, агар сен бу давлатнинг фуқароси бўлмасанг, сен махсус руҳсатсиз воизлик қила олмайсан. Одатда, бу қонунни қўллашмайди, - давом этди чўпон, - лекин кўриниб турибдики, бу йигитга сенинг бу ердалигинг ёқмади ва у шу қонундан фойдаланишга қарор қилди. Яна

у сени душанба куни соат 9.00да ўз ишхонасида кўрмоқчи эканлигини айтди».

Мен ўз кулоқларимга ишонмас эдим. Мен шу лаҳзанинг ўзида чўпонга: «Кулоқ сол, мен шунча йўлдан воизлик қилмаслик учун келган эмасман. Агар сен фақат мен учун хавотир олаётган бўлсанг, менга воизлик қилишга рухсат бер», - дедим.

Чўпон эса: «Жон, бу менинг жамоатимга ҳам таъсир қилиши мумкин. Кўплаб муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бу энг тепадаги бошлиқ. Сенинг воизлик қилмаслигинг маъқулроқ», - деди. Чўпон кўрқди, журъатсизланиб қолди ва менинг ибодат қилишдан бошқа қиладиган ишим қолмади, чунки йигин унинг кўлида эди.

Мен бинодан чиқдим. Бу Монтеррейнинг қоқ марказидаги спорт комплекси эди. Бино олдида байроқ ўрнатиладиган тик хода бор эди ва мен унинг атрофида юра бошладим. Мен бугунги хизматда намоён бўладиган шуҳратни Худо менга кўрсатганини билар эдим. Мен Худо менга бу ерга келишимни буюрганини билар эдим. Аммо мен ҳозир нима қилишим кераклигини билмас эдим. Менинг бошимда фикрларим юз томонга югурар эди: «Балки бу бошлиқ ҳақиқатдан ҳам Худо мени бажариш учун юборган ишни бажаришимга тўсқинлик қилар?» Шунда мен шундай ўйлай бошладим: «Бу одам Худо менга ибодатда кўрсатган нарсани тўхтата олмайди». Аммо ички жанг давом этар эди: «Нима қилсам экан?»

Шунда мен дедим: «Ота, мен нима қилишим кераклигини билмайман, лекин Сен учун бу қутилмаган воқеа эмас. Сен нима бўлишини олдиндан билган эдинг. Шунинг учун менга мазкур вазиятга нисбатан Сенинг донолигинг ва маслаҳатинг керак». Мен руҳда ибодат қила бошладим ва менинг онгимга бир оят келди:

*«Инсоннинг юрагидаги ниятлари – чуқур сувлардир,
аммо ақлли одам уларни сузиб олади» (Ҳик.20:5).*

Раббий Исо айтганки, имонлиларнинг юрагидан тирик сув дарёлари оқиб чиқади (Юх.7:38). Мен Раббийнинг маслаҳатига

мухтож эдим. Менга Масихнинг онги керак эди. Номаълум тилларда ибодат қилиш унинг намоён бўлишига ёрдам беради.

Мен бир неча дақиқа ибодат қилдим, менинг онгим жимжит эди, лекин мен Худодан яна нимадир эшитишни истар эдим. Бирданига, гўёки бир фикр менинг юрагимдан отилди: «Бу одамларга Мексикага ташриф буюрганлар ичида энг буюк Сайёҳ ҳақида сўзлаб бергин!»

Мен баланд ҳайқирдим: «Бу айнан керакли нарса! У одам менга сайёҳлик мавзуида нимадир дейишим мумкинлигини айтди. Мен уларга Мексикага ташриф буюрган энг буюк сайёҳ ҳақида - Исо Масих ҳақида сўзлаб бераман!» Мени қувонч тўлдирди ва мен қаҳ-қаҳлаб кула бошладим.

Мен бинога қайтдим. Менинг бахтимга Худо аллақачон чўпон билан суҳбатлашибди. Чўпон: «Худо менга сўзлади ва У сенга нима деган бўлса шуни қилишинг кераклигини айтди», - деди.

Мен йиғинни қуйидаги сўзлар билан бошладим: «Менга сизларга фақатгина сайёҳлик мавзуида сўзлаш буюрилган, шунинг учун мен бугун сизларга Мексикага ташриф буюрганлар орасида энг буюк Сайёҳ ҳақида сўзлаб бермоқчиман».

Чамаси бир соатлар мен Исо Масих ҳақида Раббий ва Нажоткор сифатида воизлик қилдим. Исо Масихни ўз Раббийси қилиб қабул қилиш ҳақидаги даъватга баъзилар жавоб бердилар. Улар орасида бир мажруҳ одам бор эди. Исо Масихни қабул қилиш ибодатидан сўнг Раббий менга: «Мана бу кишини мен биринчи навбатда шифоламоқчиман», - деди.

Мен унга қараб дедим: «Жаноб, Худонинг Руҳи сизни шифоламоқчи эканлигини айтаяпти». Мен унга қўлимни қўйиб ибодат қилдим. Сўнгра, мен унинг қўлидан тутдим ва бизлар юра бошладик. Бошида у эҳтиёткорлик билан қадам ташлади. Кейин тобора тез ҳаракат қила бошлади. Тез орада, у дадил юра бошлади, кейин эса бизлар бирга югурдик. Кейин мен унинг қўлини қўйиб юбордим ва унинг ўзи югуриб кетди.

Оломон ҳайқирад эди. Турли хил касалликлари ва

заифликлари бўлган одамлар олдинга қараб югурдилар. Шундай тўс -тўполонда мен таржимонимни йўқотиб қўйдим. Бир неча юз одам сахнада шовуллар эди. Кўплар шифо топган эдилар, улар қаторида бир қулоғи тўлик, иккинчи қулоғи қисман қар бўлган аёл ҳам бор эди. У шундай йиғлар эдики, унинг қўйлаги кўз ёшларидан ҳўл бўлиб қолган эди. Бу ажойиб эди!

У бошлиқ, агар мен воизлик қилмоқчи бўлсам мени ҳибсга олиш учун йиғинга икки одамни юборган экан, мен бу ҳақида ҳеч нарса билмас эдим. Улар айнан мен мажруҳ одам учун ибодат қилаётганимда келишди. Хизматда тартиб сақлашга масъул хизматчи уларни уялтирди ва бир миршаб иккинчисига: «Келгин, олдин нима қилишини кўрайлик, кейин эса ҳибсга оламиз», деганини эшитдим.

Улар мажруҳ одамнинг шифоланганини кўрганларида, бири бошқасидан: «Нима деб ўйлайсан? Бу ҳақиқатдан содир бўлдим?»-деб сўради. Улар яқинроқ келиб, Худо нималар қилаётганини кузата бошладилар.

Қар аёлнинг шифо топганини ва йиғлаб юборганини кўриб, биринчиси: «Менимча, бу ҳақиқатдан содир бўлаяпти»,- деди.

Сўнгра беш ёшли бола Худонинг кучи остида ерга қулади. Улар буни кўриб: «Ҳа, бу ҳақиқатдан ҳам содир бўлаётган иш», - деб иккаловлари ҳам тан бердилар. Иккаловлари ҳам, мени ҳибсга олиш учун юборилган бўлсаларда, ибодат қилиш учун олдинга чиқдилар. Ҳаллилуя!

Эртаси куни мен давлатдан чиқиб кетдим ва ўша бошлиқ билан учрашиш учун ўзимни оввора қилиб ўтирмадим. Бир ҳафтадан сўнг мексикалик чўпон Америкага келди ва Монтеррейда чиқариладиган рўзномадан олиб келди. У биринчи саҳифадаги бизларнинг йиғинимиз ҳақидаги мақолани ўқиб берди.

Мақолада ҳокимият аъзолари мени фирибгар деб эълон қилганлари ва мени фақат пулни истайди деганлари ёзилган эди. (Муқаддас Рух менга бу давлатдан бирор тийин олмасликни, аксинча, ўз маблағимдан сарфлашим кераклигини айтган эди. Бу мақолани ўқиб, нима учун Муқаддас Рух бундай деганини

УРЪАТСИЗЛИКНИ ЕНГИБ

тушундим). Аммо рўзномада, кейинги сатрларда унинг мухбирлари одамлар шифоланганларини шахсан кўрганлари ёзилган эди. Худога шарафлар бўлсин!

Ҳокимият аъзолари мени ўз таҳдидлари билан тўхтатмоқчи бўлишди. Агар чўпон ва мен бизларни бошқаришларига йўл қўйганимизда, Худонинг инъоми ҳаракатсиз қолган бўлар эди. Ўша куни ҳеч ким шифо топмас ва ҳеч қандай дуо -баракат олмас эди. Лекин Худонинг Руҳи берган сўз менга қарши кўтарилган журъатсизлик ва ҳафсаласи пирликдан ёриб ўтиш учун дадиллик берди. Соғлом онгнинг кучи айнан шундайдир.

ОЛДИНГА ИНТИЛИШ

Одамларга арзимас туюладиган нарсани - Худо иложсиз нарсани кўрсатиш учун ишлатади. Нехемиах Исроил халқининг куликда бўлган вақтида яшаган яҳудий эди. Бундан бир неча йил олдин бобилликлар Иерусалимга келиб, уни тўлиқ вайрон қилган эдилар. Унинг кўплаб аҳолисини улар ўлдирдилар ёки асир олиб кетдилар. Иерусалимнинг деворлари ёндирилган ва барбод қилинган эди, шаҳар вайроналар ичра ётар эди.

Худо Нехемиахнинг юрагига Иерусалимга қайтиш, шаҳарнинг ўзини ва унинг деворларини қуриш истагини солди. Нехемиах бегона юртлик подшоҳга содиқ хизмат қилган ва унинг илтифотига сазовор бўлган эди. Подшоҳ уни кетиш ва Худо руҳлантирган юрак истагини бажаришга рухсат билан тақдирлади. Нехемиах зудлик билан Иерусалимга борди, Исроилнинг қолдиғини йиғди ва душман барбод қилган жойларни қайта тиклашга даъват қилди.

Лекин улар кучли қаршиликка дуч келишларига тўғри келди. Учта маҳаллий бошлик: Санабаллат, Тобия ва Гешем деворлар қайта тикланишини истамас эдилар. Улар Исроилнинг гуллаб - яшнашига қаршилиқ қилар ва Нехемиах ҳамда халқнинг қолдиғини ишдан тўхтатишга ҳаракат қилар эдилар. Уларни кўрқитиш учун ҳар хил ҳийлалар қўллар эдилар.

Бу бошлиқлар Нехемиахнинг режалари ҳақида илк бора

эшитганларида, «унинг устидан кулдилар ва уни масхара қилиб гапирдилар» (Нехем.2:19). Улар Нехемиах ва унинг одамларини нафақат доводиратиб қўйишга ҳаракат қилар, балки уларни халқнинг нигоҳида аҳмоқдек кўрсатишга уринар эдилар. Улар мазах қилар ва таҳқирловчи сўзлар айтар эдилар:

«Майли, ҳураверишсин. Агар тулки деворнинг устига чиқса, уларнинг тош деворини бузиб ташлайди» (Нехем .4:3).

Кўпинча одамлар кулиб ва сиз қилаётган ишни кўрсатиб сизни хижолат қилишга ва қўрқитишга ҳаракат қилишади. Худо сизнинг юрагингизга солган нарсани сиз бажара олишга кодир эканлигингизни улар масхара қилишлари ва бундан шубҳаланишлари мумкин. Улар буни рўйи - рост юзингизга айтишлари ёки бу ҳақидаги гапларни ва пичингларни бошқалар орасида тарқатишлари мумкин. Ёки, балки сизга одам ёки одамлар гуруҳи қарши чиқмайди, сиз: «Одамлар нима дейди? Улар менинг устимдан кулишадими? Мен муваффақиятсизликка учрайманми?» деган фикрларга ўхшаш сўзлар билан хужум қилаётган ўз онгингиз билан курашасиз.

Бундай вазиятда, Худо сизга нима қилишни буюрганини билиш ва «Худо доноларни шарманда қилиш учун бу дунёда ақлсиз бўлганларни танлаган» эканлигини ёдга олиш лозим (1Кор. 1:27). Одам учун арзимас туюлган нарсаларни Худо иложсиз ишларни қилиш учун ишлатади. Шунда бор шараф Унга тегишли бўлади!

Нехемиах Раббийнинг онгини тушуна олишидан олдин рўза тутиб, ибодат қилди. Сўнгра душманнинг хужумларига дадил қарши тура олди:

«Осмондаги Худо бизга муваффақият беради ва биз, Унинг қуллари қуришни бошлаймиз. Сизларга эса Иерусалимда улуш ҳам, ҳуқуқ ҳам, хотира ҳам йўқ!» (Нехем. 2:20).

Нехемиахни тўхтатишнинг иложи йўқлигини ва исроилликлар ўз ишларида муваффақиятли эканликларини тушуниб, душманлари қаҳрга тўлдилар. Улар энди кулмас эдилар, чунки ишнинг ҳолати улар учун кулгили эмас эди. Шунда улар шаҳарга ҳужум қилиб бор лойиҳани барбод қилмоқчи бўлдилар (Нехем. 4:78).

Ғазаб - кўрқитиш учун қўлланадиган яна бир қуролдир. У сизни тўхтатиш ёки тутиб туриш мақсадида қўлланиши мумкин. Бундай кўринишдаги ғазаб кўпол ёки аксинча, нозик, маҳоратли таҳдидларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳужум – кўрқитишнинг жуда маҳсулдор усули ҳисобланади. Мен кўплаб марта, одамларнинг бошқаларнинг ғазабидан кўрқиб ўзлари тўғри эканлигини билган ва қилишлари керак бўлган ишни қилишдан воз кечганларини кузатганман. Улар юзаки тинчликни сақлаб қолиш учун шундай махсус мурасага борар эдилар.

ИЧКАРИДАН ВА ТАШҚАРИДАН КЕЛАДИГАН БОСИМ

Нехемиахга нафақат бегона худосизларнинг ҳужумига дуч келишга тўғри келди, балки ўз одамлари орасида ҳам муаммо пайдо бўлди. Бу улар тўқнашаётган вазиятларга оид эди. Кўпинча, Худо бизларни даъват қилганида, бизлар ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан қаршиликка дуч келамиз.

Нехемиахнинг одамлари шунчаки ҳолдан тойдилар. Улар шу қадар кўп ахлатни чиқариб ташлашлари керак эдики, бу уларнинг ишлари унумига халақит берар эди (Нехем. 4:10). Яна битта муаммо бор эди. Бой ишчилар қарздор бўлган оилаларга моддий босим ўтказар эдилар. Бойлар қарз ўрнига камбағаллар ишлаётган ерларини беришларини талаб қилар эдилар (Нехем. 5:1-8). Бу оиласи азоб тортаётган ишчиларни дадилликдан маҳрум қилар эди. Бу ички муаммолар душманнинг зўравонлигига ва

гангитишига қарши туришга ташқи муаммолардан кўра кўпроқ халақит берар эди.

ҲАММА ЙЎНАЛИШДАГИ ҚЎРҚИТИШ

Мен шундай вазиятларни бошимдан кечирганман. Мен сафарларга чиқа бошлаганимнинг илк даврида, чўпонини йўқотган бир жамоатга ёрдам беришни мендан илтимос қилишди. Жамоатаҳолиси саккизюзкишиданиборат жажжигина шаҳарчада жойлашган эди. Бу йўқотилган ва ҳеч кимга маълум бўлмаган шаҳарча эди. Иккита йиғиндан сўнг барча ўсмирлар тавба қилишди ва Худонинг кучини ҳис қилишди. Кўплаб катта одамлар билан ҳам шу нарса содир бўлди. Худонинг қилаётган ишлари туфайли жамоатга қатновчилар сони ошди ва юзларга етди. Мен ва менинг хотиним бу одамларга нисбатан шу қадар ҳамдардлик ҳис қилар эдикки, ўзимизнинг кейинги олти хизматимизни бекор қилдик ва бу жамоатнинг кучли пойдеворини ўрнатиш ҳамда уни кейинги чўпонга тайёрлаш учун шу ерда қолишга қарор қилдик.

Аммо жамоат кенгашидаги баъзи одамларга мен воизлик қилаётган нарсалар ёқмади. Улардан бири, менинг учинчи хизматимга келганида, у ва хотини ўтиришга одатланган биринчи икки қаторда ўсмирлар ўтирганидан ғазабланди. Илгари ўсмир йигитлар ва қизлар жамоатда энг охирги қаторларда ўтирган эканлар.

Бошқалар менинг воизликларимни жуда кучли ҳисоблашди. Буларнинг сабаби шундан иборат эдики, жамоат кенгаши аъзолари мени бошқаришни истар эдилар. Улар жамоатда ҳамма нарса уларнинг истакларига кўра содир бўлишини истар эдилар. Бир неча йиғиндан сўнг, мен ахийри дедим: «Қолган олти ҳафта мобайнида мен ҳокимиятни ўз қўлимга оламан, кейин эса буни сизнинг янги чўпонингиз қилади. Бу фақат шу йўсинда бўлиши мумкин. Ўзларинг ҳал қилинглари».

Улар ўз қарорларини менга маълум қилишлари керак бўлган кунда, менга наркотик моддалар савдоси билан шуғулланадиган маҳаллий савдогар кўнғироқ қилди. Унинг хотини менинг йиғинларимга келган эди. У шу савдогарга унинг яқин дўсти билан зино қилганини эътироф этибди. У бор ғазабини менга ва жамоатга сочишга қарор қилибди ва мени шу оқшом муаммолар билан таъминлашини менга маълум қилди.

Мен унинг таҳдидларига унча аҳамият бермадим. Икки соатдан сўнг, кенгаш аъзоларидан бири бизларни қўллаб-қувватловчи киши бу йигит унга ҳам кўнғироқ қилганини ва жамоатга йиғин вақтида бомба қўйишини айтиб таҳдид қилганини айтди. Мен унга: «Полицияга кўнғироқ қилинг ва улардан бу бомбани топишларини илтимос қилинг»,-деб жавоб бердим.

Яна икки соатдан сўнг менга полиция бошқармасидан кўнғироқ қилишди. Полициячи: «Жаноб Бивер, илтимос, бошқармага келиб қоғозларга қўл қўйинг, шунда бизлар у йигитни ҳибсга олиш ҳақида буйруқ бера оламиз»,-деди.

Мен:

«Мен уни ҳибсга олишингизни истамайман. У азоб чекмоқда. Мен сиздан илтимос қилаётган биргина нарса - бугун оқшомга бино атропофида кичик ҳимоя»,-деб жавоб бердим.

У:

«Менинг навбатим тўртда тугайди, яқинроқ полиция бошқармаси эса бу ердан ўттиз беш миль масофа нарида. Бугун оқшом улар ҳеч кимни юбора олмайдилар»,-деди.

Мен:

«Мен барибир уни ҳибсга олишларини

истамайман», -деб жавоб бердим.

Полициячи менга савол берди: «Жаноб Бивер. Қачондан буён бу шаҳарда яшаяпсиз?»

Мен унга:

«Мен бу ерда умуман яшамайман», -деб жавоб бердим.

Полициячи давом этди:

«Жаноб Бивер. Мен бу одамни биламан. Бу ерларда у ёмон ном чиқарган. Ундан наркотик моддалар савдоси билан шуғулланишида шубҳаланишади. Яна у ичиб олса, мен ҳеч нима учун жавоб бермайман!»

Мен ўз қулоқларимга ишонмас эдим. Полиция бу одам хавфли эканлигини айтмоқда ва мен бунинг ҳақиқатдан шундай эканлигини тушундим. Лекин барибир мен ҳануз уни хибсга олиш учун қоғозларга қўл қўйишим кераклигини ҳис қилмас эдим. Шунинг учун мен рад қилдим ва полициячига миннатдорчилик изҳор қилдим.

Лекин мен нафақат у йигитнинг таҳдидларини ҳал қилишим, балки жамоат кенгаши билан ҳам масалани ҳал қилишим керак эди. Мен: «Бу шунчаки кулгили. Жамоат кенгаши менга муаммолар туғдирмоқда. Улар менинг бу ерда қолишимни исташмайди. Яна менга ва менинг оиламга қандайдир ақлдан озган одам таҳдид қиляпти», - деб ўйладим.

Мен бор вужудим билан оёғимнинг чангини қоқиб, оиламни ҳали қуёш ботмасидан бу шаҳарчадан олиб кетишга ташна эдим. Агар Худо мени юборганини билмаганимда, оилам учун кетган бўлар эдим. Аммо юрагим уч сабабга кўра кетишга рухсат бермади: Биринчидан, мени Худо юборди ва мен Унинг қайтиб кетишим кераклигини айтганини эшитмадим.

Иккинчидан, Худо аллақачон таъсир қилган бу барча

одамларни ташлаб кетишни истамас эдим.

Ва учинчидан, агар журъатсизланиб қочиб қолсанг, иккинчи сафар қочиш янада осонроқ бўлади.

Мен Раббийнинг истагини билар эдим ва агар буни жамоат кенгаши маъқулласа қолишга қарор қилдим. Мен куни билан ибодат қилдим. Бу мен ҳаётимда ҳис қилган энг кучли ибодат эди. Худонинг инъоми менда мустаҳкамланди. Мен оқшомги хизматга тайёр эдим.

Лекин жамоатга борганимда қола олмаслигимни билдим. Жамоат кенгаши йиғиндан олдин тўпланган экан. Хизматчилардан бири менга ҳамма менинг кетишим учун овоз берганини айтди. Ўша оқшомги йиғин охиригиси бўлиши керак эди.

Менинг кайфиятим бузилди, лекин мен фикримни Раббий шу оқшом нима қилмоқчи эканлигига қаратишга қарор қилдим. Мен кучли воизлик қилдим, Худонинг кучи эса шундай куйилдики, одамлар ерга куладилар. Кўплаб Раббийдан қайтганлар ҳаётларини қайтадан Унга топширдилар. Менга таҳдид қилган одам эса шунчаки келмади. Йиғин охирида, жамоат кенгаши менинг қолишимни истамаётганлигини айтдим. Одамлар томонидан норозилик овозлари кела бошлади. Мен жамоатнинг бўлинишини истамас эдим, шунинг учун кетишим борасида юрагимда тинчлик бор эди.

Бир ҳафтадан сўнг жамоат кенгаши аъзолари чўпон танлашди, лекин кейинроқ маълум бўлишича, бу одам гомосексуалист экан. Бир неча йил ичида уларда чўпон тўрт бора алмашди. У жамоатнинг кенгаши аъзолари орасида ҳаракат қилаётган журъатсизлик ва кўрқитиш руҳи жамоатда жиддий муаммоларга олиб келди.

КУЧЛИ ВА МАҚСАДГА ИНТИЛУВЧАНЛИК ҲОЛИНГИЗДА ҚОЛИНГ

Неҳемиаҳ ўз одамлари орасида ички баҳсни ҳал қилиши биланок, кўрқитишнинг кейинги босқичи бошланди: «Санбаллат ва Гешем менга шундай мактуб жўнатдилар: «Келгин, Ўно водийсидаги Кефиримда учрашайлик». Улар менга ёмонлик қилишни режалаштирган эдилар. Лекин мен уларга:

«Мен катта иш билан бандман, шунинг учун тушиб бора олмайман. Агар мен ишни қолдириб, сизларнинг олдингизга тушсам, унда бу иш тўхтаб қолади», - деб айтишни буюриб элчиларни юбордим. Улар бу таклифни менга тўрт мартаба юбордилар ва мен уларга худди шундай жавоб беравердим» (Неҳем. 6:2-4).

Санбаллат ва Гешем Неҳемиаҳни ишдан қолдириш учун талабларида қатъий турар эдилар. Лекин Неҳемиаҳ матонат билан турар эди. У диққатини Худо унга буюрган ишга қаратган эди. У вазифани бажаришига халақит беришларини истамас эди.

Бизлар ўз ишимизда муваффақиятсиз бўлишимиз учун душман бизларни четга суриб қўйишни истайди. Шайтон буни бир неча марта қилишга ҳаракат қилади. У қатъиятли. Биз ўз қарорларимизда у ўз қарорларида кучли бўлганидан кўра кучлироқ бўлишимиз керак. Шунинг учун Муқаддас Ёзувда бизлар унга «мустаҳкам имонимиз билан қарши туришимиз» кераклиги айтилган(1Пет.5:9). «Мустаҳкам» дегани - «кучли, қаттиқ ва тебранмас»ни билдиради. Жуда кўп одамлар, тўлиқ ғалаба қозонилганича тебранмас бўлиб туриш ўрнига душманнинг бир неча зарбаларидан сўнг енгилдилар.

Санбаллат Неҳемиаҳнинг олдига ўз хизматкорини бешинчи марта юборди. Бу дафъа уни исёнда ва ўзини Яхудия подшоҳидан

устун қўйишда айбловчи хат билан юборган эди(Нехем.6:5-7).
Бу сурбетона ёлғон эди.

Барибир Нехемиах тўхтамади. У тухматларга эътибор бериш учун жуда банд эди. Кўпинча бизларни кўркитишга ҳаракат қилаётган душманимиз билан муносабатларимизни тўғрилашга ҳаракат қилиб йўлимиздан адашамиз.

Мен одамларга қараб, уларга: «Нима учун бу одамнинг ёлғон гапи Худо сизни даъват қилган ишга таъсир қилишига рухсат берасиз? У сизни айблаётгани, у ҳақ дегани, ёки ҳақиқатни излапти дегани эмас! Сиз Худо сиз ҳақингизда нима деяётганини ва Унинг сизга нисбатан қандай режалари борлигини билишингиз керак. Аҳмоқона гапларга эътибор беришнинг нима кераги бор?»-дейишимга тўғри келган. Муқаддас Ёзувда айтилган:

*«Аҳмоққа унинг аҳмоқлигига кўра жавоб берма,
токи сен ҳам унга ўхшаб қолма» (Ҳик .26:4).*

Нехемиахни тўхтатмоқчи бўлган охирги одам, келиб: «Нехемиах маъбадда яшириниши керак, чунки душманлари уни ўлдирмоқчи»,- деб башорат қилган одам эди(Нехем.6:10). Агар Нехемиах ўз ишини қолдирганида эди, унинг одамлари яна-да кўпроқ заифлашган бўлар эдилар ва иш тугалланмай қолар эди.

Нехемиах: «Мендек одам қочиши мумкинми? Мендек одам маъбадга кириб тирик қолиши мумкинми? Бормайман»,- деб жавоб берди (Нехем. 6:11). Бу одамни умуман Худо юборганини Нехемиах тушунди. Тобия ва Санбаллат уни ёллаганлари учун у Нехемиахга қарши башорат қилган эди. Энди Нехемиах кейин нима деганига қаранг: «У мен кўрқишим ва унинг айтганидек қилиб гуноҳ қилишим учун ёлланган эди, токи одамлар мен ҳақимда ёмон фикрга бориб, мени таъна қилсинлар»(Нехем.6:13).

Душман сизнинг обрўйингизни тўкиши, кўркитиб, бор кучингиз билан ўзингизни ҳимоя қилишга мажбур қилиши

УРЪАТСИЗЛИКНИ ЕНГИБ

мумкин. Лекин Неҳемиахда Раббийнинг онги бор эди, шунинг учун у ҳақиқий ва тоза нарсани ёвузлик ва ёлғондан ажрата олар эди.

Неҳемиах Санбаллатнинг, Гошемнинг ва Тобиянинг режаларини фош қилди:

«Чунки уларнинг барчаси: «Бу меҳнатдан уларнинг қўллари бўшашади ва бу иш амалга ошмайди», - деб ўйлаб, бизларни қўрқитар эдилар. Энди, ё, Худойим, қўлларимни янада мустаҳкамлагин!» (Неҳем .6:9).

Яна бизлар қўрқитишнинг мақсадини кўрамиз: бизларни заифлаштириш, Худонинг иродасини бажаришга ва бизларни саросимага солаётганга қарши туришга лаёқатсиз қилиш. Агар бизлар қаттиқ турмасак, унда душманнинг ўлжасига айланамиз.

Бизлар шайтоннинг майдонига кирганимизда, бизларни журъатсиз бўлишга мажбур қилиш учун у турли усулларни ишлатади. У буни бир марта амалга ошириб, шу билан тинчимайди. Агар шайтон бизларни тўхтата олса, тутиб тура олса ёки заифлаштира олса - унда у Худонинг Шоҳлигини олдинга ҳаракат қилишидан ушлаб қолади.

Неҳемиах ва унинг одамлари деворни қуришни тугатдилар. Энди шаҳар ҳимояланган эди ва қайта тикланиш йўлида эди. Бу осон эмас эди. Бу йўлнинг ҳар бир қадамида ғаройиб қаршилик кутиб турар эди. Лекин одамлар Худо нима деганини билар эдилар ва чекинишни рад қилдилар.

ҚАРШИЛИКНИ ЕНГИБ

Неҳемиахнинг қатъиятлилиги - имонлилар қандай бўлишлари кераклигининг классик намунаси:

«Мен буларга эришганим ёки аллақачон баркамол бўлганим учун бундай демаяман. Лекин Исо Масиҳ

*менга эришгани каби мен ҳам буларга эриша олар-
миканман, деб интилаяпман» (Фил. 3:12).*

Бу ердаги асосий сўз «интилаяпман». Агар Повул Мукаддас Рух билан «интилаяпман», деган бўлса, у ҳам Нехемиах каби кўпинча қаршиликни енгиб ўтишига тўғри келган. Лекин бизлар бунда тўхтаб қолмаймиз. Бизлар олға интилишимиз лозим. Повул давом этган:

*«Мен бир мақсад сари, яъни, Исо Масихдаги
Худонинг олий унвонининг соврини сари босиб
бормоқдаман» (Фил. 3:14).*

Баланд даъват ва паст даъват бордир. Баланд даъват - бу ерда самонинг мезонлари билан яшаш ва шахсий ҳаётида Худонинг Шоҳлиги ўзини намоён қилишини кўришдир. Бу баланд даъватда яшайдиган одамлар ўзларининг атрофларига таъсир қиладилар. Уларга берилган ҳокимиятда туриб, улар руҳий об-ҳавони ўзгартирадилар, эзилганлик ўрнига озодлик олиб келадилар.

Зулмат нурни енга олмайди. Нур зулматни тарқатиб юборади. Нур нақадар ёрқин бўлса, шу қадар кўп зулмат йўқолади. Бизлар худди шундай Худонинг Шоҳлиги ҳокимиятида юришимиз лозим. Шунда атрофимиздагилар унинг ҳокимияти остида бўладилар.

Раббий Исо гуноҳкорлар билан бирга овқатлана олар эди, чунки у муҳитни назорат қилар эди. Агар худосиз одам шайтонда кучли бўлганидан кўра сиз Худога кучли бўлсангиз, сиз муҳитни назорат остида тутиб тура оласиз. Агар имонли одам ҳақликда мустаҳкамланганидан кўра, гуноҳкор одам гуноҳда мустаҳкамланган бўлса, унда имонсиз одам руҳий муҳитни назорат қилади.

Баланд даъватда яшашга қарор қилганингизда сиз қаршиликка дуч келасиз: «Зотан Исо Масихда художўй яшамокчи

бўлганларнинг барчаси ҳам қувғин қилинадилар» (2 Тим. 3:12). Шунингдек, бизларга айтилган: «Худонинг Шоҳлигига кўп қайғулар орқали киришимиз керак» (Ҳав. 14:22).

Аммо кўплаб масихийлар тўхтаб қоладилар ва паст даъватда яшайдилар. Нима учун? Улар ўзларининг баланд даъватлари йўлида қаршиликка дуч келишни исташмайди. Улар вазиятни илоҳий ҳужум билан ўзгартиришнинг ўрнига, уларни ўраб турган нарсаларнинг шундайлигича қолишига рози бўладилар. Тўдадан чиқишдан - унга аралашиб кетиш осонроқдир. Қаршиликка дуч келганларида баъзилар ён берадилар ва камроқ қаршилик йўлини излайдилар.

Мен шундай ҳисоблайман: бизларнинг қаршилик қилишни истамаслигимиз- балки қисман ўзимизга енгил ва қулай ҳаётни яратишга интилишимиздан келиб чиқади. Бизлар ҳар қандай қийинчиликларни турли йўллар билан четлаб ўтишга ҳаракат қилиб, кунт билан ўз ҳаётимизни кураимиз. Мен бу билан ҳаётнинг шафқатсизлигини оқламоқчи эмасман, лекин мен шундай ҳисоблайман: бизлар Худога умид қилишдан кўра кўпроқ ўз режа ва дастурларимизга умид қиламиз.

Бизлар суғурта қилинганмиз. Агар бетоб бўлиб қолсак ҳатто олдин ибодат қилмасдан шифокорларга югураимиз. Бизнинг суғуртамыз барча харажатларни қоплашини биламиз. Бизнинг ишимиз бизни ҳар ҳафта каттагина миқдор пулли чек билан таъминлайди. Агар бизлар ишимизни йўқотсак, ишсизлик ҳолида ҳам ўзимизни яхши ҳис қиламиз: нафақалар ва ижтимоий таъминотлар бор. Агар бизларга нафақа бериш жоиз бўлмаса, кимдир биз ҳақимизда ғамхўрлик қиладиган дастурни топишимиз мумкин, балки ҳатто бизнинг ялқовлигимиз учун ҳам пул тўлашади.

Телевидение ҳам бизларни сушт ҳаёт тарзига тортади. Ўртача америкалик ҳафтасида 24соат телевизор кўради! Бизлар телекомпаниялар ва Голливуд бизнинг ўрнимизда ўйлашига рухсат берамиз. Бизларнинг ҳаёт негизларимиз уларнинг

дастурларидан қабул қиладиган маълумотларимизга кўра шаклланади.

Микротўлкинли духовкалар ва тез тайёрланадиган овқатлар ресторанлари тизими биз ҳеч қандай жон куйдирмайдиган зудлик билан тайёрланган тушликни ваъда қилади. Баъзилар хаттоки, агар овқатни биринчи 15дақиқа ичида олиб келмасалар бепул тушликка қафолат берадилар. Бизларда экспресс почта, бир соатда тозалаб берадиган химчистка, бир лахзада сурат чиқариш, машиналарни тез мойлаш ва сутка давомида дунё янгиликларини билиш имконияти бор. Булар – бизга тегишли бўлган қулайликларнинг баъзилари, холос.

Улардан кўпчилиги ажойиб. Улар бизларнинг вақтимизни ҳақиқатдан муҳим бўлган нарсаларга ажратишимиз учун имконият яратиб беришга қодир. Аммо бизлар кўпинча муҳим ишлар устунлигини нотўғри белгилаймиз. Бугунги кунларда кўплаб одамлар агар бирор нарса устидан жиддий ишлаш керак бўлса, у нарсага интилмайдилар.

Афсуски, шундай фикрлаш тарзи бизнинг ғарбий жамоатимизга кириб келди. Худонинг баланд даъватини қўлга киритиш учун жуда кам масихийлар тиришқоқ, қатъиятли хулқ-атворга эгалар. Қаршиликка дуч келганларида улар камрок қаршилик йўлига ўгириладилар. Бошида, осон муваффақиятни ваъда берувчи бу йўл яхши танловдек туюлади. Лекин бу йўл руҳий илиқлик хусусиятлари: ён бериш, лоқайдлик ва ўзини асрашга тўладир.

Раббий Исо бизларга душман тоғларини силжитиш учун уларга қарши туришни ўргатган. Бошқача қилиб айтганда: тоғингизни барбод қилинг, хатто уни бўлак –бўлак қилиб бўлиб олишга тўғри келса ҳам. Нехемиаҳга ўхшаб, Масихнинг ҳақиқий жангчилари ҳар қандай тўсқинликни имонлига иложсиз нарсанинг ўзи йўқлигига комил ишонч билан ёриб ўтадилар (Мт. 17:20). Аксинча, енгил йўлни танлаганлар қаршиликни четлаб ўтишга ҳаракат қилиб ўз тоғларини айланиб ўтадилар. Бу

дунёнинг тизими ҳавода ҳукмронлик қилувчи вазир томонидан ўрнатилган (Эф. 2:2). Самолар бу таъсир билан очиқ қарама-қаршиликдадирлар. Агар бизлар само йўлидан борсак, бизлар доимо бу дунёнинг тизими томонидан қаршиликка дуч келамиз. Бахтга қарши, бу дунёвий тизим бизнинг жамоатларимизда ҳам устунлик қилади.

Мен бундай қаршиликни тез оқар дарёда қайиқнинг оқимга қарши сузишига ўхшатган бўлар эдим. Сиз доим сувнинг босимига қарши туришингизга тўғри келади. Сизнинг эшакларингиз доим ишлаб туриши лозим, сиз тўхтовсиз эшак эшишингиз керак. Сиз бирор лаҳза тўхтаёт олмайсиз. Агар тўхтасангиз, балки, маълум вақт мобайнида инерция туфайли ҳаракатда давом этарсиз, лекин бу узоқ давом этмайди ва сизни оқим пастга оқизиб кетади. Бу имонлилар олға интилмаганларида нима содир бўлишининг манзарасидир. Улар ҳали ҳам ўзларини масиҳий қилиб кўрсатадилар, аслида эса орқага, дунёга қулай бошлайдилар. Улар диндор бўлиб қоладилар, куч ва маҳсулдорликни йўқотадилар. Агар Раббий Исонинг сўзлари билан таърифласак, «ҳеч нарсага ярамайдиган» бўлиб қоладилар (Мт. 5:13).

КУЧЛИ БЎЛ!

Тимўтийни Худонинг инъомини алангалатишга руҳлантириб, Повул шу ернинг ўзида қўшиб қўйди:

«Шундай қилиб, ўғлим, Исо Масиҳдаги иноятда кучли бўлгин» (2Тим.2:1).

Олдинга ёриб ўтиш ва журъасизликни енгиш учун бизлар кучли бўлишимиз керак. Повул Коринф жамоатини огоҳлантиргани каби: «Хушёр бўлинглар, имонда мустаҳкам туринглар, мард ва кучли бўлинглар» (1Кор.16:13). Дадил имонли қийин вазиятлардан қочмасдан у билан юзма-юз учрашади.

Худо Иешуа Нун ўғлини бир марта эмас, етти марта дадил бўлишга руҳлантирди:

«Фақатгина мустаҳкам ва жуда мард бўлгин ҳамда Менинг қулим Мусо сенга амр қилган бор қонунни астойдил сақлагин ва бажаргин; ундан ўннга ҳам, чапга ҳам чекинмагин, токи барча ишларингда доно ҳаракат қила олгин»(Иешуа Нун ўғли 1:7).

Қаранг, Худо кучли ва мард бўлиш кераклигини айтмоқда. Нима учун? Урушда энгиш ва буюк қахрамон бўлиш учунми? Йўқ. Раббийнинг сўзига амал қилиш учун. Бу учун Иешуа Нун ўғлига қахрамон бўлиш ва ҳатто урушда ғалаба қозониш керак эди! Журъатсизлик бизларни Раббийнинг сўзига ва иродасига итоаткор бўлиш учун керакли бўлган озодликдан маҳрум қилишга ҳаракат қилади. Шунинг учун бизлар тўғри эканлигини билган нарсамиздан ҳатто беихтиёр кечмаслигимиз учун ҳамма вақт кучли ва мард бўлишимиз лозим.

Келинг, «мардлик» сўзига изоҳ берамиз. Бизларга қийинчилик, хавф туғдирадиган, оғриқ келтирадиган вазият билан очиқ учрашишга, уни ҳал қилишга тайёрлик муносабати ёки жавоби. Бизлар тўкнашувдан қочиш ўрнига шундай қиламиз.

Энди мардликнинг акси нима эканлигини кўриб чиқамиз. Албатта, сиз бирдан бу кўрқув ва заифлик деб тахмин қиларсиз. Қайсидир даражада бу тўғри. Лекин «довдираш» деган сўзни олиш маъқулроқдир. (Инглиз тилида «courage» (мардлик) ва «discouragement» (довдираш) тўғридан –тўғри антоним ҳисобланади. – Таржимоннинг изоҳи). Худо Иешуа Нун ўғлига ва бизларга кучли ҳамда дадил бўлишни ва юракларимизга ҳафсаласи пирлик ва руҳий тушқунликни йўлатмасликни буюрди!

Келинг, «довдираш» сўзига изоҳ берамиз.

Дадилликдан маҳрум қилиш; ишончини заифлаштириш,

умидини ўғирлаш; тушкунлик ҳолатига келтириш.

Йезабел кўрқитганида Илёс нақадар ҳафсаласи пирликка енгилгани ёдингиздами? У чекиниб, қочиб кетди. У шундай довираб қолган эдики, унга берилган ҳокимият ўрнидан чиқиб қолди. Бизлар ҳафсаласи пирликка душман сифатида қарашимиз лозим. Бизлар унинг кучини менсимаймиз ва бу бизларни Худонинг баланд даъватидан тутиб қолади. Агар Худо Иешуа Нун ўғлига етти марта дадил ва мард бўлиши лозимлигини айтган бўлса, бизлар ҳам бунга эътибор беришимиз мақсадга мувофиқдир.

Ҳафсаласи пирлик – бу қотилдир! Агар унга қарши турмасак, у бизларни чекинишга мажбур қилади. «Ҳақ одам имони билан яшайди. Агар кимдир орқага чекинса, Менинг жоним ундан рози бўлмайди» (Ибр.10:38).

Шуни англашимиз муҳимки, Худо бизнинг кўрқоклигимиздан роҳатланмайди. Бизларга айтилган:

«Ғолиб келадиган ҳамма нарсани мерос қилиб олади. Мен унинг Худоси бўламан ва у Менинг ўғлим бўлади. Аммо кўрқоқлар, имонсизлар, жирканчлар, қотиллар, зинокорлар, сеҳргарлар, бутпарастлар ва барча ёлғончиларнинг қисмати олтингузурт ва олов билан ёнаётган кўлдадир. Бу иккинчи ўлимдир» (Ваҳ. 21:7-8).

«Кўрқок» дегани «оғрик ёки хавф қаршисида уятли кўркувни намоиш қилувчи» одамни билдиради. Худо кўрқокларни қотиллар ва зинокорлар билан бир қаторда кўйиши хушёр торттирмаяптими? Лекин бизлар кўрқоқона хулқ- атвор шунчаки заифлик деб ишонтириб, ўзимизни кечирамиз.

Йўқ, кўрқоклик имонсизликдан келиб чиқади. Имонсизлик учун эса Исроил халқи ҳаётлари билан бадал тўлаган эдилар ва улар ваъда қилинган ерга кира олмадилар:

«Шундай қилиб, биз кўраяпмизки, улар имонсизлик туфайли кира олмадилар» (Ибр.3:19).

Бугунги кунларда ҳам айнан шу нарса содир бўлмоқда. Кўрқоқлар ғалаба қозонмайдилар. Улар ваъда қилинган нарсани қўлга киритмайдилар. Раббий бизларга ҳаворий Повул орқали катъий насиҳат қилади:

«Фақат Масиҳнинг Хушхабарига муносиб равишда ҳаёт кечиринглар. Токи мен келиб сизларни кўрсам ҳам ёки келмасам ҳам, сизларнинг бир руҳда турганингизни ва яқдиллик билан Хушхабарнинг имони учун курашаётганингизни эшитайин. Ҳеч нарсада душманларингиздан қўрқманглар. Бу улар учун ҳалокат, аммо сизлар учун нажот аломатидир, бу эса Худодандир» (Фил.1:27-28).

Бардам туринг ва рақибларингиз сизни кўрқитишига йўл қўйманг. Дадил, кучли ва мард, қаршилиқдан қочувчи эмас, балки у билан юзма-юз келиб, уни ҳал қилишга тайёр бўлинг! Кейинги оятда Повул давом этмоқда: «Чунки сизларга Масиҳ ҳақи Унга ишонишгина эмас, балки У учун азоб чекиш ҳам берилган» (Фил.1:29).

Бизлар чидашимиз лозим бўлган бу азоблар нима? Бу саволга Петъор жавоб бермоқда:

«Шундай қилиб, Масиҳ биз учун Ўз танаси билан азоб чекканидек, сизлар ҳам худди шу фикр билан қуролланинглар. Чунки танаси билан азоб чекаётган одам гуноҳ қилишдан тўхтайтиди, токи бу танада қолган вақтида инсоний ҳирслар бўйича эмас, балки Худонинг иродаси бўйича кун кечирсин» (1 Пет.4:1-2).

Бизнинг танамиз ёки бошқа одамларнинг таъсири бизларни бир йўналишда кетишга мажбур қилаётган бир вақтда Худонинг

иродаси умуман бошқа йўлни танлаш бўлганида бизлар азоб чекамиз. Бизлар Раббийнинг сўзига риоя қила олишимиз учун бизларга кучли ва дадил бўлиш амр қилинган.

Петъор бизларнинг шундай фикр билан куролланишимиз лозимлигини айтмоқда. Азоблар учун куролланмаган ва тайёрланмаган масиҳий - бу жанг майдонидаги куролсиз аскар кабидир. Уни ёки ўлдирадилар, ёки ҳибсга оладилар. Азоб тортишни истамайдиган масиҳийлар - осонгина инсоний кўркув камоқхонасига- журъатсизликка тушиб қолишлари мумкин.

Бизлар баланд даъватга интилиш йўлида қаршиликка дуч келишимизни кутишимиз керак. Аммо Повул комил ишонч билан демоқда: «Раббий мени ҳар қандай ёвуз ишдан халос қилади ва Ўзининг Самовий Подшоҳлиги учун сақлайди. Унга абадул -абад шон-шуҳрат бўлсин! Омин»(2 Тим. 4:18). Худо барибир бизларни Ўз шуҳратига олиб келади. Ҳаллилуя!

Муқаддас Ёзувдан қуйидаги насиҳатни диққат билан ўқинг. Буни илгари умуман кўрмаган каби ўқинг. Тўхтаг ва ҳар бир сўз устидан батафсил ўйланг. Муқаддас Рух бу сўзларни қалбингизда алангалатишига имкон беринг:

«Агар Худо биз(мен) томонда бўлса, ким бизга(менга) қарши?» (Рим. 8:31).

«Ким бизни Масиҳнинг севгисидан ажратар экан: қайғуми ё тангликми, ё қувғинми, ё очликми, ё яланғочликми, ё хавф-хатарми ёки қилличми? Аммо бизни Севган орқали буларнинг ҳаммасидан биз голибдан кўра устунроқмиз» (Рим. 8:35,37).

«Фарзандларим! Сизлар Худодансизлар ва уларни енгдинсизлар. Чунки ичингизда Бўлган бу дунёда бўлгандан устундир» (1Юҳ .4:4).

Юрагингизни пок тутинг ва Худонинг фарзанди ҳамда Худонинг хизматкори сифатида ўз ҳокимият ўрнингизда

туринг. Шунда сиз дадил айтишингиз лозим: «Раббий менинг ёрдамчим, мен кўркмайман. Менга одам нима қила олади?»

ХОТИМА

Охирида, мен сизларни даъват қиламан: олдинги мағлубиятларингиз сизларни тутиб турмасин. Ўз келажагингиз ҳақида ўтмишингизга қараб баҳо берманг. Агар шундай қилсангиз, сиз ҳеч қачон бу ўтмишдан чиқа олмайсиз! Сиз қанча кўп йиғилганингизнинг аҳамияти йўқ. Абадий умид бор: Худо кўрқокларни қаҳрамонларга айлантириш бўйича мутахассисдир! Ҳаллилуя! Унинг кучи заифликда амалга ошади.

Мисол тариқасида, Петъорнинг биродари Андрейнинг ҳаётига назар ташланг. Раббий Исо ҳибсга олинган кечада, «ҳамма шогирдлар Уни ташлаб қочишди» (Мт. 26:56). Фақатгина Петъор кўркқан эмас, ўз ҳаётини сақлаб қолишга интилиб, Андрей ҳам қочиб кетди. Лекин кўрқокликнинг биргина намойиши Андрей худди шундай кўрқок бўлиб қолишини билдирмас эди.

Раббий Исо тирилганидан сўнг Андрей Эфиопияда воизлик қилар эди. Эфиопия ҳам Рим ҳокимияти остида эди. Мана бу-Раббий Исони шарафлаган тарихий воқеалар ҳақида хикоя: Андрей батафсил воизлик қилиб кўпларни Масихга имонга келтирганидан сўнг, губернатор Агей Рим сенатидан барча масихийларни Рим бутларига қурбонлик келтириш ва сажда қилишга мажбурлаш учун рухсат олади. Андрей Агейга қарши чиқишга қарор қилади ва унинг олдига боради. У: «Одамларнинг судьяси аввало самовий Судьяга сажда қилиши лозим», - дейди. Андрей яна: «Ҳақиқий Худога сажда қилиш онгдан ҳар қандай ёлғон худоларни ва кўр бутларни қувади», - дейди.

Андрейдан ғазабланиб, Агей билишни буюрди: Бу бироз муддат илгари маъжусийлар бутхонасида тўс-тўполон қилиб, одамларни римликлар томонидан қонунга хилоф деб эълон

қилинган масихийликка, «хурофий оқим»га киришга даъват қилган одам эмасми?

Андрей: «Римнинг ҳукмдорлари ҳақиқатни тушунмадилар, -деб жавоб беради,- Одамларга яхши бўлиши учун ерга келган Худонинг Ўғли – Рим худоларининг золим, одамларни Худони ҳақорат қилишга, Худони эса одамлардан юз ўгиришга мажбур қиладиган одамзод душмани эканлигини таълим берган». Андрей яна: «Одам шайтонга хизмат қилиб ҳар хил бетавфиқликка тушиб қолади, шунинг учун ўлади ва унинг ёвуз ишларидан бошқа ҳеч нарса қолмайди», -дейди.

Проконсул Андрейга бошқа бундай воизлик қилмасликни буюради, акс ҳолда, уни хочга михлашини айтиб таҳдид қилади. Шунда Андрей шундай жавоб беради: «Агар мен хочдан кўрққанимда эди, хочнинг шарафи ва шуҳратини воизлик қилмас эдим». Уни янги оқим таълимоти ва Рим худолари динини паст уриш айблови билан хочга михлашга ҳукм қилишади.

Хочга михлаш жойига бораётиб ва олдидаги хочни кўриб, Андрей ҳатто юз қиёфасини ўзгартирмайди. У ўз нуткида ҳам енгилмайди. Унинг танаси заифлашар, лекин кўп ўлаётганларда бўладиганидек, онги уни тарк этмайди. У дейди:

«О хоч, мен истаган ва узоқ кутган хоч! Онгимда тайёрлик, қувонч ва ўз хоҳишим билан мен сенга бораяпман. Мен шу ерда қачонлардир осилиб Турганнинг шогирдиман ва доимо сени хурмат қилувчи эдим. Энди эса ўзимни сенинг бағринга топшираман».

Бу энди умуман Раббий Исони ҳибсга олаётганларида жонини асраб қолиш учун қочган одам эмас эди. У ўзгарган эди.

Умуман олганда, ўшанда қочиб кетган барча шогирдлар, кейинчалик Исо Масих ҳақида гувоҳлик берганлари учун ўлдирилдилар. Улар қочган нарса билан қайта учрашиш имтиёзини Худо уларга берди. Журъатсизлик ва кўрқоқлик кучи

синдирилди ва улар ўз жонларини қурбон қилдилар!

«Сизларнинг ичингизда яхши ишни бошлаган Худо бунни Исо Масиҳнинг кунигача амалга ошириши» билан сиз юпанишингиз керак (Фил.1:6).

Масиҳнинг илк шогирдларининг ҳаётлари ҳақидаги гувоҳликлар – Худо бизнинг мағлубиятларимизни қандай қилиб ғалабага айлантиришининг намунаси! Чекинманг, аксинча, сизни Севганга ва сиз учун жонини Берганга таянишга журъат қилинг.

Келинг, бирга ибодат қиламиз:

Ота, Исо Масиҳ номи билан Сендан ўтинаман: Мени Ўз севгинг ва донолигинг билан қувватлагин. Қийинчиликлар вақтида ўз қулайлигим ва хавфсизлигим учун чекинганим учун мени кечиргин. Раббий Исо, бугун мен ўзимдан кечишга, хочимни олишга ва Сенга эргашишга қарор қиламан. Мен Сенинг хизматкорингман, мен Сенинг сўзингни эълон қилиш ва Сенинг иродангни жасорат ва севги билан бажариш қобилиятини берувчи иноятингни қабул қиламан.

Энди эса қўркув ва назорат руҳига муурожаат қилинг:

Мен ўзим ва бошқа одамлар томонидан менинг ҳаётимга нисбатан айтилган қўрқитиш ва назорат сўзларини барбод қиламан. Ўз ҳаётимда одамлардан қўрқиш занжирларини барбод қиламан. Сизлар, зулматнинг нопок руҳлари, мен ўзимни Худого бўйсундираман ва сизларга қарши тураман. Мен сизларга ўз ҳаётимда ўрин бермайман, шунинг учун кетинглар! Исо Масиҳ номи билан. Омин.

«Сизларни йиқилишдан сақлаб қолишга, Ўзининг шуҳратининг ҳузурида бенуқсон ва шод-хуррам қилиб қўйишга қодир бўлган яккаю-ягона, доно Нажоткоримиз Худога Исо Масиҳ орқали азалдан, ҳозир ва абадул -абад шон-шуҳрат, улуғворлик, салтанат ва ҳокимият бўлсин! Омин».

(Яхудо 24,25)

ЖОН БИВЕР

Шайтоннинг хўраги

Шайтоннинг хўраги

Душманнинг ўлдирадиган тузоғидан қочиш керак! “Шайтоннинг хўраги” шайтон имондиларни Худонинг иродасидан тортиб олиб чиқиш учун фойдаланадиган энг алдовчи илмоқларидан бирини очиб беради. Шайтоннинг тузоғига тушиб қолган одамларнинг кўпчилиги, ҳаттоки, бунга англаб етмайдилар.

Алданманглар! Сиз хафагарчилик билан тўқнашасиз ва у Сизнинг Худо билан муносабатларингизга қандай таъсир қилиши фақатгина Сизга боғлиқ. Сизнинг жавобингиз келажакингизни белгилайди. Агар сиз хафагарчиликни тўғри ҳал қилсангиз, Сиз жаҳлдор эмас, кучли бўласиз.

Сиз бу китобда мана бунга ўхшаш қийин саволларга жавоб топасиз:

- Нима учун мен воқеанинг “менга тегишли томонини” айтиб беришга мажбурман?
- Шубҳа ва ишончсизлик ҳақидаги фикрлар билан мен қандай кураша оламан?
- Ўтмишдаги хафагарчиликни қайта ва қайта эслашни бас қилиш учун мен нима қилишим мумкин?
- Кимдир мени жуда ҳам хафа қилганидан сўнг, қандай қилиб ишончни қайта тиклашим мумкин?

Бу китоб Сизга душман Сизни туширишга ҳаракат қилаётган хафагарчилик тузоқларидан қочишингизга ёрдам беради, шунингдек, хафагарчиликдан озод бўлиш учун куч беради ва Худо билан тўсиқларсиз муносабатларга эга бўлишингизга имкон беради.

МУҚАДДАС РУХ

КИРИШ

ЖОН БИВЕР

ЖОН БИВЕР КАЛАМ НАМОЎНИСЛА

Муқаддас Рух

СИЗ У ҲАҚИДА БИЛАСИЗ – БИРОҚ УНИ БИЛАСИЗМИ?

Афсуски, Муқаддас Рухни кўпинча нотўғри тушунишди ва шу билан, кўплаб одамларни Унинг Кимлиги ва У бизга Ўзини қандай намоён қилиши ҳақидаги билимларсиз қолдирадилар. Муқаддас Рух, кўпинча, нимадир “ғалати” нарса сифатида тасвирланади. Бироқ Муқаддас Китоб аниқ қилиб айтмоқдаки, Муқаддас Рух – бу нимадир эмас. У Кимдир, У *Шахс* ва бизни ҳеч қачон тарқ этмасликни ваъда берган. Мазкур интерактив китобда Жон Бивер Сизни жамоатдаги энг эътиборсиз қолдириладиган ва тушунарсиз Шахс – Муқаддас Рухни шахсан кашф қилишга таклиф қилади.

Сайтдаги қўшимча манбалар:
www.CloudLibrary.org



Кўпроғини истайсизми?
Сканер қилинг

Йўқ деб айтиш сизга қийинми?

Қарама-қаршилиқлардан кўркасимми?

Жанжалдан қочиш учун ўзаро муроасага келасимми?

Қарор қабул қила туриб, бошқаларга ёқишга ҳаракат қиласимми?

Сизнинг ҳаётингиз атрофингиздагилар томонидан бошқариладими?

Агар сиз бу саволлардан бирортасига “ха” деб жавоб берган бўлсангиз, унда бу китоб сиз учундир. У журъатсизликни фош қилади, унинг даҳшатли тутиб туришини парчалаб ташлайди ва Худонинг инъомларини қандай озод қилишни ҳамда ҳаётингизда Унинг ҳокимиятини қандай мустаҳкам ўрнатишни сизга кўрсатади. Ушбу тузоқдан озодликка чиқиш ва журъатсизликнинг хосиллари: тушкунлик, умидсизлик, саросимага тушишни енгил вақти келди. Қўрқувга сизни ушлаб туришига йўл қўйманг.



Жон Бивер ўзининг дадиллиги ва иштиёқи билан маълум бўлган Жон Бивер “Ғайриоддий ҳаёт”, “Шайтоннинг хўрағи”, “Худоба яқинлашиб”, “Сарвари Коинотнинг паноҳи остида”, “Абадийлик томонидан ҳаракатлантириладиганлар” каби оммабоп китобларнинг муаллифидир. Унинг китоблари 60дан ортиқ тилларга таржима қилинган, унинг кундалик “Хабарчи” телекўрсатуви бутун дунёга олиб кўрсатилади. Жон – конференцияларда ва жамоатларда машҳур нотиқдир, унинг хизмати Худонинг қондаларини тушунмоқчи ва амалга оширмоқчи бўлганлар учун ҳаётни ўзгартирувчи манбаларни тақдим этади. Жон Колорадо-Спрингда хотини шунингдек, нотиқ ва оммабоп китобларнинг муаллифи Лиза, уларнинг тўрт нафар ўғиллари, келини ва набиралари билан яшамоқда.

Қўшимча манбаларни сиз қуйидаги сайтда топасиз: www.CloudLibrary.org

Кўпрогини исתיқамми?
Скинер қилиш



teach reach rescue
Messenger International
MessengerInternational.org

Ин китоб тўхфа аз чоғиби муаллиф буда,
барои фуруҳтан пешбини напуздааст

